

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛАТ

(СИЁСИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

Мазкур китоб республикамизда жуда кам ўрганилган глобаллашув жараёни ва унинг миллий маънавиятга ўтказаетган салбий таъсири мавзусига бағишланган бўлиб, унда глобаллашувнинг сиёсий-фалсафий таҳлили, «миллат» тushunchasi, унинг такомиллашувига айна пайтда глобаллашув жараёнининг таъсири, миллат ёшлари онги ва қалбига «оммавий маданият»ни сингдиришга бўлаётган урунишларнинг авж олаётганлиги ҳамда уларнинг олдини олиш зарурияти ва имкониятлари каби жуда долзарб масалаларни очиб беришга бағишланган.

Китоб олий ўқув юртлари, коллеж, лицей талабалари ва ўрта мактабларда таълим олаётган юқори синф ўқувчилари ҳамда ушбу мавзуга қизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Тақризчилар:

А. Қ. ҚОДИРОВ,

фалсафа фанлари доктори, профессор

А. С. ОЧИЛДИЕВ,

фалсафа фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-08-265-6

© «Глобаллашув ва миллат». «Янги аср авлоди», 2008 йил

МУҚАДДИМА

«Миллионлаб ва миллионлаб фуқаролар ўзларининг шахсий тажрибаларидан шунга амин бўлмоқдаларки, глобаллашув тақдирнинг мукофоти эмас, балки уларнинг моддий фаровонлигини ёки одатга айланиб қолган турмуш тарзини барбод қилувчи кучдир»

(БМТнинг собиқ бош секретари Кофе Анан)

XX асрнинг охири ва XXI аср бошларига келиб миллий тараққиётда ўзига хос янги хусусиятлар вужудга келди. Кўпгина мамлакатларда яшаётган миллатлар ва халқлар ўз мустақиллигини қўлга киритдилар ҳамда ўзлари танлаган тараққиёт йўлидан бормоқдалар. Айни пайтда миллатларнинг ўзлигини англашга, миллий-маънавий меросларини, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини қайта тиклашга бўлган интилишлари кучайиб бормоқда. Кўпгина мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий соҳаларда катта ютуқларга эришдилар. Бунинг натижаси ўлароқ, уларда жаҳон тараққиётида етакчилик қилишга бўлган интилиш ҳам кучайиб бормоқда. Бу жараёнда мавжуд бўлган моддий, маънавий имкониятлар, энг замонавий оммавий информацион воситалар – компьютер, интернет, уяли телефон ва бошқа замонавий техника воситалари қўл келмоқда. Ташқаридан қараганда ана шу воситалар бутун инсоният турмуш-тарзининг ривожланиши айниқса, энди тараққиёт йўлига кирган мамлакатлар ва халқларнинг моддий шароитини яхшилашга, умумжаҳон демократик қадриятлар тизимига кириб боришга ва уларнинг маънавий-маърифий даражаларининг ўсиб боришига ўзининг ижобий таъсирини ўтказаетгандай кўринмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ана шу замонавий оммавий информацион воситалар ҳамда у ёрдамида курраи заминнинг энг узоқ жойларида фан, техника ва технология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар бир зумда оммавийлашиб бормоқда. Бунинг натижасида иқтисодий ҳаётнинг ўсиши ва табиий интеграллашув жараёни ҳам содир бўлмоқда.

Шунинг билан бирга бу жараёнда камида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки ҳолат кўзга ташланмоқда: **биринчидан**, тарақ-

қий этган мамлакатлар ўзларининг катта имкониятлари ва улкан интеллектуал салоҳиятлари билан фан, техника, технологиянинг энг замонавий турларини яратмоқдалар ва уларни энди тараққиёт йўлига кираётган ёки кам тараққий қилган мамлакатлар ҳаётининг барча соҳаларига жорий қилишга ҳаракат қилмоқдалар ҳамда бунга эришмоқдалар; **иккинчидан**, энди тараққиёт йўлига кирган ёки секин ривожланаётган мамлакатлар ана шу замонавий ютуқларни ўзлаштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Аслида бу табиий жараён ҳисобланади. Лекин худди ана шундай жараёнда тараққий қилган мамлакатлар ва халқларнинг ҳам бундай имкониятлари бўлмаган мамлакат халқлари устидан нафақат иқтисодий балки маънавий ҳукмронлигининг юзага келиши содир бўлмоқда. Ана шу фан, техника ва технология соҳасидаги ютуқларни ўз ҳаётларига жорий қилишга интилишларининг кучаяётганлиги оқибатида бундай имкониятларга салоҳияти етмаётган мамлакатлар халқлари онгида тайёрга айёр руҳиятининг шаклланиши ҳамда бу ўз навбатида интеллектуал қарамликнинг вужудга келиши хавфини юзага келтираётганлигини кузатиш мумкин.

Аслида, муаммонинг илдизи глобаллашув жараёнида эмас, балки унинг таъсирида содир бўлаётган барча салбий оқибатларга нисбатан энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар халқларининг айниқса, ёшлар томонидан уларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга бўлган мойилликнинг кучайиб бораётганлигидир.

Миллий ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар учун бунинг энг хатарли томони шундаки, тараққий этган мамлакатларга ана шу техника, фан ва технология ютуқлари билан бир қаторда табиийки, уларнинг ахлоқий ва маънавий қадриятлари ҳам кириб келмоқда. Бунинг натижасида миллий дунёқараш ва миллий қадриятларга муносабат масаласи ҳам ўзгариб бормоқда. Ана шу жараённинг олди олинмас экан, истиқболда миллий-маънавий тараққиёт хавф остида қолиши мумкинлиги ва уларнинг оқибатида миллатлар тақдири таназзулга юз тутиши мумкинлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Табиийки, глобаллашув билан миллат тақдирининг нечоғли алоқаси бор, деган ҳақли савол туғилади. Муаммо шундаки, бугун унинг воситалари бўлган фан, техника, технологиялар ижтимоий, миллий, маънавий-маърифий соҳаларда содир бўлган энг сўнгги ютуқлар, ўзгаришларни бутунжаҳон халқлари онги, қалби ва амалий ҳаётига сингдиришда, уларнинг дунёқарашини бир қолипга солишда ягона «оммавий маданият», ахлоқ ва турмуш тарзини шакллантиришда айниқса ёшларнинг миллий-маънавий заифлашувида ана шу оммавий информация воситалари – компьютер, интернет ва уяли телефонлар кабилар катта роль ўйнамоқда. Республикамиз Президенти Ислом

Каримов таъкидлаганидек: «... узоқни кўзлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва ғаразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан катта куч ва маблағ сарфлаётган ҳаракатлар ва бу каби хавф-хатарлар бизга қандай зарарли оқибатлар олиб келишидан огоҳ бўлишимиз даркор».¹

Бугун ана шу воситалар халқлар ва миллатларнинг маънавий ҳаётида «умумийлашуви», «йириклашуви», «ягоналик» томон ривожлантириш вазифасини бажармоқда. Миллатлар миллий-маънавий ҳаётнинг глобаллашувини ўзида ифода эттираётган «умумлашув», «йириклашув» субъектив омилларнинг ўтказётган таъсири остида кечмоқда. Улар истиқболда «майда» миллатларнинг йирик миллатларга «ассимиляция»лаштириши (қўшилиб кетиши) миллатимиз ёшлари онги ва қалбига оммавий маданиятни сингдириш хавфини кучайтирмоқда. Аслида ер куррасида яшаётган сон жиҳатдан камчиликни ташкил қиладиган кичгина миллатларнинг йирик миллатларга қўшилиб кетиши инсоният учун катта маънавий йўқотиш ҳисобланади. Чунки олам гўзаллигининг, унинг жозибасининг бир қиррасини миллиард турли-туманлигида барқ уриб турадиган ўзига хослик ташкил қилади. Ана шу турли-туманлик инсонларда қизиқиш уйғотади, ҳаётда интилиш билан яшаш, маънавий бойиб бориш руҳиятининг ривожланиб бориши учун манба бўлиб хизмат қилади.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, миллатни глобаллашувнинг ўтказётган салбий таъсиридан асраш, уни умуминсоний қадриятларнинг бири сифатида ривожлантириш умумбашарий вазифага айланмоқда. Уни ҳал этишнинг имкониятларини излаб топиш ва механизмларини ишлаб чиқиш олимлар ва мутахассислар олдида турган долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ана шундай шароитда ўтган йиллар давомида миллий-маънавий тикланиш борасида амалга оширилган ишлар салмоғи катта бўлганлиги ва йўналишда катта ютуқлар қўлга киритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Аммо бу маънавий ҳаётимизга глобаллашувнинг таъсири йўқ, деган хулосани бермайди.

Бугунги шароитда глобаллашувнинг кучли босимини сезмоқдамиз. У халқимиз айниқса, ёшларимиз онг ва қалбини миллатимизнинг ўзига хослиги ва менталитетига ёт ғояларни сингдиришда катта омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур китоб худди ана шу жараённинг намоён бўлиш хусусиятлари, уларнинг олдини олиш омиллари, имкониятлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш эҳтиёжининг ошиб бориши борасида илгари суриладиган ғоялар ва мулоҳазаларни ўз ичига олган.

БИРИНЧИ БОБ

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА «МИЛЛАТ» МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Бугун глобаллашув ўз таъсирини ўтказмаган биронта соҳа қолмади, десак тўғри бўлади. Дастлаб у мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида акс этган бўлса, ҳозирга келиб сиёсат, ахлоқ, миллий-маънавий ҳаёт, инсонларнинг кундалик турмуш кечиришигача бўлган барча жараёнларни ўзига қамраб олди. Шу ўринда унинг мамлакатлар ва халқлар турмуш тарзининг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлганлигини ҳам эътироф этиш ўринлидир.

Аммо глобаллашувнинг иқтисодиётга ўтказаятган таъсири воқитасида миллатларнинг ўзига хослиги уларни бир қолипга солишга ўтказаятган таъсири истиқболда миллатнинг барбод бўлишига қаратилган хавфни юзага келтираётганлигини, унинг иқтисодий ривожланиш жараёнида кўрилаятган манфаатлар солиштириб кўрилганда, бугун инсоният, миллат ва халқлар бой бераётган имкониятлари юкидан минг чандон катта эканлигини кўриш мумкин. Чунки иқтисодиётда мавжуд бўладиган ҳар қандай муаммони бугун бўлмаса эртага албатта ҳал қилиш мумкин. Аммо миллат ўзлигини йўқотса бу йўқотишнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Айниқса, унинг иқтисодий тараққиётдан келаятган манфаатлар эвазига ўзлигидан маҳрум бўлиш жараёни хатарли тус олмақда. Бундан келиб чиқадиган муаммо шундаки, инсониятнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган интеллектуал салоҳияти турли мамлакатларда яшаятган миллат, элат ва халқларнинг иқтисодий ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилиши ва бунинг эвазига уларда миллатга хос фазилатларнинг йўқолиб кетишига эътибор бермаслик керакми ёки миллатларнинг ўзлигини таъминлаш орқали иқтисодий баркамолликка эришишда фойдаланиш керакми? Агар иккинчи йўл танланадиган бўлса, глобаллашув жараёнидан манфаатдор бўлган юксак тараққиётга эришган мамлакатлар ва кучлар унинг амалга оширилуви учун имконият қолдиришни хоҳламайдилар. Бу аксиома! Унда нима қилиш мумкин?

Демак, бундан бошқа учинчи йўлни қидириб топиш зарурияти келиб чиқмақда. Бу иқтисодиётнинг глобаллашувидан самарали

фойдаланган ҳолда, унинг миллий ўзликка ўтказадиган салбий таъсиридан миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни «хиралаштириш», истиқболда уларни барбод қилишга хизмат қилаётган имкониятларини «қирқишга» ёрдам берувчи ҳар бир миллатнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қаратилган миллий-маънавий салоҳиятни шакллантириш эканлиги яққол намоён бўлади. Аммо, бу осон кечадиган жараён эмас. У бир томондан бу жараёндан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан ўзига хосликдан маҳрум бўлишдек хатарли кучга тўғри келмоқда. Чунки глобаллашув ва «миллат» муносабатлари ўта мураккаб кечмоқда. Мазкур бобда ана шу жараёнлар ҳақида фикр юритамиз.

Глобаллашув тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти

Инсониятнинг ақлий салоҳияти ўсиб боргани сари унинг эҳтиёжлари ҳам ошиб бормоқда. У бугун кечагига қараганда, эртага эса ундан-да кўпроқ яхши яшашга, моддий-маънавий баркамолликка эришишга ва фаровон ҳаёт кечиришга интилмоқда. Аслида, бу инсоният тараққиётининг мазмуни, унинг ҳаёт кечириш қонунияти ва фалсафаси ҳисобланади. Агар ана шу интилиш бўлмаганда инсонларнинг бошқа мавжудотлардан фарқи ҳам қолмаган бўлур эди.

Шундай экан, бундай интилиш ва ҳаракатларнинг қандай ёмон томони бор? Муаммо, ана шу интилишларда моддий манфаатдорликка бўлган интилиш билан маънавиятни унга мос равишда ривожлантиришга бўлган зарурият ўртасидаги мувозанатнинг йўқолиб боришида намоён бўлмоқда. Буни юксак даражада тараққий этган мамлакатлар ўзларининг улкан интеллектуал салоҳиятлари билан фан, техника ва технологиянинг энг замонавий турларини яратиб, улар воситасида минтақаларда мавжуд бўлган хом-ашё ресурсларини қўлга киритишнинг энг номақбул услубларидан фойдаланиб, ана шу минтақа халқларини аввало моддий жиҳатдан қарам қилиш ва айни пайтда ана шу омил воситасида уларни ўзига хос маънавиятини ҳам барбод қилиш, унинг ўрнига ўзларининг маданиятини оммавийлаштиришдек амалиёти намоён бўлаётганлигини кўриш мумкин.

Албатта, ана шу яратилаётган техника воситалари бир томондан бутун инсоният ақл-заковатининг меваси ва ер куррасида яшаётган барча халқлар манфаатларига хизмат қилмоқда, иккинчи томондан эса улардан фойдаланишдаги тенгсизлик, яъни унга эга бўлганларнинг бошқалар устидан ҳукмрон бўлишга интилишлари, миллатлар ўртасидаги муносабатларда ким моддий жиҳатдан ба-

қувват бўлса, бошқалар унга итоаткор ва бундайлар унинг маънавиятини қабул қилишга мажбур, деган тамойил амалиётининг юзага келаётганлиги, инсоният ақл-заковати юксак даражага кўтарилган шароитдаги маънавий қашшоқлашувнинг жирканч кўриниши сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараённинг юзага келиши ва авж олишига жаҳон миқёсида содир бўлишига глобаллашувнинг асосий омиллари бўлган фан, техника ва технология ютуқлари ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Унинг миллатлар, халқлар ва мамлакатлар ҳаётига ўтказаетган салбий таъсири бугуннинг ўзида кўпчилик миллат манфаатлари фидоийлари бўлган кишиларни ташвишга солмоқда. Улар ҳеч бўлмаганда инсонлар ва миллатларнинг «мен»лигини сақлаб қолишнинг имкониятларини излаб топиш долзарб муаммолардан бирига айланаётганлигини таъкидламоқдалар. Миллат, содда қилиб айтганда, кенг маънодаги маънавияти, тили, руҳияти ва менталитети бир хил бўлган инсонлар уюшмасидан иборат бўлган моддий борлиқ ҳисобланади. Айти пайтда у жаҳонда мавжуд бўлган гўзалликларнинг гултожи ва маънавий бойлигидир. Унинг «мен» лигидан маҳрум бўлиши охир оқибатда бутун инсониятнинг ман-қуртлашувига олиб келади. Истиқболда бу жараённинг олди олинмас экан, у инсоният ўз миллатини шакллантириши ва тараққиётни яна бошидан бошлашга мажбур бўладиган маънавий эҳтиёжни юзага келтиради, деганидир. Шунинг учун ҳам бу масала айниқса кейинги пайтга келиб миллатни ўз домига тортаётган глобаллашув туншунчаси ва жараёни ҳақида турли соҳаларда илмий тадқиқот олиб бораётган олимлар ва мутахассисларни қизиқтириб келмоқда.

Келинг, шу ўринда глобаллашувнинг келиб чиқиш жараёни хусусида сўз юритсак. Аслида, глобаллашув XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли даража ва кўринишларда мавжуд бўлган. Дастлаб у стихияли равишда кечган бўлса, маълум вақтдан кейин иқтисодий тараққий этирувчи омилга айланган. Унинг бу имкониятидан ҳамма манфаатдор бўлган ва бу жараённинг авж олиши XXI асрга кириб келиш даврига тўғри келмоқда. Бугун у иқтисодийнинг ривожланишига қанчалик ижобий таъсир ўтказаетганлигига қарамасдан, унинг миллатлар таназулига, айниқса, уларнинг истиқболи бўлган ёшларнинг ахлоқий жиҳатдан қашшоқлашувига ўтказаетган таъсири хатарли тус олмоқда. Бунинг олдини олиш ўта муҳим, керак бўлса, миллатларни абадийлаштириш учун планитар муаммо даражасига етиб келмоқда. Чунки маънавий қашшоқлашув, миллатнинг ўзligидан маҳрум бўлишига олиб келиши билан бирга, унинг ўзгаларга қарам бўлишига ҳам олиб келади. Миллат асоси ва таянчи бўлган унинг ёшларини маънавий қашшоқлашуви эса истиқболда мил-

латнинг «йўқ» бўлишига замин ҳозирлайди. Бу бутун инсониятнинг маънавий фожеаси ҳисобланади. Ҳар қандай инсон ўзлигини англаши унинг ўз миллати вакили эканлигини англаши, ундан ғурурланиши, унга дахлдорлигини ҳис этиб яшаши билан эътироф этилади. Бундай фазилатлардан маҳрум бўлган инсон том маънодаги инсон даражасига етиша олмайди. У моддий жиҳатдан баркамол бўлиши мумкин, аммо у ўзлигини тушуниб етмаган маънавий қашшоқ инсон даражасида қолиб кетади ва бунинг оқибатида ҳаётдан завқланиш, унинг гўзаллигидан баҳра олиш каби умуминсониятга хос бўлган туйғулардан маҳрум бўлган манқуртга айланади.

Глобаллашувнинг миллатнинг мустақил субъект сифатида сақланиб қолиш жараёнига ўтказётган салбий таъсири бугуннинг ўзида сезила бошлади. У миллий-маънавий қадриятларни ичидан ва ташқаридан емирмоқда ва шу йўл билан миллатни ўз домига тортмоқда. Бу жараённинг олдини олиш имкониятлари ва воситаларини излаб топиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш стратегияси ишлаб чиқиш барча фан йўналишидаги тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Шу вазифаларнинг асосини «Глобаллашув» тушунчаси ва унинг маъно-мазмунини тушуниб етиш, миллий маънавиятга ўтказадиган таъсирининг имкониятларини аниқлаш ташкил қилади, десак нотўғри бўлмайди.

Глобаллашув атамаси дастлаб XX асрнинг 80-йиллари бошларида иқтисодий соҳада содир бўлган ўзгаришларни юзага келтирган омил сифатида америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йилда «Гарвард бизнес ревью» журналида эълон қилган мақоласида қўлланилган эди. Уни ўрганиш жараёни эса Роланд Робертсон томонидан 1985 йили унинг жаҳонни ягона бир бутун қилиш мақсадига қаратилган объектив жараёнларнинг мажмуаси сифатида аниқланган даврдан бошланган.¹ Бу тушунчага ана шу пайдан бошлаб то ҳозиргача турлича қарашлар давом этиб келмоқда. Аксарият кўпчилик илмий тадқиқотларда глобаллашувни лотин тилидаги *globus* – шар, француз тилидаги *global* – умумбашарий сўзлари билан таърифлайдилар. Республикамиз олимлари ҳамкорлигида нашр этилган «Фалсафа – қомусий луғати»да «Глобал (умумбашарий) муаммолари» тушунчаси берилган. Унда бу тушунча (Французча *global* – энг умумий) ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган муаммо эканлиги таъкидланади. Шунингдек, мазкур луғатда глобал муаммолар кенг маънода инсон ва табиат ўртасида ўзаро алоқаларнинг бузилганлигини англатади², деб кўрсатилади ҳамда бугун жаҳонда юзага келган глобал муаммоларнинг бир нечтаси мисол тариқасида келтирилади.

«Глобал» тушунчасини бугунги кунда жаҳон миқёсида юзага келган муаммоларга нисбатан қўллаганда бу таърифга қўшилиш мумкин. Аммо унда илгари сурилаётган глобаллашув атамаси хусусидаги «кенг маънода инсон ва табиат ўртасида ўзаро алоқаларнинг бузилганлигини англатади», деган фикр мунозарали масала ҳисобланади. Яна бу ердаги «кенг маънода» деган фикр унинг «кенглигини» англатмаётганилиги шундоққина кўриниб турибди. Кенг маънода қўлланилганида «глобал» нафақат инсон билан табиат, балки инсоннинг иқтисодиёт, сиёсат ва миллат омилларига муносабати, мамлакатлараро ва минтақалараро муносабатларида юзага келган муаммоларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Шу маънода «глобал» тушунчасига таъриф берилганда унга бугунги жаҳон миқёсида содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Албатта, миллий тилимизда шундай луғатнинг нашр қилиниши мустақиллик шароитида юзага келган имкониятларнинг амалга ошуви натижаси ҳисобланади. Шу маънода «глобал» тушунчасига берилган юқоридаги таъриф луғатнинг қийматига салбий таъсир ўтказмайди. Чунки унда «глобал» жараён сифатида эмас, балки фалсафий категория (тушунча) сифатида қаралган. Шунинг билан бирга «глобаллашув» тушунчасига унинг амалиётда намоён бўлиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда илмий таърифни ишлаб чиқиш зарурияти келиб чиқаётганини эътироф этишимиз керак.

Республикамизда «глобал» ва «глобаллашув» тушунчалари ва унинг жаҳон миқёсида турли соҳаларга ўтказаетган таъсирини талаба ёшларга тушунтириш борасида кейинги пайтда алоҳида эътибор берилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, «Академия» нашриёти томонидан 2005 йил Ўзбекистон республикаси олий таълим бакалавриат босқичи учун нашр қилинган «Миллий истиқлол ғояси» дарслигида алоҳида «Глобаллашув жараёнларида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши» мавзуси киритилган. Унда мазкур атамага «Глобаллашув – турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир»³, деган таъриф берилган. Бундан ташқари, француз тадқиқотчиси Б. Банди томонидан глобаллашув жараёнига берилган қуйидаги уч ўлчов келтирилган:

- 1) глобаллашув – муттасил давом этадиган тарихий жараён;
- 2) глобаллашув – жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;
- 3) глобаллашув – миллий чегараларнинг ювилиб кетиш жараёни.⁴

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган ҳар иккала таъриф-

да глобаллашув жараёнига хос бўлган хусусиятлар ўз ифодасини топган. Дарслик доирасида турли мунозаралар олиб бориш имконияти чекланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар иккала таъриф ҳам талабаларнинг бу жараён ҳақида тасаввурлари шаклланишига ёрдам бера олади.

Жаҳон олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда «Глобаллашув» тушунчасига турли таърифлар берилмоқда ва унга турли қарашлар ва муносабатларни билдириш давом этиб келмоқда. Лекин унинг ер куррасининг бир бутунлигини ифодалаш ва барча соҳаларнинг «ягоналигини» таъминлаш жараёни, омили сифатида қараш умумий қарашлардан устувор бўлиб келмоқда. Жумладан, рус олими И. Бурикова глобаллашувни жараён сифатида қарайди ва олимлар томонидан унга нисбатан қарашларни умумлаштириб, унинг учта асосий жиҳатини кўрсатади:

1. Билим жиҳатлари – глобаллашув жараёни ҳақида нималар маълумлиги.

2. Эмоционал – бу маълумотга қандай ёндошув зарурлиги.

3. Ахлоқий – нима қилиш керак эканлиги.⁵

Унинг таъкидлашича, Санкт-Петербург Университетининг сиёсий психология факультети психологлари глобаллашувни жаҳонда сиёсий ҳокимиятнинг янги шакли сифатида тушунадилар. Бу сиёсий ҳокимият янги шакллариининг инструментлари қуйидагилардир:

- информацион глобаллашув – информация соҳасидаги ўзгаришлар;
- иқтисодий глобаллашув – иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар;
- минтақавий глобаллашув – ҳудудлар ва чегаралар соҳасидаги ўзгаришлар;

- демографик глобаллашув – глобаллашувнинг асосий инструменти бўлиб, инсондаги барча асосий ўзгаришларни ўзига қамраб олувчи ўзгаришлардир.

Шунингдек, муаллиф уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил фикр юритган.⁶

Яна бир рус олими Л.Е. Гринининг фикрича, «Глобаллашув – минтақалар ва умуман жаҳоннинг интеграцияси ва яқинлашувининг натижасидир».⁷ У глобаллашувга жараён сифатида қарайди ва унга қуйидаги таърифни беради. «Глобаллашув – бу жараён, унинг натижасида дунё ўзининг барча субъектларига янада алоқадор ва яна ҳам боғлиқ бўлади»⁸.

Рус олимларидан яна бири профессор А.Г. Косиченко ҳам глобаллашувга жараён сифатида қарайди. У шундай ёзади: «Глобаллашув кўп ўлчамли жараён, у ўз таъсир доирасига турли усул ва воситалар билан барча соҳаларни қамраб олади». Айни пайтда унинг

фикрича, «иқтисодиётнинг ўзига хос ҳукмронлик таъсири бугун жаҳон ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўлмоқда».⁹ 2006 йилда «Глобаллашув» тушунчаси ва унинг турли соҳаларга ўтказаяётган таъсирини аниқлашга бағишланган жаҳоннинг етакчи олимлари ҳамкорлигида «Глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь» тайёрланиб эълон қилинди. Унда глобаллашув тушунчасига олимлар турлича таъриф берганлар ва унинг таъсир доирасини аниқлашга ҳаракат қилинган. Жумладан, америкалик олим Т.Фридман бу ҳақда шундай таъкидлайди: «Глобаллашув – бу «совуқ уруш тизимини» алмаштирган янги тизим»¹⁰. Келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, иқтисодиётда кечаётган глобаллашув жамият, мамлакат ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Шунинг билан бирга уни ўз даврида жаҳонни ларзага солган ва бутун инсониятга хавф туғдирган «совуқ уруш» билан тенглаштирган муаллифлар ҳам бор. Ҳақиқатдан ҳам, юқорида муаллифлар томонидан илгари суриляётган фикрларда глобаллашувнинг иқтисодиётга, сиёсатга ва жаҳон миқёсидаги жараёнларга ўтказаяётган таъсири кенг қамровли эканлиги кўрсатиб берилган. Айниқса унинг иқтисодиётга ўтказаяётган таъсирга асосий эътибор берилганлигини таъкидлаш лозим. Ҳақиқатан ҳам иқтисодиётдан манфаатдор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. У инсон ҳаёт кечиршининг моддий асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётдаги глобаллашув миллий маънавиятда ҳам ўз ифодасини топади. Афсуски, юқорида муаллифлар томонидан билдирилган фикрлардан кўриниб турибдики, глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказаяётган салбий таъсири эътибордан четда қолдирилган. Бу жараёнда иқтисодий глобаллашув миллий маънавиятнинг глобаллашувидида восита вазифасини бажаради. Ана шу муҳим жиҳат муаллифлар эътиборидан четда қолганлигини кўриш мумкин. Шунинг билан бирга Т. Фридманнинг глобаллашувнинг «совуқ уруш» сиёсати билан тенглаштирилганлиги замирида ҳам катта маъно бор. Ҳақиқатдан ҳам бугун у бутун инсоният, айниқса унинг олий қадриятларидан бири бўлган миллатлар тақдирига солаётган таҳдидини «совуқ уруш» сиёсатига тенглаштириш мумкин. Республикамизда ҳам тадқиқотчиларимиз томонидан глобаллашув жараёнини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ҳали бу масалага бағишланган фундаментал тадқиқотлар эълон қилинмаган бўлса ҳам бир қатор илмий жиҳатдан пишиқ бўлган мақолалар эълон қилинганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, «Глобаллашув зиддиятлари»,¹¹ «Адабиётида глобаллашув жараёни»,¹² «Халқаро глобаллашувнинг чуқурлашуви»¹³ ва бошқа мақолаларда унинг баъзи бир жиҳатларига тўла-

қонли таъриф келтирилади. Айтиш жоизки, мазкур мақолаларда ҳам «Глобаллашув» жараён сифатида талқин этилганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, глобаллашувни турли соҳаларда содир бўлаётган интеграциялашувнинг натижаси сифатида қарашлар устуворлик қилади. Бундай қараш мазмунини дунё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг табиий равишда мустақамланиб бориши ва уларнинг ўзаро интеграциялашуви натижаси сифатида, субъектив омиллар таъсири, яъни катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлатларнинг кам тараққий қилган мамлакатларнинг ресурсларини турли йўл ва воситалар билан қўлга киритиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирларнинг натижаси сифатида қарашлар ҳам мавжуд. Хуллас, глобаллашув тушунчаси ҳақидаги қарашлар турли-туманлигича давом этиб келмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки унинг макон ва замонда содир бўлиш хусусиятлари турлича бўлиб дунёнинг ўзгаришига ўтказаетган таъсирида ҳам янги-янги имкониятлари намоён бўлмоқда.

«Глобаллашув» тушунчасига муаллифлар томонидан юқорида илгари сурилаётган турли фикрларга қўшилиш мумкин. Чунки ҳар бир муаллиф унинг турли соҳаларига ўтказаетган таъсирини турлича тафаккур қилади ва уни турлича талқин этади. Боз устига глобаллашувнинг ўтказаетган таъсир доираси бепоён ва кенг қамровли ҳамдир. Шу маънода муаллифлар томонидан илгари сурилаётган фикрлар қанчалик турли-туман бўлса, унинг турли хусусиятлари ва инсоният, миллат, мамлакат, жаҳон миқёсида ўтказаетган таъсирини ўрганишнинг имкониятлари шунчалик кенгайиб боради. Аввало «глобаллашув» тушунчасига таъриф беришда, унга ҳақиқатан ҳам кенгроқ ва чуқурроқ ёндошмоқ керак бўлади. Жумладан, юқорида берилаётган таърифларнинг аксарият кўпчилигида «глобаллашув» тушунчасига яқин бўлган «интернационаллашув» (байналминаллашув) ва «интеграциялашув» тушунчалари ўртасидаги муносабатлар эътибордан четда қолиб келмоқда. Яъни нега «Глобаллашув» тушунча сифатида оммавийлашиб кетмоқда ёки «интернационаллашув» ва «интеграциялашув» тушунчалари унга нисбатан кам қўлланилмоқда деган саволга жавоб очиқ қолиб келмоқда.

Аслида, «Глобаллашув»нинг асл моҳияти ва унинг барча соҳаларга ўтказаетган таъсир доирасини билиш учун уни юқорида келтирилаётган иккала тушунча билан солиштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки улар ўртасида маълум ўхшашлик мавжуд. Айни пайтда улар ўз йўналиши, мақсади ва функциялари билан ўзаро фарқланади. Шунинг билан бирга уларнинг тушунча сифатида илмий истеъ-

молга кириш даврлари ўртасида ҳам фарқлар мавжуд. Айниқса, «интернационаллашув» собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида энг кўп қўлланиладиган тушунчага айланган эди. Уни миллатларнинг ўзаро қўшилиб кетишига олиб келадиган ижобий омил сифатида баҳолашдан тортиб, оила, турмуш, миллий маданиятларнинг ягона маданиятга айланишигача бўлган барча соҳаларда собиқ КПССнинг «интернационаллаштириш» борасида олиб борган зўравонлик сиёсатини аҳолидан яшириш мақсадида қўлланилиб келинар эди.

Лекин бу аслида интернационаллашув жараёни бўлмаган эди, деган гап эмас, балки бу ерда уни жирканч манфаат ва мақсадларни амалга ошириш йўлида қўлланилиб келинганлиги ҳақида сўз бормоқда.

Яна юқоридаги тушунчалар таҳлилига қайтиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун бир қатор олимлар глобаллашув жараён сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида амал қилган, деган фикрларни ҳам илгари сурмоқдалар. Ҳатто қадим дунё халқлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг юзага келиши ва ривожланиш жараёнларини «глобаллашув» билан боғлаш тўғрисидаги фикрлар ҳам учрайди. Жумладан, юқорида тилга олинган мақолада Муҳаммаджон Холбеков: «Мозийга қайтайлик. Милоддан олдинги IV асрда юнон саркардаси Александр Македонский бутун Осиёни қурол кучи билан забт қилиб, аслида ярим дунёни бирлаштирамоқчи, қудратли давлат барпо этмоқчи бўлган ва шу тариқа инсоният тарихида глобаллашув жараёнининг бошлаб берган. Ёки милоддан олдинги I асрда Рим императори Юлий Цезар ҳам худди шундай йўл тутиб, бутун Оврўпони ишғол қилган ва қудратли империя сарҳадларини кенгайтирган. Таъбир жоиз бўлса, инсоният тарихида зўравонлик билан бўлса-да, иккинчи глобаллашувга асос солган»,¹⁴ деб ёзади. Ўрта асрларда (IV–XIV), XIV–XVII, XVIII, XIX ва XX асрларда ҳам глобаллашув жараёнининг содир бўлганлигини кўрамиз. Инсоният тарихий тараққиёти босқичларида содир бўлган турли «бирлаштиришлар», «цивилизациялар», «маърифатчилик» ҳаракатлари глобаллашув жараёнини юзага келтирган.

Адолат юзасидан алоҳида таъкидлаш лозимки, муаллиф мақола-ни жуда қизиқарли тарзда аниқ фактлар асосида ёзган ва ушбу мақолага мунозара юритишга арзийдиган материал сифатида қараш нотўғри бўлмайди. Ана шундай мунозарага арзийдиган фикрлардан бири глобаллашувнинг эрампиздан аввалги IV асрда бошланганлиги ва адабиёт бугунгача бўлган даврда ўз бошидан глобаллашувни кечириш натижасида тараққий қилганлиги ҳақида илгари сури-лаётган фикрdir. Бу ерда бизни мунозарага тортаётган фикр гло-

баллашувнинг бошланган даври адабиётни маърифатнинг глобаллашуви таъсирида ривожланаётганлигидир.

Агар муаллифнинг фикрига қўшиладиган бўлсак, адабиёт, санъат ва халқларнинг бир-бирига табиий таъсир ўтказиш жараёнида ўзаро бойишни ўзида ифода эттирувчи байналминаллашувнинг ўрни қаерда қолади? Ёки бугун жаҳонда бир қатор юксак тараққий қилган мамлакатларнинг барча имкониятларини ишга солиб барча халқлар учун умумий бўлган оммавий маданиятни шакллантиришга бўлган ҳаракатларини ҳам ижобий баҳолаш керакми? Улар адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари, компьютер, интернет ва уяли телефон каби замонавий воситалар билан ёшлар онги ҳамда қалбини «забт» этиш йўлида олиб бораётган сиёсатларига қандай қарамоқ керак? Бу қўйилаётган саволларга жавоб мазкур китобнинг учинчи параграфидида сўз боради ва яна юқорида фикр юритилаётган глобаллашувнинг бошланиш даври ва тушунчалар мазмуни хусусида фикр юритилади.

Глобаллашувнинг бошланиш даври бўйича ғарб олимлари ҳам турли фикрларни илгари суриб келмоқдалар. Жумладан, Р. Кобден ва Ж. Брайт каби олимлар глобаллашув тўлқинларини мамлакатлар ўртасида эркин савдонинг амалга ошуви ва унинг натижасида иқтисодиётдаги ўсиш билан боғлайдилар ҳамда унинг бошланиш даврини XIX ва XX аср билан чегаралайдилар. Уларнинг фикрича, Британия ўзининг денгиз, индустрия ва молиявий қудрати билан глобаллашув тўлқинининг биринчи босқичи кафолати бўлган. Улар глобаллашувнинг иккинчи босқичи ёки тикланишини 1970 йилларнинг охирларида информатика ва телекоммуникацияда содир бўлган инқилоблар асосида бошланганлигини таъкидлайдилар.¹⁵

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, глобаллашув эркин савдонинг бошланиши ва унинг натижасида иқтисодиётдаги тараққиёт, информатика ва телекоммуникация тараққиётида содир бўлган инқилоблар билан боғлиқдир.

Хуллас, глобаллашув тушунчаси ва унинг бошланиш даври ҳақида турли фикрлар илгари сурилиши давом этмоқда. Энди глобаллашувнинг интернационаллашув ва интеграциалашув тушунчалари билан муносабатлари устида тўхталамиз.

Фалсафа қомусий луғатида «Интернационализм, байналмиалчилик (lot.inter – аро, nation – халқ) – турли миллат, ирқдаги кишиларнинг халқаро бирдамлигини ифодаловчи тушунча. Бу тушунча К. Маркс томонидан ўйлаб топилмаган, у томонидан фикрга киритилмаган, фақат собиқ иттифоқ даврида мутлоқлаштирилган эди...»¹⁶ деган маълумот келтирилади. Тўғри, «интернационализм» инсонни-

ятнинг онгли фаолияти бошланибдики, у табиий жараён сифатида кечиб келмоқда. Аммо унинг худди шундай номланиши ҳар доим ҳам бўлган эди деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Аслида, унинг илмий истеъмолга кириб келиши ишчилар синфи томонидан буржуазияга қарши курашдаги якдилликни вужудга келтириш мафқураси билан боғлиқдир.

«Интеграция» тушунчасига эса фалсафа қисқача изоҳли луғатида қуйидагича таъриф келтирилади: «Интеграция (лотин, *inleger* – тўла, бутун, бузулмаган, бутунлик) – умумият, бирликка эришишга йўналтирилган жараён ёки фаолият натижаси»¹⁷дир. Фалсафа қомусий луғатида «Интеграция» (лотинча *integer* – бутун): 1) айрим қисм ва элементларни бир бутунга бирлаштириш; 2) турли мамлакатларнинг бирлашмалари, тор доирадаги иқтисодий-сиёсий гуруҳлар қўшилиши деган таърифлар учрайди. Интеграциянинг шакллари илмий, сиёсий, маданий, халқаро ва ҳоказо турларга булиб ўрганилади.¹⁸

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, бу тушунчаларга таъриф беришда ҳатто луғатларда ҳам турли қарашлар мавжуд.

Хуллас, глобаллашув тушунчаси ва унинг қолган тушунчаларга нисбати, жараён сифатидаги ўрнини уларга аниқлик киритиш йўли билан билиб олиш ҳамон ўз ечимини топмаган.

Юқорида таъкидланганидек, аксарият кўпчилик фалсафий ва сиёсий тадқиқотларда глобаллашув XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида кириб келганлиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилмоқда. Уларга қўшилган ҳолда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, худди ана шу даврда инсоният ақл-заковати юксакка кўтарилиш жараёни содир бўлди. Натижада инсонлар, миллатлар, халқлар ва мамлакатларни ўзаро мажбурий равишда бир-бирига боғлаб қўйиш, дунёда содир бўлаётган турли соҳалардаги янгиликлар, кашфиётларни дақиқалар доирасида оммалаштиришга хизмат қиладиган алоқа воситалари – компьютер, интернет, уяли телефон ва бошқалар хизмат кўрсата бошлади. Бунинг натижасида дунёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан яқинлашуви тезлашди. Бу жараён ҳақида турли соҳалар бўйича жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо энг асосийси унда эмас, балки глобаллашув жараён сифатида жаҳон тараққиётининг барча босқичлари учун хосми ёки йўқми деган саволга аниқ жавоб топишдир. Фикримизча, у жараён сифатида то XX асрнинг ўрталаригача «интеграция»нинг «ҳаракати» ва унинг устувор таъсирида реал ҳаётда «илғаб» олинмаган. Интеграция инсониятнинг онгли фаолияти бошланибдики, доимо амал қилиб келган. Инсонларнинг бир-бирларига талпиниб яшашлари, уларнинг

ўз тажрибаларини алмашиши, бир-бирларига ёрдам кўрсатишлари ва ўзаро дўстона муносабатлари, уларнинг ўртасидаги ўзаро интеграциялашув (яқинлашув) жараёнларнинг амал қилишни таъминлаган. Бу бир томондан табиий кечган бўлса, иккинчи томондан ҳар бир субъект учун умумий тараққиётнинг ҳаётий зарурияти сифатида намоён бўлиб келган. Учинчидан эса интеграциялашувда томонларнинг ўзаро манфаатдорлиги ҳам мавжуд бўлган. Яъни ундан бир томон эмас, балки бу жараёнда қатнашган барча томонлар манфаат кўрганлар.

Бундан кўриниб турибдики, «Интеграция» тараққиётнинг объектив зарурияти ва эҳтиёжи сифатида намоён бўлади. У илмий истеъмолда кўпроқ мамлакатлар ва халқларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзаро яқинлашиши ифодаси маъносида қўлланилиб келинган. Албатта, интеграциялашув билан бир вақтда байналминаллашув жараёни ҳам кечган. Улар бир-бирига яқин тушунчалар бўлиб, айтилганда эса категория (тушунча) сифатида бир хил маънода қўлланилмайди. Агар иқтисодий ҳаётда содир бўладиган ўзаро яқинлашувни ифода этишда интеграциялашув атамаси қўлланилса, маънавий ва моддий ҳаётнинг ўзаро таъсир этиш ва бойитиш жараёни байналминаллашув тушунчаси билан ифода этилган.

Интеграциялашувга хос бўлган «табиийлик» тараққиётнинг объектив эҳтиёжи, тенглик ва томонлар манфаатдорлиги, байналминаллашув учун ҳам хос хусусиятлар ҳисобланади. Улар ўртасидаги фарқлар соҳаларга нисбатан қўлланишда намоён бўлади. Байналминаллашувнинг оммавийлашиб кетиши марксизмнинг кенг тарқалиши билан кўпроқ боғлиқ. Марксистлар йўқсилларга (пролетариатни) «Ватансиз», «Миллатсиз» ягона мақсадга эга бўлган «интернационал» синф сифатида қараганларидан кейин бу тушунча илмий истеъмолга киритилган ва оммавийлашиб кетган. Бу интернационаллашувни бир томонлама тушунишга ва табиийлик моҳиятининг бузилишига сабаб бўлган. Аслида унинг маъноси ва амал қилиши қамрови кенг бўлиб, барча йўналишларда амал қилади ва тушунча сифатида қўлланилишда эса маданият, маънавият, илм фан соҳасида миллатлар ва халқларнинг ўзаро таъсир ўтказиш, алмашуви ва бойиши жараёнини ифода қилади.

Кўриниб турибдики, «Интеграция» ва «Интернационаллашув» бир хил эмас, аммо бир-бирига яқин тушунчалар ҳисобланади. Хулоса қилиб, «Интеграция» халқлар ва мамлакатларнинг тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ўзаро табиий яқинлашуви бўлса, «Интернационаллашув» миллатлар ва халқлар маданияти ва маънавиятида мавжуд турли-туманликдаги энг ижобий қирраларнинг умум-

лашув жараёни ҳисобланади.

Бугун ана шу тушунчалар ва жараёнлар глобаллашув босими остида қола бошлади. Бундан ташқари, интеграциялашув ва байналминаллашув жараён сифатида глобаллашув босими остида унинг ичида кечмоқда. Тўғри, унинг иқтисодиётда намоён бўлишини ҳам кўриш мумкин. Лекин бошқа соҳалардаги байналминаллашувни глобаллашув унинг фақат салбий жиҳатдан қараш руҳиятини юзага келтирмоқда. Глобаллашувнинг ҳар иккала тушунчадан устуворликка кўтарилиши уларни тушунча сифатида истеъмолдан сиқиб чиқармоқда. Айниқса, ривожланган мамлакатлар билан энди тараққиёт йўлга кирган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда тенглик ўрнини, иқтисодий жиҳатдан тараққий қилган мамлакатларнинг дунё сиёсатини белгилаб берувчи куч даражасига кўтарилиши, уларнинг ўз маънавият, маданият ва ахлоқларини оммавий маданиятнинг негизига айлантириш борасида олиб бораётган амалий ҳаракатлари бу тушунчаларнинг илмий истеъмолдаги қўлланишини яна ҳам сусайишига олиб келди. Улар қандай қўлланишидан қатъи назар, миллатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларда бир-бирларига талпиниб яшаш, дўстлик, бирордарлик туйғуларига доимо амал қилиб келган ва бундан кейин у ҳам уларнинг маънавияти ва маданиятидаги илғор ютуқлар бир-бирларини бойитиш жараёнининг табиий кечиши давом этаверади. Аммо бу жараённинг қандай давом этиши жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнининг қайси даражада боришига боғлиқ бўлишини ҳам назарда тутмоқ керак бўлади. Агар ҳеч бўлмаганда глобаллашув жараёнининг миллий маънавият ва ахлоқий қадриятлардаги ўзига хосликлари емирилишининг олдига тўсиқ бўла оладиган омилларни юзага келтирса ва улардан оқилона ва самарали фойдаланиш йўлида ҳар бир миллат ҳаракат қилишга интилгагина интеграциялашув жараёнининг табиий кечиши давом этиш имкониятлари сақланиб қолиши мумкин. Акс ҳолда глобаллашувнинг миллий ўзига хосликларини бир қолипга солишга ўтказётган салбий таъсири авж олиши давом этадиган бўлса кучларнинг кучсизлар устидан ҳукмронлик қилиши учун шартшароитлар юзага келиши хавфи кучайиб боради. Яна ҳам аниқроғи Интеграциялашув жараёнининг миллий, маънавий маданият, қадрият ва илм-фан соҳаларида миллатларнинг ўзаро табиий таъсир ўтказиш ва бойитишдаги имкониятларининг чекланиб бориши ўз навбатида ҳар бир миллатнинг мустақил субъект сифатида мавжуд бўлишига таҳдиднинг кучайишига олиб келади. Аслида глобаллашув интернационаллашув ва интеграциялашув таъсирида амалга ошсагина барча соҳаларда тенглик, табиийлик ва ўзаро манфаат-

дорлик тамойилларининг амал қилишига замин яратилади.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, ХХІ асрга келиб мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги «Интеграциялашув» ва «Интернационаллашув»да амал қиладиган табиийлик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик ўрнини тараққий қилган мамлакатлар манфаатларининг ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қиладиган «Глобаллашув» жараёни эгалламоқда. Шу маънода ҳам бу тушунча илмий истеъмолда оммавийлашиб кетаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мазкур жараён кенг қамровли тушунча бўлиб, у инсон, миллат, халқ, мамлакатлар ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларни ифодалашда қўлланилади. Фалсафа қомусий луғатида жараёнга қуйидагича таъриф берилган: «жараён, воқеалар ва ҳодисалар ривожига узлуксизлиги, ифодаловчи фалсафий тушунча». ¹⁹ Маълум маънода бу таъриф жараённинг моҳиятини ўзида ифода эттиради, аммо тушунча маъносини тўла очиб бера олмайди. Масалан, воқеа ва ҳодисалар нафақат ривожланишда бўлиши, аксинча ҳам бўлиши мумкин. Яъни, воқеа ва ҳодисалар объектив ва субъектив омиллар таъсирида ривожланиши, сўниши ёхуд тўхтаб қилиши ҳам мумкин.

Агар шуни ҳисобга оладиган бўлсак, жараёни нарсаси, воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро муносабатларида содир бўладиган турли ўзгаришлар узлуксизлигини ифода этирувчи фалсафий тушунча ҳам дейиш мумкин. Шу нуқтаи назардан глобаллашувни деярли барча тадқиқотчилар «жараён» сифатида қараши ҳам бежиз эмас. Чунки доимо ҳаракатда бўлиб, унинг амал қилиши натижасида иқтисодий тараққиётдаги маълум ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда инсон, миллат ва халқлар маънавиятининг қашшоқлашуви юзага келмоқда. Шу маънода уни «ўзгаришлар узлуксизлиги»ни ифода этирувчи тушунча сифатида қараш тўғри бўлади. Соддароқ қилиб айтганда, «Глобаллашув» бўлакларнинг йириклашуви бир бутун ҳолатига келаётганлигидир. Яна ҳам аниқроғи, юксак даражада тараққий қилган мамлакатларнинг кучли босими остида у миллатлар, мамлакатлар ва минтақаларнинг барча соҳалар бўйича бир бутунлиги вужудга келишининг кўриниши, намоён бўлишининг ифодасидир.

Глобаллашув тушунчасига келтираётган бу таърифларимизни яна бошқача йўсинда ҳам давом эттиришимиз мумкин. Аммо бу таърифда миллатлар, халқлар, мамлакатлар ва минтақаларнинг юксак тараққий қилган мамлакатларнинг кучли босими остида тобора бир бутунлик томон бораётганлиги ғоясига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳақиқатан ҳам бу жараён табиийликдан кўра кучли томоннинг босими остида кечаётганлигини ҳар қадамда сезиш мумкин. Масала

бу жараённинг табиий кечишига, томонлар тенглигига ва ўзаро манфаатдорлик асосида кечиши учун замин тайёрлаш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Глобаллашув жараёнида миллат

Юқорида глобаллашув тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти ҳақида батафсил фикр юритган эдик. Энди миллат тушунчаси, мазмуни ва унинг глобаллашув жараёнидаги ривожланиш тенденциялари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Бугун миллатнинг бўйи бастига ва унга нисбатан фикрларни илгари суришдан олдин собиқ совет даврида эълон қилинган илмий адабиётларда (улар мафкуравий манфаатлар нуқтаи назардан бўлишдан қатъий назар) мавжуд бўлган айрим ижобий фикрларни ҳисобга олмай туриб, глобаллашув шароитида миллий ривожланиш борасида юзага келаётган муаммолар, миллатлараро муносабатларда юзага келган янги тенденцияларни англашга уриниш самара бермайди. Чунки ҳар қандай янги ғоялар ҳам қандай бўлмасин мавжудларини таҳлил қилишни ва ўрганишни тақозо қилади. Зеро, улар масалага янги қарашлар учун солиштиришлар имконини беради.

Ана шундай фикрдан келиб чиқилмайдиган бўлса, энг аввало «миллат» тушунчасининг пайдо бўлиши ва у тўғрисидаги мунозараларни таҳлил қилиш лозим бўлади. «Миллат» тушунчаси устидаги баҳс-мунозаралар собиқ совет адабиётида 1966 йилларда бошланган эди²⁰. Адолат юзасидан айтиш керакки, миллий масалага бағишланган кўпгина жиддий илмий изланишлар бўлиб, уларнинг аҳамиятини асло инкор этиб бўлмайди, чунки бу тадқиқотларнинг айримларида асосли хулосалар мавжуд эди. Энг муҳими улардаги умумий фикр – миллий ривожланиш муаммоларининг мавжудлигининг эътироф этилиши бўлган эди. Лекин улар қоғозда қолиб кетди ёки назарга тушмади. Шу билан бирга айрим илмий тадқиқотларда миллий тараққиёт ва миллий масала «муаммосиз» қилиб кўрсатилади. Миллий муаммоларни ҳал қилишдаги муваффақиятлар кўкларга кўтарилар, социализм шароитида миллатлар ва элатлар ўртасида зиддиятлар ва низолар йўқлиги кўрсатилар эди. Тажриба миллий муносабатлар, айниқса ўтмишда эзилиб кетган забун миллатлар ва элатлар эркин ривожланиш имконига эга бўлиши ғоят мураккаб эканлигини кўрсатди. Эски жамиятдан қолган ирсий қасалликларни даволаш жуда узоқ давом этди. Бу «қасаллик»ни даволашнинг назарий концепцияси ишлаб чиқилмас ва у реал ҳаётда тадбиқ этилмас экан жамият ҳамда давлат барқарор тараққий эта олмайди ва

инсоният ҳаётидаги даҳшатли хавфни ҳам тугатиб бўлмайди. Бу хавф миллатнинг мустақил субъект сифатида мавжудлиги билан эмас, балки уларнинг ўзгалар манфаатларини ҳисобга олишни хоҳламаслиги ёхуд ҳукмронлик қилишга мойиллиги билан боғлиқдир. Нима бўлишдан қатъий назар миллатнинг шаклланиш жараёнига илмий адабиётларда бир томонлама қараб келинган. Хусусан, бу қарашлар заминда марксизм-ленинизмнинг миллат тўғрисида яратган таълимотлари туради. К. Маркс ва Ф. Энгельс биргаликда ёзган «Коммунистик партия манифести» (1848 й) асарларидаёқ «Буржуазия ишлаб чиқариш воситаларининг, мулкнинг ва аҳолининг тарқоқлигини борган сари йўқ қилмоқда. У аҳолини ғуж яшайдиган қилди, ишлаб чиқариш воситаларини марказлаштирди, мулкни озгина одамлар қўлига тўплаб берди. Бунинг муқаррар натижаси эса сиёсий жиҳатдан марказлашиши бўлади. Манфаатлари, қонунлари, ҳукуматлари ва таможня пошлиналари бошқа-бошқа бўлиб, деярли фақат иттифоқдошлик муносабатлари билангина бир-бирларига боғлиқ бўлган ҳукумати бир, қонунчилиги бир, миллий синфий манфаати бир, таможня чегараси бир бўлган бир миллат бўлиб бирлашдилар»²¹, деб ёзган эдилар. Шу асарнинг иккинчи бир жойида «Бир индивидумни иккинчи бир индивидум эксплуатация қилиш йўқола борган сари, бир миллатни иккинчи бир миллат эксплуатация қилиши ҳам йўқола боради. Миллатлар ичидаги синфий антогонизм йўқолиши билан миллатлар ўртасидаги душманлик муносабатлари ҳам тугайди»²² деб кўрсатилган эди.

Кўриниб турибдики, улар миллат шаклланишини капитализм жамиятининг вужудга келиши билан боғлайди ва миллий қарама-қаршилик сабабчиси синфлар ўртасидаги қарама-қаршилик деб кўрса-тади. Яъни улар синфларнинг барҳам топиши миллатларнинг турли манфаатларга бўлинишига ҳам барҳам беради, деб ҳисоблайдилар.

Бу таълимотдан агар жамиятнинг синфларга бўлиниши бўлмаганда турли миллатлар ҳам шаклланмаган бўлур эди, деган мантиқий хулоса келиб чиқади. Миллат шаклланиши масаласига Ленин ҳам ўз устозлари таълимотининг давомчиси сифатида қараган эди. У «Миллат – бу ўрта аср уруғчилигининг давоми эмас. Миллат ижтимоий муносабатларнинг тубдан ўзгариши миллатгача бўлган кишилик бирлиги (элат, қабила)нинг ҳаёти асосида пайдо бўлган «ижтимоий тараққиётдаги буржуа даврнинг муқаррар маҳсули ва муқаррар формасидир»²³, деб ёзган эди.

Унинг фикрича ҳам миллатнинг шаклланишида капиталистик жамият асосий «айбдор» ҳисобланади. Назариядаги калтабинлик шундаки, капиталистик жамиятдаги мавжуд синфларни йўқ қилиш, мил-

лий зулмнинг ҳам йўқ бўлиб кетишига олиб келади, деган таълимот марксизм-ленинизмнинг миллий масала тўғрисидаги назариясининг асосий мағзини ташкил қилиб келган. Хусусан, Ленин шундай ёзган эди: «Капитализм даврида миллий (ва умуман сиёсий) зулмни йўқ қилиб бўлмайди. Бунинг учун синфларни йўқ қилиш, яъни социализмни жорий қилиш зарур».²⁴ Бу келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, уларнинг таъкидлашича миллат объектив тараққиётнинг маҳсули эмас, балки инсониятнинг ашаддий душмани бўлмиш капитализмнинг маҳсули ва қарама-қарши синфлар юзага келмаса миллатнинг вужудга келишига зарурият ҳам туғилмас эмиш. Улар томонидан ишлаб чиқилган миллат ва миллий муносабатлардаги асосий камчилик ҳам шунда бўлган эдики, синф миллатдан устун қўйилган ва миллий манфаатларга бўйсундирилган. Реал ҳаётда эса капитализм тараққий қилган сари синфий қарама-қаршиликлар аста-секинлик билан барҳам топа бошлади, аммо миллий низолар авж олиб келди. Бундан кўриниб турибдики, улар шу тариқа истиқболни кўра олмадилар.

Энг ачинарлиси шундаки, уларнинг издошлари ҳам ўз устозларининг «назарияларини» охириги ҳақиқат шаклида қабул қилдилар ва тарихий тараққиётнинг барча босқичлари учун жавоб берадиган таълимот сифатида эътироф этдилар. Оқибатда реал ҳаётда назария билан амалиёт ўртасидаги масофа узоқлашиб бораверади. Энг ачинарлиси шундаки, марксизм-ленинизмнинг издошлари ўз асарларида миллий тараққиётда содир бўлаётган ўзгаришларни, миллий омил ролининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларга кўрсатётган таъсири кучайган сари миллатларни зўравонлик йўли (пинҳоний) яқинлаштириш концепцияларини илгари суравердилар. Амалда эса миллатларнинг бир-бирларидан узоқлашиш тенденцияси кучайди. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида собиқ совет тоталитаризми ва жаҳон социализми тизимининг қулашида миллий омиллар қудратли таъсир ўтказди ҳамда жаҳондаги кўпгина ривожланган мамлакатларда миллий муносабатлардаги қарама-қаршиликларнинг кучайиши жараёни содир бўлди. Бу ўз навбатида тадқиқотчиларнинг «миллат» тушунчаси ва у билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганишга қизиқишларини кучайтириб юборди. Қизиғи шундаки, жаҳонда миллий омил устувор даражага кўтарилган бир шароитда айрим тадқиқотчилар «ғарбда ва бошқа мамлакатларда миллий масала сўниб бормоқда»²⁵ деб ёзган бўлса, рус олими П.А. Сорокин, миллат ижтимоий борлик сифатида мавжуд эмас»²⁶ деб таъкидлади. Яна бир рус олими В.А. Тишков эса «Миллат – бу сиёсий шиор ва сафарбар қилувчи восита, аммо у ил-

мий тушунча эмас.... Унинг яшашга ҳуқуқи йўқ ва у илмий тилдан олиб ташланиши керак»²⁷ деб даъво қилди.

Шунинг билан бирга миллатнинг дунёга келишини яна ўша маркс–ча таълимот нуқтаи назаридан қарайдиганлар бугун ҳам мавжуддир. Хусусан, И.Г. Яковенко «Миллат ўрта аср яхлитлигининг емирилишида юзага келади...»²⁸ дея эътироф этади.

Ўзбек олимларидан ўз умрини миллий масалани ўрганишга бағишлаб келган устоз олим Қ. Хоназаров миллатнинг бирлик бўлиб уюшини маълум тарихий даврлар билан боғлайди. Ана шунга мувофиқ у «X–XX асрлар оралиғида халқимиз 3 марта миллат бўлиб уюшиб, XX асрнинг охириги ўн йиллигидан бошлаб тўртинчи марта энг юксак даражадаги ҳозирги замон миллати сифатида юзага чиқаётгани ҳар биримизни мағрурлантирмасдан иложи йўқ»²⁹ деб ёзади.

Бундай турли фикрларнинг илгари сурилаётганлиги бежиз эмас албатта. Чунки «миллат» тушунчасини таърифлаш қанчалик мураккаб бўлса, унинг бир бўлиши учун шарт бўлган мезонларни белгилаш ҳам шу даражадаги энг мураккаб масала ҳисобланади. Миллат реал инсонлардан ташкил топган, шу боис улар турли ички ҳис-ҳаяжон, руҳий салоҳиятларга эгадир. Уларнинг даражаларига охирига нутқани қўйишга интилишнинг ўзи масалага ғайри илмий ёндашувдан бошқа нарса эмас. Чунки миллий жараён узлуксиз, доимо ҳаракатдадир. Ана шунга мувофиқ бу ерда тўртта муҳим масалага аниқлик киритилиши тақозо этмоқда: биринчидан, миллат реал омил сифатида мавжудми ёки йўқми? Иккинчидан, унинг шаклланишида нима асосий роль ўйнаган? Учинчидан, этнослар миллат мақомини олиши учун қандай мезонлар белгиланиши керак? Ва ниҳоят, тўртинчидан, «миллат» яхлитлигини қандай омиллар таъминлайди?

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, миллат реал омил сифатида мавжуддир. Инсоннинг мавжудлиги қанчалик ҳақиқат бўлса, миллатнинг реаллиги учун ҳеч қандай шубҳа йўқ. Инсонлар маълум миллатларнинг вакиллари ҳисобланади. Улар орқали миллат яхлитлиги вужудга келади. Миллати бўлмаган инсон ўзлигини йўқотган манқуртдир. Миллатнинг ўлиши муқаррар равишда инсоният ҳаётининг тугашини билдиради. Миллат мавжудлигини инкор этиш эса табиат ва инсоният гўзаллигини ҳис қилиб билмасликнинг белгисидир.

Миллат мавжуд омил сифатида инсониятни эртанги истиқболга эришишга ҳаракат қилдириб тураверади.

Агар миллат шаклланиши тўғрисидаги ана шу мавжуд фикрларга чуқурроқ ёндошадиган бўлсак, миллатларнинг дунёга келишига асосий сабаб фақат ишлаб чиқариш омили экан деган ҳулоса келиб

чиқади. Тўғри, ишлаб чиқариш тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ролини барча ривожланишнинг, шу жумладан миллат асосий негиз эканлигини инкор қилиш мумкин эмас. Чунки уларсиз тараққиётнинг, шу жумладан миллий тараққиёт даражаларини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо худди мана шу жойда феодал ёки капиталистик жамият вужудга келмасдан аввал ҳам миллатнинг хусусиятларини ўзида намоён этадиган айрим белгилар ёки омиллар мавжуд бўлганми ёки фақат ана шу ижтимоий-иқтисодий тузум миллатнинг бирлик бўлиб шаклланишига олиб келганми, деган савол ўртага ташланади.

Адабиётларда миллатнинг шаклланиши одамларнинг гала-гала (пода шаклида) бўлиб яшашидан уруғчилик, қабила, элат, халқлар миллат каби бирликлар даражаси томон тараққий қилиб келганлиги тўғрисида умумий фикрлар бор. Лекин бу бирликларнинг мустақил равишда юзага келишига уларнинг турли ҳудудларга бўлиниб моддий манфаатлар юзасидан ўзаро бирлашишлари сабаб қилиб кўрсатилади. Ўз навбатида ана шу моддий зарурият уларнинг мустақил (ягона) тил, маданият (кенг маънода) ва ягона урф-одатлари шаклланишига олиб келган деган фикрлар илгари сурилган.

Ана шу фикрларни миллат шаклланишининг илмий концепциясининг асоси деб ҳисоблайдиган бўлсак, бугунги кунда жаҳоннинг барча мамлакатларида ўзга мамлакатлардан келиб яшаётган турли миллатлар ва элатларнинг «келгинди» вакиллари яшаётганлигини, уларнинг иккинчи ва ҳатто учинчи авлодлари ана шу мамлакатларида яшаётган бўлсалар ҳам ўзларининг она тилларини урф-одатлари, анъаналарига мерос сифатида ўз фарзандларига қолдиришга ҳаракат қилаётганлигининг сабабини нимадан изламоқ керак?

Бундан ташқари, агар юқоридаги фикрлар доираси билан чегараланиб қоладиган бўлсак, бугунги кунда жаҳон халқлари иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш мақсадида ягона иқтисодий минтақаларни ёки ҳудудий бирликларни вужудга келтириш томон интилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турганимизда келажакда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий омиллар миллатларнинг қўшилиб кетишига олиб келади, деган анъанавий хулосаларни тан олишимиз керакми?

Келтирилган бу бир қатор саволларга жавоб топиш анча мураккаб масаладир. Аммо имконият даражасида миллатнинг реал салоҳиятини ҳисобга олиб бу саволларга жавоб излашимиз лозим бўлади. Чунки миллатнинг шаклланиши, ривожланиши ва қўшилиб кетиши тўғрисида анъанавий хулосалар ўзининг тўғрилигини нафақат исботлай олмади, аксинча миллий ривожланишда илгарилаб

борган сари инсоният тушуниб, илғаб олиши мураккаб бўлган янги-янги муаммолар юзага келмоқда. Ана шу мураккаб масалага жавоб излаш янги илғор фикрларни ишлаб чиқиш ва ўз ўрнида уни яна сўнги ҳақиқат деб ҳисобламасдан, миллий ривожланишнинг ҳар бир реал тараққиётидан келиб чиққан ҳолда янги фикрларни ишлаб чиқишга ҳам ўрин қолдирган ҳамда масалага реал қараш лозим бўлади.

Шу фикрларни ҳисобга олиб, миллат шаклланиши ва ривожланишига бағишланган адабиётларда тўпланган илмий хулосаларни ижодий ўрганган ва миллий тараққиётнинг ҳозирги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги фикрларни келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик:

Биринчидан, миллатнинг бирлик бўлиб шаклланиши ва ривожланишида моддий омилларнинг (иқтисодий, ҳудудий ва ҳ.к.) ролини эътироф этган ҳолда бу жараёни феодализм ёки капитализм жамиятлари билан боғлаш, агарда шу жамиятлар бўлмаса миллат шаклланмас эди ёки қарама-қарши синфларнинг йўқолиб бориши миллатларнинг ҳам қўшилиб кетишига олиб келади, деган хулосаларга мутлоқ ҳақиқат сифатида қараб бўлмайди. Фикримизча, одамларнинг ҳали гала-гала яшаган даврларидан тортиб то уларнинг миллат даражасида ўсишигача бўлган даврларда ҳам уларни нафақат моддий омиллар, балки шунинг билан бирга ҳали одамзотнинг ақлзаковати охиригача илғаб ололмаган ички маънавий омиллар ҳам мавжуд бўлган. Худди ана шу маънавий омиллар миллат шаклланиши томон бораётган жараёнларда етакчилик қилган. Демак, миллат ички маънавий омилларнинг етакчилиги асосида шаклланган. У инсон ҳаёт давомийлигини таъминловчи табиат ва жамият тараққиётининг меваси ҳисобланади. Инсон тараққиётида бўлгани каби миллат шаклланишида ва ривожланишида ички ирсий ворисийлик қонунлари амал қилган ва қилаётган бўлса ажаб эмас. Ахир бир миллат вакилида мавжуд бўлган нафақат маънавий салоҳиятдаги турли-туманлик, шунингдек хатти-ҳаракатлар, ўзаро муносабатлардаги бири иккинчисига ўхшамаслик ҳам ички ирсий ворисликнинг давомийлиги билан боғлиқ, дейиш мумкин-ку. Улар йўқ жойдан бирдан пайдо бўлмаган, у ворислик (ички руҳий, ахлоқий омиллар) қонунининг инъикоси ҳисобланади.

Иккинчидан, феодализм ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари жамият ичида синфий курашни ҳамда бойлик орттириш мақсадида ўзга халқларни талаш, уларни зўравонлик йўли билан бўйсундириш йўлида миллатлараро курашни авж олтирган. Бу эса ўз навбатида миллий бирликнинг ривожланишида янги босқич

бўлган. Анъанавий хулосаларда таъкидланигандек, эксплуаторлар синфига қарши кураш ҳали миллий манфаатлардан устун эмас эди. Боз устига миллий манфаатлар учун кураш ҳар қандай мамлакатда унинг ким бўлиши, бойми ёки камбағалми уларни бирлаштириб турадиган асосий омил ҳисобланади. Уни синфлар манфаатларига бўйсундириб бўлмайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, миллат ижтимоий тараққиётининг маҳсули бўлиши билан бирга табиат оламининг ҳам буюк меваси ҳамдир.

Худди шу маънода ҳам таниқли инглиз олими Эрнест Гельлнернинг «миллатни инсон яратган, миллат инсон онгининг маҳсулидир»³⁰ деган фикри ҳақиқатга яқинлашади. Яъни инсоннинг ўз-ўзини англаши, унинг қайси миллат вакили эканлигини билишга интилиши билан ҳам белгиланади.

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, миллатга хос бўлган, унинг барча қирраларини мукамал ифода қилатоладиган охириги мезонларини белгилаш мутлақо мумкин эмас. Чунки у инсоннинг ўзи каби доимо ҳаракатда, унинг ривожланишида ва мукаммаликка интилишдаги жараёндир.

Миллат тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият ҳаётидаги ўрнини кўрсатиш масаласини ўрганиш собиқ Совет тузуми шароитида собиқ марказ олимларининг «монополияси» қилиб белгиланган эди. Собиқ Иттифоққа кирувчи республикалардаги олимлар эса «Марказ»даги олимлар фикрларини ўзларининг илмий ишларига асос қилишга мажбур эдилар (гарчанд улар юраги қалби билан ўз миллатининг эҳтиёжлари орзу-умидларини ва интилишларини ҳис қилса ҳам). Улар миллий ривожланишга хизмат қиладиган омилларни ўрганишлари мумкин эмас эди. Балки миллатларнинг «қўшилиб» кетишига хизмат қилишга қаратилган сохта байналминалликни ўрганишига ва тарғибот қилишига мажбур эдилар. Республикамизда эълон қилинган илмий адабиётлар ҳам бундан мустасно эмас. Уларнинг муаллифлари ўз асарларида ҳам миллатнинг тўлиқ моҳиятини ифода этадиган омилларни очиб бериш ҳам бир томондан мафкуравий ва тузум манфаатларидан келиб чиқадиган бўлса, иккинчи томондан бир қатор олимлари асарларида миллатнинг белгиси сифатида у ёки бу омилни кўрсатиш ҳоллари бўлган бўлса, у илмий қиёмага етказилмасдан йўл-йўлакай кўрсатиб кетилаверган, учинчи томондан эса собиқ Марказда эълон қилинган илмий асарларнинг кўпчилигининг муаллифларида миллийлик устидан байналминаллик ғалаба қилганлигига қатъий ишончи ҳам қарор топган эди. Бу ўз навбатида миллий омилнинг роли ва аҳамияти ҳақида эркин фикр билдириш имконияти-

ни бутунлай чеклаб қўйган эди.

Аслида, миллий омил зўравонликнинг кучайишига қарамасдан зимдан юксалиб келган эди. Чунки унинг ички имкониятлари ниҳоятда бақувват эди. Бу фикримизни асослаш мақсадида миллат тушунчаси тузилмасида мавжуд бўлган омиллар ҳақида батафсил фикр юритишга ўтамиз.

«Миллат» таърифига унинг умумэтироф этилган белгилар (ҳудуд, тил, иқтисодий ҳаёт, маданиятлар, анъаналар ва турмуш хусусиятларини бирлиги)дан ташқари собиқ совет даври олимлари этник мансубликни англаш, руҳият ва хусусиятлари ва илғор анъаналарини ҳам қўшишади»³¹. М.С. Жунусов миллий ўзликни англашга миллий белги сифатида қарайди³². С.М. Калтахчян эса гарчи миллий ўзлигини англаши миллатнинг белгиси деб қарамаса ҳам, уни миллатнинг бундан буён ҳам³³ мавжуд бўлиши ва ривожланишининг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблади³⁴. М.М. Куличенко эса миллий ўзлигини англаши миллатнинг белгиларидан бири деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклиф эътиборга лойиқ деб ёзган эди³⁵.

Э.А. Баграмов ҳамда И.П. Цамерянларнинг «миллат» тушунчасига берган таърифларида миллий ўзлигини англаш миллатнинг белгиси эканлиги тўғрисида гап бормайди³⁶. Г.Е. Глезерман гарчи миллатнинг шаклланиши ва уйғонишида миллий ўзликни англашнинг ролини таъкидласа-да, «барибир миллий ўзлигини англаш миллатнинг тузилишини белгилайдиган бирламчи омил эмас»³⁷ деб ҳисоблаган. Энг асосийси ана шундай ғоялар ўзининг илмий ҳулосасини топиш ўрнига собиқ СССРда ривожланган социализмнинг қурилиши ягона совет халқини вужудга келтирганлигини асослашга устувор йўналиш бўлиб қолганлиги эди.

«Миллат» тушунчаси тузилмасига кирувчи омилларнинг бугунги кунгача нафақат Ўзбекистонда худди шунингдек, МДҲ давлатларида эълон қилинаётган китобларда ҳам ўзининг тўлақонли илмий таҳлилини топмаган. Шуни ҳисобга олиб, яна юқорида собиқ Совет даврида, собиқ Марказда эълон қилинган асарлардаги фикрларга мурожаат қилишга тўғри келганлигини ҳам таъкидлаш лозимдир. Шундай экан, бизни мунозарага сабаб бўлаётган ҳамма масалалар эмас, балки миллий ўзлигини англаш «миллат» тушунчасига мустақил белги сифатида кириш-кирмаслиги қизиқтиради. Бу ҳиссиёт ҳақида фикр юритишимизнинг боиси шундаки, демократик жараёнлар бошланиб, миллатлараро муносабатлар қарама-қаршилик кучайган бир пайтда, уларни ўз манфаатларини ҳимоя қилишдаги курашларнинг авж олишида қайси омил етакчи ўринни эгаллади? Боз устига миллий ўзликни англашни миллатнинг белгиси сифа-

тида қараганлар ёхуд уни инкор этган олимларнинг биронтаси ҳам ўзларининг фикрларини илмий асослаб бермаганлар ва нима учун, деган саволга жавобни юзаки берганлар, холос. Яъни реал ҳаётда шу кунгача маълум бўлган анъанавий омиллардан қайси бири ёки мунозаралар даражасида қолиб кетаётган омилларнинг қанчаси моддий кучга айланди? Агар миллий ўзликни англаш миллатнинг етакчи белгисига кирса, у ҳолда бунинг учун қандай асос бор?

Шундай асослар ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, миллат тузилиши тушунчаси тузилмасида тарихан белгилаб келинган омиллар билан шаклланиб бўлган буюк бир миллат ва унинг кейинги ривожланиши ўртасидаги фарқни доим ҳам кўравермасликларини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу омиллар биргинами ёки ҳар хилми эканлигини ҳар қандай ҳолатда ҳам текшириш, тадқиқ қилиш лозим. Масалан, миллат вужудга келиши учун зарур бўлган умумий ҳудуд ва ўз давлатчилиги йўқлиги юзлаб йиллар мобайнида миллатнинг парчаланишига, унинг йўқолиб кетишига олиб келмаслигини нима билан изоҳлаш мумкин? Яҳудий, арман, ўзбек, рус ва бошқа миллатлар, диаспоралар ва ҳоказоларнинг тарихи буни кўрсатиб турибди. Гарчи бундай парчаланиш хавфли бўлса-да, ўз тили, анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари маданиятини онгли равишда эҳтиёт қилиб келаётган халқларнинг яшовчанлиги эътиборга лойиқдир. Хўш, унга эҳтиёж нимада ва унга нима мажбур этмоқда?

Бу саволларга жавоб излашда яна ўша анъанавий таърифларда кўрсатиб келинаётган омиллар (белгилар)га устуворлик нуқтаи назаридан қараб бўлмайди. Чунки турли сабаблар билан ўз миллати ва Ватанидан ажралиб ўзга мамлакатларда яшаётган диаспоралар қанчалик бадавлат яшамасинлар ёки катта бойликка эга бўлмасинлар ўз миллати хусусиятларини, тилларини, қадриятларини авайлаб сақлашни ҳар қандай бойликдан устун қўйиб яшамоқдалар. Бунга жуда кўплаб аниқ маълумотлар келтириш мумкин. Хусусан, мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин ўтган давр ичида турли сабаблар билан хорижий мамлакатларга кетган ватандошларимизнинг Ўзбекистонга қайтиб келганларида улар билан бўлган учрашувларида бунга гувоҳ бўлганлигимиздир. Уларнинг айримлари ўзбек тилида, мамлакатимизда яшаб келаётган баъзи бир миллатдошларимиздан чиройли, ҳар бир сўзга ўзига хос гўзаллик бағишлаб гапиришлари одамни ҳайратга солади. Ахир уларнинг оталари ўзга юртларда оламдан ўтган, ўзлари бирон марта ҳам Ўзбекистонда бўлмаганлар. Лекин она тилини ўзларининг асосий бойлиги сифатида сақлаб қололганлар. Бунда уларнинг онги ва қалби ўз аجدларининг маънавий-руҳий салоҳиятидан куч-қувват ва илҳом

олаётганлигидан далолат бериб турганлигини кўришимиз мумкин.

Демак, миллатнинг абадийлигини таъминловчи кучни моддий омилдан эмас (албатта, унинг муҳимлиги ва зарурлигини эътироф этган ҳолда) балки маънавий омилдан излаш зарур бўлади. Бунда халқимизнинг ҳаёт мезонига айланган «Қорнимга эмас, балки қадримга йиғлайман», деган мақол худди миллат ғурури учун асосий мезондек жаранглайди.

Дарҳақиқат, миллатнинг қаддини кўтариб, ғурурини ва унинг абадийлигини таъминлайдиган қудратли куч – унинг ички маънавий-руҳий салоҳияти ҳисобланган ўз-ўзини англаш омилидир. Яна мулоҳазаларни давом эттирамиз.

«Ижтимоий турмуш бирламчи, у ижтимоий онгни белгилаб беради ва бинобарин, миллатнинг тузилишида муҳим бўлган белгилар айна ижтимоий турмушга қарашли бўлмоғи лозим, яъни «маишийлик» мақомига эга бўлмоғи лозим», деб мулоҳаза юритувчилар табиатдан фарқли ўлароқ жамиятнинг ўзига хосликларини эътибордан четда қолдирадилар. «Турмуш онгни белгилайди», деган умумий иборадан нарига ўтолмайдилар. Ушбу мантиққа биноан, ҳар қандай маънавий омиллар иккинчи даражали холос, бинобарин, уларнинг турмушга акс таъсири қанчалик кучли бўлмасин, номуҳимдир. Чунончи, материализм фалсафасининг яъни марксчиларнинг дунёқараш соҳасидаги мавқеини айна шу ҳолат белгилаб бергани туфайли муаммога бундай ёндашувдан озгина бўлсада четга чиқиш салбий қабул қилинар, марксча-ленинча методологиядан жиддий чекиниш сифатида баҳоланарди. Бироқ амалда аллақачон миллат таърифига «миллий психология» ва ҳоказо каби турли тушунчалар киритила бошланганини, бир қатор муаллифлар унга миллий ўзликни англашни киритиш зарур деб ҳисоблаётгани билан ана шу умумандозага айланиб қолган методологиянинг тараққиёт қонунларига жавоб бераётганлигини таъкидлай бошлаган эдилар.

«Ижтимоий турмуш ижтимоий онгни белгилайди», деган марксча-ленинча концепция ижтимоий ҳаётни изоҳлаш учун етарлими-кан? Йўқ, етарли эмас. Жамиятга нисбатан тадбиқ этилган диалектика тарихий материализм назариясининг негиз-негизига сингдириб юборилган зиддият (қарама-қаршиликлар бирлиги) унинг икки муҳим асосининг тўқнашуви сифатида келтирилади. Бу асослардан бири жамият тарихи инсонлар ихтиёрий ва онгига боғлиқ бўлмаган тарихий жараёндир. Иккинчи қарама-қарши асос шуки, инсонлар ўз тарихини ўзлари яратадилар. Тарих инсон фаолияти натижасидар. Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг, шу жумладан миллатнинг ҳам конституциявий асосий фақат ва фақат инсонларнинг онгли

фаолиятдан иборатдир.

Табиийки, асосларда бу қарама-қаршиликлар ажратиб ташланган, бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Айни шу ҳолат ҳал этилиши лозим бўлган муаммони қўйиш усули бўладиган, унинг ечимли воқеа ва жараёнларнинг бир-бири билан боғлиқлиги тўғрисидаги реал диалектик назария мазмунини ташкил қилади. Инсоннинг онгли фаолиятини белгилловчи омилларнинг назарий таҳлили унинг амал ва сабабга бўлинишидан бошланади. Айни мана шу жиҳат жамиятнинг табиатдан асосий тафовутланишига олиб келади-ки, инсоннинг ҳаракати идеал туртки кучлар, унинг онгли мақсадлари билан белгиланади. Бундай ҳолатда бизнинг ҳис-ҳаяжонимиз, онгимиз инсонлар фаолиятини ва бинобарин, миллатнинг фаолияти жараёнида улар тузилишининг бевосита асоси сифатида намоён бўлади. Тарих нуқтаи назаридан тушунтирилишича, назарияда бу фактни инкор қилиш ёки унинг аҳамиятини камайтириб кўрсатишдан эмас, балки масала қўйилишидан иборатдир. Чинакам назариянинг ҳақиқийлиги уни рад қилиб бўлмайдиган даражада исботлашда, тарих, субъекти бўлиши инсоннинг онгли фаолияти, пировард натижасида, объектив зарурат тарихий жараён қолиплари билан белгиланишидадир. Фақат шугина бизга одамларнинг ижтимоий турмушини одамларнинг иродасини ва онгига боғлиқ бўлмаган ушбу онгли иродани белгилловчи заруратнинг амал қилиши натижаси сифатида кўриб чиқиш ҳуқуқини беради.

Назариянинг ўтмишда халқ оммасининг тарихидаги ролини камайтириб кўрсатишга инсонни, унинг жамиятдаги ролини винтга (буралувчи винтга) «ижрочи» ҳолатигача ва ҳоказо даражада пасайтириб кўрсатишга йўналтирилган амалиёт билан алоқасидаги догматизм тарихида объектив қонунийликнинг аҳамиятини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатишда уларни инсонга, унинг эҳтиёжларига, қадриятларига, мақсадларига, интилишларига қарама-қарши қўйишдир. Инсоннинг жамиятдаги роли эътироф этилган ҳолларда намоён бўладиган яна бир тамойил бу эҳтиёж ва манфаатларни объектив ҳодиса сифатида қарашни тарғиб этади. Бундай талқин механизми одатдагилардан фарқ қилмасди. Одамларнинг ва уларнинг бирон-бир гуруҳларининг (шу жумладан, синфлар ва миллатларнинг ҳам) субъектив эҳтиёж ва манфаатлари объектив жиҳатдан тақозо этилган ва шу маънода улар албатта, тақозо этилгандир. Бошқа барча масалада (мансублик, ҳаёт негизининг усули ва ҳоказоларда) улар субъективлиги, юқоридагилар фақат ва фақат инсонлар, синфлар, миллатлар томонидан англагандагина юзага келиши, шаклланиши мумкинлиги тўғрисидаги масала назарий

жиҳатдан таҳлил қилинмаган.

Инсоннинг ижтимоий турмушга муносабатдаги догматизми бар-тараф этиш учун биринчи навбатда одамлар (ўтмиш авлодлар) бу турмушни ўз фаолияти учун шарт бўлган қонуларга мувофиқ бунёд этганлар ва бу қонулардан ташқари ҳаракат қилмайдилар. Ҳатто бозорнинг, синфларнинг, миллатларнинг ва ҳоказоларнинг стихияли шаклланиш жараёни ҳам назарий онг орқали ўтмай, («синф тузиш», «миллатни маърифатли қилиш») онгни четлаган ҳолда содир бўлмайди. Устига-устак, айти шу ҳолатда оммалашган одатий онг ҳамда унинг миллионлаб одамларнинг интилишларини бирлаштириб юбора оладиган синфлар, миллатлар, жамиятлар хоҳиш иродаси ва хатти-ҳаракатларининг қудратли оқимларини юзага келтирувчи механизмлари улкан роль ўйнайди. Иккинчи, янги авлодларга муносабатда уларнинг онги ва фаолияти мерос бўлиб ўтган мавжуд ижтимоий турмуш белгилаши билангина (гарчи бу нарса зарур бўлса-да) чекланиши етарли эмас.

Шу боис миллат белгисидан онгни қувиб чиқариб унда фақат объектив, маиший омилларни (ҳудуднинг, иқтисоднинг умумийлиги давлатчиликнинг мавжудлиги ва ҳоказоларни)гина қолдирдик деб ўйлаш ёки бу фикрни ҳимоя қилиш бир ёқламалик, реал қудратли кучнинг устуворлигини инкор қилиш билан баробар бўлур эди. Аслида, ушбу амалларнинг ўзи, миллатни вужудга келтирган одамларнинг тарихий ижодкорлиги натижасидир. Ҳатто бундай жараёнларнинг стихияли ҳаракатларига (одамларнинг онгли ҳаракати натижаси улар кўзлаган ният, мақсадга мос бўлиб чиқмагани учун ҳам «онгсиз» характери, дейиш мумкин) ишора қилиш ҳам етарли натижа бермайди, чунки у омманинг тарихий жараёнини характерлантирувчи куч сифатида бундай стихияли ҳаракатнинг ролини эътиборга олмайди. Одамлар қон-қариндошчилик, уруғчилик нуқтаи назаридан бирлашувини ҳудудий бирлашув билан алмаштиришнинг ёки ўз давлатчилигини яратишнинг тарихий зарурлигини англаш шаклидан муаммога киришишда уларни бирлашишга, омманинг миллий ҳаракатидан ҳоли равишда бу омиллар юзага келмаслигига асосий эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Шу боис биз бу борада миллат таърифига миллатнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларида онгнинг уларнинг бевосита асоси сифатидаги муҳим ролини умумлаштириб ифодаловчи ва айти маҳалда миллатнинг фаолиятини (хаётий фаолиятини) унинг барча қўзғовчи, ҳаракатга келтирувчи сабабларини бирлаштирган ҳолда изоҳлаш имконини берувчи белгини (омилни) қўйиш зарурлигидан келиб чиқиш лозимлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Бундай бир-

лаштирувчи омил бу – ҳар бир миллатнинг миллий ўзлигини англашидир.

Албатта, бу жараёнга аниқлик киритишда Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (ЎзЖФЎМ) олимлари Р. Убайдуллаева, О. Отамирзаев, М. Ғаниева ва Ў. Қаюмовлар жамоаси томонидан 2004 йили «Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги» (социологик тадқиқот) натижаларини келтириш ўринли бўлади. Ўтказилган бу сўровлар натижаларидан кўпроқ маълумот келтиришимизнинг асосий сабаби уларда мулоҳаза юритишга лойиқ бўлган қизиқарли маълумотлар борлиги бўлди. Тадқиқотда қўйилган саволлардан айримлари ва уларга берилган жавоблар қуйидагилардан иборат бўлган:

«Қуйида келтирилган фикрлардан қайси бири сизнинг миллат ҳақидаги тушунчангизни тўлароқ акс эттиради?», деган саволга респондентлар жавобларининг тақсимланиши умуман олганда, сўраб чиқилганлар миллат тушунчасини этник келиб чиқиш билан бир хилда тушунишларини кўрсатади.

1. Миллат – ягона ҳудудга, давлатга, тилга, динга эга бўлган одамлар бирлиги – 54,3%.

2. Инсоннинг муайян халққа мансублиги – 39,6%.

3. Инсоннинг у ёки бу миллатга мансубликни ичдан ҳис этиши – 26,4%.

Муаллифлар фикрича респондентларнинг жавобларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга кирганларнинг кўпчилик қисми ўз жавобларида миллат ҳодисасига нисбатан ижобий муносабатда бўлдилар ҳамда унинг мазмуни билан боғлиқ айрим жиҳатларни қайд этдилар. Респондентларнинг озчилигини ташкил этган иккинчи гуруҳга кирганлар ўз жавобларида ушбу ҳодисанинг мавжуд бўлишига ўзларининг бирмунча салбий муносабатларини билдирдилар.

Шартли равишда биринчи гуруҳга тегишли деб топилган респондентлар миллат ҳодисасини ягона яшаш ҳудудига, давлатга, тилга, динга эга бўлган, ўзига хос маданиятни сақлаб қолган кишилар бирлиги сифатида идрок қиладилар. Бу ҳаммабоп умуминсоний қадрият сифатида ижтимоий онда миллий давлатчиликнинг чуқур томир отганлигидан далолат беради. Сўраб чиқилганларнинг 39,6 фоизи миллат дегани бу паспортга қўйилган белги эмас, балки инсоннинг аниқ бир халққа мансублиги деган фикрни қўллаб-қувватлайди. Респондентларнинг анча қисми (26,4%) миллат бу инсоннинг у ёки бу миллатга мансубликни ичдан ҳис этишидир, деб ҳисоблайди. Сўзсиз, бундай аниқлаш кўп жиҳатдан респондентларнинг психологик ҳис-

туйғуларига асосланади.

Миллат ҳодисасига нисбатан ўзларининг танқидий муносабатини билдирган респондентларнинг иккинчи гуруҳига сўраб чиқилганларнинг 4,7 фоизини киритиш мумкин. Улар «ҳозирнинг ўзидаёқ миллат тушунчаси анча эскирди ва келажакда бу янада бўртиб кўринадиде», деб ҳисоблайдилар. Респондентларнинг яна 4,4 фоизи ижтимоий ҳодиса сифатида миллат одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўяди деган қатъий фикрни билдиради.

Сўровнинг минтақавий кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқиш шарҳарда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам жамоатчилик фикрида миллат тушунчаси кўп даражада кишиларнинг миллий давлатчиликка бирлашиши (ягона ҳудуд, давлат, тил, эътиқод, маданият мавжудлиги) билан бир хил деб қараладиган нуқтаи назар устунлик қилишини аниқлаш имконини беради. Тегишли равишда сўраб чиқилган қишлоқда яшовчиларнинг 55,8 фоизи ва шаҳарликларнинг 52,7 фоизи мана шу фикрни қўллаб-қувватлайди. Ушбу нуқтаи назар Самарқанд ва Фарғона вилоятлари респондентлари томонидан анча интенсив қайд этилади (сўраб чиқилганларнинг тегишли равишда 58,1 фоизи ва 59,0 фоизи). Сўраб чиқилган Тошкент шаҳрида яшовчилар ва Бухоро вилояти аҳолиси инсоннинг паспортида қайд этилган унинг қайси миллатга мансублиги ҳақидаги белги унинг миллий мансубликни ҳис этиши билан ҳамиша ҳам мос келавермайди, деган жавобни кўпроқ қайд этадилар (респондентларнинг тегишли равишда 54,3 ва 44,6 фоизи).

Миллат тушунчасига у ёки бу даражада танқидий муносабатда бўлган сўраб чиқилганларнинг ушбу гуруҳида кўпчиликни тошкентликлар ташкил этади. Миллат тушунчаси эскирди, деб ҳисобловчилар орасида уларнинг улуши 50,9 фоизни ва миллат ҳодисаси одамларнинг бир-бирига яқинлашишига тўсқинлик қилади деб билувчилар орасида 49,1 фоизни ташкил этади. Жавобнинг ушбу варианты бўйича сўраб чиқилган аёллар кўпроқ фаоллик кўрсатишган. Ушбу гуруҳда уларнинг улуши 60,4 фоизни, эркаларники эса 39,6 фоизни ташкил этади. Жавобларнинг бошқа вариантлари бўйича респондент эркалар ва аёлларнинг нуқтаи назари тўлиқ мос келади, яъни жавоблар ўртача кўрсаткичлар билан мос келади. Амалда барча ёш тоифалардаги респондентларнинг онгида миллат тушунчаси миллий давлатчилик билан бир хилда қараладиган нуқтаи назар устунлик қилади.

Сўраб чиқилган ўзбеклар (57,5%), қозоқлар (74,4%) ва қорақалпоқлар (68,0%) жавобнинг айна шу вариантини кўпроқ танлашган. Миллати тожик бўлган респондентлар тил, тарих ва маданият бир-

лиги кишиларни бир миллатга бирлаштирадиган асосий омиллардир, деган жавоб вариантини кўпроқ қайд этишади. Славян этносларнинг сўраб чиқилган ҳар икки вакилидан бири (51,5%) инсоннинг паспортидаги белги унинг аниқ бир миллатга мансублигини ҳамиша ҳам билдиравермайди, деб ҳисоблайди. Ушбу тушунча улар учун кўпроқ ўзларининг этнотарихий илдизларини (33,3%) англатади ва мазкур этник гуруҳ вакилларининг яна 34,3% фоизи ушбу тушунчани миллий давлатчилик мавжудлиги билан боғлайди.

Маълумоти даражасига кўра респондентларнинг жавоблари ўртача олганда кўрсаткичларнинг умумий салмоғига энг кўп даражада яқинлашади. Улар нисбатида миллат кўпроқ миллий давлатчилик билан бир хил нарса деб қараладиган жавоб варианты кўпроқ қайд этилади. Сўраб чиқилган олий маълумотлиларнинг 64,7 фоизи ва олий маълумотга эга бўлмаганларнинг 52,0 фоизи ушбу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Респондентлар томонидан жавобнинг ушбу варианты танланиши (яъни «миллий давлатчилик» тушунчаларининг ўзаро алоқадорлигининг эътироф этилиши) билан боғлиқ эмпирик факт респондентларнинг Ўзбекистонда қанча вақт яшаганликлари билан муайян боғлиқ эканлиги ўзига эътиборни жалб этади. Жумладан, ушбу нуқтаи назар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётганлар (туғилганидан бошлаб) ва 50 йилдан ортиқ яшаётган сўраб чиқилганларнинг жавобларида изчил равишда устунлик қилади. Уларнинг ярмидан ортиғи ушбу фикрни қўллаб-қувватлайди. Респондентлар Ўзбекистонда қанча кам вақт яшаётган бўлсалар, «миллат» тушунчасининг психологик тавсифини шунча кўп қайд этишади. Жумладан, Ўзбекистонда 40–50 йил яшаганларнинг 72,7 фоизи ва 30–40 йил яшаганларнинг 66,7 фоизи кишининг паспортидаги белги унинг аниқ бир миллатга мансублигини ҳаммавақт ҳам белгилаб беравермайди, деб ҳисоблайди. Миллат улар учун кўпроқ ўзларининг тарихий илдизларини англаш (45,5% ва 33,35%) ҳамда тил ва маданият бирлигидир (27,3% ва 40,7%). Масалан, Ўзбекистонда 10 йилдан ортиқ яшамаган респондентлар ўзларининг бирор миллатга мансублигини руҳий ҳис этиш улар учун энг аҳамиятлидир, деган жавоб вариантини кўпроқ қайд этишади. Эмпирик фактларни ўрганиб чиқиш сўраб чиқилганларнинг анчаси (39,6%) жавобларнинг бошқа вариантлари билан биргаликда шунингдек, инсоннинг паспортида унинг миллати қайд этилиши ҳаммавақт ҳам миллий мансубликни ичдан ҳис этишига жавоб бермаслигини қайд этишини кўрсатади.

Хуллас, муаллифлар томонидан ўтказилган сўровларнинг нати-

жалари ниҳоятда қизиқарли ва уларни чуқур таҳлил қилган ҳолда миллий тараққиётимизнинг концептуал ғояларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади³⁸.

Юқорида «миллат» тушунчаси ҳақидаги фикрни давом эттириб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллатга асл қиёфа бахш этиб турадиган омилларни сақлаб қолиш орқалигина унинг мустақил субъект сифатида сақланиб қолишига эришиш мумкин бўлади. Бундай омиллардан бири миллий маданият ҳисобланади. Миллий-маънавий маданият миллатнинг ботиний ва зоҳирий қиёфасидир ҳамда, унинг онги ва тафаккурининг маҳсули сифатидаги эътироф ҳам аини фикрларимизга мос келади. Инсонларни ўзаро яқинлашиб миллат даражасига етиб келишида ҳар қандай моддий асосларга нисбатан кенг маънодаги маънавий омиллар устувор бўлади. Керак бўлса, маънавий омиллар воситаси орқали миллатни бирлаштирувчи моддий омиллар шаклланади. Ўрни келганда, кўпгина мулоҳазаларга сабаб бўлиб келаётган яна бир масала устида ҳам тўхталиб ўтиш лозим бўлади. У ҳам бўлса миллатга таъриф беришда унинг муҳим белгиларидан бири сифатида «маданият» ва «маънавият» омилларидан қайси бирини қўлласак тўғри бўлади? Улардан қайси бири кенгроқ маънони англатади?

Масалага жавоб қайтаришда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, маскур масалага бағишланган тадқиқотларда маданият омили миллатнинг асосий белгиси сифатида қаралиб келинган, маънавиятнинг асосий элементлари ҳам маданият ичида амал қилувчи омиллар қаторига киритилган. Эҳтимол, бундай қарашларнинг ҳозиргача давом этиб келишига собиқ СССР халқларининг «буюк даҳоси» И. Сталиннинг миллатга берган таърифидаги миллат – одамларнинг тўртта асосий аломати – тил бирлиги, ҳудуд бирлиги, иқтисодий турмуш бирлиги ва маданият бирлиги заминида вужудга келиб тарихан таркиб топган мустаҳкам бирлик деган эътирофнинг қўлланилиши анъанага айланиб қолганлиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Аслида маданиятга қараганда маънавият қамрови мазмуни ва мақоми жиҳатдан кенгроқ тушунчадир. У маънавиятни ҳам ўз ичига олади. Маданият тушунчасига жуда кўплаб таърифлар берилган. Унинг кўпгина қирралари тўғрисида мунозаралар бугун ҳам давом этмоқда. Бу табиий ҳолат. Чунки коммунистик мафкуранинг ҳалокатга учраши, инсон омилининг қадр-қиммати ошиб бораётганлиги маданият ҳақидаги тасаввурларни ҳам ўзгартириб юбормоқда.

Собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида жамиятнинг барча маънавий салоҳияти битта маданият тушунчаси билан белгилаб берилган эди. Унинг моҳияти ҳам фақат қанча театр биноси қурилди, қанча

китоб босиб чиқарилди, улар КПСС манфаатларига қандай хизмат қилмоқда каби мезонлар билан белгиланган. Уларнинг шахс эркинлиги, озодлигини ва унинг ўз-ўзини англашга таъсирига қаратилиши керак бўлган томонлари атайлаб четлаб ўтилди. Бу эса маданияти, маънавият ва маърифат тушунчалари, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос қирраларини тўла тушуниб етишга имкон бермади. Бугунги кунга келиб эса уларнинг моҳиятини тўла очиб бериш, уларнинг шахс, миллат ва жамият тараққиётидаги ўрнини кўрсатишга эҳтиёж ошиб бормоқда. Шундай қилиб маданият, маънавият ва маърифат тушунчалари ҳамда улар ўртасидаги муносабатлар ҳақида фикр юритиб кўрайлик.

Маданият инсоннинг қўл меҳнати ва ақл-заковати билан яратилган барча моддий ва маданий бойликларни ташкил қилувчи тушунча ҳисобланади. У икки йирик тармоққа, яъни моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият барча моддий бойликларни ўз ичига олса, маънавий маданият маънавий бойликлар (адабиёт, санъат, ахлоқ, одоб, турмуш ва ҳоказо)ни ўз ичига олади. Ўз навбатида маънавий маданиятнинг, муомала, мулоқот, нутқ, сиёсий, қишлоқ хўжалиги ва бошқа бир қатор тармоқлари мавжуд. Улар ҳар бирининг ўзига хос хусусияти мавжуд бўлса ҳам ягона маданият тушунчаси орқали ифода эттирилади. Бундан кўриниб турибдики, маданият ва маънавият тушунчалари ўртасида фарқлар мавжуд.

Маданият фаолият, яратувчилик асосида вужудга келади. Аммо маънавиятсиз яратилган ҳамма нарса ҳам маданият бўлавермайди. Инсон томонидан яратилган ва унга хизмат кила оладиган, миллат ва жамиятни тараққий қилишга ижобий бойликларгина чинакам маданият даражасигагина кўтарила олади. Бундай бойликларни фақат юксак маънавиятга эга бўлган инсонлар, миллатлар ва жамиятлар яратишга қодирлар.

Шу маънода маданиятга нисбатан маънавият кенг тушунча бўлиб, у маданиятни ўз ичига олади. Маънавият инсоннинг ботиний-руҳий қудрати ҳисобланади ва бу қудрат маданий бойликларни яратиш, инсоннинг ўз-ўзини англашига, ижобий муносабатлар, миллат ва жамиятдаги ўрнини ҳамда масъулиятини тушуниб етиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, маънавият маърифат ва маданиятни ҳам ўз ичига олувчи кенг тушунча бўлиб, у инсон, миллат ва жамият тараққиётида мустақил йўналишни ташкил қилади. Улар ўртасида фарқларни аниқроқ тасаввур этиш учун масалага яна ҳам конкрет ёндашиб кўрайлик. Масалан, муомала маданиятини олиб кўрайлик. Муомала маданияти деганда икки шахс ёхуд миллатлар ўрталарида бир-

бирларини тинглаш, билдираётган ҳар қандай фикрларга ҳурмат билан қараш, уларни ҳисобга олиш, вазминлик ва самимийликка амал қилиш кабиларда намоён бўлади. Бундай муносабатлар эса маънавият билан боғлиқ. Фақат маънавияти юксак бўлган инсонлар ва миллатларда ана шундай муносабатлар мавжуд бўлади. Маънавияти қашшоқ инсонлар эса муомала маданиятига ҳам эга бўла олмайди.

Шунинг учун ҳам маънавиятни ривожлантиришга эришиш маданият ва маърифатнинг ривожланиши учун асосий манба бўлиб қолаверади. Маънавиятнинг моддий кучга айланишига эриша олсак, маданият ва маърифатни ҳам барқарор ривожлантириш имкониятлари кенгайиб бораверади.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида ўз оиласи, миллати, Ватани ва ўзга инсонларга бўлган муносабатларида намоён бўлади. Бу муносабатлар самимийлик, ўзаро ҳурмат, оила муқаддаслигига амал қилиш, миллат тақдирига ва истиқболига масъуллиқ, Ватанни жон дилдан севиш, унинг барқарор эҳтиёжи сифатида қарай билиш, ўзи билан ёнма-ён яшаётган миллатлар вакилларига ҳурмат билан қараш ва уларнинг ҳам ўзига хос манфаатлари мавжудлигини эътироф эта билиш кабиларда яққол кўзга ташланиб туради. Аммо бундай муносабатларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини ҳам эсдан чиқармаслик зарур бўлади. Уларнинг шаклланишида ота-она, таълим, тарбия тизими, миллий қадриятларни, инсонийлик каби фазилатларнинг таъсири ва жамиятдаги муҳит муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Оиладаги тинчлик, ўзаро муносабатлардаги самимийлик, ҳурмат, эътибор, миллат бирлигининг мустаҳкамлиги, қадриятларнинг миллат вакиллари тараққиётидаги устуворлиги, давлат ҳаётидаги барқарорлик муайян оилалар, миллат ва давлатда маънавиятли инсонларнинг кўпчиликни ташкил қилганлигини белгиловчи мезонлардан бири ҳисобланади. Яъни маънавият оилада, миллат қадриятлари ва давлат фаолияти орқали шаклланади, ривожланади ҳамда ўз навбатида уларнинг мустаҳкамлиги ва баркамоллигига хизмат қилади.

Маънавиятнинг инсон, оила, миллат ва жамият ҳаётидаги ўрни ниҳоятда каттадир. У ўзининг аҳамияти ва салоҳияти жиҳатдан жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омилларнинг асосини ҳам ташкил қилади. Чунки тарихий тараққиётнинг аччиқ тажрибасидан маълумки, очни тўйдириш, яланғочни кийинтириш мумкин. Аммо бир авлод умри давомида маънавий қашшоқликдан қутулиш мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки инсоннинг ички ботиний кучи унинг хатти-ҳаракатларини, мақсадларини белгилаб беради ҳамда унга куч

ва қудрат бағишлайди. Шу жиҳатдан қараганда, бугунги инсон муаммосини ҳал қилиш, бутун инсониятни чин инсон даражасига етказиш, миллатни умуминсонийликнинг улкан қадриятига айлантириш, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда мавжуд бўлган муаммоларни ҳам маънавиятни кўтариш ва унга таяниш орқали ҳал қилиш мумкин бўлади.

Миллат ва унинг маданияти ҳар бир тарихий босқичда ривожланиб, такомиллашиб боради ва бу жараёнда унинг эҳтиёжларига жавоб бера олмай қолган хусусиятлари, анъаналари ўзининг ўрнини янгиларга бўшатиб беради. Фақат миллат ва унинг маданиятидаги (маънавиятидаги) қадрият даражасига кўтарилган қисми ва хусусиятларигина «абадийлашиб» бораверади. Миллат барҳаётлигини худди ана шу қадриятларга айланиб қолган қисми таъминлаб туради. Шу маънода ҳам маданият миллатнинг муҳим белгиси ва ривожланиш омили ҳисобланади. Маданиятда миллатнинг барча ўзига хос хусусиятлари мужассамлашади. Шунинг учун ҳам у миллий маданият деб юритилади. Юқоридаги фикрларимизга асосланиб миллий маданиятга қуйидаги таърифни бериш мумкин: **миллий маданият бу – ҳар бир миллатга хос бўлган дунёни англаш, уни акс эттириш, анъаналар, одатлар, идеаллар ва қадриятларни бадиий ва амалий нуқтаи назардан ифодалашнинг ўзига хос шаклидир.**

Миллий маданиятнинг мазмуни ҳар бир миллат маданиятининг ички моҳияти ва базаси билан боғлиқдир. Аммо собиқ тоталитар совет тузуми шароитида таъкидланганидек, «миллий маданиятлар формаси жиҳатдан ҳар хил, мазмунан эса бир хил» эмас.

Маданиятнинг формаси унинг мазмунини ҳам ўзида ифодалайди. Агар формаси мазмунан ифодаланса, унда миллийликка хос бўлган хусусиятлар намоён бўлмаган бўлур эди.

Тўғри миллий маданиятнинг функцияси фақат миллий ўзига хосликни акс эттириш туфайли чекланмайди, шунинг билан бир қаторда миллат вакиллариغا миллатнинг руҳиятини сингдириш, миллат абадийлигини таъминлаш, миллат, жамият олдида турган вазифаларни амалга ошириш ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳам қамраб олади.

Агар мазмун миллий заминларнинг атроф-муҳит турли-туманлигини ифода эттирса, шакл урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва бошқа соҳалардаги халқ ижодиётида амалга ошириладиган, алоҳида ўзига хос восита ҳамда усулларнинг мажмуидир. Бу ўзига хосликлар тил, онг (миллий онг) миллий ўзликни англаш руҳияти, турмуш, ахлоқ ва бошқалардаги хилма-хилликда намоён бўлади.

Маданият асосан мана шу шаклларнинг ижодкорлари ва эгала-

ри бўлган миллатларнинг ўзига хос хусусиятлари, демак, миллатни этник категория (тушунча) сифатида ифодалайдиган ва унинг миллий маданиятда акс этадиган хусусиятларидир.

Муайян миллий ўзига хослик, аҳолида миллий калорит бир миллат маданиятини бошқа маданиятдан фарқловчи сифати ҳисобланади. Аммо миллий ўзига хослик, миллий маданиятларнинг бири-бирига зидлигини англатмайди, балки худди ана шу хилма-хиллик уларнинг бир-бирларини бойитиб боришга хизмат қилади. Улар бир-бирдан ниманидир қабул қиладилар ва ниманидир берадилар. Ана шу жараён орқали умуммиллий тараққиёт давом этади.

Аслини олганда миллий маданият, агар унинг мазмуни миллий руҳияти, унинг турмушидан бўлса, демак, миллий маънавият ҳаётни ифодаламаса, мавжуд бўлиши ва ривожланиши ҳам мумкин эмас. Миллийликни ифода эттирмаган маданият ҳеч кимники бўлмай қолади. Худди ана шу маънода ҳам у миллатнинг ички ва ташқи қиёфасини акс эттириб турувчи белгисидир. Миллий ўзига хослик адабиёт ва санъат асарларида миллат вакилларининг хатти-ҳаракатларида ҳам яққол кўзга ташланади. Шу маънода рус композитори Н.А. Римский Корсаков мусиқа ҳақида «Миллатдан ташқарида мавжуд бўлмайди ва умуминсоний деб ҳисоблайдиган ҳар қандай мусиқа аслини олганда миллийдир. Бетховен мусиқаси немисларники, Вагнер мусиқаси албатта немисларники, Верди мусиқаси французларники, Мейрбер мусиқаси ҳам худди шундайдир»³⁹ деганда мутлоқ ҳақдир.

Демак, миллат тушунчасига таъриф беришда ҳам миллий ўзликни англаш ва миллий маданият (маънавият) омилларига устуворлик берилсагина унинг салоҳияти юзага чиқади. Чунки улар ҳар бир миллатнинг, қолаверса, давлатнинг мустақиллигини таъминлашнинг қудратли омиллари даражасидаги салоҳиятлардир.

Шундай қилиб, миллат деганда, кишиларнинг ягона тил, миллий ўзликни англаш руҳияти, маънавият (кенг маънода), урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ягоналиги асосида маълум ҳудудда яшовчи ўз давлатига эга бўлган, иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи ҳамда яратувчи кишиларнинг этник бирлиги тушунилади.

Берилаётган бу таърифнинг илгари мавжуд бўлган анъанавий таърифлардан фарқли томони шундаки, миллат мавжудлигини таъминлашда моддий омиллар эмас, балки маънавий омилларга устуворлик берилганлигидир. Жумладан, миллий ўзликни англаш омили миллатнинг мустақил белгиси сифатида киритилаётганлиги ҳамда

миллий маданият ҳам миллат белгиси бўлиши (бу илгари эълон қилинган илмий адабиётларда асосланган) билан бирга миллий ўзликни англашнинг асосий манбаси эканлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилмоқда.

Бундай омилларга устуворлик беришимизга асосий сабаб қуйидагилардан иборат:

биринчидан, миллатлар бир-бирларидан тил, ўз-ўзини англаш руҳияти, урф-одат, анъаналар, маданият ва қадриятлардаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадилар;

иккинчидан, бу хусусиятлар миллатлар мавжуд бўлган ҳар қандай шароитда, миллат реал субъект сифатида ўлмагани ва барҳаётлиги ҳақиқат бўлганидек, улар ҳам йўқ бўлиб кетмасдан ривожланиб, такомиллашиб бориши;

учинчидан, миллий маънавий омиллар қанчалик ўзаро яқинлашмасин, улар ўз-ўзидан қўшилиб кетмайди, балки улардаги ўзига хослик хусусиятлари, миллатни бирлаштириб турувчи манба ролини бажариб тураверадилар.

Маънавий омиллар юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир миллат ички дунёси, салоҳияти ва юраги сифатида унинг шаклланишида етакчи ва асосий база ҳисобланади. Ўз навбатида инсониятнинг ривожланиб бориши, турли иқтисодий муаммоларнинг юзага келиши ва уларнинг кўпчилиги барча миллатлар учун умумий бўлиб бориши, маънавий омилларни эмас, балки моддий омилларнинг айримларини умумлашиб боришига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида маънавий омил миллат ривожланиб ва такомиллашиб боришида етакчи рол ўйнаб бораверади. У миллатнинг ички руҳий салоҳияти сифатида қудратли кучдир. Шу маънода ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади».⁴⁰

Чунки маънавият миллат мавжудлигини таъминлашнинг асосий базаси, туганмас бойлиги ва захирасидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ўз маънавиятини сақлаб қолиш, бойитиш ва ривожлантиришни ўзининг муқаддас вазифаси эканлигини яхши англайди ва бу жараён бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шу ўринда глобаллашув «миллат» тушунчаси билан нечоғлиқ алоқаси бор бўлиши мумкин, деган савол пайдо бўлади. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, миллат доимо ривожланиш ва такомиллашувни ўз бошидан кечириб борадиган омил ҳисобланади. Бугун барча соҳаларда содир бўлаётган глобаллашув уни ҳам ўз домига тортиб бормоқда. Оврўпода бир нечта давлатлар ва уларда яшаётган миллат ҳамда элат-

лар ўзаро бирлашиб, ягона конституцияни ва ҳудудни вужудга келтириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан улар истиқболда ягона миллат (халқ эмас) бўлиб бирлашишлари мумкинми? Агар шундай бўлса, «Миллат» тушунчаси илмий истеъмолдан чиқиб тарих саҳифаларига муҳрланиши мумкинми?

Фикримизча, ҳали Европа Иттифоқининг вужудга келиши бу ҳудудда яшаётган миллат ва элатларнинг ўзаро қўшилиб кетишини билдирмайди. Бугун немис ёки французча ёхуд инглиз миллатига мансуб бирор кишига «Истиқболда сен миллат сифатида қолмайсан, иттифоқда яшаётган барча бошқа миллатлар билан қўшилиб кетасизлар ва ягона Европа миллатини шакллантирасизлар, урф-одат, анъана ва қадриятларининг умумий бўлади», деб кўрингчи?! Уларнинг биронтаси ҳам бу фикрга қўшилмайди. Чунки одам боласининг улуғлиги ҳам унинг у ёки бу миллатнинг вакили сифатида ўзининг «мен»лигини ҳис этиб яшашида намоён бўлади. Ана шу ҳис йўқолса, инсоннинг ўзлиги ҳам муқаррардир. Демак, заминда инсон барҳаёт экан миллат ҳам ўлмайди, балки у такомиллашиб бораверади. Энди Европа Иттифоқига келсак, у мазкур ҳудудда яшаётган миллатларнинг ўзаро қўшилиб кетиш мақсадини ўз олдига қўймайди, балки иқтисодий ва сиёсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда тузилган. Бундан ташқари яқин истиқболда кутилаётган демографик муаммоларни ҳал қилиш йўли билан Европани келгиндилардан сақлаб қолиш ва унинг абадийлигини таъминлаш ҳам назарда тутилмоқда. Иттифоққа кирувчи мамлакатларда меҳнат ресурсларининг кескин камайиб кетаётганлиги, унинг эмигрантлар ҳисобидан барқарор ушланиб турилганлиги бугун ҳеч ким учун катта янгилик эмас. Истиқболда ана шу жараённинг олди олинмаса Европадаги кўпгина миллатлар ўзлигидан маҳрум бўлиш хавфи юзага келмоқда. Шу маънода ҳам Европа Иттифоқининг мақсади миллатларнинг ўзаро қўшилиб кетишига қаратилган эмас, балки аксинча уларнинг «абадийлигини» таъминлашга қаратилгандир.

Ана шу фикрларимиздан келиб чиқадиган хулоса шуки, глобаллашув жараёнида миллатни сақлаб қолишнинг ўзи ҳам бошқа глобал муаммолар тизимида янги глобал муаммога айланади. Уни сақлаб қолишга иқтисодий омиллар эмас, балки маънавий омилларга бориб тақалаверади. Миллатнинг ботиний ва зоҳирий қиёфасини сақлаб қолиш йўли билангина унинг мустақил омил сифатидаги имкониятларини мустаҳкамлаш мумкин бўлади. Аммо бу жараён осон кечмайди, балки катта қарама-қаршиликларни енгиб ўтишни талаб этади. Уларни енгишга қурби етган миллатларгина ўз қиёфаларини сақлаб қолиш бахтига муяссар бўла олади. Буни энди кела-

жак кўрсатади. Илгари сурилаётган ғоялардан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёнининг кучайиб бориши шароити миллатга таъриф беришда яна маънавий омиллар устуворлиги кучайиб бораверади. Жаҳонда иқтисодиётнинг умумлашуви кучайиб боргани сари миллатларнинг ҳам ўзлигидан маҳрум бўлиб қолишидан ҳадиксираш кайфияти ҳам кучайиб бораверади. Бу ўз навбатида глобаллашувга нисбатан миллатларнинг нафратини оширади ва истиқболда глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказадиган таъсири билан миллат ўртасидаги кураш авж олиб боради. Бу миллатнинг такомиллашиб боришига ҳамда ботиний имкониятларининг янги қирраларини очиб боришига ўз таъсирини ўтказади ва шу тариқа унга таъриф беришда ана шу қирралар ҳам ўз ифодасини топади.

Глобаллашувнинг миллий ривожланишга ўтказётган таъсири ва унинг оқибатлари

Глобаллашувнинг инсонлар, миллатлар, мамлакатлар ва минтақаларга ўтказётган салбий таъсири бугуннинг ўзида яққол намоён бўлмоқда. У иқтисодиёти юксак тараққий қилган йирик мамлакатнинг етакчилигини таъминлашга, уларнинг кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ресурсларни қўлга киритиш имкониятини кучайтирмоқда. Сиёсат борасида худди ана шу мамлакатларнинг ўзларининг демократик қадриятларни оммалаштиришга ҳатто куч ишлатиш йўли билан бўлса ҳам миллатлар, халқлар ва мамлакатлар ҳаётига жорий қилишдек мудҳиш амалиётни қўллаш имкониятини ҳам кенгайтирмоқда. Бу жараённинг миллий-маънавий ҳаётга, ахлоқий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарнинг емирилишига ўтказётган таъсири айниқса, шиддат билан ривожланмоқда. Бу салбий жараённинг бугунги оқибатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби Кофе Анан шундай баҳолаган эди: «миллионлаб ва миллионлаб фуқаролар ўзларининг шахсий тажрибаларидан шунга амин бўлмоқдаларки, глобаллашув тақдирнинг мукофоти эмас, балки уларнинг моддий фаровонлигини ёки уларнинг одатга айланиб қолган турмуш тарзини барбод қилувчи кучдир.»⁴¹ Бу фикрнинг айтилганига 9 йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо ана шу вақт давомида бу жараён тўхташи нари ёқда турсин, ҳатто сусаятгани ҳам йўқ, аксинча шиддат билан ривожланмоқда.

Глобаллашув жараёнининг тараққий қилган мамлакатларнинг иқтисодий соҳага (гегемонлигини таъминлашга кўрсатаётган таъсирини гарчанд бу масала мавзумизнинг йўналишига кирмаса-да)

ўтказаетган таъсирини қуйидаги фикрлар ва рақамларда кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Ғарб аналитиклари ХХІ асрни қандай тасаввур этадилар? Ким бу асрда бални бошқаради? Табиийки, трансмиллий корпорациялар кимнинг қўлида кўп бўлса, ўша демак – АҚШ. Фактларга мурожаат қиламиз: 1998 йилда 200 та энг катта трансмиллий корпорациялардан 74 таси АҚШ байроғи остида бўлган. Шунга ўхшаш корпорациялар барча товар айланмаларининг 36,5 фоизи улар ҳиссасига тўғри келган. Америкаликлар барча ТМКлар биргаликда олганда энг кўп «ишлаганлар». Улар 52,7 фоиз фойда кўрганлар. Дунёдаги энг катта 50 компанияларнинг 33 таси штаб квартираси АҚШ да жойлашган. Улар биржадаги барча катта қийматга эга бўлган акцияларнинг 71, 8 фоизига эгалик қиладилар. Яна бир жонли мисол. Дунёдаги мавжуд 201 катта саноат ва молия компанияларининг 90 фоизи АҚШ, Англия, Буюк Британия, Германия ва Франция каби катта беш мамлакат ҳиссасига тўғри келади.⁴²

Бу маълумотлар ер куррасидаги миллий статистика хизмати ва шунингдек, БМТ нинг махсус ташкилоти томонидан тўпланган ва компьютерларда таҳлил қилинган. Улар келтирилган маълумотларининг бир қисмигина, холос. Бу рақамлар жаҳоннинг тараққий қилган мамлакатларнинг нақадар шиддат билан мавжуд моддий бойликларга эгалик қилинаётганлигидан далолат бериб турибди.

Шу ўринда қуйидаги саволни қўйиш ўринли бўлади, назаримизда: нима бўлибди, тараққий қилган мамлакатлар мавжуд моддий бойликлар ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан келаётган даромадни асосий қисмини эгаллаган бўлса? Уларнинг интеллектуал техник, технологик ва иқтисодий имкониятлари катта, шунинг учун ҳам бу жараён табиий, деб қараш тўғри эмасми?

Агар бу фақат иқтисодий соҳа билан чекланса, тараққий қилган мамлакатлар кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар билан манфаатлар тенглиги асосида муносабатлар олиб боришганида ва иқтисодиёт омил воситасида жаҳон халқлари миллий маънавиятларини емириб, улар ўрнига ўзларининг маданият, маънавият ва турмуш тарзларини жорий қилишни етакчи тамойилга айлантиришни мақсад қилмаганларида эди, юқорида кўрсатилган фактлар биз учун катта аҳамият касб этмаган бўлар эди.

Афсуски, глобаллашувнинг тараққий қилган мамлакатлар иқтисодиётининг гуллаб-яшнашига қўшаётган ҳиссаси замини ниҳоятда чуқур.

Биринчидан, иқтисодий омил ҳар доим барча бошқа омилларнинг тараққиёти ва истиқболини белгилаб берган. Шундай экан, агар ТМК нинг тараққий қилган мамлакатлар қўлида тўпланиши шу даражада давом этадиган бўлса, дунёни XXI асрда барча трансмиллий корпорацияларни ўз қўлида тўплаган мамлакат бошқаради. Бу тараққий қилган мамлакатнинг жаҳондаги бошқа мамлакатлар устидан иқтисодий ҳукмронлигининг таъминланишига олиб келиши ҳамда иқтисодий ҳукмронликка эга бўлган мамлакатларнинг жаҳон сиёсатини белгилаб берувчи қудратли кучга айланишига ва уларнинг «майда» миллатлар, халқлар, мамлакатлар турмуш тарзини, миллатлар, урф-одати, анъана ва қадриятларига зид бўлган ўзларининг «демократик» қадриятларни сингдириш имкониятларини кенгайтиришга тўла эришадилар деган сўзدير.

Иккинчидан, мазкур жиҳат тараққий қилган мамлакатлар ўртасида иқтисодий устунликни қўлга киритиши учун ўзаро курашни яна ҳам кучайиб боришига олиб келади. Бу ниҳоятда хатарли «ўйинга» айланиши хавфи ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда. Унинг хатарли томони шундаки, жафони «ўйинда» қатнашаётганлар эмас, балки ундан ташқарида бўлган оддий халқ, мамлакатлар, халқлар ва миллатлар тортиши мумкин. Чунки улар ўртасидаги жанг ўзларидаги мавжуд бўлган моддий бойликлар ва ресурслар учун эмас, балки кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатларда мавжуд бўлган моддий бойликлар ва ресурсларни қўлга киритиш учун боради. Бу жанг бугун кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатларга гуманитар ёрдам кўрсатиш, иқтисодиётини ғаразли ниятда ўзларининг инвестицияларига боғлаб қўйиш, бу мамлакатларни ёвуз кучлардан «қимоя» қилиш баҳонасида ўз қуроли кучларини жойлаштириш каби кўринишларида содир бўлмоқда.

Юқоридагилар гарчанд кўринишидан ўша мамлакатлар тараққиёти учун ўта зарур. Лекин айни пайтда ўз ҳукмронлигини ўрнатишнинг энг «беозор» услуби ҳам ҳисобланади. Аслида ана шу услуб ва тадбирларни амалга ошираётган мамлакатлар ўртасидаги «жанг»нинг авж олаётганлиги янги глобал муаммони келтириб чиқараётганлиги бугун яққол намоён бўлмоқда.

Ана шу хавфнинг олди олинмас экан, жаҳон миқёсида шундоқ ҳам хатарли бўлиб турган вазиятнинг янада авж олиши кучайиб боради.

Учинчидан, Глобаллашувни ўзининг қамрови, куч-қудрати иқтисод воситаси билан миллатни ўз домига тортаётган уммонга ўхшатиш мумкин. Унинг иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, давлатла-

раро муносабатларга ўтказаетган таъсирлари қаторида миллатнинг ўзлигидан маҳрум бўлишига ўтказаетган таъсири даҳшатли тус олмақда. Интеллектуал салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари юксак ривожланган мамлакатлар, ана шу «уммон»нинг яратувчилари ва эгалари ҳисобланади. Улар кам тараққий қилган мамлакатлар халқларини осонгина ана шу «уммон»га тортишга эришмоқдалар. Бу уммонга миллатларнинг ўзига хослиги, уларнинг урф-одат, анъана, қадриятлари «ғарқ» бўлиб кетиш хавфи кучаетганлиги бугуннинг ўзида сезилмоқда.

Бу «уммон»нинг хусусияти шундаки, уни юксак тараққиётга эришмаган биронта миллат ва халқ четлаб ўтишининг имконияти йўқ. Чунки бу жараёнда барча учун умумий бўлган иқтисодий омилни ишга солиш ва уни ким бақувват бўлса ўша ўз манфаатига йўналтиришнинг уддасидан чиқмоқда. Бу «уммон»нинг хатарли томони шундаки, у иқтисод омили, замонавий оммавий ахборот воситалари, телевидения, компьютер, интернет, уяли телефон ва бошқа воситалар инсонлар, айниқса ёшларнинг миллий онги, тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириб юбормоқда. Тараққий қилган мамлакатлар худди ана шу имконият ва воситалар ёрдамида жаҳон халқлари онги, дунёқарашини ва турмуш тарзини бир қолипга солишни ўзлари шакллантираётган оммавий маданиятни сингдиришни маданият ва маънавиятни ривожлантиришнинг бош стратегик сиёсатига айлантираётганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Бугун миллатлар, халқлар ва оддий инсонлар ана шу сиёсатнинг натижаси ўлароқ кучли информацион босим остида яшашга мажбур бўлмоқдалар. Бу босим турли шакл ва услубларда ташкил қилинмоқда. Жумладан, турмуш тарзини «юксак» демократик қадриятларини, бошни айлантирувчи, қулоқни гаранг қилувчи қўшиқлар, одамларни ўлдириш, қириб ташлаш, портлатишни намоёниш этувчи кинофильмлар телевидения, компьютер, интернет ва уяли телефонлар орқали ташвиқот ҳамда тарғибот қилинмоқда.

Эҳтимол, уларни тарқатаётганлар учун бу маҳсулотлар ҳозирги даврнинг янги қадриятлари бўлиши мумкин. Аммо бу ўз навбатида ўзлигига қайтаётган миллатлар манфаатларига зиддир. Афсуски, улар тараққий қилган мамлакатлар томонидан қудратли воситалардан фойдаланилган ҳолда шундай усталик билан ташвиқот қилинмоқдаки, бу маҳсулотлар ҳаётини тажрибага эга бўлмаган ва ҳар қандай янгиликка қизиқувчан ёшларнинг онгига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Улар ўзларининг шу каби турмуш-тарзини тарғиб қилувчи маҳсулотларини тарқатиши асносида тараққиёт йўлига кирган мамлакатлар халқларининг миллий маънавиятига ҳам кириб улар-

ни ҳам ўз таъсир доирасига тортиб олмоқда.

Аслида юқорида таъкидланаётган ташвиқотлардан кўзланган мақсад ҳам жуда катта, яъни катта фойдага эга бўлиш, у ёки бу мамлакатнинг иқтисодиёти ва моддий ресурсларини қўлга киритиш, уларнинг миллий маънавиятини эгаллаш, ўз урф-одат, анъана, ахлоқий қадриятларини ўзгалар онги ва қалбига сингдириш, уларни амалга ошириш йўли билан ўзга миллатни маънавий қашшоқ, ўзлигидан маҳрум қилишдан иборат эканлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Тарихий тараққиёт тажрибалари шуни кўрсатдики, маънавий қашшоқ ва ўзлигидан маҳрум бўлган манқурт миллат заиф, итоаткор ўзгалар измидан юрадиган «беозоргина» бўлиб қолаверади. Бунинг оқибатида миллатнинг нафақат миллий-маънавий ҳаёти барбод бўлади, шунингдек унинг мустақиллиги ҳам қўлдан кетади ва иқтисодий ҳаёти ҳам ўзгаларнинг хоҳиш-иродаси билан бошқариладиган бўлади.

Ана шундай маҳсулотлар қаторида рекламанинг кучи ва қудрати ҳақида фикр юритганда, уни қуйидаги аниқ маълумотлар асосида тасдиқлаш ўринли бўлади. Америка қўшма штатларида салқин ичимликлар ва турли-туман батончик шоколадлар рекламаси таъсири оқибатида 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган барча болаларнинг 81 фоизи доимий истемолчисига айланиб қолган. АҚШда фақат битта болалар «коласи» ва конфет «ботончик» рекламаси учун уни ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан йилига 11 миллиард доллар сарфланади. Ундан келадиган соф фойда турли хил баҳоланишида 90 миллиарддан то 110 миллиардни ташкил қилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ана шу шоколад батончикларнинг истемол қилиниши оқибатида болалар ўртасида ҳаддан ташқари семириш, жигар ва ошқозон ичак касалликлари кўпайиб бораётганлиги ҳеч кимни қизиқтирмас экан. Профессор Дональд Эмерсоннинг таъкидлашича, энг ачинарлиси ана шундай турли кулгили телереклама ва бошқа турдаги рекламаларга 11 ёшгача бўлган болаларнинг қарши туриш қобилияти етишмас экан. 8 ёшгача бўлган болалар эса реклама билан оддий кўрсатувларнинг фарқини умуман тушунмас экан.⁴³

Руҳшуносларнинг таъкидлашича, худди ана шу 8 ёшгача бўлган даврда болаларнинг онгида шаклланган қарашлар, тасаввур ва таассуротлар боқийликка айланиб қолар экан. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундаки, телереклама, интернет кўринишидан оддий бўлган. Кулгили рекламалар орқали тарқалаётган ахлоқсизлик, секс, бир жинсли никоҳ, инсонга қарши қаратилган отиш, қиришда қўлла-

ниладиган турли воситаларнинг «қўғирчоқ» шаклида реклама қилиниши бугунги ёшларнинг эртага ахлоқсиз бўлиб ёки ёвуз ниятли инсон ёхуд экстремист бўлиб етишмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Яна бир мисол. Жаҳонда болалар парнографияси ниҳоятда оммавийлашиб кетаётганлиги инсониятнинг катта маънавий фожеасига айланмоқда. Бугун жаҳонда болалар парнографияси интернетларга жойлаштирилаётган мамлакатлар ичида Россия ва АҚШ олдинги ўринда турар экан. Болалар парнографиясининг жаҳон бозоридаги йиллик даромади 3,5 млрд евро ни ташкил қилар экан. Шунинг 20 фоизини Россия ҳудудидагилар ташкил қилар экан. Бу 700 миллион евро ни ташкил қилмоқда.⁴⁴

Яна бир жонли мисол. Жаҳоннинг бир қатор оммавий ахборот воситалари ва оммавийликка айланган интернетда фаолиятлари жаҳондаги барча мамлакатларда тақиқланган диний ва террористик ташкилотлар раҳбарларининг чиқишларига ўрин бераётганлиги ҳам аслида уларни оммалаштираётганлигини афсуски кўпчилик фаҳмлай олмайди. Худди ана шу «кўмаклашув» натижасида Европа, АҚШ ва бошқа мамлакатларда ёшлар ўртасида ёвузлик, қурол билан бир-бирини отиш, биноларни портлатиш ҳолатларининг авж олаётганлиги ҳақида кўпгина матбуот нашрлари ташвиш билан ёзмоқдалар.

Инсон, миллат ва мамлакат тақдирига дахлдор бўлган яна бир маълумот. Бугун жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида жумладан Европа, АҚШ, Россия ва бошқа бир қатор ривожланган мамлакатларда маҳаллий халқ ҳаётига хавф солаётган эмигрантларни ўз мамлакатларидан чиқариб юборишга қаратилган ҳаракатларни оммавий ахборот воситалари ва интернет орқали кўрсатмоқдалар ва тарқатмоқдалар. Боз устига маҳаллий миллат вакилларининг кўзга кўринган вакиллари фикрларини тарғибот қилиш авж олмақда. Албатта, улар бундай ҳаракатларнинг сабабларини турлича изоҳлашмоқда. Аммо гап бу ерда унинг сабаблари ҳақида эмас, балки бу салбий хатти-ҳаракатларни тарғибот-ташвиқот қилиш, айниқса ёшлар онгига синдирилаётганлиги ҳақида бормоқда. Ахир, ўз миллати вакилининг у ёки бу давлатдан эмигрант сифатида қувғин қилинишини кўрган ёки эшитган инсон, айниқса ўсиб келаётган ёшлар истиқболда байналминалчи эмас балки миллатчи ёки шовинист бўлиб вояга етишмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди-ку! Аслида, бундай салбий ҳолатларни ташвиқот қилиш эмас, балки давлат ва жамоа даражасида вазминлик билан ҳал қилиш ёки қилинганлиги ҳақидаги хабарлар оммалаштирилиши мақсадга мувофиқ эмасми?! Агар бугун дунёдаги фақат ўз номи билан аталадиган миллатлар

яшаётган мамлакат йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, боз устига глобаллашув миллатларнинг ўзлигидан маҳрум этишда катта кучга айланаётган шароитда истиқболда миллат ва миллатлараро муносабатлар тақдири улар ўртасида зиддиятлар авж олиши кучайиб боришига замин ҳозирланаётир дейишга тўла асослар бор. Бунга жонли мисол келтирамиз. 2003 йилда Россия аҳолиси ўртасида «Россия руслар учун» шиорига муносабатни билиш учун ўтказилган сўровларда қатнашганларнинг 16 фоизи бу шиорни қўллаб-қувватлаган бўлса (бу 15–17 млн кишини ташкил қилади), 2006 йилда бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил қилган.⁴⁵ Агар бу ҳолат шундай давом этадиган бўлса, дунёнинг барча мамлакатларида яшаётган руслар тақдирини нима бўлади ёки Россияда яшаётган ёки бугун турли сабаблар билан меҳнат қилаётган рус бўлмаган миллатлар вакиллари қандай яшаши ва ишлаши мумкин? Бундай муносабатлар ривожланадиган бўлса, жаҳон миқёсида шундоғам беқарор бўлган шароитда зиддиятлар авж олишига олиб келиши мумкин-ку!

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг энг хавфли томони шундаки, ана шундай маълумотлар, шошилинич хабарлар оддий одамлар ва айниқса, ёшлар онгига яна ўша қудратли воситалар орқали сингдирилаётганлигидир.

Бундай салбий хатти-ҳаракатлар ҳақида нега бугун хавотир олиш кучаймоқда? Бунинг асосий сабаби шундаки, инсоният то XX асрнинг иккинчи яримигача бугунги даражада инсонларнинг онгини заҳарлаш, қўпоровчилик, экстремизм ва бошқа ёвуз хатти-ҳаракатларни оммалаштирадиган воситага эга бўлмаган эди. Уларга эга бўлиш инсоният тафаккури тараққиёти маҳсули, ютуғи ва айни пайтда инсонлар учун қувонч бағишлайди. Шунинг билан бирга уларга эга бўлиш қанчалик қувончли бўлса, ўз навбатида улар инсоният ва миллатга шу даражада ташвиш, хавф-хатарлар олиб келаётганлигини ҳали ҳамма ҳам сезаётгани йўқ. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда оммавий ахборот воситалари тараққиётидаги инқилобни инсоният тафаккур тараққиётидаги XXI аср мўъжизасига тенглаштириш мумкин. У бугун инсонлар узоғини яқин қилмоқда, кўплаб муаммоларни ҳал қилиш имкониятини бермоқда. Ва айни пайтда худди шу йўл билан улар инсониятни ана шу техник ва технологик ютуқларнинг қулига айлантarmoқда. Улар бугун оммавий ахборот воситаларида берилаётган янгиликлар ва кўнгилочар кўрсатувларни қандай берилаётган бўлса шундайлигича қабул қилиш томон бормоқдалар. Бу инсон онги ва тафаккурининг саёзлашувига, демак, миллатнинг ўзлигидан маҳрум бўлишига олиб келмоқда.

Глобаллашувнинг миллатни ўз домига тортаётганига ана шу во-

ситалар хизмат қилмоқда. Бугун глобаллашув таъсирида миллат вакиллари асосан ёшларнинг атроф-муҳитга муносабати миллий chegarалардан чиқиб оммавий шаклига кириб бораётганлиги ҳам миллатнинг заифлашишига таъсир ўтказмоқда. Жумладан, баъзи ўзбек ёшларида атрофида бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга бепарволик, масъулиятсизлик оммалашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Улар онгида жамоатчилик туйғуси ва қадриятларга қараганда Фарбга хос бўлган индивидуалликни ўзлаштиришга интилиш кучайиб бораётганлиги кўриш мумкин. Бу ота-она, ака-ука, опа-сингил ва қариндош уруғларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббатнинг йўқолиб боришига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Уларнинг қудратли воситалар орқали олиб борилаётган «тарбиявий» фаолияти, миллий ўзликни сақлаб қолишга қаратилган тарбиявий жараёнидан анча илгариллаб бораётганлиги кўзга ташланмоқда.

Аслида, онгни ўзгартиришдек ўта мураккаб иш бўлмаса керак. Чунки у ҳар бир инсоннинг ўзига хос қирралари, ички дунёси, тафаккур қилиш салоҳияти, маънавияти ва имкониятлари билан боғлиқ. Агар у миллий қадриятлар таъсири остида мустаҳкам шаклланган бўлса, миллат вакиллари миллатпарварлик, миллий масъулият туйғулари ҳам кучли бўлади. Агар унинг акси бўлса миллатпарварлик туйғулари ҳам заифлашиб боради. Глобаллашувнинг кучли воситаларни қўллаш имконияти миллатни ўз домига тортиш жараёнини мустаҳкамламоқда ва у миллий-маънавий ҳаётни ичидан ва ташқарисидан емиришга ҳамда миллий онгнинг заифлашувига ўзининг таъсирини ўтказмоқда.

Глобаллашувнинг миллатни ўз домига тортишида интернет асосий қурол вазифасини ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Интернет ва қўл телефонларининг ёшлар ўртасида ахлоқсизнинг юзага келтираётганлиги тўғрисидаги маълумот Россия матбуоти ташвиш билан ёзмоқда. Бугун 10 ёшар болада қўл телефони бор, у истаган вақтда интернетдаги ахлоқсизлик билан йўғрилган барча маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга. Улар яланғоч ҳолатдаги аёллардан тортиб сексгача бўлган ҳолатларни томоша қилмоқдалар. Бу ташвишли ҳолатга барҳам бериш масаласи Россия Давлат Думаси томонидан муҳокамага тортилаётгани ҳам бежиз эмас.⁴⁶

Бундан ташқари дунёда мобил алоқадан фойдаланувчилар сони йил сайин ошиб бормоқда. Intnna telegoms 8 meda тадқиқот компанияси маълумотларига қараганда, бугун ер юзида 3,3 миллиард киши мобил алоқа хизматлардан баҳраманд бўлмоқда. 1987 йилда 35 мамлакатда мобил алоқа хизмати бор эди. Бугунга келиб эса бундай

давлатлар сони 224 тани ташкил этади.⁴⁷ Агар интернет ва уяли телефоннинг бугун ёшларимиз ўртасида оммавийлашиб кетганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада тарбиявий ишларни амалга оширишга эҳтиёж ошиб бораётганлигини кўриш мумкин бўлади. Унда миллатимиз ахлоқи, турмуш-тарзи, менталитети урф-одат, анъана, удум ва қадриятларига мутлақо зид бўлган маънавиятини ёшларимиз онгига синдирмоқда ҳамда оддий инсоний муносабатлардан тортиб, дунёда мавжуд бўлган ахлоқсизликнинг энг жирканч кўринишлари ташвиқот қилинмоқда. Бугун унинг ижобати сифатида ёшларимиз буюк боболаримиз асарларида тараннум этилган миллий, маънавий, ахлоқий, қадриятларимиздаги муҳаббат садоқат, вафо, ор-номус ва инсоннинг ички маънавий гўзаллиги каби улуғ туйғулардан беҳабар бўлиб қолаётганлигида намоён бўлаётгани сир эмас. Интернет ва телевидение бу каби туйғуларни йўққа чиқармоқда.

Интернет, уяли телефон ёвуз ниятли оқимлар, кучлар ва экстремистик гуруҳларнинг ўзаро яқинлашувига ҳам хизмат қилмоқда. Бу оқим, куч ва гуруҳлар бемалол бир-бирлари билан осонгина алоқа ўрнатмоқдалар, ўзаро бирлашиб ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширмоқдалар, ўзларининг манфаатлари йўлида беғуноҳ инсонларнинг қонини тўкмоқдалар. Энг ачинарлиси шундаки, уларнинг бошлиқлари айрим хорижий мамлакатларнинг радио ва матбуотларига интервьюлар бермоқдалар, телевидениега чиқиб «нутқ сўзламоқдалар» ёки интернет орқали амалга оширган ёвуз ишларини амалга оширганликларини мағрурланиб гапирмоқдалар. Албатта, бу берилаётган маълумотлар, интервьюлар, телевидениедаги чиқишлар уларнинг ўзаро бирлашишига ёрдам бермоқда, бир-бирларига кучқувват бағишламоқда ва ёвуз ниятлари қамровининг яна ҳам кенгайиб бориш имкониятини бермоқда. Юзага келаётган бундай шароит ва вазият илғор ниятли инсонларда ташвиш уйғотмоқда, оддий инсонлар ўртасида эртанги кунга ишончсизлик, қўрқув, ваҳима, саросималик руҳиятининг тобора кучайиб боришига сабаб бўлмоқда. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, Глобаллашув нафақат миллатни ўз домига тортмоқда шунингдек, ана шу жараёнининг кучайишига ва ёвуз ниятли кучлар, ҳаракатлар ва қарашларнинг глобаллашиб ер куррасида кенг оммалаштиришга ҳам хизмат қилмоқда. Бугун глобаллашув жараёнида шаклланган сифат ва миқдор жиҳатдан энг юксак даражадаги тараққий этган оммавий ахборот воситалари, интернет, телевидение уяли телефон ва бошқа воситаларнинг инсонларга, айниқса ёшларга ўтказаетган босими натижасида уларнинг бадий асарларни ўқиш, ундан завқланиш ва

Ўз маънавиятини бойитишга бўлган қизиқишлари сўниб бораётганлиги ҳам бугуннинг реал ҳақиқатидир. Ёшларнинг аксарияти бўш вақтларини интернет кафеларда ўтказаётганлиги ва у ерда беҳаё фильмларни томоша қилаётганлиги, мазмунан саёз миллий ўзига хосликка зид бўлган қуруқ шовқин-сурондан иборат бўлган замонавий қўшиқларни тинглашаётганлиги, уларга тақлид қилишга бўлган интилишлари кучайиб бормоқда. Ана шу ўтказилаётган маънавий босимга интеллектуал салоҳияти кам ривожланган, ўзининг мустақил фикри, қарашлари бўлмаган бир қатор ёшлар кўникиб ва уларга тақлид қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу охир оқибатда ана шундай ёшларни миллий характеридан маҳрум бўлишига, урф-одат, анъана, удумлар ва қадриятларни тан олмасдан ҳаёт кечиришларига олиб келиши мумкин. Бу миллат истиқболи учун ўта хатарли, керак бўлса, унинг хавфсизлигини барбод этадиган энг ёвуз омиллардан бири ҳисобланади. Чунки дунёқараш ва руҳиятдаги миллий-маънавий қашшоқлашувни даволаш ўта мураккаб муаммо ҳисобланади. Буни даволаш учун, узоқ вақт ва катта маблағ талаб этилади. Шунда ҳам ана шу ўтказилаётган босимга бардош бера оладиган, ундан ҳимояланиш имкониятини бера оладиган миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришга хизмат қила оладиган чинакам миллий-маънавий салоҳиятни ривожлантирадиган умуммиллий ҳаракат ва сафарбарликни юзага келтиришини амалга оширишга эришилсагина келиб чиқиши мумкин булган маънавий зарар бир қадар камайган бўларди. Хуллас, XXI аср глобаллашуви инсон онги, қалби ва юрагини ёвуз кучлар томонидан забт этиш имкониятини юзага келтирибгина қолмасдан, миллатни ҳам ўз домига тортиши оқибатида, унинг беқийёс гўзаллигини емириш, кучлиларнинг кучсизлар устидан маънавий ҳукмронлик қилиш учун ҳам замин тайёрлаган жараёни кучайишда янги босқич бўлиб тарих саҳифасига кириб келмоқда. Унинг бугун шиддат билан авж олиши эса миллий-маънавий хавфсизлик учун хатарли жараён бўлиб қолмоқда.

Ана шундай шароитда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида глобаллашув жараёни, унинг миллий маънавиятга ўтказётган таъсири, унинг оқибатлари ва унинг олдини олиш омили сифатида миллий ривожланиш ғоясининг ўрнини аниқлаш мақсадида давлат гранти ҳисобидан Тошкент Кимё-технология институти «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедраси тадқиқотчилари «Глобаллашув шароитида миллий ривожланиш ғоясининг ўрни» мавзусида республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида 2006 декабр, 2007 январ ва феврал ойларида социологик сўров ўтказдилар. Бунинг учун сўровнинг да-

стури унда қўйиладиган саволлар ва уларга қайтариладиган жавоблардан тартиб қоюдалари ишлаб чиқилди. Мавзунинг хусусияти ва унга олинадиган жавобларнинг даражаларидан келиб чиққан ҳолда сўров асосан юқоридаги кўрсатилган ҳудудлардаги учта объект, жумладан, олий ўқув юрти, коллеж ва маҳаллаларда ўтказилди. Сўровда жами 1150 та киши иштирок этди.⁴⁷

Сўров саволларининг биринчиси «Глобаллашув сўзини эшитган-мисиз?» деб номланди. Унга **Самарқанд вилояти бўйича** Сам ДУдан тўлиқ сўровда қатнашган талабаларнинг 85,4 фоизи – ҳа; 1,9 фоизи – эшитмаганман; 10,9 фоизи – бир икки марта эшитганман; 1,8 фоизи – умуман эшитмаганман; Сам ДАҚИ лицей талабаларидан сўровда қатнашганлардан 55 фоизи – эшитганман; 8,3 фоизи – эшитмаганман; 30 фоизи – бир-икки марта эшитганман; 6,7 фоизи – умуман эшитмаганман деб жавоб берган. «Ахчопсой» маҳалласидаги сўровда қатнашганларнинг 60 фоизи – эшитганман; 10 фоизи – эшитмаганман; 24,2 фоизи – бир икки марта эшитганман; 5,8 фоизи – умуман эшитмаганман деган жавобни берганлар.

Бухоро вилояти бўйича ҳолат ҳам шу манзарага яқин: Бухоро Давлат университетининг сўровда қатнашган талабаларидан 58 фоизи – бу сўзни эшитганман; 8,2 фоизи – эшитмаганман; 30,4 фоизи – бир-икки марта эшитганман; 3,6 фоизи – умуман эшитмаганман дея жавоб қайтарган. Гиждувон туманидаги «Армечен» касб-ҳунар коллежи талабаларидан сўровда қатнашганларнинг 20 фоизи – эшитганман; 42 фоизи – эшитмаганман; 18 фоизи бир-икки марта эшитганман; умуман эшитмаганман – 26 фоизни ташкил қилган бўлса, шу тумандаги «Армечен» фуқаролар йиғини маҳалаларида яшаётган сўровда қатнашаётган аҳолининг 12 фоизи бу сўзни эшитганман; 24 фоизи – эшитмаганман; 16,9 фоизи – бир-икки марта эшитганман; 47,1 фоизи – умуман эшитмаганман деган жавобни беришган.

Сурхондарё вилояти бўйича ҳолат қуйидагича таҳлил қилинди: Термиз Давлат университетидаги сўровда қатнашганларнинг 66 фоизи – бу сўзни эшитганман; 14 – эшитмаганман; 17,6 фоизи – бир-икки марта эшитганман; 2,4 фоизи – умуман эшитмаганман дея жавоб берган бўлса, Термиз шаҳри тиббиёт коллежининг сўровда қатнашган талабаларининг 50 фоизи – эшитганман; 15,4 фоизи – эшитмаганман; 29,8 фоизи – бир икки марта эшитганман; умуман эшитмаганман деган жавоб 4,2 фоизни ташкил қилди. Денов шаҳридаги маҳаллалар аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровда қатнашганларнинг 23 фоизи – эшитганман; 24 фоизи – эшитмаганман; 31,4 фоизи – бир-икки марта эшитганман; умуман эшитмаганман дея жавоб берганлар эса 22,6 фоизни ташкил қилди.

Хоразм вилояти бўйича эса мазкур кўрсатмалар олинди: УрДУ талабаларидан сўровда қатнашганларнинг 64 фоизи – эшитганман; 16,5 фоизи – эшитмаганман; 16,6 фоизи – бир-икки марта эшитганман; умуман эшитмаганман жавоби эса 2,9 фоизни ташкил қилган бўлса, Урганч шаҳридаги саноат қурилиши коллежининг сўровда қатнашган талабаларининг 52,5 фоизи – эшитганман; 17 фоизи – эшитмаганман; 25,2 фоизи – бир-икки марта эшитганман; 5,3 фоизи – умуман эшитмаганман деган жавобни берганлар. Урганч шаҳар маҳаллалар аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровда унда қатнашганларнинг 18,2 фоизи – эшитганман; 26,4 фоизи – эшитмаганман; 31,1 фоизи – бир-икки марта эшитганман; 24,3 фоизи – умуман эшитмаганман деган жавобларни қайтарганлар.

Тошкент шаҳри бўйича олинган маълумот бироз бошқачароқ: Тошкент Тиббиёт Академияси талабалари ўртасида ўтказилган сўровда қатнашганларнинг 71 фоизи – бу сўзни эшитганман; 14 фоизи – эшитмаганман; 10,1 фоизи – бир икки марта эшитганман; 4,9 фоизи – умуман эшитмаганман деган жавобни берганлар. Собир Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласи аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровда қатнашганларнинг 35,9 фоизи – эшитганман; 26,1 фоизи – эшитмаганман; 24,6 фоизи – бир икки марта эшитганман; 13,4 фоизи – умуман эшитмаганман деган жавобларни қайтарганлар.

Келтирилган жавоблардан кўриниб турибдики Олий ўқув юрти талабалари ўртасида «Глобаллашув» сўзини эшитганлар кўпчиликини ташкил қилади. Лекин бу кўрсаткич вилоятлардаги олий ўқув юртлари талабаларига қараганда Тошкент шаҳридаги мавжуд олий ўқув юртларида юқори (СамДУ – 85,4; Бухоро Давлат университети – 58%; Термиз Давлат университети – 66%; УрДУ – 64,4%; Тошкент Тиббиёт Академияси – 71%) кўрсаткични ташкил қилди. Кўрсаткичларнинг турли-туман бўлиши табиий. Яъни улар талабаларнинг бу масалага қизиқиши оиланинг унга қизиқишига ёки таълим тизимида унга эътиборнинг турли даражалари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Энг асосийси талаба ёшлар ўртасидаги бу жараёнга қизиқмаслик (22,4) дан кўра, 75–80 фоиз даражада қизиқиш юқори кўрсаткични ташкил қилганлигидадир. Маҳаллаларда яшаётган аҳоли ўртасида ҳам глобаллашув жараёнидан хабардорлар вилоят туманлари аҳолиси ўртасидагига қараганда ўртача 38–40 фоиз, вилоят маркази ва Тошкент шаҳри маҳаллалари аҳолисидаги хабардорлик юқори – 45–50 фоиз кўрсаткични ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар турлича бўлишида ҳам турли сабаблар бўлиши мумкин. Шаҳарда аҳолининг маълумот олиш имкониятининг нисбатан катта эканлиги, маҳаллаларда аҳолининг зич яшаш ва улар

ўртасида ўтказилиб туриладиган тадбирларда глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказаетган таъсири ҳақида алоҳида маърузалар ва суҳбатларнинг кўпроқ ташкил қилинаётганлиги каби омиллар билан боғлиқ. Бу кўрсаткичдаги асосий омил вилоят туманлари, вилоят марказидаги ва Тошкент шаҳрида жойлашган маҳаллаларда яшаётган аҳолининг аксарият кўпчилиги жараёндан хабардорлигидандир.

Мазкур жараёнга бўлган муносабатни аниқлаш учун «Глобаллашувни ижобий жараён деб ҳисоблайсизми?» деган савол билан респондентларга мурожаат қилганимизда қуйидагича жавоблар олинди. СамДУ талабаларидан «ҳа» деб жавоб қайтарганлари – 44,5 фоизни; Бухоро Давлат университетида – 44 фоизни; Термиз Давлат университетида – 62 фоизни; Урганч Давлат университетида – 52 фоизни; Тошкент Тиббиёт Академиясидаги респондентлар жавоби эса – 48 фоизни ташкил қилган. «Йўқ» деган жавоб Самарқанд Давлат университетида – 40 фоизни; Бухоро Давлат университетида – 40 фоизни; Термиз Давлат университетида – 26 фоизни; Урганч Давлат университетида – 36,4 фоизни ташкил қилди. Бу жараёнга ижобий қараётганлар билан салбий қараётганлар ўртасидаги фарқлар ўртача «ҳа» деган жавоб 50–52 фоиз, «йўқ» деган жавоб 40–44 фоизни ташкил қилмоқда.

Албатта, бу кўрсаткичга ҳам турлича қараш мумкин. Жумладан, глобаллашувга ижобий қараётганлар юқори кўрсаткични ташкил қилаётган респондентларни бугун унинг имконияти билан катта ахборотлар олаётиб бу соҳага яқин касблари бўйича жаҳонда мавжуд бўлган янгиликлардан хабар топиб, улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлиги билан боғлиқ. «Йўқ» деб жавоб бераётганларни ҳам икки гуруҳга ажратиб қараш мақсадга мувофиқдир. Биринчи гуруҳга глобаллашувнинг оила, ахлоқ, турмуш, тарбия жараёнларига ўтказаетган салбий таъсирини тушуниб етаётганлари кирса, иккинчи гуруҳга ҳали у ҳақида тўлиқ тушунча ва тасаввурларга эга бўлмаган респондентларни киритиш мумкин. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, глобаллашувнинг ижобий ва салбий оқибатлари ҳақида бугунгига қараганда ҳам катта хажмда маълумотларни оммалаштиришга эътиборни кучайтиришга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу хулосага асос бўладиган қуйидаги: «Унга бепарқ қарайман» деб жавоб қайтарганлар СамДУ – 11,2 фоиз; БухДУ – 12 фоиз; Термиз Давлат Университети – 11 фоиз; УрДУ – 10,9 фоиз; Тошкент Тиббиёт Академиясида 9,8 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткичга ҳам турлича муносабат билдириш мумкин. Жумладан, бепарқ қараётганлар ундан ўқиш жараёнида фойдаланаётган-

лар ёки дунёда содир бўлаётган янгиликларга қизиқиши кучли бўлганлар ташкил қилиши мумкин. Аммо олий ўқув юртларидаги респондентларнинг унга бефарқ қарашни ташкил қилувчилар ўртага 10–11 фоизни ташкил қилишини катта кўрсаткич сифатида қараш мумкин. Чунки глобаллашувнинг ижобий ва салбий оқибатлари ҳақидаги маълумотлар, қарашлар илмий концепциялар асосан талабаларга таълим жараёнида етказилиб борилади. Бундай юқори кўрсаткичдан келиб чиқадиган хулоса шуки, талабаларга глобаллашув жараёнининг барча қирраларини ўзида мужасамлашган махсус курсни ишлаб чиқиш ва уни ўқитиш зарурияти юзага келиб бормоқда.

Глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказётган таъсирига респондентларнинг муносабатларини аниқлаш мақсадида уларга «миллий-маънавий қадриятларнинг глобаллашуви нималарга олиб келиши мумкин?» деган савол билан мурожаат қилдик ва олинган таҳлилларни тўлиғича шарҳлашни лозим топдик. **Самарқанд вилояти** бўйича олинган жавоблар эътиборга молик. СамДУ талабаларидан сўровда қатнашган респондентларнинг миллий маънавий қашшоқлашувга 39,1 фоиз, миллий ўзликни англашга бўлган интилишнинг сусайишига 19,9 фоиз, миллий қарамлик ҳолатига тушиб қолишига 20,4 фоиз, билмайман деган жавоб эса 21,6 фоизни ташкил қилди. СамДАКИ лицейидаги респондентлардан миллий маънавий қашшоқлашувга 22,6 фоиз, миллий ўзликни англашнинг сусайишига 17,2 фоиз, миллий қарамлик ҳолатига 19,1 фоиз, билмайман деган жавоблар эса 41 фоизни ташкил қилди. Худди ана шундай қўйилган саволга «Ахчопсой» маҳалласидан сўровда қатнашган респондентлардан миллий маънавий қашшоқлашув 28,6 фоиз, миллий ўзликни англашнинг сусайишига 51 фоиз, миллий қарамлик ҳолатига тушиб қолишга 12 фоиз, билмайман 8,4 фоиз ҳолатларнинг сабаб бўлишини қайд этганлар.

Бухоро вилоятидаги ҳолат ҳам шунга яқин. БухДУда респондентларнинг миллий-маънавий қашшоқлашувига 36,4 фоиз, миллий ўзликни англашга бўлган интилишининг сусайишига 13,4 фоиз, миллий қарамлик ҳолатига тушиб қолишга 11,6 фоиз, билмайман 38,6 фоиз, «Армечен» касб-ҳунар коллежидан респондентлардан биринчисига 30 фоиз, иккинчисига 9,4 фоиз, учинчисига 23,8 фоиз. тўртинчисига жавоблари 24,2 фоизни ташкил қилди. «Армечен» фуқаролар йиғини маҳаллалари аҳолисида респондентлардан биринчи жавобга 14,4 фоиз, иккинчи жавобга 5,9 фоиз, учинчи жавобга 30 фоиз, тўртинчи жавобга 49,7 фоизни ташкил қилди.

Сурхондарё вилоятида эса қуйидаги ҳолат кўзга ташланади. Тер-

миз Давлат университетидаги респондентларнинг биринчи жавоби 31,5 фоизи, иккинчи жавоби 10,1 фоизни, учинчи жавоби 20,4 фоизни, тўртинчи жавоби 33 фоизни ташкил қилди. Тиббиёт коллежи респондентларининг 18,1 фоизи биринчи, 13,2 фоизи иккинчи, 28,7 фоизи учинчи, 40 фоизи тўртинчи жавобни; Денов шаҳридаги маҳаллалардан қатнашган респондентлардан 14 фоизи биринчи жавобни, 6,4 фоизи иккинчи жавобни, 30 фоизи учинчи жавобни; 46,6 фоизи тўртинчи жавобни белгилаганлар.

Хоразм вилояти таҳлиллари ҳам диққатга сазовордир. Урганч Давлат университетининг сўровда қатнашган респондентларининг биринчи саволга берган жавоби 31,4 фоизни, иккинчи жавобга 14,2 фоизни, учинчи жавобга 24,4 фоизни, тўртинчи жавобга 30 фоизни ташкил қилди. Урганч шаҳридаги саноат қурилиш коллежидан қатнашган талабаларнинг 29,2 фоизи биринчи жавобни, 8,4 фоизи иккинчи жавобни, 24,4 фоизи учинчи жавобни, 37 фоизи тўртинчи жавобни бердилар. Урганч шаҳридаги маҳаллалардан сўровда қатнашган респондентлардан 17,4 фоизи биринчи жавобни, 6,1 фоизи иккинчи жавобни, 30,1 фоизи учинчи жавобни, 46,4 фоизи тўртинчи жавобни қайтардилар.

Тошкент шаҳри бўйича ҳолатни қуйидагича таҳлил қилдик. Тошкент Тиббиёт Академиясидан қатнашган респондентларнинг 42,1 фоизи биринчи жавобни, 17,3 фоизи иккинчи жавобни, 23 фоизи учинчи жавобни, 33,9 фоизи тўртинчи жавобни. Тошкент кимё-технология институтидан қатнашган респондентларнинг 40 фоизи биринчи жавобни, 18,4 фоизи иккинчи жавобни, 20 фоизи учинчи жавобни, 21,6 фоизи тўртинчи жавобни бердилар. Тошкент шаҳридаги Беруний маҳалласи аҳолисидан қатнашган респондентларнинг 33,4 фоизи биринчи жавобни, 14,1 фоизи иккинчи жавобни, 20,5 фоизи учинчи жавобни, 32 фоизи тўртинчи жавобни бердилар. Агар юқорида қўйилган саволларга респондентлар томонидан қайтарилган жавобларни таҳлил қиладиган бўлсак қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

Биринчидан, мамлакатимиздаги миллатдошларимизнинг аксарият кўпчилиги (ўртача 40–50%) глобаллашувнинг миллий маънавий ҳаётимизга салбий таъсир этишини тушуниб етганлар, тахминан 38–40 фоиз аҳолимиз ҳали унинг таъсири ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар.

Иккинчидан, талаба ёшлар ўртасида университетларда ўртача (45–60%) глобаллашувнинг миллий маънавият ва миллий ўзликни англашга ўтказиши мумкин бўлган салбий таъсирини тушуниб етганлар, шунингдек уларнинг 35–40 фоизи бу ҳақда ҳали аниқ тасаввурга эга эмасликлари маълум бўлди. Вилоятлардаги, маҳаллалар-

даги аҳолимизнинг ўртача қисми (30–35%) глобаллашувнинг миллий маънавият ва миллий ўзлигимизни англашга ўтказадиган салбий таъсирини тушунган бўлсалар, қолган 65–70 фоиз аҳоли аниқ тасаввурга эга эмасликлари улар берган жавобларда яққол кўриниб турибди. Агар уларни вилоятлараро солиштирганимизда бу жараён ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлган аҳолимиз қишлоқда яшаётганларга қараганда (уларда 30–35 фоизни ташкил қилган) шаҳардаги маҳаллаларда яшаётган аҳолиларда ўртача 40–45 фоиз юқори-роқ эканлигини кўрсатди.

Учинчидан, сўровда қатнашган респондентларнинг умумий сонига нисбатан олганда ўртача 48–50 фоизни глобаллашувнинг миллат ҳаётида ижобий рол ўйнашини ҳам таъкидлаганлар. Энди нега юқоридаги яъни, вилоятлардаги маҳалла аҳолиси билан шаҳардаги маҳаллалар аҳолисидаги фарқ ўртача 10–15 фоизни аниқ тасаввурга эга бўлмаганлар ташкил қилади? Фикримизча 10–15 фоиз фарқлар бўлишининг асосий сабабини аҳолининг замонавий технологиялар – компьютер, интернет ва уяли телефон каби воситаларнинг шаҳар аҳолиси кундалик ҳаётига кўпроқ кириб келиши билан боғлаган ҳолда қараш тўғри бўлади. Айни пайтда олий ўқув юрти талабалари ўртасида маҳаллада яшаётган аҳолига қараганда глобаллашувнинг салбий таъсирини аниқ тасаввур қила оладиганлар маҳаллаларда яшаётган аҳолига нисбатан 30–35 фоиз юқори эканлиги олий ўқув юртларида ўқитилаётган ижтимоий гуманитар фанлар орқали глобаллашувнинг ижобий ва салбий оқибатлари ҳақида дарсларда маълумотлар берилиб борилаётганлиги, маҳаллалар аҳолиси ўртасида эса бу борада тушунтириш ишлари етарли даражада берилиб борилмаётганлиги билан ҳам боғлиқдир.⁴⁸

Бундан ташқари, мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларининг ҳам бу масалани кенгроқ ўрганишга ҳамда унинг ижобий ва салбий оқибатлари илмий ва оммабоп шаклда аҳолига етказишлари ҳам бу жараённинг авж олиш даражасидан орқада қолмоқда. Шунинг билан бирга республикамиздаги баъзи соҳада фаолият кўрсатаётган олимларимизнинг айримлари глобаллашувнинг салбий жиҳатларидан кўра унинг ижобий жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, филология фанлари доктори, профессор Маҳаматжон Холбековнинг «Адабиётда глобаллашув жараёни»⁴⁹ мақоласи бунга мисол бўла олади. Мақолада жуда кўплаб мулоҳазабоп фикрлар илгари сурилган. Аммо, фикримизча ҳурматли домланинг глобаллашувни шахслар номи билан боғлаш ёхуд ер курсида яшаётган турли жойларда халқ адабиёти, санъати ва маърифатда содир бўлган янгиликлар ҳамда уларнинг бошқа халқлар

томонидан қабул қилинишини ҳам глобаллашув жараёни сифатида қаралишига қўшилиб бўлмайди. Чунки глобаллашув жараёнини қандайдир ҳукмдорлар ёхуд даҳолар амалга ошира олмайди, балки инсоният тараққиёти ва ақл-заковатининг маҳсули сифатида, объектив жараён сифатида амал қилади. Унинг асосий хусусияти шундаки, бу жараёнда кимлардир катта фойда олади, кимлардир бошқаларга қарам бўлишга мажбур бўлади. Қолаверса, адабиёт ва маърифат тараққиётида юлдуз бўлиб порлаган даҳоларнинг ер куррасидаги бошқа халқлар томонидан қабул қилиниши глобаллашув жараёнини англамайди, балки уларнинг ўзаро таъсир ўтказиши ва бойиши жараёнини англатади. Бу жараёнда глобаллашувнинг бугун ўтказётган «зўравонлик» таъсири йўқ. У табиий кечадиган жараён ҳисобланади. Бу ҳақда мақола муаллифининг ўзи тўғри таъкидлайди: «умуминсоний адабиётни ташкил этадиган миллий адабиётлар, ўзига хослигини сақлаган ҳолда, бошқа халқлар адабиётидаги илғор жиҳатларни ўзлаштириб боради, анъана ва услублардан озиқланади».⁵⁰ Бу жуда тўғри фикр. Инсоният пайдо бўлибдики, унинг маънавий эҳтиёжи юзага келган пайтдан бошлаб бу жараён ҳам юзага келган, у бугун ҳам давом этиб келмоқда, бундан кейин ҳам табиий жараён сифатида давом этаверади. Аммо, ундан «... бу эса халқаро адабий жараён ва адабиёт назариясида глобаллашувни юзага келтиради» (М. Холбеков) деган ҳулосани чиқариб бўлмайди.

Адабиёт, санъат ва умуман маънавият ҳамда маданиятнинг глобаллашуви ниҳоятда хатарли жараён. Чунки у иқтисодиёти ва унга мос бўлган интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мамлакатларнинг маънавиятини ҳамда маданиятларининг устуворлиги асосида бундай имкониятга эга бўлмаган мамлакатлар халқларининг маънавияти ва маданиятларига босим ўтказиш, уларни заифлаштириш ва охир-оқибатда уларнинг ўзгаларга мойиллигини юзага келтириш йўли ўзлариники ҳисобига оммавий маданиятни вужудга келтиради. Яна ҳам аниқроғи, глобаллашув миллий адабиёт, санъат, маънавият ва маданиятларда мавжуд бўладиган табиий содир бўладиган ўзаро таъсир ўтказиш, бойиш ва улар ҳисобига умуминсоний адабиёт, санъат, маънавият ва маданиятнинг шаклланишига тўсиқ бўлган ёвуз кучдир. У миллий заминларни, ўзига хосликларни, руҳиятни ичидан ва ташқаридан емириб, улар маънавий қашшоқ зўравон оммавий маданиятни шакллантиришга хизмат қилувчи жараён ҳисобланади. У миллатларни ўзликларидан маҳрум қилиш йўли билан оммавий адабиёт, санъат, маънавият ва маданият атрофида бирлаштирувчи, уларнинг онги ҳам қалбини бир қолипга солувчи

жараён ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам миллий маънавий салоҳиятни юаксак даражага кўтарган ҳолда, бу жараённинг ривожланишига қарши тура оладиган миллий салоҳиятни шакллантириш бу куннинг долзарб вазифасига айланмоқда. Глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказётган салбий таъсири ҳақида фикр юритганда дунёдаги турли миллат, элат ва халқларни ўзлигидан маҳрум қилиш йўли билан ўзаро бирлаштиришга хизмат қиладиган жараённинг авж олаётганлигини кўриш мумкин. Унинг хатарли томони шундаки, бу жараёнга ана ўша миллатлар, халқлар ва элатларнинг кўникиб бориши кучаймоқда. Бу нимадан далолат беради? Фикримизча адабиёт, санъат, илм ва бошқа соҳаларда «ўзиникини» яратиш борасида тер тўкиб меҳнат қилишдан кўра ўзгаларникига тақлид қилиш, улардан андоза олишга мойиллик кучайиб бормоқда. Бу охир оқибатда «кичик» миллатларни нафақат иқтисодийда шунингдек, маънавий соҳасида ҳам қарамлик ҳолатига тушиб қолиш хавфини кучайишига олиб келмоқда. Бу уларни истиқболда глобаллашувнинг қурбонига айланишига олиб келади Бугун бу жараённинг олдига тўсиқ бўла оладиган миллий-маънавий «қалқонни» шакллантириш долзарблигича қолиб келмоқда.

Унга миллат ҳаётининг нақадар катта эҳтиёж эканлиги ҳақида ўйлаганда Собиқ шўроларнинг миллий маънавиятни барбод қилишга қаратилган сиёсати ва амалиётига қарши собиқ иттифоқдош республикалардан етишиб чиққан адабиёт ва санъат арбобларининг бугун глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказётган таъсири кучаётган шароитда деярлик йўқлиги ҳам муаммо бўлиб қолмоқда. Ўша зўравонликка қарши кичик ҳудудни ўз ичига олган ҳудуд ва аҳолиси жиҳатдан кичик бўлган Доғистондан етишиб чиққан Расул Ҳамзатов, унинг ўз миллий маданияти, тили, урф-одат, анъаналарини ҳимоя қилган «Доғистоним» асари ёки Ўзбекистондан етишиб чиққан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва уларнинг миллатимизни улуғлаган, уни зўравон миллий сиёсатдан ҳимоя қилишга қаратилган забардаст шеърлари даражасидаги асарлар яратилмаётганлиги қайсидир маънода маънавиятнинг глобаллашувга қарши тура оладиган миллий-маънавий «қалқон»нинг шакли олдида тўсиқ бўлиб қолмоқда. Шунингдек, глобаллашув жараёнининг салбий жиҳатларини кўрсатиб беришга қаратилган бадиий ва санъат асарларнинг етишмаётганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Эҳтимол, бу бугун глобаллашув жараёнида ер куррасининг энг узоқ ҳудудларидаги бошқа миллат вакиллари учун аҳамиятга молик бўлмаган кичик «хабар»ларнинг саноқли сонияларда бутун дунёга тарқалиши бўйича юзага

келаётган имкониятлар маънавият, маърифат ва илм аҳлини ана шу «эфария» билан мослашиб кетаётганлиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Энг ёмони жараённинг барча соҳаларни умумлаштиришга ўтказётган таъсири кучаймоқда. Унинг ҳеч бўлмаса миллий маънавиятга ўтказётган салбий таъсирининг олдини олиш миллий маънавиятимизнинг истиқболи учун ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб қолмоқда.

Глобаллашувнинг миллатлараро муносабатларга таъсири

Бугун дунёнинг миллий қиёфаси ранг-баранг бўлиб, у инсонларнинг миллий ўзлигини англаш жараёнининг ривожланиши билан уйғун ҳолатда такомиллашиб бормоқда. Инсонларнинг ақл-заковати ўсиб, моддий шароитларни яхшилаб бориши уларнинг миллий ўзлигини англашга бўлган интилишига ҳам ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Албатта, бу ерда гап миллий ўзликни англаш жараёнини моддий эҳтиёжларнинг қондирилишига боғлаб қўйиш ҳақида кетаётгани йўқ, балки унинг бу жараёндаги муҳим омил эканлиги ҳақида кетмоқда. Зеро моддий эҳтиёжларни қондиришга қаратиладиган ҳар қандай ҳаракатлар заминидан инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечириш мақсадлари туради. Агар у маънавият билан уйғунлашмас экан, инсоннинг бошқа тирик мавжудодлардан фарқи ҳам қолмаган бўлур эди. Шу маънода моддий эҳтиёжлар қанчалик муҳим бўлмасин, у маънавият билан уйғунлашган ҳолатдагина инсон инсонийлик қиёфасига эга бўлади. Шундай фазилатлар қаторида унинг маълум миллатга мансублигини ҳис этиш, инсоннинг руҳияти, ғурури ва ифтихорини ўз дунёқарашида мужассам этиши ҳам туради. Бундай фазилатга эга бўлмаган инсон маънавий қашшоқ ва манқуртдир. Шу мезонлардан келиб чиқиладиган бўлса, миллатнинг шаклланиши, ривожланиши ва бугунги кун такомиллашуви инсонларнинг нафақат моддий шароити тараққиёти билан, балки унинг таъсирида юксакликка кўтарилган маънавиятнинг инъикоси сифатида намоён бўлаётганлигини кўришимиз мумкин. Инсоннинг маълум миллатга мансублигини англаши ана шу маънавиятнинг таркибий қисмини ташкил қилади.

Бугун инсонлар маънавиятидаги миллий «мен»ликка интилиш устувор аҳамият касб этмоқда. Дунёда турли хил миллат вакиллари яшайди. Аввало улардан ҳар бирининг ўзига хослиги ва «мен»и бошқа бирор миллатда айнан такрорланмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ана шу «мен»ни ривожлантиришга ва ўзгалардан устунроқ бўлишга интилади. Қолаверса, миллий турли-туманлик барча

учун қизиқ жараён. Чунки инсон руҳиятида ўзи учун нотаниш бўлган ҳар қандай нарсани билиб олиш, мақбул томонларини ўзлаштиришга интилиш уни баркамол инсон даражасига етишувида муҳим роль ўйнайди.

Шунингдек, агар ер юзидаги барча инсонлар бир тилда сўзлашадиган бўлса, бир хил урф-одатлар, анъаналарга, қадриятларга, динга эътиқод қиладиган ёхуд оила, фарзанд тарбияси, маиший ҳаёт ва бошқа бир қатор моддий ҳамда маънавий омилларни ўзларида бир хил кўринишда акс эттирадиган бўлса, уларнинг бир-бирларига талпиниб яшашга, бирининг иккинчисига қараганда юксак тараққиётга эришишга интилишларига, ўзиникини ўзганикидан бойроқ ва гўзалроқ қилишга, ўзида бўлмаган қирралари ва гўзалликларини ўзганикидан олишга интилиб яшаши каби гўзаликни ўзида мужассам эттиришга эҳтиёж ҳам қолмаган бўлур эди.

Хуллас, миллий турли-туманлик ҳам умуминсоний қадриятдир. Миллатлардаги гўзаликни сезмаслик, уларни қўшиб юбориш сиёсатини олиб бориш маънавий қашшоқлик, гўзалликка нисбатан жоҳиллик ва умуминсоний қадриятни поймол қилишдир. Шўролар таназзулининг бош сабаби ҳам шунда бўлган эди. Шўро сиёсатида «майда» миллатларни бирлаштириш, ягона совет халқини шакллантириш бош стратегик вазифа қилиб белгиланган эди. Худди ана шу зўравонлик сиёсати миллатлар руҳияти мустақиллик ғояларининг ривожланиб келишига ўзининг таъсирини кўрсатиб келди. Бу ўз навбатида миллатлар зиддиятларини кучайтирди, шунингдек тузумнинг ичдан емирилишини ҳам тезлаштирди.

Дунёда мавжуд бўлган, ҳатто сон жиҳатдан энг кичик бўлган бир миллатнинг йўқ бўлиб кетиши ҳам оламга куч-қудрат ва илҳом бахш этаётган гўзалликка зиён келтиради. Шу маънода миллий ўзига хосликни ривожлантириш, ҳар бир миллатда мавжуд бўлган захира-ларни юзага чиқариш умуминсоний салоҳиятнинг юксалиб боришига хизмат қилади. Аммо дунё миқёсида бу жараёнлар жуда мураккаб кечмоқда. Чунки XX аср охири XXI аср бошида миллий уйғониш жараёнларининг янги босқичи юзага келди. Бунинг асосий омили инсон эркинликларининг таъминланишида содир бўлаётган имкониятларнинг кенгайиши ва унинг интеллектуал салоҳиятининг ўсиб бораётганлиги ҳисобланади. У миллий уйғониш жараёнини шиддат билан ўсиб боришига ўзининг таъсирини кўрсатди. Буни биз айниқса, миллатларда ўзликни англашнинг ўсиб бораётганлиги натижасида ҳар бир миллатнинг сон жиҳатдан каттами ёки кичикми бундан қатъи назар, ўз заминига интилиш, ички имкониятларини юзага чиқариш мойилликнинг кучаяётганлигида кўрамыз. Таъкид-

лаш жоизки, кам бўлса-да бу тадрижий жараёни тан олмаслик, бир миллатни иккинчисига қарама-қарши қўйишга интилиш ҳоллари ҳам афсуски мавжуд.

Айниқса, ана шу иккинчи ҳолат ХХІ асрда инсоният хавфсизлигига таҳдид солаётган энг хатарли омил сифатида намоён бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Чунки бугунги кунга келиб айтиш мумкинки, ҳатто энг «қашшоқ» миллат ҳам қандайдир моддий манфаатдорлик эвазига ўзининг ўзгаларга қарам бўлишига рози бўлмаслиги аксиомага айланди. Демакки, у ёки бу миллатни қарам қилишга интилиш, албатта, жаҳонда беқарорлик вужудга келишига, манфаатлар тўқнашувига, охир-оқибат қон тўкилишларига олиб келади. Бу хатарли жараённинг олдини олиш бугунги кунда инсоният олдида турган энг долзарб вазифалардандир.

Миллат, унинг қадр-қиммати, ор-номуси, гурури муқаддас ҳисобланади. Чунки миллат реал шахслар орқали намоён бўлади. У тил, урф-одат, анъаналар, қадриятлар ўзликни англаш руҳияти умумий бўлган шахслар мажмуидан иборат. Агар айрим шахснинг ор-номуси, гурури, қадр-қиммати унинг ўзи билангина боғлиқ бўлса, миллат шаъни уни ташкил этадиган шахслар билан боғлиқ бўлади. Миллатнинг маънавий-руҳий қудрати ва салоҳияти, уни ташкил қилган шахслар сонининг кўплиги билан эмас, миллат ичидаги миллатпарварлар салмоғи билан белгиланади. Чунки сон жиҳатдан катта бўлмаган миллатлар ўзларининг маънавий имкониятлари билан умуминсоний тараққиётга улкан ҳисса қўшишлари инсоният тарихида кўп бор такрорланганлигини кўриш мумкин. Ҳатто муайян миллат ичидан етишиб чиққан саноқли инсонлар ҳам ўз миллати улуғлигини таъминлаши мумкин.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, инсоният ер юзида ҳаёт кечирар экан миллатнинг яшаши, унинг бу ёруғ оламга жозиба гўзаллик бағишлаб келиши ҳам муқаррардир. Чунки миллат кўринишидан мавҳум моддийликни ўзида ифода эттирмай, фақат инсонларни муайян хусусиятлар, олимлар ва манфаатлар билан уйғунлашган шаклда моддийликни ўзида ифода эттиради ва миллат мақомида намоён бўлади. Миллат кўринишидан мавҳум, у моддийликни ўзида ифода эттирмайди, фақат инсонларни муайян хусусиятлар, олимлар ва манфаатлар билан уйғунлашган шаклида моддийликни ўзида ифода эттиради ва миллат мақомида намоён бўлади. Яъни миллат инсонларнинг ўзига яқин бўлган хусусиятлар, олимлар ва манфаатлари уйғунлашувининг натижаси ҳисобланади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, инсон миллатсиз ҳам яшаши мумкин эмас. Эҳтимол, у ватандан йироқда дунёга келар, миллат тарбиясини олиш

имкониятидан ҳам маҳрум бўлган бўлиши мумкин, аммо бу унинг ватансиз ва миллатсиз эканлигини билдирмайди. Чунки у ўзининг ўзлигини англаши жараёнида қалби, ички руҳияти, олами билан ўзининг авлод-аждодларини билиб олишга, улар қўним топган Ватани, уларнинг миллатини қўмсаб яшайди ва унга талпинади. Мазкур ҳиссиёт ва руҳият унга ота-онасининг қони ва қалби орқали табиий равишда ўтган. Бу жараёни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Зеро, ҳали ақли расо ҳеч бир инсон ўз миллати ва Ватанидан воз кечмаган. Аксинча, ўзликка интилиши жараёни ривожланмоқда. Ҳар бир инсоннинг миллий ўзлигини англаши ўсиб борар экан, у миллатлараро муносабатларга ҳам ўзининг таъсирини ўтказмай қолмайди. Чунки миллий ўзликни англаш руҳиятида «биз» ва «улар» тушунчасига амал қилади. Қачонки давлат миллий сиёсатида «биз» ва «улар» мувозанатига устуворлик берилсагина миллатлараро муносабатлар ривожланиб ва такомиллашиб боради. Бу ерда «Миллатлараро муносабатлар» тушунчаси устида бироз мулоҳаза юритиш лозим бўлади. Илмий адабиётларда ва шу жумладан турли луғатларда «миллатлараро муносабатлар» тушунчасига қисман таъриф берилган. Баъзи бирларида ҳам йўл-йўлакай улар ўртасидаги турли соҳаларда олиб бориладиган муносабатлар кўринишида айтиб ўтилган.

Аслида, миллат омили ҳақида фикр юритганда унинг бошқа субъектлар билан бўладиган муносабатларига қараб, уларни ўзаро қийслаб, имкониятларини аниқлаган ҳолатдагина «миллатлараро тотувлик», «миллатлараро бағрикенглик», «миллатчилик», «шовинизм» ва шунга ўхшаган тушунчалар уларнинг намоён бўлиш сабаблари ва оқибатлари миллатлараро содир бўладиган муносабатларга бориб тақалади. Агар ана шу муносабатлар тенглик, ўзаро манфаатдорлик, «мен»ликни уларнинг борлигини эътироф этиш каби қадриятларнинг қайси даражада амал қилишига қараб миллий муносабатларнинг йўналишларини аниқлаш мумкин бўлади. Шу фикримиздан келиб чиққан ҳолда «миллатлараро муносабатлар» тушунчасига ёндошилса тўғри бўлади. Фалсафа қомусий луғатида миллатлараро муносабаларга эмас балки, миллий муносабатларга қуйидагича таъриф берилган: «Миллий муносабатлар деганда турли миллат ва элатларнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий-маърифий соҳаларда бўладиган ўзаро алоқалар мажмуини тушунмоқ керак»⁵¹ Бу таъриф шу сатрлар муаллифи томонидан берилган. Аммо, мазкур таърифни миллатлараро муносабатларни ўзида ифода эттира оладиган таъриф деб бўлмайди. Чунки унга бир қатор аниқликлар киритиш лозим бўлади. Яъни, «миллий муносабатлар» билан «миллатлараро муносабатлар» тушунчалари бир хил маънони англата-

дими ёки улар ўртасида фарқлар борми? Агар бор бўлса улар нима-ларда ўз ифодасини топади? Фикримизча улар ўртасида фарқ мавжуд. Миллий муносабатлар деганда айрим олинган миллатга нисбатан бўладиган турли амалий фаолиятни тушуниш мумкин. У давлат у ёки бу миллатнинг бошқаси билан бўладиган алоқаларини англа-тадиган тушунча ҳисобланади.

Миллатлараро муносабатлар деган тушунчанинг маъно-маз-мунига келсак, у бир миллатнинг бошқаси билан бўладиган му-носабати, давлат ёки бошқа объектнинг унга бўладиган муноса-батини эмас, балки бир неча миллатлар ўртасида бўладиган кенг қамровли муносабатларни англатади. Унинг амал қилишида бе-восита давлат ёки бошқа биронта институтнинг аралашуви, иш-тироқи назарда тутилмайди. Бундан ташқари «Миллий сиёсат» деган тушунча ҳам улар билан ёнма-ён юришини ҳисобга олиш лозим бўлади. Миллий сиёсат давлатнинг ҳудуди яшаётган турли миллатларга нисбатан олиб борадиган амалий фаолиятини ан-глатадиган тушунча ҳисобланади. Кўриниб турибдики, бу тушун-чалар ўртасида маълум фарқлар бор. Аммо улар ҳар доим узвий-ликда намоён бўлиб борадилар.

Шундай қилиб, миллатлараро муносабатлар деганда мамлакат-лар ҳудудларида яшаётган турли миллатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амал қиладиган фаолиятлар мажмуасини тушунмоқ керак. Бундай муносабатлар турли мамлакатларда яшаётган турли миллатлар ўртасида ҳам амал қилади. Аммо бу жараёнда улар муносабатларининг йўналиши ва мақсадларини миллатлардан кўра давлат белгилаб беради ҳамда бошқариб туради. Албатта, кўп миллатлар яшаётган мамлакатлар-даги миллатлар ўртасида бўладиган муносабатларда ҳам давлат институти етакчи ўринни эгаллайди. У ана шу муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқади ва унинг амалга ошувини назо-рат қилади ҳамда бу жараёнда ўзи ҳам иштирок қилади. Шундай бўлишига қарамасдан кўп миллатлар яшайдиган мамлакатларда ҳудуд, Ватан, мақсад, манфаат, тақдир ва шунга ўхшаган бошқа бирликларнинг мавжудлиги миллатлараро муносабатлар нисбатан табиий кечиши ҳам амал қилишини назарда тутмоқ керак бўлади. Уни у ёки бу миллат хоҳлайдими ёки йўқми бу жараёнда иштирок қилишга мажбурдир. Ана шу мажбуриятнинг миллатлар вакилла-ри томонидан қандай тушунилиши ва унга амал қилиниши мил-латлараро муносабатларнинг қандай ривожланишига аниқлик ки-ритиб боради. Бундан миллий муносабатлар ва миллатлараро му-носабатлар ниҳоятда мураккаб кечадиган жараёнлар эканлиги

маълум бўлади.

Бундай муносабатларда ўзаро зиддиятларнинг юзага келиши ва унинг моддий кучга айланиб қарама-қаршилик даражасига кўтарилиши давлатларнинг ичдан емириб боришига, охир оқибатда бўлиниб кетишига олиб келиши жаҳон мамлакатлари тарихида бир неча бор содир бўлганлиги тарихдан маълум. Афсуски, бугунги кунда бундай салбий ҳолатнинг (масалан, собиқ Югославия, Чехославия ва бошқа) содир бўлиб тураётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шу маънода ҳам миллатлараро муносабатларни барқарор ривожлантириш ҳар бир инсонпарвар давлатнинг сиёсатида устувор йўналишлардан бири сифатида амал қилиб келмоқда. Миллатлараро муносабатларнинг ривожланиши ёки орқага кетишида яъни барқарорлиги ёки зиддиятларнинг юзага келишида жаҳон тараққиётида юзага келадиган турли омилларнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бунда нафақат давлатлар ўртасида юзага келиб турадиган турли зиддиятли муносабатлар, шунингдек, табиий ёки нотабиий ҳодиса ёки омиллар ҳам катта роль ўйнайди.

Ана шундай омиллар қаторида бугун содир бўлиб тураётган глобаллашув жараёни алоҳида ўрин эгалламоқда. У бугун гарчанд юзага қалқиб чиқмаган бўлса ҳам, зимдан етилиб, пишиб келаётган кам сонли миллатлар ва элатларни, юксак тараққий қилган кўп сонли миллатларга «ассимиляция» қилиб (қўшилиб) юборишга ўтказётган таъсири миллатлараро муносабатларнинг чигаллашиб боришига, улар ўртасида зиддиятларнинг юзага келиши хавфини юзага келтирмоқда.

Глобаллашув жараёни икки йўналишда миллатлараро муносабатларга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Биринчидан, у кўп миллатлар яшаётган мамлакатлар ички ҳаётида маълум зиддиятларни вужудга келтириш хавфини туғдирмоқда. Бунда давлатларнинг қудратли давлатларга қўшилиб кетишидан ҳадиксираш руҳиятини шакллантирмоқда. Чунки қудратли давлатларнинг ўзи ҳам глобаллашувнинг кучли босими остида яшашга мажбур бўлмоқда ва ўз навбатида ундан ҳимояланишнинг имкониятларини излашга ҳаракат қилмоқда. Бу табиий ҳол, албатта. Аммо айрим мафкурачилар бу ҳолатни қудратли давлатлар ўзининг «мен»лигини юқори қўйишга интилиши сифатида тарғиб қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, қудратли саналган миллат тилига давлат тили мақомининг берилиши, унинг урф-одат, анъана ва қадриятларининг оммавийлашуви жараёнларини бузиб кўрсатишга уришларнинг юзага келаётганлигида глобаллашув ҳам ўзининг таъсирини ўтказмоқда.

Иккинчидан, глобаллашув иқтисодиёти юксак тараққий қилган мамлакатларга кам тараққий қилган мамлакатларни қарам қилиб қўяётганлиги ҳақида юқорида бир қатор аниқ маълумотлар келтирилган эдик. Бу жараёнда миллатлараро муносабатларда юзага келадиган зиддиятлар худди ана шу мамлакатларда яшаётган катта миллатлар иқтисодиёти воситасида ўз миллий маънавиятларини оммалаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг натижасида кўпгина кам ривожланган ёки энди тараққий ётулига кираётган мамлакатлардаги миллатларнинг миллий маънавияти заифлашуви юзага келмоқда. Бу ўз навбатида жаҳон миқёсида яшаётган бир қатор ана шундай миллатларда, уларнинг миллий маънавиятини заифлаштираётган миллатларга нисбатан норозилик кайфиятини кучайтирмоқда. Бу ўз навбатида юксак тараққий қилган миллатлар билан кам тараққий қилган миллатлар ўртасидаги муносабатларда бир қатор зиддиятларнинг юзага келишига олиб келмоқда.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёни ана шу икки йўналишда миллатлараро муносабатларнинг чигаллашувига ўзининг таъсирини ўтказиб бормоқда. Аммо бу жараёни кам тараққий қилган ёки энди тараққий ётулига кирган мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган турли миллатларга нисбатан юқори даражада ривожланган мамлакатлар ва уларда яшаётган турли миллат ва халқларда очиқ норозилик ҳаракатини кучлироқ англамоқдалар. Бу бугун Оврўпо ва Россия каби мамлакатларда глобализм жараёнига қарши бўлган аксилглобализм ҳаракати ҳисобланади. Гарчанд улар глобаллашувни «урушларни келтириб чиқарувчи», «халқларнинг моддий ресурсларини ўзлаштиришга хизмат қилувчи» жараён сифатида баҳоласалар ҳам, унинг заминиде миллий ўзлигининг барбод бўлишидан юзага келаётган «ҳадиксираш» руҳиятининг борлиги ҳам маълум бўлмоқда. Шунга қарамасдан, бугун жаҳонда глобаллашув жараёни шиддат билан ривожланаётган шароитда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш энг долзарб вазифалар қаторида туради. Чунки бугун миллатларнинг ўзлигини англаш жараёни глобаллашувнинг ўтказаетган таъсири натижасида ҳар қачонгига қараганда ҳам тез ривожланмоқда. Ўзининг номи билан аталувчи давлатлардан йироқда яшаётган миллатлар ва элат вакиллари энг замонавий информация воситалари ёрдамида ўз миллатдошлари, уларнинг турмуш-ғарзи, тараққий даражалари ва муаммолари ҳақида ҳар дақиқада маълумотлар олиш имкониятига эга бўлдилар. Аини пайтда айрим сиёсатчилар, осон обрў орттиришга ҳаракат қилаётган «Миллатпарвар»ларнинг миллатдошларини «поймол этилган» ҳуқуқларини «ҳимоя» қилиш бораси-

даги чақириқларининг ана шу замонавий информатсион воситаларда тарқатилиши ҳам кўп миллатли давлатларда миллатлараро муносабатларнинг барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказиш хавфини ҳам юзага келтиради.

Аслини олганда, бугун дунёдаги деярли барча мамлакатлар кўп миллатли ҳисобланади. Глобаллашув ана шу жараёнга ўзининг таъсирини ўтказиши оқибатида турли миллат вакилларининг бошқа мамлакатларда яшаш руҳиятининг кучайишига ҳам олиб келади. Бу руҳият шаклланишида тараққий қилган мамлакатлар ҳақида замонавий оммавий ахборот воситалари орқали тарқаладиган моддий фаровонликнинг юксак даражада ривожланганлиги ҳақидаги тижорат ва хусусий инвестициялар ва кўчмас мулкнинг эркинлиги учун мавжуд шарт-шароитлар ҳақидаги турли хабарлар катта рол ўйнайди. Бу иқтисодий жиҳатдан кам тараққий қилган мамлакатларда яшаётган турли миллатларга мансуб инсонларнинг тараққий қилган мамлакатларга бориб ўз иқтисодий шаротини яхшилашга интилишини кучайтиради ва айни пайтда ўз мамлакатига катта маблағга эга бўлиб, уни хорижий мамлакатларда кўчмас мулкни қўлга киритиш, хусусий инвестицияларни турли ишлаб чиқаришга йўналтириш ва ўз тижоратини ривожлантириш каби мақсадлари кўзлаб ўзга мамлакатларга бориб яшашга бўлган интилишларни ҳам кучайтиради. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда глобаллашув турли миллатларнинг ўзаро аралашиб яшаш жараёнларининг кучайишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шу ўринда мазкур жараённинг миллатлараро муносабатларга қандай алоқаси бор, деган савол туғилади. Айтиш жоизки, унинг бу жараёнга таъсири ниҳоятда катта ва биз уни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

Биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, инсоният ҳаёт кечирар экан, миллатга мансублик туйғуси унинг маънавиятининг юксак кўриниши сифатида намоён бўлиб қолаверади. Шу маънода шоҳ ҳам гадо ҳам қаерда ўз миллати шаъни, ғурури, ор-номуси топталишига бефарқ бўла олмайди. Шундай экан, бугун ривожланган мамлакатлар ўз ҳудудига фаровонлик истаб келаётганларни қучоқ очиб кутиб олаётгани йўқ. Аксинча, уларни ўз мамлакатларидан чиқариб юборишга қаратилган турли меъерий ҳужжатлар ишлаб чиқмоқдалар, баъзан эса турли миллатчи гуруҳлар бошқа миллат вакилларига нисбатан жисмоний куч ишлатишгача бориб етмоқдалар. Бу миллатларнинг ўзаро аралашиб яшаётган шароитида ҳатто миллатлараро барқарорлик мавжуд бўлган мамлакатларда ҳам ривожланмаган миллат вакилларида ўз келажаги учун ҳадиксираш, ишончсизлик ёки иккиланиш кайфиятини вужудга келтириши мумкин. Бу

эса миллатлараро муносабатларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир ўтказди.

Иккинчидан, глобаллашув кўп миллатли мамлакатларда миллий маданиятлардаги ўзига хосликнинг аста-секинлик билан емирилишига олиб келиши мумкин. Бу жараёндаги муаммо шундаки, ривожланган мамлакатнинг маънавиятидаги ўзига хосликка қараганда ривожланмаган давлат ва элат вакилларининг миллий маънавиятига глобаллашув жараёнининг ўтказадиган таъсири кучли бўлади. Чунки унга ҳар доим куч-қувват ва илҳом бағишлаб турадиган миллий маданий илдизлардан ўсиб келадиган эҳтиёж даражасида фойдаланиш имконияти чекланган. Бундай шароитда нисбатан кам тараққий қилган мамлакатларда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг маънавияти билан ривожланган давлатлар маънавиятининг ўзаро таъсир этиш ва бойитиш жараёнининг ўрни тараққий қилган мамлакатлар халқлари томонидан шакллантириладиган оммавий маданиятнинг таъсир ўтказиш жараёни ўрни эгаллаши мумкин бўлади. Бу ўз навбатида миллий маънавиятдаги ўзига хосликнинг емирилиб боришига, унинг таъсирида кўп миллатли мамлакатлардаги миллий-маънавий яқинлик руҳиятининг бузилишига олиб келади. Бу миллатлараро муносабатларнинг барқарор ривожланишига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Миллат мавжуд экан, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам мавжуд бўлади. Агар шу жараённинг боқийлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бугун глобаллашувнинг бу жараёнга ўтказётган салбий таъсирининг олдини олиш ҳақида бош қотириш, унинг миллий маънавиятларни емирилишидаги имкониятлари олдида тўсиқ қўйишнинг самарали механизмларини топиш ўз мустақиллигини, эркини, ўзига хослигини ҳар қандай манфаатдан устун қўйишга қодир бўлган барча миллатлар олдида турган энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Глобаллашув қанчалик чуқурлашиб, шиддат билан ривожланмасин, унинг миллий ўзига хосликни емирилишига қаратилган таъсирга қарши самарали омилларнинг шаклланиши ҳам муқаррардир. Бунинг учун эса миллий хусусиятларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга йўналтирилган жаҳон миллатларининг яқдил ҳаракатларини вужудга келтириш лозим бўлади. Бу ҳаракатда миллатлар маънавиятининг ўзаро бойиши табиий жараён сифатида бўлишига эришиш катта аҳамиятга эга бўлади. Бу жараёнда содир бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олди олинмас экан, унда фикримизча истиқболда асосий зиддият глобаллашув билан миллатларнинг ўзлигини англашга бўлган интилиши ўртасида вужудга кела-

ди. Глобаллашув ўзининг энг юқори палласига етгандан кейин унинг миллий ўзига хосликни емиришга, таъсир ўтказиш имконияти барҳам топиши ёки унинг авж олиши дунё миқёсида юзага келадиган кучлар ва омилларга боғлиқ бўлиб қолади.

Бу ердаги асосий масала ер куррасидаги барча инсонлар, ўзларига қарши қаратилган глобал муаммоларни ҳал қилишга биргаликда кураш олиб бориш мақсадида бирлашадиларми ёки тараққий қилган мамлакатлар глобаллашув яратган имкониятлардан фойдаланиб, ер юзидаги барча халқлар устидан ўз ҳукмронликларини таъминлаш йўлини давом эттирадими? Мана шуларнинг қайси бири устувор даражага кўтарилиши глобаллашувнинг истиқболдаги таъсири имкониятларини белгилаб беради. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тараққий қилган мамлакатларнинг кўпгина сиёсат ва маданият-маърифат арбоблари инсоният олдида турган глобал муаммоларни биргаликда ҳал этиш зарурлигини таъкидламоқдалар. Агар бу ғоя устувор даражага кўтарилса миллатлараро муносабатларнинг барқарор ривожланишига эришиш мумкин бўлади.

Агар бу жараёнда тараққий қилган мамлакатлар ўз манфаатларини умумий глобал муаммолардан устун қўйсалар глобаллашувнинг кам тараққий қилган миллат ва элатларни ўз домига тортиб бориши кучайиб боради. Бу жараён маълум босқичга етганда уларнинг уйғонишига ўз ҳуқуқ, эркинлигини англаб етиш жараёнини ҳам кучайтиради. Натижада бугун глобаллашув таъсирида миллий чегаралар барбод бўлаётган бўлса, истиқболда уларнинг қайта тикланиш жараёнлари бошланади. Бу нафақат йирик шунингдек, кам сонли миллатлар ва элатларнинг ўзлигини англаш жараёнларининг кучайишига, ўз заминларига қайтишга интилишини кучайтиради. Бундан глобаллашув жараёнининг қанчалик қудратга эга эканлиги намоён бўлади. У миллатларнинг ўзига хослигини емириши мумкин, аммо уни бутунлай барбод қилишга қурби етмайди, деган таъкид ҳам нотўғри эмас. Шунинг учун ҳам у инсонийликнинг олий қадрияти сифатида миллатга куч-қувват ва илҳом бағишлаб тураверади.

Бунда глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказадиган таъсиридан хавотирга тушмаса ҳам бўлаверар экан, деган хулосани яшаш тўғри эмас. Бу жараёндаги асосий хавф бу – глобаллашувнинг тараққий қилган миллатлар манфаатларига хизмат қилиши миллатларнинг унга қарши туришда вақт ва имкониятни қўлдан бериб қўяётганлиги билан боғлиқдир. Глобаллашувнинг энг хавотирли томони шундаки, агар унга қарши кураша оладиган самарали омиллар вужудга келтирилмас экан, у ўз домига кам тараққий қилган миллат ва элатларни тортиб олишга ва уларни тараққий қилган мамла-

катлар халқларига қарам қилишга хизмат қилишга улгурса, бу реал амал қиладиган даражага кўтарилса, глобаллашувнинг маълум бир босқичда қарам бўлган миллат ва элатларнинг «уйғониши» оқибатида миллатлараро муносабатларда нафақат ўзаро зиддиятлар, катта фожиалар содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам унинг олдини олиш қандай мураккаб бўлмасин, унга қарши курашишни оммалаштиришга эҳтиёж ҳам ошиб бораверади. Эҳтиёж ҳисобга олинсагина, унинг олдини олиш билан боғлиқ вазифалар амалга оширилсагина глобаллашувнинг миллий-маънавий ўзига хослигига ўтказадиган таъсиридан ҳимояланишимиз мумкин бўлади. Бу ўз навбатида ҳар бир миллатнинг «мен»лигини қарор топтириш заминида миллатларнинг ўзаро эркин ҳамкорлигига, маданиятларнинг ўзаро табиий таъсир кўрсатиш имкониятларига эришиш мумкин бўлади.

Миллат умуминсоний қадриятлардан бири ҳисобланади. Унинг бундай мақомга кўтарилиши, инсоннинг маънавий-руҳий камоли ва ўзининг «мен»лигини англаши билан боғлиқдир. Маънавияти юксак бўлган ва «мен»лигини ҳис қилишга қадар бўлган ҳар бир инсон авлод-аждодларининг давомчиси сифатида маълум бир миллатга дахлдор эканлигини ҳис этиб яшайди, ундан ғурурланади ва унинг тараққиёти учун масъуллигини англаб етади. Шу маънода эътиқодсиз инсон бўлмаганидек, у миллатсиз ҳам бўлмайди. У ёки бу миллатга мансубликни англаш ҳар бир инсонга ишонч бағишлайди ва эртанги кун учун фидоийлик кўрсатишга илҳом беради.

Бундан кўриниб турибдики, инсоният барҳаёт бўлган барча шароитларда инсоннинг у ёки бу миллатга мансублиги ҳам давом этаверади. Агар умуминсоний тараққиётининг динамикасини кузатадиган бўлсак, инсон ақл-заковати ўсиб боргани, унинг иқтисодий шароитлари кўтарилгани ва ижтимоий мақоми мустаҳкамлангани сари унинг авлод-аждодларини билишга, мероси, тарихий хотирасини тиклашга бўлган иштилиши ҳам ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бу жараён XX асрга нисбатан XXI аср бошларида яна ҳам ўсиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бугун миллий манфаатларни ҳисобга олмасак, миллатларнинг миллий-маънавий эҳтиёжлари қондирилмаслиги ёки миллатнинг ўзини бошқалардан устун қўйишга қаратилган турли ҳаракатлари оқибатида баъзи мамлакатларнинг миллий белгилар асосида парчаланиб кетаётганлигини кўриш мумкин бўлмоқда. Бундан ташқари, миллат шаънини ҳар қандай иқтисодий фаровонликка алмаштирмасликка бўлган ҳаракатларнинг кучаяётганлигини ҳатто уни сақлаб қолиш йўлида жуда кўплаб қурбонликлар берилаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлмоқдамиз. Миллий тараққиётда содир бўлаётган бундай

жараёнлар ХХІ асрда яна ҳам давом этишини юқоридаги аниқ ми-
соллар кўрсатиб турибди. Уларнинг истиқболда давом этишини
ҳисобга оладиган бўлсак, «миллат»ни илмий истеъмолдан олиб таш-
лаш эмас балки уни мукаммал ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу-
гун миллат барҳаётлигини сақлаб қолиш умуминсоний қадриятлар-
дан бири бўлиб қолмоқда. Чунки сон жиҳатдан энг кичик миллат-
нинг «йўқ» бўлиб кетиши ҳам инсоният маънавий ҳаётидаги йўқо-
тиш ҳисобланади. Афсуски, бугун глобаллашувнинг авж олиши
оқибатида миллатларнинг маънавий «етимлик» ҳолати содир
бўлмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда дунёда 6809 та тил мавжуд
бўлган шароитда уларнинг 80 фоизи йўқолиб кетиш хавфи юзага
келмоқда.⁵² Бу инсониятни ўз жозибаси билан бойитаётган манба-
ларнинг йўқолиб кетиш хавфини ҳам юзага келтиради, деган сўз.

Бу ўта жиддий хавф ҳисобланади. Унинг хавфлиги турли тиллар
мавжуд бўлган шароитдаги «жозибаси» ёки кўркемликнинг барбод
бўлиши билангина чекланмайди, шунинг билан бирга тили «ўлган»
миллатнинг ўзининг ҳам йўқ бўлиб, ўзгаларга қарам бўлиши ёки қўши-
либ кетиши оқибатида юзага келадиган маънавий қашшоқлашув би-
лан ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари, миллат ёки элатлар осонликча
бу жараёнга осонликча кўникаиб кетавермайди, балки ўзини ҳимоя
қилишга интилади. Бу ўз навбатида миллатлараро муносабатларнинг
барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши.

Истиқболда миллатлараро муносабатларда зиддиятлар келиб чи-
қишига юксак тараққий қилган мамлакатлар томонидан олиб бори-
лаётган иқтисодий босим ҳам замин тайёрлаши мумкин. Кам тарақ-
қий қилган миллатлар ва уларнинг кам тараққий қилган мамлакат-
ларига иқтисодий ёрдам кўрсатиш инвестициялари киритиш ёхуд за-
монавий техника ва технологияларни киритиш воситаларида уларни
оммавий маданиятга йўналтириш жараёнлари авж олмақда. Бу жа-
раённинг хатарли томони шуки, оммавий маданият маълум бир бос-
қичга кўтарилганидан кейин ўзининг таъсир ўтказиш имкониятидан
маҳрум бўла бошлади. Унинг «жозибаси», ҳис туйғуни «уйғотиш»га
қаратилган хусусиятлари ўзининг таъсир ўтказиш имкониятини йўқо-
тади ва у зерикарли жараёнга айланади ҳамда бу жараёнда иштирок
этадиган кам тараққий қилган мамлакатларнинг ўзлигини англашга
бўлган иштиёқи кучайиб боради. Чунки ўзгалар маънавияти ҳеч бир
миллат учун тараққиётнинг манбаси бўла олмайди. Бу ҳолат ҳам мил-
латлараро зиддиятларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин.
Шунинг учун ҳам истиқболда миллатларнинг табиий тараққиёти учун
шарт-шароит яратиш долзарб вазифа бўлиб қолиши лозимлиги ке-
либ чиқмоқда. Ана шу жараёнга миллатлараро муносабатларда

юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олишга ва ижобий жараёнлар такомиллашувига таъсир ўтказди.

Албатта, бу зиддиятлар турли омилларнинг юзага келиши оқибатида содир бўлиши мумкин. Улар иқтисодий ва ижтимоий омиллар бўлиши мумкин. Улар моддий бойликлардан фойдаланишда турли субъект кучларнинг аралашуви оқибатида юзага келиши мумкин бўладиган тенгсизликлар ёки ижтимоий гуруҳлар ўрталарида юзага келадиган мулкӣ тенгсизликлар оқибатида юзага келиши мумкин. Шунинг билан бир қаторда ривожланмаган давлат «титул» бўлмаган миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжларининг қондирилиши эътибордан четда қолиб кетиши ҳам миллатлараро зиддиятлар учун замин бўлиши мумкин. Кўриниб турибдики, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириб бориш доимо давлат ва кенг жамоатчилик эътиборида бўлишни талаб этадиган жараён ҳисобланади.

Миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда Ўзбекистон минтақаси ижобий тажрибага эгадир. Жумладан, агар 1897 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 70 га яқин миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, у 1927 йилда 90 тадан ошган. 1959 йилда 113 ани ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 136 тага етди. Мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тенглигини таъминлаш, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари, уларнинг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида мамлакатимиз ҳукуматининг 1992 йил 13 январдаги қарори билан «Республика байналминал маркази» ташкил топди. Бу марказ билан ҳамкорликда фаолият юритаётган Миллий маданий марказларнинг сони бугунги кунга келиб 157 тадан ошиб кетди. Ҳозир мамлакатимизнинг барча вилоятларида яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга ҳизмат қилувчи миллий-маънавий марказлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Давлатимизда миллатлар эҳтиёжига берилаётган эътибор натижаси сифатида мамлакатимизда миллатлараро тотувлик таъминланган ва уларнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилган.

Албатта, «миллат»нинг мураккаб омил эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш миллатлараро барқарорликни таъминлаш ҳар қандай кўп миллат ва элатлар яшайдиган мамлакатлар учун XXI асрда ҳам долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

ИККИНЧИ БОБ

МИЛЛАТНИ ГЛОБАЛЛАШУВ ТАЖОВУЗИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲОЯВИЙ АСОСЛАРИ

Мазкур китобнинг олдинги бобида глобаллашув тушунчасининг моҳияти, мазмуни, унинг мамлакатлар ва уларда яшаётган миллатлар ва халқларнинг иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётига ўтказётган таъсири, унинг таъсири натижасида содир бўлаётган жараёнларни кўрган эдик. Унинг таъсирида иқтисодий ҳаётда содир бўлаётган глобаллашув жараёнлари ва айни пайтда иқтисодий омил воситасида турли миллатлар ҳамда халқларнинг маънавиятида содир бўлаётган қашшоқлашувнинг кучайиб бораётганлиги ҳақида ўз мулоҳазаларимизни кенгроқ билдиришга эътибор беришга ҳаракат қилдик. Мавжуд материалларни ўрганиш ҳамда реал ҳаётда глобаллашувнинг авж олиш жараёни хулосаси шу бўлдики, у нафақат турли миллатлар ва халқларнинг маънавияти қашшоқлашувига катта таъсир ўтказмоқда, шунинг билан бирга кам тараққий қилган ва энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган миллатлар ва халқларни юксак тараққий қилган мамлакатларга интеллектуал жиҳатдан ҳам қарам қилишга ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Айтиш мумкинки, глобаллашув реал омил сифатида миллатлар ва халқларнинг мустақил тараққиётига таҳдид солмоқда, агар унинг олдига бугун катта тўсиқ бўладиган имкониятларни излаб топиш, улардан самарали фойдаланиш механизмлари ишга туширилмаса, энди тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатлар ва уларда яшаётган миллат ҳамда халқларнинг мустақиллигига хавф-хатар кучайиб боради ва истиқболда улар манқуртлашиб, сувнинг (яъни, глобаллашувни ҳаракатга келтираётган) бошида турган мамлакатлар халқларига қўшилиб кетиши мумкин.

Муаммо шундаки, глобаллашув (иқтисодиётдаги кўриниши бундан истисно) моддий эмас балки маънавий омил, унинг инъикоси миллат ва халқлар дунёқарашида, турмуш тарзида намоён бўлади. Агар шу фикрдан келиб чиқиладиган бўлса, қандайдир қонунларни қабул қилиш йўли билан унинг олдини олиб бўлмайди. Боз устига у оқётган сув эмаски, олди бекитилса, олов эмаски, турли воситалар ёрдамида ўчирилса, инсон эмаски, инсофга чақирилса. Хуллас, унинг

миллат ва халқларнинг маънавияти қашшоқлашувига ўтказаетган салбий таъсирининг олдини олишнинг шундай механизмини топиш керакки, у глобаллашувнинг ижобий таъсиридан фойдаланишга ва салбий таъсирига тўсиқ бўлишга хизмат қилсин. Бундай тўсиқ ҳар бир миллатнинг кенг маънодаги миллий-маънавий салоҳиятидан озуқа олсин ва ўз имкониятлари билан глобаллашувнинг таъсир ўтказиш имкониятларидан юқори бўлсин.

Миллий ривожланиш ғояси миллатни глобаллашув тажовузидан ҳимоя қилишнинг назарий асоси

Ўзбек миллати аввал мустамлакачилик, кейин эса қарамликнинг энг оғир азобларини ўз бошидан кечирди ва ана шу жараёнда онги ҳамда қалбида мустақиллик ғояларини шакллантириб келди. У гоҳида зимдан, кўпчилик ҳолларда эса очиқдан-очиқ мустақилликни қўлга киритиш учун кураш олиб борди ва у бу мақсадни амалга ошириш йўлида катта қурбонлар берди. Энг асосийси шундаки, у мустақиллик ғоясини амалга ошириш йўлида олиб борган курашини бир дақиқа ҳам тўхтатмади. Бу борадаги изчил ҳаракатнинг натижаси ўлароқ ўз мустақиллигини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Мустақилликни қўлга киритгандан кейинги ўтган давр ичида мустақиллик нафақат моддий кучга айланди ва айни пайтда у миллатимизнинг жаҳонда тенглар ичида тенглигини, буюклар ичида буюклигини таъминлади. У бугун ҳозирги замон цивилизацияси тизимига кириб бораётган шароитда жаҳон миқёсида содир бўлаётган глобаллашувнинг босимига дуч келмоқда. Ундан ўзини ҳимоя қилиш эса долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Мустақиллигимизнинг реал моддий кучга айланган шароитда уни мустаҳкамлаш ва миллат тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган, унга илҳомлантирадиган, айни пайтда глобаллашувнинг миллий маънавиятнинг қашшоқлашувига ўтказаетган салбий таъсиридан ҳимоя қилишда ғоявий асос бўла оладиган янги ғояларни ишлаб чиқишга эҳтиёж юзага келди. Ана шундай ғоялардан бири миллий ривожланиш ғоясидир. Маълумки, инсоният ва жамиятнинг интеллектуал салоҳияти юксалишида ғоя асосий манба ҳисобланади. Чунки инсоният ва жамият эҳтиёжларининг узлуксиз бетўхтов ўсиб келиши ғоя асосида ривожланиб боради. Бу жараён ўз навбатида эҳтиёжларни қондириш борасида юзага келадиган муаммолар ва вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ғояларнинг шаклланишига олиб келади. Шу маънода ҳам ғояни ўсиб келадиган эҳтиёжларнинг инъикоси ва уни қондириш борасидаги муаммолар ва вазифалар тизимини ўзида ифо-

да эттиради, дейиш мумкин. У бу йўналишда истиқболга хизмат қилувчи қарашлар, мақсадлар ва хулосалар тизими сифатида намоён бўлади.

Аммо мақсадлар ва манфаатларнинг турли-туманлиги, уларнинг айримлари умумтараққиётга хизмат қилса, айримлари тор доирадаги мақсадлар ва манфаатларга хизмат қилиб тараққиётга зид характерга ҳам эга бўлиши мумкин. Бундай ғоя миллат, жамият ва умуминсоният тараққиётига салбий таъсир ўтказиши ва унинг ривожланишига қарши бўлган қора кучлар ва тўсиқлар юзага келишига олиб келади. Шу маънода ҳам ғоя ҳақида фикр юритганда унинг йўналиши, мақсади нимага ва кимларга қаратилганлигини аниқлаш ҳамда моҳият-мазмунини билиш орқали уни баҳолаш асосий мезон сифатида қараш лозим бўлади.

Бу мезоннинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, у ижобий характерга, инсон, миллат, жамият ва умуминсоният мақсадлари ва манфаатларини ўзида ифодаловчи ғоялар билан бирга ҳар доим унга қарама-қарши ғоялар ҳам мавжуд бўлиши шароитида уларнинг моҳият ва мазмунини аниқлаш имконини беради. Бу ўз навбатида истиқболга, тараққиётга хизмат қилувчи ғояни амалиётга тадбиқ қилиш ва уни оммалаштиришда муҳим ўрин тутди.

Собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида «идея» ва «идеология» тушунчалари тарбиявий фаолиятда қўлланилиб келинган бўлса, бугун ғоя ва мафкура тушунчалари ўзбек илмий адабиётида энг кўп қўлланилиб келинмоқда. Бу объектив жараён. Чунки бир томондан собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида «идея» ва «идеология» тушунчалари тилимизга сунъий равишда киритилиб уни «бойитиш» мақсадини халқимиздан яшириш ҳам назарда тутилган эди. «Идея» ва «идеология» қандай маънони англатишидан қатъи назар, тузумнинг манфаати учун хизмат қилган, халқимизни тузумга итоаткор қилиб тарбиялаш восита бўлган эди.

Мустақилликни қўлга киритган бугунги кунда «идея», «идеология», «ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг тўлиқ маъно-мазмунини билиб олиш имконияти юзага келди. Собиқ шўролар ҳукмронлиги шароити қандайдир ғайриилмий тушунчалар билан тилимизни бойитишдан кўзланган мақсадларнинг маъно-мазмунини халқимиздан яширилиб келинганлиги бугун аён бўлди. Аслида, инсониятнинг эҳтиёжлари ошиб бораётган бугунги шароитда уни ўзида ифодаловчи ғояларнинг юзага келиш жараёни ҳам содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳам улар турмушда кенг қўлланилиб келинмоқда. Агар «идея», «идеология», «ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг ҳар бирининг мазмуни ҳақида тўхталадиган бўлсак, улар турли маъноларни ўзи-

да ифода эттирганини кўриш мумкин бўлади. Жумладан, «идея» – юнонча «idea» сўздан олинган бўлиб, «шаклланган фикр» деган маънони англатса, «ғоя» инсон тафаккурининг маҳсули бўлиб, умумий билимлар моҳиятини ва мақсадлар мажмуини билдиради. Идеология ва мафкура ҳам бир маънони англатувчи тушунчалар эмас. Идеология юнонча «идея» – ғоя, тушунча, «logo» – таълимот деган маънони англатади ва у сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадиий, фалсафий қарашлар тизимини ўрганиш билан боғлиқ бўлган таълимот (соҳа, йўналиш, фаннинг алоҳида йўналиши) ҳисобланади. Мафкура араб тилида фикрлар мажмуи маъносини англатади ва муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизимидир. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.¹

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, идеология ва мафкура тушунчалари турли тилларда турли маъноларни англатмоқда. Ўзбек тилида мустақилликни қўлга киритганимизгача мафкура тушунчаси илмий адабиётларда ва амалиётда қўлланилмаган эди. Унинг ўрнига ҳам идеология тушунчаси қўлланилиб келинган ва ўзбек тилида мафкура тушунчаси сифатида таржима қилинган. Аслида, идеология айнан мафкура тушунчасини англатмайди, балки ғоялар ва тушунчалар ҳақидаги таълимот, мафкура, мақсад, манфаат, истиқболга олиб борувчи орзу-умидлар мажмуаси ва уларни амалга оширувчи ғоявий-назарий омил ҳисобланади. Ҳар иккала тушунча ана шундай аниқ мезон билан белгилансагина, уларнинг моҳиятини тўлиқ англаш мумкин бўлади. Аммо уларнинг бири иккинчиси билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам умумий йўналиш жараёни билан боғлиқ бўлади ва айни пайтда бири иккинчисини тўлдириб туради. Яъни маълум ғоялар, тушунчаларда мақсад, манфаат, орзу-умидлар ўз ифодани топади ва уларни амалга ошириш омили юзага келади. Аммо уларнинг ҳар иккаласининг заминиде ғоя белгилувчи ўринни эгаллаб туради. Чунки ғоя бўлмаса, у шаклланмаса ёҳуд унга эҳтиёж бўлмаса, идеологияга ва мафкурага ҳам эҳтиёж бўлмайди. Шунинг учун ҳам ғоянинг шаклланиши уни аниқ мақсадларга йўналтириш ҳар доим устувор бўлиб қолаверади.

Ғоя ўтмиш тажрибаларига таяниб, истиқбол эҳтиёжларини билишга, тараққиёт имкониятларини аниқлашга хизмат қилувчи, инсонлар, миллатлар, халқлар, жамиятлар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучлар ривожланишининг асосий йўналишларини ўзида ифо-

далайдиган қарашлар, фикрлар, хулосалар ва мақсадлар мажмуаси ҳисобланади.

Ғоялар мақсад ва манфаатлар йўналишига қараб турли шаклларда намоён бўлади. Жумладан, миллий ғоя, миллий истиқлол ғояси, илмий ғоя, диний ғоя, миллий ривожланиш ғояси, умуминсоний ғоя, бунёдкор ғоя, сиёсий ғоя ва бошқа бир қатор шаклларда ғоялар намоён бўлади. Улар маълум эҳтиёжларнинг инъикоси сифатида шаклланади ва уларни қондириш мақсадларини ўзида ифода эттиради.

Ғоялар тизимида миллий ғоя ва миллий ривожланиш ғоялари муҳим ўринни эгаллайди. Миллий ғоя миллат реал субъект сифатида мавжуд бўлган ҳар бир давр учун ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади ва миллий тараққиётнинг маълум босқичларидаги вазифалари йўналишларига мос равишда янги ғоялар юзага келишига замин бўлиб туради.

Миллий ғоя деганда этник бирликни ўзида намоён этувчи, миллий онгни уйғотувчи, миллатнинг ўзлигини англаувчи, ўзига хосликка, менталитетга қиёфа бахш этувчи, миллий руҳият, ғурур, ифтихор, эътиқод ва масъулик туйғуларини шакллантирувчи тафаккур мажмуасини тушуниш мумкин.

Миллий ғоя ҳар бир инсоннинг ўзини-ўзи англаши жараёнида шакллана бошлайди. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши эса унинг ўзини англаши ва маълум этник бирликка мансуб эканлигини англашидан бошланади. У ота-она, оила ва ташқи муҳит билан бўладиган муносабатлар орқали ўзининг кимлигини ва қайси этник бирликка мансублигини англай бошлайди. Шунинг учун ҳам миллий ғоя инсонда ана шу муносабатларнинг таъсири остида шаклланади. Миллий ғоянинг асосий манбалари – кундалик соддагина урф-одат, анъана ва қадриятлардан бошланиб, маънавий мерос, тарихий хотира ва миллий тараққиётда тўпланган тажрибаларгача бўлган омиллар билан боғлиқдир. Миллий ғоя ота-она, оила, миллат вакиллари уларнинг ўзаро муносабатлари, хатти-ҳаракатлари, менталитети таъсирида шаклланади. Шу маънода ҳам миллий ғоя манбалари мустақам бўлгандагина, у турли муносабатлар, миллий удумлар, урф-одатлар, анъаналарга амал қилиш орқали боланинг онги билан ривожланиб боради ва улғайган сари унинг ҳам умумий дунёқараши, онгининг ажралмас қисмига айланиб боради.

Миллий ғоя тизимида миллий онг, миллий ўзликни англаш ва тарихий хотира, миллий мерос, миллий менталитет етакчи ўрин эгаллайди. Миллий онг бўлмаса, у ривожланмаса, миллат ўзлигини англамаса, у ким, қаердан келиб чиққан, илдизлари нималар билан боғлиқлиги каби туйғуларга эга бўлмаса ва нималарга қодирлигини

билишга интилмаса, миллий ғоя ҳам саёзлашиб бораверади. Миллат ўзининг турмуш ва ҳаёт кечириш жараёнида ўз миллатига хос бўлган удумлар, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни ўзлаштиришга интилса ҳамда унга амал қилсагина миллий ғоялар уйғониб, ривожланиб, такомиллашиб бораверади. Чунки миллий онг ва миллий ўзликни англаш миллий ғояга туртки беради, уни шакллантиради ва миллий тараққиётга руҳият бағишлаб уни ҳаракатга келтиради. Шунинг билан бирга миллий онг ва ўзликни англашнинг ривожланиши миллий ғоя имкониятларини кенгайтириб туради.

Миллий ғоянинг таъсир доираси ниҳоятда кенг бўлиб, у миллатнинг ўзига хослигини сақлаб туриш, миллат манфаатлари йўлида миллат вакилларини бирлаштириш, уюштириш ва тараққиёт йўналишларини белгилаш кабиларга ўзининг таъсирини ўтказиб туради. Миллий ғоя миллий ўзига хосликни сақлаб туриш ва миллий манфаатларни амалга ошириш, миллий истиқболни белгилаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки у миллат вакили бўлган ҳар бир шахснинг дунёқараши, кундалик фаолиятида ўз ифодасини топади. Миллат вакилларининг аксарият кўпчилик қисмини миллий ғояси мустаҳкам бўлган инсонлар ташкил қилган шароитдагина миллий манфаатлар учун умуммиллий ҳаракат вужудга келади. Худди мана шу умуммиллий ҳаракатни вужудга келтириш – миллий ғоянинг муҳим вазифаларидан биридир. Қолаверса, унинг миллат вакилларида ватанпарварлик, она заминнинг муқаддаслиги туйғусини уйғотиш, уни кўз қорачиғидай ҳимоя қилиш кераклигини тушуниб етишга таъсирини ўтказиш, ғоя ҳар бир миллат вакилида унинг авлодаждодлари ана шу заминда дунёга келган, унинг ҳузур-ҳаловатидан баҳраманд бўлган, ундан илҳом, завқ-шавқ олган ва қўним топганлигидан хабар бериб туради. Бу ўз навбатида ўз она заминига меҳр-муҳаббатини мустаҳкамлайди. Шунингдек, миллий ғоя тарихий хотирани мустаҳкамлайди ва унинг такрорланмас имкониятларидан манба сифатида туртки, илҳом олиб туради. Биз умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги ва умумбашариятни бирлаштирувчанлиги хусусида қанча гапирмайлик, барибир унинг илдизлари, заминлари миллатнинг тарихий хотираси, мероси ва асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари билан боғлиқ эканлигини назарда тутишимиз лозим бўлади. Худди мана шу жараёнда миллий ғоянинг ўрни, салоҳияти, имконияти ва юксаклиги намоён бўлиб туради. Миллий ғоя миллат вакилларида миллат тақдири учун масъуллик туйғуларини ҳам уйғотиб туради. Миллат реал ҳаётда уни ташкил этувчи шахслардан иборат экан, ўзга миллатлар даврасида ўз миллати вакилининг эришган ютуғидан хурсанд бўлиш, шу миллат ва-

кили бўлганидан фахрланиш, миллатдошининг бошига тушган оғир кунларни худди ўзининг яқинлари бошига тушгандай қабул қилиш – миллий ғоянинг қудратидандир.

Миллатнинг руҳияти ва қалбида миллат вакиллари ҳалол йўл билан бой-бадавлат бўлгани, мамлакатининг ўзга мамлакатларга нисбатан тез ривожланаётганлиги, катта муваффақиятларни қўлга киритаётганлигини кўриши ғурур уйғотади, келажакка ишончини орттиради ёки аксинча, муаммоларнинг тўпланиб бораётганлиги унинг руҳан эзилишига, қайғуришига ва уларни ечишда ўз ҳиссасини қўшишига иштиёқини кучайтиради, ўзида бор имкониятини ишга солишга ҳаракат қилади. Бундай туйғуларнинг замин ва илдизи яна миллий ғояга бориб тақалади. Фақат миллий ғоя ва инсонийликнинг барча ижобий қирраларини ўзида мужассамлаштирган шахсда ана шундай туйғулар бўлиши мумкин. Миллий ғоя фақат тор доирадаги туйғуларни (яъни миллий манфаат доирасидаги) шакллантирибгина қолмасдан, миллат билан ёнма-ён яшайдиган ўз миллат ва элат вакилларини ҳурмат қилиш, улар манфаатларини ҳисобга олиш, уларни ўз атрофига бирлаштириш, диний ва инсоний бағрикенглик каби фазилатларнинг шаклланишида ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши.

Миллий ғоянинг заминлари мўрт ва қашшоқ бўлса ёхуд қандайдир зўравонлик таъсири остида хиралаштирилган бўлса, миллат ўзлигини йўқота бошлайди, ўзи ҳақидаги қарашлари саёзлашиб боради ва оқибатда унинг истиқболи ҳам хавф остида қолади. Лекин авлод-аждоглари мустаҳкам интеллектуал салоҳият, мерос ва тараққиёт тажрибаларини яратган миллатнинг миллий ғояларини маълум давр ичида зўравонлик билан жиловлаб туриш мумкин, аммо, уни миллат тарихий хотирасидан батамом йўқ қилиб бўлмайди. Зеро, миллий интеллектуал салоҳият, мерос ва миллий тараққиёт давомида тўпланган тажрибалар умуминсоний мулкка айланиб, ер курсининг бошқа заминларида яшаётган ўзга халқларга хизмат қилиб келаверади. Бу ўз навбатида зўравонлик билан (вақтинча) жиловланиб турилган, ўз авлод-аждоглари томонидан яратилган миллий-маънавий салоҳиятдан маҳрум этилган миллатнинг истиқболда, яъни ўз миллий ғояларининг тикланишида катта аҳамиятга эга бўлади, чунки миллий-маънавий салоҳияти мустаҳкам ва бой бўлган миллатнинг миллий ғояларни зўравонлик билан моддий кучга айлантдиришига имкон бермаслик мумкин, аммо уни батамом йўқотиб юбориб бўлмайди. Вақт ўтиши билан унга миллатнинг эҳтиёжи ошиб бораверади. Чунки ўзгаларнинг миллий-маънавий салоҳияти ҳеч бир миллат ва элатнинг маънавиятини батамом эгаллай олмайди. У худ-

ди йиртилган кийимга солинган ямоқ каби ортиқчалик қилиб тура-
веради.

Миллий ғоянинг битмас-туганмас имкониятлари шу даражада кенги, у фақат миллатнинг ўзини англаш, миллий онгни ривож-
лантириш билан чекланмайди, балки у миллатни ўзининг миллий-
маънавий ва интеллектуал салоҳияти билан ўзгаларга танитади ва
унинг умумжаҳон цивилизацияси жараёнларига мустақил субъект
сифатида кириб боришида асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан бир вақтда миллий ғоя миллат тақдири ва унинг
истикбол сари интилишини тўлалигича ифода эттирмайди. У мил-
латнинг «мен»лигини кўрсатиб ва унинг қиёфасини тараннум этиб
турувчи, уни белгилаб берувчи омил ҳисобланади.

Миллий ғоя миллий ривожланиш ғояси билан чамбарчас боғлиқ-
дир. Миллий ғоя миллат рамзи, тимсоли, мақоми ва мустақиллиги-
ни англатувчи унинг «мен»лигини, маънавий-руҳий ва интеллекту-
ал салоҳияти даражасини кўрсатувчи омили ҳисобланади.

Миллий ғоя шу маънода ҳам тараққиётнинг барча босқичларида
шаклланидиган янги ғоялар учун ўзгармас манба бўлиб қолавера-
ди. Унинг ўзгармаслиги миллий тараққиёт ўз заминлари асосига
қурилганлиги билан боғлиқдир. Аслида миллий ғоя ҳам миллатнинг
эҳтиёжига қараб ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб боради.
Аммо, у ўзининг миллийлик «қиёфаси», моҳият-мазмуни ва мақо-
мини йўқотишига олиб келмайди. Унинг замонлар ва даврлар ўти-
ши билан ўзгармаслиги ана шу хусусиятларнинг умрбоқийлигида
ўз ифодасини топган.

Миллий ривожланиш ғояси маълум бир тарихий тараққиёт бос-
қичида миллат олдида турган вазифаларни ҳал қилишга йўналган-
лиги билан характерланади. Уларни амалга ошириш миллатнинг
мавжуд даражадан юқори поғонага эришишини таъминлайди. Шу
маънода ҳам миллий ривожланиш ғояси миллат эҳтиёжларининг
инъикоси сифатида тараққиёт босқичларида юзага келадиган вазифа-
ларнинг мазмуни ва кўламига қараб ўзгариб такомиллашиб бо-
ради. Аммо у ҳар қандай шароитда ҳам миллий ғояга таянади ва
унинг ўзига хослигидан куч-қудрат ва илҳом олиб туради. Бу ўзига
хослик миллатнинг шаклланиши, унинг мустақил субъектга айла-
ниши, анъана, тарихи, тафаккур ривожланиши жараёнида камол
топган. Миллатнинг қудратли бўлиши, унинг буюк даҳолари томо-
нидан яратилган ғоялари ва уларнинг умуминсониятга хизмат қили-
ши билан белгиланади.

Миллат ва халқнинг узоқ тарихий босқичда мустақил субъект си-
фатида шаклланиши, ривожланиши ва уни турли тажовузлардан

ҳимоя қилишда тарихий хотира ва истиқбол учун кураш жараёнида тўпланган тажрибалар қудратли куч сифатида намоён бўлиб келди.

Миллий ғоя ана шу қудратли куч эҳтиёжининг инъикоси сифатида намоён бўлади. У ўз навбатида миллий ривожланиш ғоясига миллат тараққиёти учун зарур бўлган вазифаларни ўзида мужассамлаштиришда асосий манба бўлиб қолади.

Шу маънода ҳам у миллат мавжудлиги шароитида миллий ғоянинг реалликка айланишини, миллатни тараққиёт сари йўналтиришни миллий ривожланиш ғояси асосида амалга оширади. Миллий ривожланиш ғояси маъно-мазмуни, йўналиши миллат тараққиётининг барча босқичларида у йўналтирувчи манба бўлиб туради ва бу вазифа унинг учун ўзгармас бўлиб қолаверади.

Миллат ўз тараққиётида турли босқичларни, жумладан, шаклланиш, ривожланиш ёхуд қарамлик, юксалиш ва такомиллашув каби жараёнларни ўз бошидан кечириши мумкин. Ана шу жараёнларнинг юзага келишига қараб миллат олдида ечиш зарур бўлган вазифалар ҳам юзага келади.

Дунёдаги аксарият кўпчилик мамлакатлар ва уларнинг халқлари ана шу босқичларни босиб ўтдилар ва бугун ҳам бу жараён давом этмоқда. Айниқса, халқларнинг ўзгаларга қарам бўлиб қолиши ва ундан озод бўлишга қаратилган ҳаракатлар ҳамда бу йўлда кўрилган оғир талофатлар миллий истиқлол ғоясининг ўша шароит учун катта рол ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. У миллат вакиллари озодлик йўлида бирлаштириш ва умумий душманга қарши курашнинг ғоявий асоси вазифасини бажарган. Худди ана шундай шароитда миллий истиқлол ғояси миллий ғоянинг ажралмас қисми сифатида устуворлик даражасига кўтарилган.

Миллатнинг қарамлик ҳолатидаги асосий мақсад ва вазифаси миллий ривожланиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратиш, яъни мустақилликни қўлга киритиш ҳисобланади. Бу мақсад ва вазифанинг амалга ошувигина миллий ривожланишга имкон беради. Шунинг билан бир қаторда мустақилликни қўлга киритишдан пировард мақсад ҳам ривожланиш ва барча соҳаларда юксалишга эришиш ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, миллий ғоя миллатнинг қиёфаси ва унинг мақоми бўлса, миллий истиқлол ғояси уни қарамликдан қутилиш, мустақилликка эришиши ҳамда ривожланиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳолатининг ғояси, миллий ривожланиш ғояси эса миллат ривожланиши билан боғлиқ бўлган вазифаларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда уни ана шу мақсадга йўналтиришга хизмат қиладиган узлуксиз жараённи англаувчи фикрлар тизимидир.

Юқорида келтирилаётган таърифдан кўриниб турибдики, «миллий ғоя», «миллий истиқлол ғояси» ва «миллий ривожланиш ғояси» тушунчалари бир хил маъноларни англатмайди. Улар гарчанд миллат тақдири билан боғлиқ бўлса ҳам, мақсад, йўналиш, маъно-мазмунни жиҳатдан ўзаро фарқланадилар. Миллий ривожланиш ғояси миллат ҳаёти билан боғлиқ ғоялар тизимида ўзининг устуворлигини намоён этиб туради. Шунинг билан бир қаторда миллий ривожланиш ғояси ҳам миллат тараққиёти жараёнида доимий равишда такомиллашиб боради. У юзага келадиган муаммолар, вазифалар ва уларнинг ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнига қараб ривожланади ва такомиллашиб боради. Шу маънода ҳам миллий ғоя, миллий истиқлол ғояси миллий ривожланиш ғоясининг таркибий қисмини ташкил қилади.

Аслини олганда, миллат тақдири билан боғлиқ бўлган ғояларни бирини иккинчисидан ажратиб қараш тўғри бўлмайди. Чунки уларнинг ҳаммаси ҳам миллат мақсад ва манфаатларига хизмат қилади. Аммо уларнинг миллат тараққиётининг тарихий босқичларида бажарадиган вазифаларига қараб ўрни ва аҳамиятини фарқлаш лозим бўлади. Акс ҳолда ана шу босқичлардаги вазифалар ва мақсадларнинг хусусиятларига қараб миллатни йўналтириб, унга куч-қудрат ва илҳом бағишлаш зарурияти ўз аҳамиятини йўқотган бўлур эди.

Шу маънода ҳам бизнинг миллатимиз учун миллий ғоя, унинг қиёфаси, мақомини билдирувчи омил бўлса, миллий истиқлол ғояси унинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш, уни мустаҳкамлаш ва тараққиёт учун шарт-шароитларни вужудга келтириш босқичининг ғоявий асоси бўлади. Бугун уларни қўлга киритдик, мустақиллигимиз реалликка айланди ва моддий куч сифатида аҳолимизнинг дунёқараши ва кундалик хатти-ҳаракатларининг йўналишини ташкил қилмоқда. Энди миллатимиз олдидаги асосий вазифа дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига кўтариш ва фаровон турмуш шароитларини яратиш ҳисобланади. Бу мақсадни миллий ривожланиш ғояси ўзида мужассамлаштиради ва халқимизни ана шу мақсад сари йўналтиришга хизмат қилади.

Миллий ривожланиш ғоясининг предмети ўзбек халқининг мустақиллик шароитидаги тараққиёти ва юксалиши жараёни ташкил қилади. Миллий ривожланиш ғояси ҳар бир миллат учун хос бўлган омил ҳисобланади. Лекин уни кўп миллатли мамлакат шароитида миллатлар манфаатлари ва мақсадларини уйғунлаштирувчи омили сифатида қараш тўғри бўлади. Чунки миллий ривожланиш ғоясини тор маънода қўллаш умумий тараққиёт манфаатларига зид бўлган ҳолат ҳисобланади. Шу маънода ҳам уни Ўзбекистонда яшовчи бар-

ча миллат ва элатлар манфаатлари уйғунлигини ўзида ифода эттириш мақсадида ўзбек халқининг миллий ривожланиш ғояси сифатида тушуниш тўғри бўлади.

Албатта, бу мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг ўзига хос хусусиятларини инкор этмайди, балки миллий ривожланиш ғоясида уларнинг юксалиши назарда тутилади ва шу тариқа уларнинг уйғунлигини ташкил қилувчи ўзбек халқининг тараққий қилиш жараёни содир бўлади. Ўзбек халқи деганимизда нафақат ўзбек миллатини, шунингдек, мамлакатимизда яшовчи барча миллат ва элатларни ўзида уйғунлаштирган бирликни тушунмоқ керак бўлади. Уларнинг ҳар бири ўзига хосликни ўзида ифода эттирган ҳолда ягона Ватан, ягона мақсад ва ягона манфаатлар билан уюшган ягона ўзбек халқини ташкил қиладилар. Бундай қараш жаҳоннинг бугунги кунда юксак тараққиётга эришган давлатлари тажрибаларида ҳам кузатилади. Шунинг билан бирга бугун тараққиёт йўлидан бораётган барча кўп миллатли мамлакатларда ҳам турли номларда, жумладан миллий ғоя, тараққиёт ғояси ғалабага эришиш ғояси, ва бошқаларда мамлакат ва унда яшаётган халқнинг юксак даражага эришиш мақсади белгиланиб келинмоқда ва у амалга оширилмоқда.

Ана шу маънода ҳам миллий ривожланиш ғояси заминида мамлакатимиз ва унда яшаётган халқимизнинг юксак тараққиётга эришиш мақсади туради. Яна ҳам аниқроғи миллий ривожланиш ғояси мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар ва элатлар манфаатлари, мақсадларини ўзида ифода эттирувчи яхлит ғоя ҳисобланади. Миллий ривожланиш ғояси тимсолида мамлакатимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат ўзига хослигининг сақланиб қолиши, уларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда юксак тараққиётга эришиш мақсади ва маъноси тушунилади.

Яъни унда давлатнинг ягоналиги ва унда яшовчи халқнинг, ҳар бир миллатнинг юксакликка эришишининг мақсадлари ўз ифодасини топади. Миллий ривожланиш ғоясини тор мазмунда тушуниш ёки талқин этиш эса унинг мақсад ва йўналиши моҳиятига зид ҳисобланади. Уни битта миллатнинг ғояси сифатида қараш нафақат назарий жиҳатдан ғайриилмий ва нотўғри, шунинг билан бирга амалий жиҳатдан умумтараққиёт манфаатларига қарама-қарши бўлиб, у мамлакат ва унинг халқи тараққиётга ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Бу дунёнинг бир қатор мамлакатлари тажрибаларида амал қилиб келинмоқда. Айрим мамлакатлар халқлари бошидан кечирган фожеаларнинг бош сабабчиси турли миллатларнинг манфаатлари ва

мақсадларини ўзаро уйғунлаштира олмагани тор доирадаги ғояга устуворлик берилиши бўлган эди.

Кўп миллатли мамлакатларда айрим олинган миллатнинг манфаатларини ифода эттирадиган ғояларга устуворлик берилиши мамлакатнинг ич-ичидан емирилишига, охир-оқибатда фуқаролар урушларини келтириб чиқарганлиги тарихдан маълум. Унинг энг хатарли томони шундаки, тор доирадаги миллий ғояга устуворлик бериш нафақат миллатлараро зиддиятларнинг кучайишига, шунингдек, унинг ўзини ҳам чеклаиб боришига олиб келади. Вақти келиб у миллий биқиқликнинг шаклланишига замин бўлади. Бу эса ўз навбатида ҳар қандай миллатнинг тараққиёти учун энг хатарли жараён ҳисобланади. Шу маънода кўп миллатли мамлакатларда миллий ғоя тор маънода эмас, балки кенг маънода, у ўша мамлакат ҳудудида яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг манфаатларини ўзида уйғунлаштирувчи ғояни тушунмоқ тўғри бўлади. Миллий ғояни тор маънода тушуниш ва уни амалиётга тадбиқ этиш мамлакатларни катта фожеаларга олиб келиши муқаррардир.

Бугун миллат ва элатларнинг миллий ўзлигини англаш жараёни кучаяётган шароитда бу хавф яна ҳам даҳшатлироқ тус олмоқда. Шунинг учун ҳам булардан сабоқ олиб мамлакатда яшовчи миллатларни ягона халқ сифатида тараққиётга эришишини таъминлаш мақсадини миллий ривожланиш ғояси орқали илгари суриш ва амалиётга тадбиқ этиш жараён даражасига кўтарилмоқда.

Мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши унда яшаётган барча миллат ва элат вакилларига тенг ҳуқуқ ва тенг имкониёт яратиб берди. Бугун миллий ривожланиш ғоясини умумхалқ ғояси даражасига қанчалик тез кўтара олсак шу даражада умумхалқ юксалишига эришган бўламиз.

Миллий ривожланиш ғояси тушунчаси, унинг миллат тақдирига дахлдор ғоялар тизимидаги ўрни, халқлар ва мамлакатлар ҳаётига таъсири, ҳозирги замонга хос хусусиятлари, жаҳон мамлакатлари тараққиётидаги ўрни, мамлакатимизнинг мустақиллиги ва суверенитети реаллиги, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланганлиги шароитида унинг барқарор ривожланишини таъминлаш жараёнларига таъсири ҳамда бу ғоянинг маъно-мазмунини ва уни халқимиз айниқса, ёшларимиз онги, қалбига сингдиришнинг омиллари ва воситалари ушбу ғоянинг асосий предмети ҳисобланади.

Миллий ривожланиш ғоясининг ўзига хос тушунчалари (категориялари) ҳам мавжуд бўлиб, улар миллий манфаат, миллий эҳтиёж, миллий фидоийлик, миллий эътиқод, миллий масъуллик, миллий гуруҳ, миллий ифтихор, миллий омил, миллий салоҳият, миллатпар-

варлик, миллатсеварлик, миллий менталитет, умумхалқ манфаати, ягона Ватан, манфаатлар уйғунлиги, ягона халқ, умуминсонийлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, миллий хавфсизлик, ватанпарварлик, Ўзбекистон халқи умумхалқ манфаатлари ва шу кабиларни ташкил қилади.

Миллий ривожланиш ғоясининг тушунчалари яхлит ҳолатда унинг моҳиятини ўзида ифодалайди. Шунинг билан бирга ўзига хосликка эга бўлиб, турли маъноларни англатади ва улар мустақил тушунчалардир. Лекин айна пайтда бир-бирлари билан боғлиқ ҳолда ягона йўналишга эгадирлар. Яъни улар миллий ривожланиш моҳиятини ўзида ифодалайди, унинг амалга ошиш жараёнлари ягона мақсадини ўзида мужассам эттиради. Хуллас, улар миллатнинг мақсади, манфаатлари, тараққий қилиши ва юксак даражага эришиш жараёнлари билан боғлиқ. Жумладан, улар миллий манфаатларнинг устуворлиги, ҳар бир мамлакатда миллий тараққиёт ғояси умумхалқ манфаатларининг мужассам бўлиш зарурияти, тараққиётнинг стратегик йўналиши миллий заминларга асосланиши, миллий тараққиётда жаҳон мамлакатлари ва уларнинг халқлари эришган ютуқлар тажрибаларидан фойдаланиш, тараққиётнинг стратегик вазифаларини белгилаш ва амалга оширишда миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиш, миллатлараро тотувлик ва сиёсий барқарорликка эришиш, мамлакатда яшовчи барча миллатлар ва элатлар тараққиёти учун тенг имкониятларни юзага келтириш, тинчлик ва демократия тамойилига амал қилиш ва бошқа бир қатор қонуниятлардир. Улар миллий ривожланиш ғоясининг амалга ошиши учун зарур бўлган қонуниятлардир. Уларга амал қилмаслик эса мамлакат ва унинг халқи белгилаган мақсад ва манфаатларининг самарасиз яқунланишига олиб келади. Миллий ривожланиш ғояси икки асосий қонуниятга – биринчидан, у мамлакатда яшовчи миллат ва элатлар миллий заминларга, иккинчидан, жаҳон халқлари томонидан тўпланган тажрибаларга таянади. Ана шу қонуниятларга амал қилингандагина у ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади.

Миллий ривожланиш ғояси кўп миллатли мамлакатда барча миллатларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳада юксалишига хизмат қилувчи омиллар, уларнинг бу жараёндаги имкониятларини очиб бериш ва реал ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган. Миллий ривожланиш ғоясининг асосий мақсади, мамлакатимиз аҳолисининг яратувчилик фаолиятини жадаллаштириш, ўз Ватани, халқига содиқ, унинг моддий ва маънавий бойликларини яратишда фидоийлик кўрсатишга қодир бўлган, унинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг фарзандлик бурчи деб ҳисоблайди-

ган комил инсонни тарбиялаш, уларнинг юксак интеллектуал ва меҳнат фаолиятлари асосида мамлакатимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни яратишга қаратилган.

Миллий ривожланиш ғоясининг миллат тақдири билан боғлиқ бўлган бошқа турли ғоялардан фарқли томони шундаки, у халқимиз мустақиллигининг реалликка айлангани, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятнинг мустақил, суверен субъектга айлангани, унинг ўз манфаатларига қарши бўлган ҳар қандай ёвуз кучларга зарба беришга қодир бўлган ва ўз манфаатларини халқаро ҳамжамият тизимида ҳимоя қилиш имкониятини яратган шароитида фуқароларимиз айниқса, ёшларимизни мамлакатимиздаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, унинг барқарор тараққиёт йўлига, фуқаролик жамиятининг асосларини яратишга ва маънавий-маърифий юксакликка эришишга йўналтириш, сафарбар этишнинг ғоявий-назарий асоси эканлигида ўз ифодасини топади.

Миллий ривожланиш ғоясининг моддий кучга айланишининг асосий кўрсаткичларига унинг мамлакат аҳолисининг дунёқарашининг ажралмас қисмига айланиши, аҳолининг моддий ва маънавий бойликларини яратишдаги фидоийлик, мамлакат тараққиёти учун масъуллик туйғуларининг шаклланганлиги, ватан манфаатлари ва унинг нуфузини оширишдаги умумхалқ ҳаракатининг юзага келганлиги каби бир қатор реал хатти-ҳаракатларда намоён бўлади.

Аммо, улар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун эса мамлакат аҳолиси айниқса ёшлар онги ва қалбига миллий ривожланиш ғояларини сингдириш лозим бўлади. Шу маънода миллий ривожланиш ғояси мамлакат аҳолиси ва айниқса ёшларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, фидоийлик, миллатпарварлик, халқпарварлик, умуминсонийлик, ҳамжиҳатлик, сафарбарлик туйғуларини шакллантиришнинг тарбиявий вазифасини ҳам амалга оширади.

Миллий ривожланиш ғояси ҳақида фикр юритганда уни фақат назария сифатида қараш кифоя қилмайди, энг асосийси уни амалиётга тадбиқ этиш зарурлиги келиб чиқади, шунинг учун у фанми ёки курсми деган савол туғилади. Албатта, уни «Миллий истиқлол ғояси»нинг мантиқий давоми сифатида махсус курс даражасида таълим тизимига жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Агар миллий истиқлол ғоясини мамлакатимиз ва халқимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритишнинг назарий асосини ташкил қилган бўлса, «Миллий ривожланиш ғояси» мустақиллигимизнинг моддий кучга айлангандан кейин, мамлакатимиз ва халқимизнинг истиқболда амалга ошириши зарур бўлган вазифаларнинг назарий асосини ташкил қилувчи ғоялар тизимини ўзида ифода эттиради. У мамлакат

тараққийетини янги босқичга кўтаришга ижобий таъсир ўтказди. Чунки унда мамлакат ва миллатни тараққий қилдириш билан боғлиқ бўлган янги вазифалар ўз ифодасини топган бўлиб, уларни халқ онгига сингдириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Албатта, «миллий ривожланиш ғояси» ҳозир мавжуд бўлган барча ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро боғлиқдир. У ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўзаро боғлиқлик тамойили асосида ривожланиб боради. Аслида ҳам барча ижтимоий гуманитар фанлар ўзаро боғлиқ. Агар уни таълим тизимига курс сифатида киритиш лозим топилса, энг аввало унинг «Миллий истиқлол ғояси» фанининг мантиқий давоми ва мамлакатимиз янги тараққийёт босқичига кўтарилишининг янги концептуал ғояси сифатида миллий онг, миллий ўзликни англаш, миллий масъуллик, миллат тақдирига дахлдорлик глобаллашув тажовуздан халқимизни ҳимоя қилиш каби ўта муҳим маънавий-руҳий салоҳиятнинг мустақамланишида ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган бўлур эди.

У илгари амал қилган ижобий хулосалардан фойдаланади ва уни ижодий ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшади, аммо, бу ўзаро алоқадорлик уларнинг мустақиллигига салбий таъсир ўтказмайди. Аксинча, у тараққийётнинг умумий йўналишига хизмат қилувчи яхлит ғоялар шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Миллий ривожланиш ғояси, миллий истиқлол ғояси, фалсафа, психология, социология, иқтисодиёт назарияси, политология, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кабилар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг дунёқараш, инсон, миллат ва халқ руҳияти, ижтимоий ҳаёт, иқтисодий тараққийёт, сиёсий ҳокимият, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш борасида эришилган ютуқлар ва галдаги вазифалар тўғрисидаги хулосаларидан фойдаланади ҳамда уларга таянади.

Айниқса, бугун Ўзбекистон таълим тизимида ўқитилаётган «Миллий истиқлол ғояси» мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ёшлар онгига мустақиллик ғояларини сингдириш, ватанпарварлик, фидоийлик, огоҳлик, ҳамжиҳатлик, миллатпарварлик, халқпарварлик, вазминлик каби руҳиятларини шакллантириш борасидаги тажрибаларига таянади.

Шунинг билан бирга унинг мустақилликни мустақамлаш йилларида амалга оширган ана шу вазифаларини давом эттиради, уни мамлакатимиз ва халқимиз тараққийётининг янги босқичида мамлакатимизда мустақилликнинг таъминланганлиги, унинг суверенитети, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айлангани, ўзининг ташқи ва ички сиёсатини мустақил олиб бораётгани, муста-

қиллигига хавф солаётган ҳар қандай ёвуз кучларга зарба бера оладиган қудратга эришгани, жаҳон демократик қадриятлари тизимига кириб бораётгани, ўзининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий, маърифий соҳалардаги стратегик вазифаларини ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишдаги тажрибаси билан мустақил моделига эга эканлиги ва унинг жаҳонда эътироф этилиши шароитида мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш вазифаларини белгилаш ва уни амалга ошириш жараёнида амалиётга кенг тадбиқ қилади. «Миллий истиқлол ғояси»нинг таълим тизимига киритилиши мамлакатимизда ўтиш даврининг бошланғич даври учун катта воқеа бўлади. У **биринчи галда** ўзини бадном қилган коммунистик ғоя ва мафкуранинг барбод бўлиши, мустақиллик ва тараққиёт ғоясининг шаклланиши оралиғида юзага келган ғоявий бўшлиқ шароитида унинг ўрнини тўлдиришга даъвогар бўлишга жон-жаҳди билан интилган, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига зид бўлган турли зарарли ғояларнинг ўрнини ола олди.

Иккинчидан, мустақиллик йилларида «Миллий истиқлол ғояси» мустақиллик, суверенитет, озодлик, эркинлик, тенглик, барқарорлик ва тинчлик каби туйғуларнинг қадр-қимматини ёшларимиз дунёқарашининг ажралмас қисмига айланишида назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлди.

Учинчидан, мамлакатимиз аҳолисини мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнига кенг сафарбар этди.

Тўртинчидан, миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни тиклаш ва уларни халқимиз онгига сингдиришда катта рол ўйнади.

Бешинчидан, мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик, динлараро бағрикенглик туйғуларининг шаклланишига ва ривожланишига ижобий таъсир ўтказди.

Олтинчидан, мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузи ошиб боришида мустақил илмий-назария сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, «Миллий истиқлол ғояси» мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг илмий-назарий салоҳияти вазифасини бажарди.

Аmmo бугун унда илгари сурилган кўпгина ғоялар амалга ошган ва мустақиллиги моддий ва маънавий кучга айланган шароитда мамлакатимизни тараққиётнинг янги босқичига кўтаришнинг янги вазифаларини белгилаш ва амалга оширишга асос бўладиган янги ғоялар ҳамда концептуал назарияларга эҳтиёж сезиб бораётганлигини ҳам эътиборга олиш зарурияти кучайиб бормоқда. Чунки, мамлакатимиз тараққиётини таъминлашнинг галдаги вазифалари миллий истиқлолимизни қўлга киритиш билан боғлиқ эмас,

балки мустақиллигимизнинг реал моддий ва маънавий кучга айланган шароитида уни тараққий қилдириш, юксалтириш ва жаҳоннинг ривожланган давлатлари даражасига кўтариш вазифалари билан боғлиқдир.

Лекин бу «Миллий истиқлол ғояси»ни таълим тизимида ўқитиш зарурияти бутунлай йўқ, деган гап эмас. Балки уни икки йўналишда – бошланғич, ўрта, ўрта-махсус, олий таълимнинг бакалаврият босқичигача бўлган бўғинларида такомиллаштирилган ҳолатда ҳамда бакалаврият босқичида унинг мантиқий давоми сифатида «Миллий ривожланиш ғояси»ни ўқитиш ҳақида гап кетмоқда.

Бу жараёнда шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, «миллий ривожланиш ғояси» ўзининг мазмуни, моҳияти, қамрови жиҳатдан «Миллий истиқлол ғояси»га нисбатан кенг бўлиб, уни ҳам ўз ичига қамраб олади.

«Миллий ривожланиш ғояси» миллатнинг қарамликдан озод бўлиб, унинг тикланиш жараёни билан бошланади ва унинг мустақил субъект бўлиб қолишининг барча босқичлари учун ғоявий асос бўлиб қолаверади. Чунки миллий ривожланиш амалга ошмас экан, миллатнинг мустақиллиги йўқолади, ривожланиш сари интилган миллатгина ўз мустақиллигини таъминлаши, ўзининг «мен»лигини намоён қилиши мумкин бўлади. Ривожланиш ғоясига эга бўлмаган уни амалга оширишга қодир бўлмаган миллат ўз мустақиллиги учун курашга ҳам қодир бўла олмайди.

Ана шу маънода ҳам «миллий ривожланиш ғояси»нинг ажралмас қисми бўлган «миллий истиқлол ғояси» миллатнинг қарамликдан озод бўлиш ва уни мустақамлаш босқичида устувор даражага кўтарилади ва бу босқичдан кейин эса миллий ривожланиш ғоясига уйғунлашиб кетади. Шу маънода ҳам табиий равишда, «Миллий истиқлол ғояси»да мавжуд бўлган масалалар «Миллий ривожланиш ғояси»да такрорланмайди. Унга хос тараққиётнинг навбатда, ҳал этилиши билан боғлиқ бўлган янги масалалар хусусида сўз боради.

Худди ана шу янги масалалар иккала курснинг бир томондан фарқланишини билдирса, иккинчи томондан миллий ривожланишнинг давомийлиги ва узлуксизлигини ҳам англатади.

Яъни, қарамликдан қутилиш, мустақилликни қўлга киритиш, уни моддий ва маънавий кучга айлантириш бир босқич бўлса, унинг давоми сифатида миллий ривожланишни янги имкониятлар юзага келган шароитда юксак даражага кўтаришни амалга ошириш навбатдаги босқичнинг вазифаларига айланади. Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, «миллий ривожланиш ғояси», «миллий истиқлол ғояси» билан ўзаро уйғундир. Шунинг билан бирга у мус-

тақил ҳамдир. Унинг уйғунлиги «Миллий истиқлол ғояси»да илгари сурилган ғояларни ўзида ижодий фойдаланади, уларни мустаҳкамлашга ижобий таъсир ўтказади. Шунинг билан бирга мамлакат мустақиллиги шароитида, уни ривожлантиришнинг навбатдаги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда янги мавзуларни ўзида мужассамлаштиради.

Жумладан, миллий ғоянинг шаклланиши негизлари ва ривожланиш хусусиятлари, унинг умумхалқ характери, ҳозирги ғоявий ва мафкуравий курашнинг кучайиш шароитида миллий ривожланиш ғояси ролининг ошиб бориши, Ўзбекистон мустақиллигининг ғоявий негизлари, миллий ривожланиш ғоясининг «тараққиётнинг ўзбек модели»да акс этишининг ўзига хос хусусияти ва уни амалга ошириш жараёни. Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишнинг тажрибалари ва унинг навбатдаги долзарб вазифалари, демократик жамият қуриш ва миллий ривожланиш ғоясининг ўзаро уйғунлиги, мамлакатда интеллектуал салоҳиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, XXI аср авлодини тарбиялаш, глобаллашув шароитида миллатни унинг таъсиридан ҳимоя қилганликлари, ўзбек халқида ягона Ватан, ягона манфаат ва ягона мақсад, миллатимизнинг бугунги жаҳон цивилизацияси тизимидан муносиб ўрин олиши, миллий хавфсизликни таъминлашнинг омиллари, глобаллашув жараёни ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви ва бошқа бир қатор долзарб масалалар «миллий ривожланиш ғояси»нинг масалаларини ташкил килади. Улар ўз моҳияти, йўналиши ва унда илгари сурилаётган концептуал ғоялар мамлакатимиз тараққиётининг бугунги ва келажакда амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларини ўзида мужассамлаштирган.

Энг асосийси, ундаги ўрганилиши белгиланган масалалар айнан таълим тизимида бугун ўқитилаётган бошқа фанларда такрорланмайди. Бундан ташқари масалаларининг номланиши ва унга қўйилган ҳар бир ғояда назария ва амалиёт уйғунлиги ўз ифодасини топган.

Айниқса, «миллий ривожланиш ғояси»да ғояларнинг шаклланиши, тушунчалари, илдизлари, тамойиллари каби бир қатор масалаларнинг фалсафа фанида ўрганилиши ёки политология ёхуд Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётида ўрганилаётган бир қатор масалаларнинг яна қайта такрорланмаслигига эътибор қаратилади.

Албатта, «миллий ривожланиш ғояси»нинг асосий моҳияти, мазмунини, мақсади ва йўналиши мавҳум асосларга эмас, балки Президентимиз асарларида илгари сурилган концептуал ғоялар асоси-

да ишлаб чиқилган «Миллий истиқлол ғояси» концепциясининг ғояларига асосланади. Шунинг билан бир қаторда мазкур концепциянинг ишлаб чиқилганидан кейинги ўтган даврда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига бағишлаб республика Олий Мажлисида қилган маърузаларида илгари сурилган ғоялар ҳам «миллий ривожланиш ғояси»га сингдириб юборилишига асосий эътибор қаратилиши лозим бўлади.

«Миллий ривожланиш ғояси» истиқлолга эришиш эмас, уни мустаҳкамлаш ва мамлакатни янги тараққиёт босқичига кўтаришни белгиловчи мезон ҳамда етакчи концепция сифатида ўз ифодасини топган. Миллий ривожланиш ғояси XXI асрда инсонларнинг тинч-отув яшашлари, юзага келган глобал муаммоларни ҳал қилишда ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишга ижобий таъсир ўтказувчи ғоя даражасига кўтарилади. Чунки унда миллатлараро тенглик, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, миллатни улуғлаш, унинг ривожланишини қадрият даражасига айлантириш, кўп миллатли мамлакатларда, барча миллат вакилларида ягона Ватан туйғусини шакллантириш каби миллати, тили, ирқи, жинси, диний эътиқодидан қатъи назар мамлакатимизда яшаб уни ўзининг Ватани деб ҳисоблайдиган барча инсонлар манфаатларини ўзида уйғунлаштирган концептуал ғоя ҳисобланади.

Миллий ривожланиш ғоясининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, бугун жаҳон миқёсида кетаётган глобаллашув жараёни миллатнинг мустақил субъект сифатида сақланиб қолишига таҳдид кучаймоқда. Ана шундай шароитда миллатни ана шу хавф-хатар ва таҳдиддан омон-эсон ҳимоя қилишга хизмат қиладиган янги ғояларга эҳтиёж ҳам ҳам ошиб бормоқда. Ана шу вазифани ҳам миллий ривожланиш ғоясининг миллат глобаллашувининг ўтказаетган тажовузлардан ҳимоялашнинг назарий асос бўлиши шундаки, ана шу омиллар улар бир-бирига зид тушунчалардир. Жумладан, миллий ривожланиш ғояси миллатнинг юксалиши ва кенг маънодаги манфаатларини ўзида ифода эттирса, глобаллашув миллий ўзига хосликни емирувчи уни манқурт ҳолатга туширишга қаратилган. Улар ўртасидаги ана шу зиддиятли жараённи ҳал қилишнинг назарий асосий вазифасини «Миллий ривожланиш ғояси» бажариши мумкин. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, у миллий тараққиётни янги юқори босқичга кўтаришнинг барча вазифаларини ўзига қамраб олади ва айни пайтда уларни амалга ошириш жараёнида миллатнинг ғоявий салоҳиятини мустаҳкамлайди. Бу ўз навбатида глобаллашувнинг миллий ўзига хосликка ўтказадиган салбий таъсиридан «ҳимояланиш» имкониятининг кенгайиб боришга ёрдам беради. Ҳо-

явий салоҳияти мустаҳкам бўлган миллатнинг ўз «мен»лигини сақлаб қолиш ҳар қандай манфаатдан устун ва қадрли бўлади. Глобаллашувнинг авж олиш шароитида ана шу руҳиятни шакллантиришда миллий ривожланиш ғояси назарий асос бўлиб қолаверади.

Миллий ривожланиш ғоясининг асосий йўналишлари ва тенденциялари

Ғоялар шаклланиши негизида уларга бўлган эҳтиёжлар туради. Эҳтиёж ҳам ўз навбатида инсонга нисбатан олганда биологик ва ижтимоий характерга эга бўлса, миллатга нисбатан эса ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий характерга эга бўлади. Агар инсон учун бўлган биологик эҳтиёжлар унинг дунёга келиши, яшаши, авлод қолдириши билан боғлиқ бўлса, ижтимоий эҳтиёжи, маълум жамоага аъзо бўлиши, жамиятда ўзининг «мен»лигига эришиши билан боғлиқ бўлади.

Миллат эҳтиёжи ҳам шаклланиш жараёни ва реал субъектга айланиши ва такомиллашувигача бўлган барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий омиллар билан боғлиқ бўлади. Демак, эҳтиёж ҳар иккала жараёнда ҳам ҳаракатга келтирувчи омил ҳисобланади. Эҳтиёжини миллатга нисбатан қўллаганда, уни миллат фаолияти таъминлаб туриш учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларга нисбатан бўладиган талаб дейиш мумкин. Ана шу талаб қанча ўсиб боришига қараб эҳтиёж ҳам ошиб боради. Эҳтиёж ва талаб узлуксиз жараён ҳисобланади. Уларнинг ўсиб бориши миллий тараққиётни ҳаракатга келтириб туради.

Шунинг билан бирга эҳтиёжнинг ўзи инсон, миллат ёки жамиятни зарур бўлган нарсалар билан таъминлай олмайди. Уларни таъминлашда манфаатлар юзага келади ва улар орқали инсон жамоага бирлашади. Бу жараёнда манфаат эҳтиёжни қондириш омилига айланади.

Инсон, миллат ва жамиятнинг эҳтиёжлари чексиз бўлиб, у доим ривожланишда давом этади. Эҳтиёж тўхташи мумкин эмас. Чунки эҳтиёж тўхтайдиган бўлса инсон, миллат ва жамият ҳам ривожланишдан тўхтади. Шу маънода инсоният, миллат ва жамият тараққиёти узлуксиз ва абадий тараққий қилишда давом этади.

Эҳтиёжлар кўлами қайси даражада кенгайдиган бўлса инсонларнинг ижтимоийлашуви ҳам шу даражада кенгайиб бораверади. Бу жараёнда манфаатлар эҳтиёжларни қондириш омили вазифасини бажаради.

Ғояларнинг юзага келишига худди ана шу эҳтиёж ва манфаатлар

сабаб бўлади. Чунки эҳтиёжни қондиришнинг заминида ғоя туради, у эҳтиёжни қондиришнинг имкониятларини излаш жараёнида юзага келади.

Бу келтирилган фикрлардан келиб чиқадиган ҳулоса шундаки, ғояларнинг шаклланиши субъектнинг эҳтиёжи ва манфаатлари мавжудлигининг объектив зарурияти ҳисобланади. Шунга мувофиқ, миллий ривожланиш ғоясининг шаклланиш заминида ҳам миллатнинг реал субъектга айланиши жараёнида юзага келадиган эҳтиёжлар туради. Миллатнинг шаклланиши манфаатларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида содир бўлади.

Эҳтиёжлар ва манфаатлар ҳам маълум ғоялар таъсирида моддий кучга айланади. Ғоялар шаклланиши инсонлар турмуш-тарзининг юксалиши, тарихий тажрибаси, фаоллиги ва имкониятларини ўрганиш ҳамда уларни келажак билан боғлаш асосида юзага келади. Ғоянинг қудрати шундаки, у инсонларни маълум бир эҳтиёж, манфаат, эътиқод асосида бирлаштирувчи омил ҳисобланади. Ғоялар маънавий руҳий жараён бўлганлиги учун ҳам инсон, миллат ва жамият ҳар бирини алоҳида ва айна пайтда яхлит ҳолатда бирлаштириш мумкин бўлган имконият ҳамдир.

Ғоялар турли жараёнларни ўзида ифодалайди, шу боисдан ҳам улардан олдин пайдо бўлади ҳамда у эҳтиёжлар ва манфаатларни ўзида акс эттиради, уларнинг реалликка айланиши инсон, миллат ва жамиятни ҳаракатга келиши учун замин бўлади.

Ғоялар ўз-ўзидан пайдо бўладиган маънавий руҳий омил эмас, балки эҳтиёж, манфаатларни ўзида ифода эттиргунгача у энг аввало маълум мерос, қадрият, тажриба каби омиллар таъсирида шаклланади. Аммо бу ғояни, мерос, қадрият ва тажриба белгилаб беради, деган гап эмас, балки улар ғоя шаклланишига маънавий асос бўлади ва унга қиёфа бахш этиб туради. Ғоянинг куч-қудрати, ҳаётийлиги, унинг ҳар бир тарихий босқич эҳтиёжлари ва манфаатларини нечоғлик ўзида ифодалаши билан белгиланади.

Ғоялар тизимида миллий ривожланиш ғояси алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки у миллат истиқболи билан боғлиқдир. Миллий ғоя эса шу маънода ҳам миллат тараққиётининг барча босқичларида шаклланадиган янги ғоялар учун ўзгармас манба бўлиб қолаверади. Унинг ўзгармаслиги миллий тараққиёт ўз заминлари асосига қурилганлиги билан боғлиқдир. Аслида, миллий ғоя ҳам миллатнинг эҳтиёжларига қараб ўзгариб, ривожланиб ва шаклланиб боради. Аммо, у ўзининг миллийлик қиёфаси моҳияти, мазмуни ва мақомини йўқотишга олиб келмайди. Унинг замонлар ва даврлар ўтиши билан ўзгармаслиги ана шу хусусиятларнинг умрбоқийли-

гида ўз ифодасини топган.

Миллий ривожланиш ғояси миллатни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий юксакликка йўналтирувчи илмий асосланган концепциялар ва назарий фикрлар тизимидир. Миллий ривожланиш ғояси маълум бир тарихий тараққиёт босқичида миллат олдида турган вазифаларни ҳал қилишга йўналганлиги билан характерланади. Уларни амалга ошириш миллатнинг мавжуд даражада юқори поғонага эришишини таъминлайди. Шу маънода ҳам миллий ривожланиш ғояси миллат эҳтиёжларининг инъикоси сифатида тараққиёт босқичларида юзага келадиган вазифаларнинг мазмуни ва кўламига қараб ўзгариб, такомиллашиб боради.

Аммо у ҳар қандай шароитда ҳам миллий ғояга таянади ва унинг ўзига хослигидан куч-қудрат ва илҳом олиб туради. Бу ўзига хослик миллатнинг шаклланиши, унинг мустақил субъектга айланиши, анъана, тарихи, тафаккури ривожланиши жараёнида камол топган. Миллатнинг қудратли бўлиши, унинг буюк даҳолари томонидан яратилган ғоялари ва уларнинг умуминсониятга хизмат қилиши билан белгиланади. Миллий ғоя ана шу қудратли куч эҳтиёжининг инъикоси сифатида намоён бўлади. У ўз навбатида миллий ривожланиш ғоясига миллат тараққиёти учун зарур бўлган вазифаларни ўзида мужассамлаштиришда асосий манба бўлиб қолади. Мамлакатимизнинг мустақиллиги реалликка айланган бугунги кунда миллий ривожланиш ғоясини ёшларимиз онгига сингдириш долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки унда халқимизнинг моддий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тараққиётга йўналтириш мақсадлари мужассамлашган. Глобаллашувнинг миллий маънавиятимизга ўтказаетган таъсиридан ҳимояланиш омиллари ва жараёнларига нисбатан халқимизнинг муносабатини аниқлаш мақсадида респондентларга «Миллий маънавий глобаллашувнинг олдини олиш мумкинми?», деган савол билан мурожаат қилганимизда жавоблар қуйидагича бўлди:

Самарқанд вилояти бўйича СамДУ талабаларидан сўровда қатнашган респондентлардан: ҳа – 52,6 фоиз; йўқ – 16,7 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 22,7 фоиз; билмайман – 9,2 фоизни ташкил қилди. **СамДАҚИ лицей ўқувчилари:** ҳа – 36,7 фоиз; йўқ – 20,6 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 31,7 фоиз; билмайман – 12,2 фоиз. Ахчопсой маҳалласи: ҳа – 25 фоиз; йўқ – 20,2 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 34,3 фоиз; билмайман – 20,5 фоизни ташкил қилди.

Бухоро вилояти. Бухоро Давлат универитети талабаларининг жавоби: ҳа – 48 фоиз; йўқ – 14,4 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 27,3 фоиз; билмайман – 17,4 фоизни ташкил қилди. Армечан касб-ҳунар коллежи: ҳа – 42,4 фоиз; йўқ – 6,6 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 31 фоиз;

билмайман – 20,4 фоиз. Армечан фуқаролар йиғини: ҳа – 14 фоиз; йўқ – 13,6 фоиз, ўйлаб кўрмаганман 60 фоиз; билмайман – 22,4 фоизни ташкил қилди.

Сурхондарё вилояти. Термиз Давлат университети: ҳа – 34,2 фоиз; йўқ – 19,8 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 35,6 фоиз; билмайман – 10,4 фоиз. Тиббиёт коллежи: ҳа – 22,4 фоиз; йўқ – 10,6 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 49,1 фоиз; билмайман – 19,8. Денов шаҳар маҳаллалари: ҳа – 16,5 фоиз; йўқ – 27 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 46,2 фоиз; билмайман – 30,3 фоизни ташкил қилди.

Хоразм вилояти. УрДУ талабалари: ҳа – 30,9 фоиз; йўқ – 12,1 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 30,3 фоиз; билмайман – 23,7 фоиз. Урганч санъат қурилиши коллежи: ҳа – 22,4 фоиз; йўқ – 10,6 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 40,8 фоиз; билмайман – 26,2 фоиз. Урганч шаҳар маҳаллалари: ҳа – 26,4 фоиз; йўқ – 10,2 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 42,1 фоиз; билмайман – 20,3 фоизни ташкил этди.

Тошкент шаҳри. Тиббиёт Академияси: ҳа – 40,2 фоиз; йўқ – 20,3 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 20,3 фоиз; билмайман – 16,7 фоизни ташкил этди. Тошкет шаҳар «Беруний» маҳалласи аҳолиси: ҳа – 31,9 фоиз; йўқ – 14,1 фоиз; ўйлаб кўрмаганман – 30,3 фоиз; билмайман – 12,7 фоизни ташкил қилади.

Юқорида келтирилган сўров натижаларидан кўриниб турибдики, республикамиз таълим тизимида глобаллашув жараёни ҳақида тегишли маълумотлар берилиб борилмоқда. Шунинг билан бирга аҳоли ўртасида ҳам глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказадиган таъсири ҳақида ҳам маълум қарашлар шаклланиб бормоқда. Айни пайтда, глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказётган салбий таъсири ҳақидаги қарашлар ва тушунчаларни мустақамлаш зарурияти кучайиб бораётганлигини таъкидлаш мумкин. Буни респондентлар (олий ўқув юртлари талабалари) нинг ўртача ярмига яқинида глобаллашувнинг таъсири тўғрисида аниқ тасаввур бўлмаганлигини, ўртача 30–35 фоиз талаба бу ҳақида ўйлаб кўрмаганлигини билдирган бўлсалар, уларнинг 10–12 фоиз билмаслигини таъкидлаганлар. Маҳаллалар аҳолисидан сўровда қатнашганларнинг ўйлаб кўрмаганлар билан билмайдиганларни қўшиб ҳисоблаганда ўртача 40–45 фоиз респондентлар глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказётган таъсирини ҳали сезмаётганлар ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, унинг таъсири ҳақидаги қарашлар даражалари ҳам турли-туманлигини кўриш мумкин. Айниқса, вилоятлардаги туманлар аҳолиси билан вилоят маркази ва шаҳар аҳолиси ўртасида ҳам қарашлар ўртасида фарқ 10–12 фоизни ташкил қилмоқда.²

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказаетган салбий таъсири таълим-тарбия жараёнида ва аҳоли ўрта-сида тушунтириш ишларини олиб бориш зарурияти мавжудлигини кўрсатади. Бунинг учун эса миллий маънавиятнинг глобаллашув жараёнига қарши тура оладиган ғоявий асосларини вужудга келтириш зарур бўлади. Бундай асос юқорида таъкидлаганимиздек, миллий ривожланиш ғояси бўлиши мумкин. Албатта, у ўз-ўзидан глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказаетган салбий таъсирига қарши туравермайди, балки уни мамлакатимиз ва халқимизнинг ҳаракат дастурига айлантириши зарур бўлади. Бунинг учун эса унинг моҳияти ва мақсадларини ўзида мужассамлаштирган тизимини ишлиб чиқиш зарур бўлади. Яъни, у миллий тараққиётнинг истиқболлини таъминлашда ўзида қайси йўналишларни қамраб олишини, ўз навбатида уларнинг ҳар бири қайси вазифаларни ўзида мужассамлаштиришини аниқ белгилаш зарур бўлади.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ривожлантириш, халқимиз, айниқса ёшларимиз онги ва қалбида миллатпарварлик, миллат истиқболи учун масъуллик руҳиятини мустаҳкамлаш, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчиликка қарши миллий бирликни мустаҳкамлаш заруриятини миллатимиз вакиллари онгига сингдириш, миллатнинг интеллектуал салоҳиятини кўтариш, глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказилаётган салбий таъсирига қарши тура оладиган миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш, миллий тараққиётга қарши қаратилган турли оқимлар ғоялар ва кучларга асл мақсадларини очиб бериш, глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлаш омилларини, миллатимизни глобаллашув тажовузидан ҳимоя қилишдаги масъуллик вазифаларини ёшлар онгига етказиш, халқимиз айниқса, ёшларимиз ичида бозор муносабатлари тафаккурини шакллантириш, демократик қадриятларни чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг жаҳон демократик қадриятлари тизимига кириб боришига эришиш, жаҳон ҳамжамияти тараққий қилган мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби йўналишларни қамраб олади. Уларнинг ҳар бирини таҳлил қиладиган бўлсак, миллий ривожланиш ғоясининг нақадар кўп вазифаларни ўзига қамраб олишини кўраемиз. Ана шу йўналишдаги амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларнинг айримлари хусусида фикр юритишга ҳаракат қилаемиз.

Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш. Бу вазифа ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки мамлакатлар қайси даражада тараққий қилмасин, унга

нисбатан ташқаридан ва ичкаридан хавф-хатар мавжуд бўлади. Ташқаридаги хавф-хатар ўзга мамлакатлар томонидан мавжуд моддий бойликларга кўз тикиш, ресурсларни қўлга киритиш, ўз товар маҳсулотлари билан бозорни эгаллаш ҳамда бошқа бир қатор интилишларда ўз ифодасини топади. Бу мақсадларни амалга оширишда улар турли найрангларни ишга соладилар. Гўё моддий ёрдам кўрсатиш, инвестицияларни киритишдан бошлаб, куч ишлатишгача бўлган барча тадбирларни амалга оширадилар. Айниқса, улар бу найранглardan ўз мустақиллигини эндигина қўлга киритган мамлакатлар ва кам тараққий қилган мамлакатларга нисбатан жуда усталик билан фойдаланадилар. Ўтиш даврининг улар учун қулай вазиятлиги шундаки, бу даврда мамлакатларда иқтисодий беқарорлик вужудга келади, унинг таъсирида сиёсий ҳамда ғоявий беқарорлик кузатилади. Бундай вазиятдан фойдаланиб юксак тараққий қилган мамлакатлар кам тараққий қилган ва энди мустақилликни қўлга киритган мамлакатларни қарамлик ҳолатига тушиб қолиш вазиятини вужудга келтиради. Ички хавф ҳам ўзининг кучи, қуввати билан ташқи хавфдан кам эмас. Унинг юзага келиши нафақат мамлакатларнинг демократик қадриятларга ўтиш даври шунингдек, мамлакатда турли миллатлар, динларга эътиқод қилувчилар, ижтимоий гуруҳларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг эҳтиёжларини ҳар доим ҳам тўла қондиришнинг имкониятлари чекланганлиги билан ҳам боғлиқ бўлади. Бундай вазиятнинг юзага келиши олдини олишда давлат олиб борадиган сиёсат амалий аҳамиятга эга бўлади. Шундай хавфлар мавжуд экан, уларнинг олдини олишда энг аввало миллий ривожланиш ғоясида умуммиллий бирликни вужудга келтирувчи мақсад ва манфаатлар ўз ифодасини топиши лозим бўлади. Айни пайтда уларнинг мавжудлиги ҳар доим ҳам муаммони ҳал қилиш имкониятини бермайди. Бунинг учун унинг моддий кучга айлантирувчи мавжуд механизмларидан самарали фойдаланишда изчиллик билан ҳаракат қиладиган фидойилар керак бўлади. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ана шу иккала хатарнинг маъно-мазмуни ва унга қарши курашда зарур бўлган омиллар миллий ривожланиш ғоясида ўз ифодасини топиши лозим бўлади:

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш миллий ривожланиш ғоясида ўз ифодасини топиши лозим. Бу бир томондан ислоҳотларни амалга оширишни жадаллаштириш бўлса, иккинчи томондан, аҳолининг унинг самарасини реал ҳаётларида сезиш даражасини оширишни ўз ичига олади. Бунга эришишда бозор муносабатларини шакллантириш қонуниятларига мувофиқ ҳар бир шахснинг асо-

сий ғоявий йўналиш даражасига кўтариш мақсадга эришишнинг асосий омили уларнинг ҳар бирининг ўзига боғлиқлигини миллий ривожланиш ғояси мазмунида ўз ифодасини топиши лозим. Ислоҳотни амалга оширишни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, кам меҳнат сарфлаб катта самара олиш, мавжуд ресурсларни тежаш, уларни ўз ўрнида фойдаланишга эришиш руҳиятини шакллантириш ҳамда уни амалиётга айлантиришни ўзига қамраб олади. Бозор муносабатларининг асосий қонунияти бўлган ҳар бир фуқаронинг шахсий фидойилиги унинг моддий ва маънавий юксалишининг асоси эканлигини омма онгига сингдириш, боқимандалик руҳиятини батамом тугатиш ва унинг ўрнига тадбиркорлик руҳиятини шакллантиришни тарбиявий йўналишда устувор даражага кўтариш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ислоҳотни амалга оширишни янги поғонага кўтариш учун зарур бўлган фаоллик ва фидойилик туйғуларини шакллантиришнинг имкониятларини излаб топиш миллий ривожланиш ғоясининг асосий йўналиши ҳисобланади. Чунки унинг қандай самара беришига қараб, қолган барча йўналишдаги вазифаларнинг амалга ошуви жараёни кечади.

Маълумки, миллий истиқлол ғоясида миллий-маънавий тикланиш, миллий заминларга қайтиш, миллий меросни ўзлаштириш орқали миллий ўзликни англаш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланган эди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги ўтган даврда бу борада кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш натижасида катта ютуқлар қўлга киритилди. Улар ҳақида кўп ёзилмоқда. Лекин кейинги йиллар давомида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бўлгани каби бу жараёнда жўшқинлик сезилмаётгандай туюлмоқда. Бу битта муаммо бўлса, иккинчиси, миллий ўзликни англашнинг ривожланиши, юқорида кўрсатилган миллий меросни ўзлаштириш, миллий заминларга қайтиш, миллий тикланишни амалга ошириш каби вазифалар доирасида тасаввур этиш кайфиятининг юзага келаётганлигидир. Айниқса, авлод-аждоғларимиздан бизгача етиб келган меросларни тиклаш ва улар билан мағрурланиш билан чекланишга мойиллик юзага келаётганлиги сезилмоқда. Бундай ҳолатнинг юзага келиши миллатимизнинг бугунги жаҳон тараққиётининг даражаларидан орқада қолиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунини ҳисобга оладиган бўлсак, миллий ўзликни англашнинг ривожланиш жараёнига илҳом, куч-қавват бағишлаш эҳтиёжи кучаймоқда. Бу вазифа миллий ривожланиш ғоясида ўз ифодасини топиши лозим бўлади. Унинг марказида миллатимизнинг ўзлигини англашнинг ривожланиши деганда унинг жаҳон тараққиёти тизимининг ажралмас қисми, унинг таркибидаги муҳим бўғини си-

фатида ўз ўрнига эга бўлиш учун кураш олиб бориш руҳияти ва амалиётига эришиш вазифаси турмоғи керак. Ана шунга эришилса глобаллашувнинг миллий маънавиятимизга ўтказадиган салбий таъсирининг олди олинади. Миллий ўзликни англашдаги жўшқинлик яна тикланади. Бугун жўшқинликнинг сусайиши жараёни содир бўлаётганлиги ҳақида гап кетганда аниқ маълумотларни келтириш ўринли бўлади. Жумладан, тилимизга давлат тили мақоми берилган вақтда уни оммалаштириш кучайган бўлса, бугун яна катта шаҳарларимизда рус тилини ўрганишга қизиқишнинг юзага келаётганлиги, кўпгина давлат идораларида уни оммалаштиришга эътибор берилаётганлиги, кўчаларда эълон ва рекламаларнинг аксарият кўпчилиги рус тилида берилаётганлиги, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни оммалаштиришга нисбатан уларнинг яна саёзлашаётганлигининг юзага келаётганлиги каби салбий ҳолатларни келтириш мумкин. Айниқса, мамлакатимизнинг пойтахти Тошкент шаҳрида миллатимизнинг энг катта интеллектуал салоҳияти тўпланганлигига қарамасдан ана шундай салбий ҳолатларнинг мавжудлиги миллий гуруҳ, ифтихор, масъулик каби туйғуларни шакллантиришни кечиктириб бўлмайдиган вазифага айлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонунни амалиётга тадбиқ қилишда тегишли ташкилотлар масъуллигини кучайтириш кераклиги маълум бўлади. Миллий ривожланиш ғоясида ана шу жараёнлар ўзининг ифодасини топиши ва уларни бартараф этиш имкониятлари, воситалари, омиллари ҳамда улардан самарали фойдаланиш механизмларининг назарий йўналишлари ўз ифодасини топиши муҳим йўналишлардан бирини ташкил қилади.

Миллатпарварлик, миллат истиқболи учун масъуллик туйғуларини шакллантириш миллий ривожланиш ғоясидаги вазифаларнинг яна бир йўналишини ташкил қилади. Миллатпарварлик бу миллатни улуғлаш, унинг буюклигини қалб ва юрак билан ҳис этиш, уни ҳар қандай зарарли ғоялар ҳамда кучлар таъсиридан ҳимоя қилиш, унинг ўсиб, улғайиб боришига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиш руҳиятига эга бўлиш каби жуда катта улуғвор туйғуларни ўзига қамраб олади. Миллатпарварлик миллатчилик эмас, балки ўз миллатини улуғлаш, унинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилиш орқали ўзга миллатларни ҳурмат қилиш, уларнинг ҳам ўзига хос манфаатлари борлигини тушуниб етишдир. Ўзлигини англаган, ўз манфаатлари борлигини тушуниб етган миллатгина ўзга миллатлар борлигини уларнинг манфаатлари мавжудлигини тушуниб етади. Бу миллатлараро муносабатларнинг барқарор ривожланишининг олтин қоидаси ҳисобланади. Шу маънода миллатпарварлик туйғула-

рини шакллантириш ва мустаҳкамлашни изчиллик билан амалга оширишнинг миллий ривожланиш ғоясида ўз ифодасини топиши миллий тараққиётни янги поғонага кўтаришда амалий аҳамиятга эга бўлади.

Миллат истиқболи учун дахлдорлик ва масъуллик туйғуларини шакллантириш вазифаси ҳам миллий ривожланиш ғоясининг муҳим йўналишларидан бирини ташкил қилади. Бу вазифанинг ўта муҳимлиги шундаки, бозор муносабатлари шаклланаётган бир шароитда шахсий манфаатдорликнинг устувор даражага кўтарилиши жараёни содир бўлади. Чунки бозорнинг аёвсиз қоидалари ва объектив қонунлари кўпгина инсонларда «ўзингни бил, ўзгани қўй», «ўзинг учун ўл етим» каби халқ мақолларнинг амалиётда намоён бўлиш жараёнларини юзага келтиради. Натижада одамлар руҳиятида миллат истиқболи учун дахлдорлик ва масъуллик туйғулари тор доирада интилиш амал қила бошлайди. Аслида, масалага бундай қарашнинг ўзи ғайри илмий ҳисобланади. Чунки миллий манфаатлар, унинг реал вакиллари бўлган шахслар манфаатларининг уюшмасидан иборат бўлган тизим ҳисобланади. Шундай экан, миллатнинг ҳар бир вакилида ўз манфаатларини қондириш йўлидаги фидойилик кўрсатиши ва унга эришиш умуммиллий манфаатларнинг амалга ошувидаги босқич ҳисобланади. Ана шу манфаатларнинг амалга ошуви билан миллий тараққиёт юксалиб боради. Бу ердаги асосий масала миллат вакилларининг умуммиллий манфаатларга зид бўлган туйғулардан қайси даражада холи бўлишига боғлиқ бўлади. Яъни миллат вакилларининг аксарият кўпчилик қисми умуммиллий манфаатлар билан шахсий манфаатлар юзага келганда, унинг қайси бирини танлаш вазияти юзага келган пайтда унинг биринчисини танлаш туйғусига эга бўлишига эришиш салоҳиятини шакллантириш вазифаси миллий ривожланиш ғоясининг муҳим йўналишини ташкил этади. Ана шу туйғунинг нечоғли мустаҳкам бўлиши миллат истиқболи учун дахлдорлик ва масъулликнинг даражаларини белгилаб беради. Дахлдорлик ва масъуллик шундай руҳий ҳолатки, унинг реалликка айланиши миллатнинг маънан бақувват бўлишини таъминлайди, унинг барқарор ривожланиши миллий тараққиёт учун назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб бораверади.

Миллий бирликни мустаҳкамлаш миллий ривожланиш ғоясининг яна бир йўналишини ташкил қилади. Аввало шуни таъкидлаш керакки, миллий бирликни мустаҳкамлаш эҳтиёжи икки сабабга кўра ўта долзарб вазифа ҳисобланади. **Биринчидан**, у миллатнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнининг ҳали қиёмига етмаганлиги шароитида мавжуд бўладиган маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик иллат-

ларининг сақланиб қолиши ва уни тугатиш зарурати келиб чиқади. **Иккинчидан**, миллатни бирлаштирувчи ва уни аниқ мақсадлар сари етакловчи умуммиллий ғоянинг оммавий даражага кўтарилишининг миллий тараққиёт эҳтиёжларидан орқада қолаётганлиги билан боғлиқ бўлади. Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик иллатларининг сақланиб қолиши ўта хавфли ҳолат ҳисобланади. Чунки у миллатнинг шаклланиб улгурмасдан ичидан емирилишига истиқболда эса унинг ўзга мамлакатларга қўшилиб йўқ бўлиб кетишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам бундай салбий жараёнларнинг олдини олиш ҳар бир миллат учун амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Агар уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчиликнинг шаклланиши жараёнига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг ҳар бирининг миллат шаклланиши билан боғлиқ томонлари, боғлиқ жиҳатлари борлигини кўрамиз. Жумладан, уруғ (ижтимоий бирлик) – бир ота-онадан тарқалган қонқариндошларнинг уюшуви натижасида шаклланган жамоа. Уруғчилик инсоният тарихининг қадимги даврига хос бўлиб, яшаш учун кураш ва ташқи душманлардан сақланиш мақсадида кишиларнинг қариндошчилик асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлган. Уларга улар орасидан чиққан, қондошлар даврасида ҳурмати ва эътиборга эга бўлган оқсоқоллар бошчилик қилган.³

Кўриниб турибдики, уруғчилик миллат шаклланишининг дастлабки босқичига тўғри келади. Аммо нега бугун у кўпгина миллатларда сақланиб қолмоқда? Фикримизча, унга икки томонлама ёндашиш зарур бўлади. Биринчидан, бугун унинг мавжудлигини миллатларнинг тўлақонли миллат даражасига етиб келмаганлигининг кўриниши сифатида қараш мумкин. Негаки, қаерда уруғлар манфаатини умуммиллат манфаатидан устун қўйишга интилиш бир экан, у ҳам миллатнинг бирлиги мустаҳкам эмаслигидан далолатдир. Афсуски, бугун бундай салбий ҳолатларни кам бўлса ҳам айрим миллатдошларимиз руҳияти ва хатти-ҳаракатларида сақланиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин уруғчилик у ёки бу жараёнларда намоён бўла бошлади. Буни ҳам табиий ҳол деб ҳисоблаш мумкин. Чунки собиқ шўролар мамлакатимизни тўлақонли миллат даражасида охиригача шаклланмасдан унинг ўзлигини англаш даражасига етиб келмасдан катта миллатларга қўшиб юбориш сиёсатини олиб борган эди. Миллат, ҳатто уруғ ҳақида, унинг манфаатлари ҳақида очиқ гапириш тузумга, ягона совет халқига нисбатан хоинлик, душманлик деб қаралар ҳамда қаттиқ жазолар эди. Бундай сиёсат советларнинг охири нафасигача давом этиб келди. Миллат манфаати йўлида фидойилик кўрсатган минглаб миллатдошлар

римизнинг кўзга кўринган вакиллари йўқ қилиб юборилди. Агар бу жараёнга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак шу нарса аён бўладики, зўравон тузум корчалонлари миллатимиз ичидан унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи фарзандларини қириб юборганлар. Мана шу жараён миллатимизнинг тўлақонли миллат даражасига етишиб келишига тўсқинлик қилиб келганлигини кўриш мумкин.

Шунинг учун ҳам миллатимиз вакилларида мустақиллигимиз шароитида эркин нафас олиб, ўз уруғларини билиб олиш, улар билан яқин алоқада бўлишга интилиш юзага келмоқда. Агар ана шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, уруғчиликнинг бугун онда-сонда учраб турадиган кўринишларининг сақланиб қолиниши заминлари собиқ шўронинг олиб борган «кичик» миллатларни «катта оға»га қўшиб юбориш сиёсати билан боғлиқ бўлиб қолганлигини кўриш мумкин бўлади. Албатта, бу миллий тараққиётимиз учун ниҳоятда хавfli омиллардан бирини ташкил қилади. Иккинчидан, агар бу масалага глобал нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, маълум маънода у миллатни мустақил субъект сифатида сақланиб қолишига ижобий таъсир ўтказувчи омил сифатида қараш ҳам мумкин. Бу фикрни қуйидагилар билан асослашга ҳаракат қиламиз. Агар уруғ-аймоқчилик такомиллашиб борса ва у миллатнинг умумманфаатларига зидлик ҳолатидан холи бўлса, у ҳар бир миллат вакиллариини ўз уруғлари билан қариндошчилик алоқаларини тиклашга қаратилган бўлса охир оқибатда миллий уюшманинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир ўтказади. Бунинг учун эса уруғ ва шахсий манфаат руҳиятига қараганда миллий манфаат руҳиятини юқори даражада кўтариш лозим бўлади. Шу маънода ҳам миллат вакилларида ўз уруғлари билан қариндошчилик алоқаларини тиклашга бўлган интилиш миллат бирлигининг мустаҳкамланишига салбий таъсир ўтказмаслиги лозим. Ўз уруғлари билан алоқаларини тиклаш ва уни мустаҳкамлашга интилишни миллий бирликни ривожлантиришга йўналтириш глобаллашув шароитида миллатнинг бу жараёндан ҳимояланишида амалий аҳамиятга эга бўлади. Энг асосийси уруғ аймақчилик алоқалари миллатнинг парчаланишига эмас, балки унинг мустаҳкамланишига, умуммиллий манфаатлар устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоғи зарурлигини миллатнинг ҳар бир вакили тушуниб етиш даражасига кўтарилиши лозим бўлади. Бугун инсоният уруғчилик томон, яъни орқага қайтиш томон бораётгани йўқ, балки олдинга қараб – миллатнинг бирлигини мустаҳкамлаш, уни глобаллашув тажовузидан ҳимоя қилиш ва уни ўзидан кейинги авлодга «соф» ҳолатда эсон-омон етказиб бориш томон интилмоқда. Бу жараёнда мил-

латимизнинг фаоллигини таъминлаш глобал вазифамиз даражасига айланиши лозим.

Маҳаллийчилик ҳам миллий бирликнинг заифланишига олиб келадиган салбий жараён ҳисобланади. «Маҳаллийчилик – умумийлик, умумдавлат манфаатларини ҳисобга олмай, уларга зарар келтирувчи, тор маҳаллий манфаатлар доирасида фаолият юритиш. Маҳаллийчилик ўрта асрлардаги индустрия ривожланишигача бўлган жамиятларга хос бўлиб, халқлар бирликка эришмаган, уруғ-аймоқчилик тартиблари халқни ташкил қилган уруғ-қабилавий гуруҳларнинг ижтимоий ҳаётидаги мавқеи, мақомларни иерархик усулда, аслида қадимги ва ўрта асрдаги миллий тарқоқлик даврига хос бўлсада, у ёки бу шаклларда ҳозирги замон жамиятларида, айниқса миллий манфаатларнинг устунлигини англашни таъминловчи миллий онгга, бирликка эришмаган халқларда кўпроқ сақланиб қолган...».⁴

Ҳақиқатан ҳам, у умумий манфаатларга зид бўлган салбий дунёқарашда ўз ифодасини топади. Бугунги кунда у кадрлар танлаш, моддий ва маънавий ресурслардан фойдаланишга бўлган мафаатларда намоён бўлади. Унинг айрим кўринишлари бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида кучайиб бориши айниқса миллий бирликнинг мустаҳкамланиши учун ниҳоятда хатарли ҳисобланади. Чунки бозор муносабатларининг шаклланиши бошқарувида унга салоҳияти етарли кадрларни танлашни талаб этади ва мавжуд ресурслардан умуммиллий тараққиётнинг эҳтиёжларига қараб мамлакатнинг барча минтақа аҳолиси ўртасида тенг фойдаланишни амалга оширишни талаб этади. Агар бу тамойилга амал қилинмас экан, миллат ичида парчаланиш юзага келади. Шунинг учун ҳам давлатнинг сиёсатида миллат бирлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида бу тамойилга амал қилиш амалий аҳамиятга эга бўлади. Афсуски бу салбий ҳолат оз бўлса-да амалиётда сақланиб келаётганлигини кўриш мумкин. Ундан қутилишнинг ягона йўли – умуммиллий маънавиятни ривожлантириш, глобаллашувнинг миллий тараққиётга ўтказаетган таҳдидини миллатнинг барча вакиллари онгига сингдиришдир.

Миллий интеллектуал салоҳиятни кўтариш миллий ривожланиш фоясида ўзак йўналишни ташкил қилади. Интеллектуал кенг маънодаги тушунча бўлиб, у таълим тизими, унда тайёрланадиган кадрлар салоҳияти, бошқарув тизимининг камолот даражаси, мамлакатда мавжуд бўлган зиёлиларнинг тараққиёт даражалари, улар томонидан яратиладиган илмий кашфиётларнинг даражалари, уларнинг сифати ва рақобатбардошлиги, мамлакатнинг энг замонавий техника ва технология билан таъминланганлиги ҳамда улардан сама-

рали фойдаланишга қодир бўлган кадрларнинг мавжудлиги мамлакат аҳолиси умуммаънавий савиясининг умумжаҳон тараққиёти даражаларига мос равишда ривожланиб бориши ва бошқа бир қатор кўрсаткичларни ўзига қамраб олади.

Улардан кўриниб турибдики, миллий тараққиёт ва юксак маънавиятга эга бўлган интеллектуал салоҳият ўз ўрнида миллатнинг жаҳон демократик қадриятлари тизимидан мустаҳкам ўрин олишида етакчилик қилиб боради. Интеллектуал кенг маънодаги жамият тараққиётини ташкил қилиш ва такомиллаштиришнинг ҳам етакчи кучи ҳисобланади. Аммо унинг бу имкониятига турли замонларда турлича қараб келинди. Айниқса, собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида унга иккинчи даражали омил сифатида қаралиб келинган эди. Марксистлар ва уларнинг издошлари жамият тараққиётининг ҳал қилувчи кучи деб аввал йўқсилларни (пролетариатни), кейинчалик эса ишчилар синфини ҳисоблаб келдилар. Бунинг натижасида интеллектуал салоҳият эгаларининг реал обрў-этибори жамиятда етарли даражада баҳоланмай келинди. Аслида, интеллектуал жиҳатдан камбағал бўлган биронта миллат ва унинг мамлакати ривожланмайди, у нафақат моддий, шунингдек маънавий жиҳатдан ҳам ўзгаларга қарам бўлиб яшашга мажбур бўлади.

Бугун буни жаҳонда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан кўриб турибмиз. Япония, Европа ва АҚШ каби мамлакатларнинг юксак даражага етиб келаётганлигининг асосий омилли энг катта интеллектуал салоҳиятни шакллантиришга эришганлиги билан боғлиқ бўлганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Улар нафақат иқтисодий юксакликка эришадилар, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиб, унинг воситасида кам тараққий қилган мамлакатларни глобаллашув жараёнига жалб қилмоқдалар. Ана шу тажрибалар кўрсатмоқдаки, интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш ва уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш миллий ривожланиш ғоясида ўзак йўналишига айланиши лозим бўлади. Чунки интеллектуал салоҳият моддий бойликларни ишлаб чиқиш учун зарур бўладиган янги техника ва технологияларни яратади ва уни амалиётга жорий қилади. У шу йўл билан мамлакатнинг бойлигини тежаш ва мустаҳкамлашда асосий кучга айланади. Унинг асосий имкониятларидан яна бири ишлаб чиқариш инфраструктурасини мамлакат ва жаҳонда юзага келадиган эҳтиёжга қараб тез ҳамда самарали ўзгартиришда намоён бўлади. Бу миллатнинг жаҳон ишлаб чиқариш тизимида тенг қатнашиш имкониятини беради. Қолаверса, интеллектуал салоҳиятнинг юксак даражада ривожланиши миллатнинг умуммиллий маънавияти юксалишида ҳам алоҳида аҳами-

ятга эга бўлади. Юксак ривожланган интеллектуал мамлакатнинг маънавий тараққиётига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. У миллат ҳаёти ва турмушига маънавий бойликларни олиб киради ҳамда уларни оммавий бойлигини асраш ва уларни омма онгига, айниқса ёшлар онгига сингдиришда фаол иштирок этади. Унинг яна бир имконияти миллий манфаатларни ҳимоя қилишда етакчилик қилишида намоён бўлади. Шунингдек, интеллектуал жиҳатдан кучли бўлган мамлакатда демократик қадриятларнинг барқарор ривожланиши ҳам амалга ошади. Чунки интеллектуал фақат билим, ақл, илм салоҳиятининг юксак тараққиёти даражалари билан чекланмайди, балки улар билан бир қаторда юксак даражада ривожланган маънавиятни ҳам ўз ичига олади. Маънавият юксак даражада ривожланишининг кўрсаткичларидан бири эса маърифатлашган демократия қадриятларига мойилликнинг мавжуд бўлиши ҳамдир. Шу маънода ҳам чинакам интеллектуал салоҳиятнинг кўрсаткичи юксак ақл, илм салоҳиятини юксак маънавият билан уйғунлашганида намоён бўлади, дейиш мумкин. Аммо интеллектуал салоҳият мамлакат ва миллат тараққиётида етакчи омил бўлсада реал ҳаётда ҳар доим ҳам жамиятнинг моддий жиҳатдан ўзига юкланадиган масъулияти даражасида таъминланавермаган. Бу омил интеллектуал салоҳиятнинг маълум бир қатламида фаолликнинг бир қадар сусайишига ўзининг таъсирини ўтказиб келган. Айниқса, мамлакатда бозор муносабатларининг шаклланиши жараёнида объектив равишда жамиятда юзага келадиган табақаланиш, интеллектуал мулкнинг бошқа мулкдорларга қараганда турмуш даражаларининг паст ҳолатга тушиб қолиши уларнинг негизини ташкил қилувчи олимлар ва зиёлиларнинг бир қисми фаоллигининг пасайишига ҳамда ўз соҳаларини ташлаб савдо ва бизнеснинг турли йўналишларига ўтиб кетишларига, аксарият кўпчилиги яхши даромад ишлаб топганлиги ва бу билан ўз турмуш шароитларини яхшилашга эришганлиги боис яна мактаб, тиббиёт, олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтларга қайтиб келишни хоҳламай қолиш кабилар билан боғланиб кетади. Ва ўз навбатида бу соҳа учун катта йўқотиш ҳамда бўшлиқ юзага келиш хавфи пайдо бўлади. Чунки улар орасида ўз соҳаларининг билимдонлари ва ташкилотчилари борки, бозор муносабатига ўтиш шароитида улардан фойдаланиш мумкин бўлмай қолиши бўлса иккинчи томондан ўтмиш шароитида ўсиб келадиган талабларга жавоб бера оладиган интеллектуал салоҳиятни шакллантириш учун зарур бўладиган иқтисодий имкониятлар қисқаради, шу боис соҳага иқтидорли ёшларнинг интилиши ҳам бошқа соҳаларга нисбатан кескин камайиб кетишига олиб келади. Шунинг билан бир

қаторда иқтисодий имкониятлар юзага келган шароитда бу соҳани ривожлантиришни қайта йўлга қўйиш учун бой бериладиган вақт ўзининг салбий таъсирини узоқ давр давомида сақлаб қолиши хавфини ҳам юзага келтиради. Бу мамлакат тараққиёти учун катта муаммога айланади. Чунки мамлакат ўз тараққиёти учун зарур бўладиган фан, техника, технология ва кадрларни ҳам ўзга мамлакатлардан катта маблағ ҳисобига сотиб олишга мажбур бўлиш ҳолати юзага келади. Худди ана шу жараён мамлакат учун аввало боқимандалик, кейинчалик унинг заминиди қарамлик ва охир оқибатда мустақилликка хавф-хатар кучайиб бораверади. Шу маънода ҳам бу соҳани ривожлантириш ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам устувор вазифа бўлиб қолаверади. Уни ҳал қилиш учун эса миллий ривожланиш ғоясида бу вазифани ҳал этишнинг асосий йўналиши ва имкониятлари ўз ифодасини топиши лозим бўлади. Фикримизча, улардан бири миллатимизнинг узоқ тарихий, тараққиёт босқичларида энг мураккаб шароитларда ҳам унинг ичидан етишиб чиққан илм-фан ва маърифат арбобларининг миллатимиз тақдири ва истиқболи учун нафақат ўзларида мавжуд бўлган маблағни, ҳатто керак бўлса жонини ҳам берганликларини бадий санъат асарларида, оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш, айниқса ёшлар онгига сингдиришнинг самарали усулларида фойдаланиш, қолаверса, давлат миқёсида мамлакатда интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантиришни устувор даражага, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг механизмларидан самарали фойдаланишга эътиборни кучайтириш ташкил қилади.

Гап бу ерда уларнинг нафақат моддий шароитларига эътиборни кучайтириш, балки мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссаларига ва меҳнатларига қараб ҳақ тўлаш ҳақида ҳам бормоқда (улар аслида амал қилиниши лозим бўлган табиий тамойил ҳисобланади). Шунинг билан бирга, маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлашни, улар томонидан олиб борилаётган ишларни мамлакат миқёсида тарғиб қилишнинг ҳеч бўлмаганда иккита ёки учта қўшиқни айтган, телевидение, вақтли матбуот саҳифаларида мамлакатда машҳурлик даражасига кўтарилган айрим санъаткорлар даражасида ташвиқот қилинишига эътиборни кучайтириш ҳақида бормоқда.

Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша мураккаб муаммолари мавжуд бўлади. Аммо интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришнинг мураккаблиги алоҳида ажралиб туради. У ҳар доим давлат томонидан қўллаб-қувватланишга, у соҳага ажратиладиган маблағ ва бериладиган эътиборга муҳтож бўлиб қолаверади. Уларнинг биринчиси иккинчиси билан ҳар доим боғлиқ бўлади ва уйғун ҳолатда олиб

борилган шароитда ўзининг самарасини беради.

Бундан ташқари миллий ривожланиш ғоясида интеллектуал соҳа билан боғлиқ бўлган илм-фан, маънавият, маърифат, техника, технология ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатаётган кишиларнинг мамлакат ва миллат истиқболи учун ҳар доим ҳам масъул эканлигини англатиш ҳам тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу соҳани танлаган инсонлар азал-азалдан моддий жиҳатдан жамиятда турмушлари ўрта даражада яшаб келганлар. Улардан катта маънавий бойлик қолган. Улар ўзларидан қолдирган ана шу бойликлари билан мамлакат ҳаётида яхши ном ва мерос қолдирганлар. Улар тараққиётнинг барча босқичларида тараққиётга озми, кўпми ўзининг таъсирини кўрсатиб келган. Ҳеч бўлмаганда интеллектуал даражадаги ворислик бу соҳа вакиллари ўзаро боғлаб келган ва шу омил уларни «абადийлаштирган» дейиш мумкин. Мана шу «абадийлашув» уларга маълум масъулият ҳам юклайди. Бу миллатнинг элитаси сифатида унинг истиқболи учун масъулиятдир. Миллат «элитаси» мақомига эга бўлиш аҳоли ўртасида алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиш ва ўзининг ақл-салоҳияти, илм-фан, маънавият, маърифат, техника ҳамда технологияни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси билан номини абадийлаштириш ҳаммага ҳам насиб қилавермаган.

Бундай бахтга сазовор бўлган кишиларга ана шу жиҳатларни англатиш, уларга илҳом бағишлаш, миллат элитаси мақоми айни пайтда унга миллат истиқболи учун масъуллик вазифасини юклашни миллий ривожланиш ғоясида ўз ифодасини топиш муҳим йўналишни ташкил қилади.

Миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш, миллий тарбияни глобаллашувнинг миллий жараёнига ўтказаятган таъсири кучаяётган шароитида ундан ҳимояланишни кучайтириш зарурлиги талабларидан келиб чиққан ҳолда уни янги босқичга кўтариш миллий ривожланиш ғоясининг муҳим йўналишларидан яна бири ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ҳақида кейинроқ батафсил тўхталишга ҳаракат қиламиз. Бу ерда уларнинг муҳим йўналиш сифатидаги ўрни ҳақида гапирганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, улар миллий ривожланиш ғоясида юқоридаги вазифалар билан уйғун, ўзаро боғлиқ вазифалар ҳисобланади. Ана шу уйғунлик ва ўзаро боғлиқлик миллий ривожланиш ғоясининг муҳим тамойилини ташкил қилади. Уларга шу жиҳатдан қараш ва амалиётга тадбиқ қилишгина қўйилган самарали натижани бериши мумкин.

Мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларимиз онгида бозор муносабатлари тафаккурини шакллантириш ҳам миллий ривожланиш ғоясининг муҳим йўналишларини ташкил қилади. Аслида, бозор эрта-

ми ёки кечми одамларда ўзига хос тафаккурнинг шаклланишига мажбур этади. Гап бу ерда бозор муносабатларининг фақат ўзгалар ҳисобига бойлик орттириш, уларнинг манфаатини инкор этиш каби ёввойи шаклдан холи бўлган, маърифатлашган бозор муносабатларини тафаккури шакллантириш ҳақида бормоқда. Бозор шундай бешафқатки унга ақл ва фаросат билан қаралмаса, нафақат одамлар, қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатларга ҳам путур этиши мумкин, шунингдек, у бутун мамлакат ичида зиддиятлар юзага келишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Энг асосийси бозор муносабатлари тафаккури ривожланишида аввал бойлик орттираман, кейин билим эгаллайман деган тафаккур ривожланадиган бўлса, у албатта маънавий манқуртликка, ёввойилашган тафаккурнинг шаклланишига олиб келади. Бу жуда содда қилиб айтганда, қариндош-уруғлар, оила аъзолар ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби миллатимизнинг энг олижаноб қадриятларини барбод қилиш ҳисобига бой бўлиб, кейин уларни қайта тиклашга қаратилган тафаккур кўринишини шакллантиришга қаратилган жараён ҳисобланади. Афсуски, кейин уларни тиклашнинг имконияти ниҳоятда чекланади. Чунки ана шу тўпланган бойликка эга бўлган кишилар ўз маънавият ва маърифатни, улар орқали тасаввур қилиш, ҳис қилиш тафаккурини шакллантириб улгурадилар. Уларни инсоф ва диёнатга чақириш эса ҳар доим ҳам қутилган самара беравермайди. Улар нафақат оддий муносабатлар, балки улар орқали бутун жамият ичидаги муносабатлар юзага келади. Бу ўз навбатида жамиятда ички қарама-қаршиликнинг фаоллашувига олиб келади. Шунинг учун ҳам унинг олдини олиш, бозор муносабатларининг маърифатлашган шаклини ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб қолади. Бозор муносабатларининг маърифатлашган тафаккури шакли: а) моддий бойлик орттиришда қонунларни четлаб ўтиш эмас, балки унга қатъиян амал қилишга асосланиши; б) бу тамойилнинг ҳамма учун мажбуриятлигини эътироф этиш ҳамда унга амал қилиниши; в) миллий, оилавий қариндош уруғчилик, авлод-аждодлардан мерос бўлиб қолган қадриятларнинг барбод бўлишига олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик; г) манманлик, қўлга киритилган бойликдан мағрурланиш уни пеш қилиш, ўзгаларга беписандлик билан қараш ва бошқа шунга ўхшаган салбий руҳиятдан холи бўлиш; д) моддий бойликка эришишда халоллик, иймонли бўлиши, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, эътиқодли бўлиши, одамлар, жамоа ва дўст-биродарлар ўртасида ўзаро ҳурмат каби туйғуларнинг мустаҳкам бўлиш кабиларни ўзига қамраб олади.

Айни пайтда бозор муносабатлари ҳар доим инсоннинг ўзи ва оиласининг манфаатлари, турмуши, яхши ҳаёт кечирishi йўлида фаол меҳнат қилишини талаб этади. У ҳар қандай боқимандаликни кечирмайди, бу йўлни танлаган инсонларни нафақат моддий шунинг–дек, маънавий қашшоқ бўлиб қолишига олиб келади. Бозор муносабатлари ўзгандан мадад ва ёрдам кутувчи, руҳан кучсиз инсонни ёқтирмайди, қуввати, ақли заковати бор бўлган ҳар бир инсоннинг ҳалол меҳнат қилиши учун кенг имкониятларни юзага келтиради. Улардан ўзи, оиласи ва мамлакати тараққиёти йўлида самарали фойдаланишни бозор муносабатлари шаклланишининг асосий тамойилига айлантириш – бозор муносабатлари тафаккури ривожланишининг бош стратегияси ҳисобланади. Миллий ривожланиш ғоясида бозор муносабатлари тафаккурини шакллантиришнинг юқорида кўрсатилган маърифатли йўлини амалиётга айлантириш, у билан боғлиқ бўлган воситаларни излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш асосий йўналиш бўлиб қолади. Бу ҳали ўз бошидан ўтиш даврини кечираётган бизнинг мамлакатимиз учун долзарблигини йўқотмайди, аксинча, ошиб боради.

Демократик қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳам миллий ривожланиш ғоясининг яна бир муҳим йўналишини ташкил қилади. Демократия, унинг мезонлари ва намоён бўлиши хусусиятлари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Аммо унинг зарурлиги ҳамма томондан эътироф қилиниб келинмоқда! Ҳақиқатан ҳам, фақат чинакам демократияга амал қилингандагина ҳар бир инсон эртанги кунга ишонч билан яшайди, ўзининг имкониятларини ишга солишга, жамиятда фаол яшашга интилади, жамият муаммоларини биргаликда ҳамкорликда ҳал қилиш муҳити юзага келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ана шу муҳитни шакллантириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон олимлари ҳам мамлакатимизда уни шакллантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг билан бирга демократияни шарқона ва ғарбона шаклларга ажратишга ҳаракатлар ҳам мавжуд. Жумладан, Фахриддин Мусаев Шарқ ва Ғарб демократиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритиб қуйидагича ёзади: «Инсонни, унинг маънавиятини юксалтириш орқали адолатли жамият барпо этиш – Шарқ демократиясининг бош мақсади. Албатта, биз бу ўринда Шарқ демократиясини Ғарб демократиясига қарши қўймоқчи эмасмиз».⁵ Бизнинг фикримизча, демократияга баҳо берганда, унинг умумэътироф этилган тўртта мезонларидан келиб чиқиш тўғри бўлади. Улар содда қилиб айтганда қуйидагилардан иборат:

биринчидан, халқнинг мамлакатда қабул қилинаётган қонунлардан қай даражада хабардорлиги;

иккинчидан, халқнинг қонунлар қабул қилишда бевосита ёки билвосита иштирок қилиши;

учинчидан, қонунлар ижроси устидан халқ назоратининг таъминланганлиги;

тўртинчидан, ҳар бир фуқаро ўзини қизиқтирган мамлакат ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча маълумотларни олиш имкониятининг таъминланганлигидир.

Уларнинг барчаси Фарб ва Шарқ мамлакатларининг барчаси учун умумий ҳисобланади. Аммо юқорида таъкидлангани каби муаллиф мақоланинг хулосаси қисмида яна «...Шарқ демократияси ҳам абадийдир»⁶, деб ёзади.

Агар демократиянинг юқорида келтирилган мезонларидан келиб чиқадиган бўлсак, уни у ёки бу мамлакат ёхуд миллатга мослаштириб бўлмаслиги аён бўлади. Демократиянинг мезонлари ҳамма учун умумий бўлган ҳолда фақат унда у ёки бу миллатнинг ёхуд халқнинг ўзига хос бўлган менталитети, урф-одати, анъана ва қадриятлари намоён бўлади. Шу боисдан ҳам демократияни у ёки бу миллат ҳаётига кўчириб бўлмайди ёхуд зўрлик билан жорий қилиб ҳам бўлмайди. Уни фақат миллат ва халқнинг ўзи шакллантиради. Шу боис уни кимдир бера олмайди. Шундай экан, бугун биз демократияни Шарқ ёки Фарбга бўлиб ўтирмасдан, жаҳон эътироф этган мезонлар даражасида миллатимизнинг ўзига хос менталитети, урф-одат, анъана ва қадриятларни сингдирган ҳолда шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ечимлари ҳақида фикр юритсак тўғри бўлади. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, демократик қадриятларни ҳаспўслаш ёки уни миллий мезон билан ўлчаيدиган бўлсак, бугун дунёда шаклланган умуминсоний демократиялар тизимидан узилиб қолиш ғоясини илгари сурган бўлиб чиқамиз. Бундан ташқари, бугун пайдо бўлаётган айрим «демократшунослар» билиб-билмай унинг шаклланиш, ривожланиш ва такомиллашув қонуниятларини бузиб талқин этиш ҳолатлари учраб турибди. Айниқса, бундай ҳолатларни вақтли матбуотда берилаётган мақолаларда, айрим маърузаларда учратиш мумкин. Ваҳоланки, мамлакатимизда Президентимиз белгилаб берган стратегик вазифа ана шу умуминсоний демократик қадриятлар тизимига кириб боришимизни ўзида тўла ифода эттиради. Яъни айтмоқчимизки, демократиядек глобал аҳамиятга эга бўлган масалага ўта эҳтиёткорлик ва синчковлик билан қараш мақсадга мувофиқдир. Уни ҳеч қачон фармон ва зўравонлик билан ёхуд ҳаспўш-

лаш йўли билан шакллантириб бўлмайди. Чунки у жараён шунинг учун ҳам ўз қонуниятларига биноан шаклланади, ривожланади ва такомиллашади. Шу маънода миллий ривожланиш ғоясида демократик қадриятларни ривожлантириш вазифалари ҳамда уларни амалиётга тадбиқ қилиш жараёнлари умумэйтироф этилган мезонлар талабига мослиги ҳамда унга миллатимизнинг ўзига хос менталитети, урф-одат, анъана ва қадриятлари мужассам бўлишига асосий эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Бугун демократик жараёнлар ривожланиши борасида катта ютуқлар қўлга киритилишига қарамасдан бозор муносабатларининг жадал ривожланишига мос равишда ривожланмаётганлиги, унинг сабаблари, муаммолари, уларни ҳал қилиш имкониятлари – миллий ривожланиш ғоясининг асосий йўналишини ташкил қилади. Бу йўналишда мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳамжиҳатлик, барқарорлик ва умумхалқ фаоллигини таъминлаш амалий аҳамиятга эга бўлади. Худди ана шу омилларни таъминлаш орқали бугун жаҳонда амал қилинаётган умуминсоний демократик қадриятлар тизимига кириб боришимиз мумкин бўлади. Муаммони хаспўслаш, ундан қочиш ёхуд эътибордан четда қолдириш истиқболда унинг ривожланишига, куни келиб тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига замин бўлади. Яхшиямки, мамлакатимизда бундай салбий ҳолатлар кузатилмайди. Бу жараёндаги асосий муаммо сиёсий партиялар, демократик институтлар ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Уларни фаоллаштиришда миллий ривожланиш ғояси назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлади.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг тараққиётимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳам миллий ривожланиш ғоясининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Жаҳон мамлакатлари тараққиёти тажрибаларидан маълумки, ҳали биронта мамлакат бошқа мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилмасдан ривожланмаган. Агар ана шу тажрибалардан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва тараққий қилган мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашининг аҳамияти яққол намоён бўлади.

Бу ҳамкорлик Президентимиз таъкидлаётганидек, мафкуравий манфаатлардан холи бўлиши, томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ва тўла тенглик асосида қурилмоғи лозим. Миллий ривожланиш ғоясида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва тараққий қилган мамлакатлар билан бўладиган ҳамкорлигини мустаҳкамлашда худди ана шу тамойилни изчиллик билан амалга ошириш

вазифалари бу йўлда мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари ўз ифодасини топиши зарур. Бу жараёнда ҳам халқ дипломатиясини ривожлантириш ва унинг фаоллигини ошириш вазифалари ҳам миллий ривожланиш ғоясини амалга оширишнинг асосий йўналишини ташкил қилади.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, миллий ривожланиш ғояси мамлакатимиз мустақиллигининг моддий кучга айланган шароитида тараққиётимизни янги босқичга кўтаришнинг вазифаларини ўзига қамраб олади. У тараққиётимизга руҳий илҳом бахш этади. Аҳолимизни, айниқса ёшларимизни мамлакатимизни ривожлантириш йўлида сафарбар этишга ундайди.

Миллий ўзликни англаш ривожланиши заруриятининг кенгайтиши

Миллий ўзликни англаш мураккаб жараён ҳисобланади. У миллат мустақил «мен»лигининг асосий омилларидан бири бўлганлиги учун уни ўрганиш, такомиллашув жараёнини таҳлил қилиб боришга эҳтиёж ўсиб бораверади. Унинг миллатнинг асосий белгиларидан бири ҳақидаги концептуал ғояларимизни аввал эълон қилган китобимизда илгари суришга ҳаракат қилган эдик.⁷

Энди эса глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллий ўзликни англашни ривожлантириш зарурияти кучайиб боришининг сабаблари, унга таъсир ўтказадиган ижобий ва салбий омиллар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришга ҳаракат қиламиз.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан кейинги ўтган давр ичида бир қатор файласуф, тарихчи, адабиётчи олимлар ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ва тарихига оид бир қатор асарлар эълон қилдилар. Улар орасида ўзбек миллатининг Чор Россияси ва собиқ Шўролар ҳукмронлиги шароитида бошидан ўтказган аянчли аҳволи ва мустақиллик шарофати билан ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан ривожланаётганлигига бағишланган асарлар кўпчиликни ташкил қилади. Шунинг билан бирга «миллат», «миллий менталитет», «миллий ғоя», «миллий ўзликни англаш», «миллий ғурур», «миллат шаъни», «миллий ифтихор» ва бошқа бир қатор тушунчаларга илмий таъриф бериш ва уларнинг моҳиятини очиб беришга бағишланган бир қатор асарлар ҳам чоп этилди.⁸ Аммо «миллий ўзликни англаш» тушунчаси, унинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган махсус фундаментал фалсафий асар-

лар бугунги кунгача яратилгани йўқ. Глобаллашувнинг миллий-маънавиятимизни ичидан ва ташқарисидан емираётган жараёни кучаяётган бугунги кунда ана шундай фундаментал асарларга эҳтиёж яққол сезилмоқда.

Бугун шу нарса аён бўлмоқдаки, ташқаридан қараганда, глобаллашув мамлакатлар иқтисодиётининг интеграциялашувини тезлаштирмоқда, унда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилишга ўзининг таъсирини ўтказмоқда ва шу йўл билан юксак тараққий қилган мамлакатларнинг кам тараққий қилган ва энди мустақил тараққиёт йўлига кирган мамлакатларга кўрсатаётган «ёрдамлари» ошиб бормоқда. Агар ана шу жараёнга чуқурроқ қарайдиган бўлсак, иккита салбий оқибатларнинг юзага келаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Улар юксак тараққий қилган мамлакатларнинг кам тараққий қилган ва энди мустақил тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатларга ўз техника, технология ва фан ютуқлари натижаларини олиб кириш йўли билан ресурсларини эгаллаб, катта фойда олмоқда. Қолаверса, юксак тараққий қилган мамлакатлар кам тараққий қилган мамлакатлар иқтисодиётига ўз инвестицияларини жалб қилиш орқали нафақат фойда олмоқда, шунингдек, уларнинг иқтисодиётини ўзларига боғлаб қўймоқдалар. Худди ана шу икки омил воситасида улар миллий маънавиятларини ичидан ва ташқарисидан емирилишини осонгина амалга оширмоқдалар. Ана шундай шароитда уларнинг ўтказаяётган найрангларида огоҳ бўлиш ва ҳимояланишнинг катта омилларидан бири миллий ўзликни англашни ривожлантириш ҳисобланади.

Бугун миллий ўзликни англашни ривожлантиришни миллатнинг қарамликдан қутилиш учун олиб борилган курашга куч-қувват ва илҳом бағишлаган давригача қараганда ҳам юқори, керак бўлса янги босқичга кўтарган ҳолда ривожлантиришга эҳтиёж ошиб бормоқда. Чунки миллатимизнинг қарамлик ҳолатида зўравонларнинг олиб борган сиёсати натижаларини ҳар бир миллатдошларимиз ҳар қадамда сезар эди ва унга қарши кураш олиб бориш зарурлигини англаб етган эди. Аммо глобаллашув жараёни ўта мураккаб. Унинг иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга ўтказаяётган ижобий таъсирига маҳлиё бўлиб, унинг миллатимиз миллий-маънавий қашшоқлашувига етаклаётганлиги англамай қолиш хавфи ниҳоятда каттадир. Бу жараённи қандай бўлса шундайлигича англаш, унинг турли соҳаларга ўтказаяётган таъсирини тушуниб олиш, миллат истиқболи нималарга боғлиқ эканлигини билиб олиш учун миллий ўзликни англашни ривожлантиришни янги босқичга кўтариш зарурлиги кучайиб бормоқда.

Миллий ўзликни англаш шундай омилки, уни юксак тараққиёт даражасига кўтариш йўли билангина миллатни ҳар қандай зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш мумкин. Чунки у миллатдаги манфаат, ифтихор, ғурур, шаън, ор-номус, эътиқод ва масъулият каби қадриятларни абадийлаштирувчи юксак даражадаги маънавий қадрият ҳисобланади.

Миллий ўзликни англаш ҳар бир тарихий тараққиёт босқичида ривожланиб ва такомиллашиб боради. Аммо бу жараён ҳеч қачон стихияли равишда кечмайди, балки тарихий тараққиёт босқичларининг миллат олдига қўядиган, уларнинг миллат руҳияти, маънавиятига кўрсатадиган таъсирларига қараб ривожланади. У ўзининг ор-номуси, қадрияти, шаъни, ғурури топталганлигини сезсагина ёки ўз тараққиёти давомида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш заруриятини англасагина миллий ўзликни англаш ривожланиши тезлашуви, керак бўлса унда «портлаш» содир бўлади. Акс ҳолатда унинг ривожланиш жараёни эволюцион тарзда секин кечиши давом этаверади. Ана шу фикримиздан келиб чиқадиган бўлсак, қарамликдан қутулиш учун кураш даври миллий ўзликни англаш ривожланишининг сокинлик даври эмас эди. Шунинг билан бир вақтда мустақилликни қўлга киритгандан кейин у янги шароитда бой берилган имкониятларни топталган миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг қайта тикланишида катта омилга айланди.

Бугун ўзбек миллати янги шароитда ва янги замонда яшамоқда. У мустақиллик йилларида қанчалик улкан муваффақиятларни қўлга киритган бўлмасин, глобаллашувнинг кучли босими остида яшашига мажбур бўлмоқда. Аммо аҳолимизнинг турли табақалари ўртасида ўтказилган юқоридаги социологик сўров натижаларига қарайдиган бўлсак, унинг ана шу босими миллий маънавийтимизга ўтказётган таъсири даражасида англолмаётганлиги, тушуниб етилмаётганлиги маълум бўлмоқда. Бу миллатнинг ўзлигини англаши ривожланишида бир қадам «сокинлик» юзага келмоқда деганидир. Бу ҳали миллатимизнинг шаклланиш жараёнининг давом этаётганлиги, бозор муносабатлари шаклланиши шароитида юзага келмаётган муаммолар ва кундалик ҳаёт қўяётган муаммолар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай муаммоларнинг қамрови нечоғли кенг бўлмасин улар ечимининг муҳим омили миллий ўзликни англашни ривожлантиришни янги босқичга кўтариш ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишга объектив сабаблар ва субъектив омилар мажбур этаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий ўзликни англаш миллат абадийлигини таъминлайдиган омилардан бири сифатида ана шу сабаб ва заруриятга мос равиш-

да такомиллашиб боради. Бу жараёнда унинг илгари мавжуд бўлган қирралари такомиллашади ва янгилари вужудга келади. Аммо уларнинг ҳаммаси фақат миллатнинг эҳтиёжи ва манфаатлари ўсиб бориши доираси билан чекланмасдан, шунинг билан бирга ҳар бир тарихий босқичда миллий ҳаётга нисбатан амалдаги ҳокимиятнинг олиб борадиган сиёсати ва миллатлараро юзага келадиган муносабатлар билан ҳам боғлиқ бўлади. Миллий ўзликни англашнинг миллатнинг муҳим белгиси эканлигини ушбу сатрлар муаллифининг юқорида кўрсатилган асариди батафсил тўхталганлигини ҳисобга олиб, энди унинг ички ва ташқи салоҳияти устида тўхталамиз.

Миллий тараққиётнинг нафақат айрим олинган илгари қарам бўлган, бугунги кунда эса мустақиллика эришган миллатлар, шунинг билан бирга бутун жаҳон мисолида, ҳатто тараққий этган миллатлар ёки қашшоқликнинг энг оғир кунларида ўз бошидан кечириётган миллатларнинг бугунги ҳаёти ва интилишларини таҳлил қилиш кўрсатмоқдаки, уларни ҳаракатга ва жўшқин ҳаёт кечиришига сафарбар этувчи куч бу – ҳар бир миллатнинг ўзини англаш омили ҳисобланади. Бу хулоса жараёнидаги «портлаш» ҳолати юзага келишида қуйидагиларга асосланади: биринчидан, миллий ўзликни англаш ривожиди миллатнинг умумий тан олинган белгилари (иқтисодий, ҳудудий, тилнинг умумийлиги ва маданияти, анъана, одатлари хусусиятлари ва бошқалар) миллий ривожланишдаги тараққий этаётган йўналишларни тўлиқ ифода қила олмайди. Аммо илмий мақолаларда ҳамон миллатнинг ривожланишида иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омиллар асосий омиллардир, албатта, унинг етакчилигини инкор этиб бўлмайди деган фикр қатъий бўлиб келадиганлиги кўзга ташланмоқда. Боз устига бу омилларнинг ўзаро алоқаси ҳамда бир-бирини тақозо этиши уларнинг диалектик бирлигида кўрилиб чиқилаётгани йўқ. Айрим ҳолларда эса миллий ўзлик англашнинг ўсиши тўғрисидаги ижтимоий ҳаётни байналминиллаштиришни рағбатлантирувчи омил сифатида гапирилиб, унинг оқибатида юзага келган муаммолар ва зиддиятлар эътибордан четда қолмоқда.

Миллий ўзини англаш ўз табиатига кўра эмоционал ҳодисадир ва унинг ҳақиқий қиёфаси миллатнинг манфаатларини, ор-номус, ғурур ва қадриятларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Миллий ривожланишда эҳтиёжларнинг реал ҳаёт билан номувофиқлиги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда ўз-ўзидан унчалик сезиларли кўзга ташланмайди, улар миллий ўзликни англашда, унинг моддий кучга айланишида ўзининг тўлиқ аксини топади. Моддий ва маънавий қадриятлар тақсимотида адолатсизлик ҳукм сурган шароитда миллий ўзликни англаш қудратли моддий кучга айланиб,

миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларни жонлантирувчи омил бўлиб юзага чиқади ва умуммиллий миллатни ҳаракатга келтиради.

Миллий жараёнлар ривожланишининг ҳозирги тарихий босқичи кўрсатишича, иқтисодий ва сиёсий омиллар миллат ривожланишида муҳим омил ҳисобланади, аммо миллий ўзликни англашни ҳисобга олмаслик иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омилларнинг салоҳиятини тўлақонли кўрсатишга халақит беради. Яъни унинг акс таъсири жараёни ўзининг ифодасини топа олмайди. Иккинчидан, миллат мавжуд экан миллий ўзликни англашнинг тенденцияси барқарорлик характерини касб этади. Чунки миллатнинг мустақил субъект эканлигини худди ана шу омил белгилаб беради. Бундан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий салоҳиятнинг қолдиқ шароитларида ҳар бир миллат ўзини сақлаб қолишга ҳаракат қилиши ҳақиқат эканлиги келиб чиқади.

Миллий ўзини англашнинг қарор топиши ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланиши билан бирга у жамиятнинг янгилашиб боришига ва миллат эҳтиёжларининг кучайиб боришини таъминлайди. Айни бир вақтда у жамиятдаги оғриқ жойларни юзага чиқишга олиб келишида ҳам устувор омилга айланиши мумкин. Ана шу хулосаларга асосланиб миллий ўзликни англашга қуйидагича тасниф бериш мумкин: ҳар бир миллат (элат) нинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублиги, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши миллий ўз-ўзини англаш дейилади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллат шаклланишининг маълум нисбий юқори босқичи мезонидир. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши ва давлат атрофига бирлашишлари мумкин. Аммо унинг миллий ўз-ўзини англаш даражасига кўтарилиши мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки у миллат вакиллари аксарият кўпчилик қисмининг моддий ва маънавий бойликларига эга эканлиги ҳиссиётининг, тор даражада мавжуд бўлиш манфаатларидан умуммиллат манфаатларини устувор қўя билиш даражасига кўтарилди билиш билан боғлиқдир.

Миллий ўз-ўзини англаш миллий онгдан фарқ қилади. Миллий онг ҳар миллатнинг ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқорига оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришининг муҳим мезони ҳисобланади. Ўз навбатида миллий онгнинг ривожланиб бориши ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши даражасига кўтаради. Миллий онг миллатни ўзи-

га хослиги асосида ривожланиб боришдаги кўрсаткич бўлса, миллий ўз-ўзини англаш манфаатини ҳимоя қилишда ҳаракатга келтирувчи ички маънавий-руҳий салоҳиятдир.

Миллий ўз-ўзини англаш реал моддий куч сифатида миллат шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки миллатнинг моддий маънавий манфаатларига зид иккинчи бир томондан зўравонлик ҳаракатлари юзага келтирилган ҳолатларда намоён бўлади. Шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилган миллат вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъи назар ягона умумий куч бўлиб бирлашади ва ўзлигини ҳимоя қилади.

Шу тариқа миллий ўз-ўзини англаш миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи моддий кучга айланади.

Бундан ташқари у фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, шунинг билан у турли муаммолар юзага келган шароитда ҳам миллатни ҳаракатга келтиради ва уни бирлаштириб туради. Хусусан, миллат тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда ҳам у миллатни бирлаштиради ва уни умуммақсадлар йўлида ҳаракатга келтиради. У ҳар қандай миллат учун етакчи белги ҳисобланади. У ўзининг катта салоҳияти билан миллат учун зарур асосий ўзига хос белгилари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. У миллатнинг юраги, қалби, томирларида оқадиган қони ва гавласини тик ушлаб турувчи жондир. Ўзлигини англашдан тўхтаган ёки ундан маҳрум бўлган ҳар қандай миллат ўлимга маҳкумдир.

Миллий ўзликни англаш шу маънода ҳам миллат абадийлигини таъминлаб туради. Миллий ўзликни англашнинг вазифаларига турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, миллий ўз-ўзини англаш вазифаси Б.А. Шувалов, К.Н. Хабибулин каби Россия олимлари томонидан миллий ривожланиш йўналишида қараб чиқилган, холос. Б.А.Шувалов бу ҳақда шундай деб ёзади: «миллий ўз-ўзини англаш, миллий жамоа билан бир қатор ўхшашликларга эга бўлган функцияларни ҳам ўзида мужассамлаштирган. У гнесеологик аҳамиятга ҳам эгадир. Муайян конкрет-тарихий шароитларда амалга ошириладиган бу типдаги ўз-ўзини англашнинг баҳоловчи, ундовчи, меъёрий, мувофиқлаштирувчи ва бошқа шунга ўхшаш ижобий функциялари катта роль ўйнайди».⁹ К.Н. Хабибуллин миллий ўз-ўзини англашнинг қуйидаги функцияларини ажратиб кўрсатади: «Мослашув ҳимоя функциялари: билиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва масъулият функцияларининг мавжудлигини кўрсатади».¹⁰

Бизнинг фикримизча юқорида номлари кўрсатиб ўтилган муаллифлар миллий ўз-ўзини англаш функцияларини тўғри таъкидлайдилар. Аммо уларнинг гнесологик моҳияти ва ҳаракат механизмларини мустақил таҳлил қилмасдан фақат йўл-йўлакай ўрганганлар. Яъни уларни мустақил мавзу сифатида эмас, ўз мавзуларининг ёрдамчи элементлари қаторида қараганлар. Бундан ташқари бу масала республикамиз олимлари эътиборидан ҳам четда қолиб келмоқда. Шу сабабли миллий ўз-ўзини англаш функциясини конкретлаштириш учун фикрларнинг хилма-хиллиги ва илмий баҳс мунозараларни излаб топиш ва уларни кенгайтиришга катта эҳтиёж сезилмоқда. Шу муносабат билан мазкур муаммо бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Авалло шуни таъкидлаб ўтиш керакки, миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг маънавий маданият тизимига киради ва унинг миллий тараққиётга қўшган ҳиссаси соф маънавий руҳий ҳисса ҳисобланади. Бироқ бу унинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишга қўшадиган ҳиссасини истисно қилмайди. Модомики иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалар учун негиз бўлиб ҳисобланади, шу билан бирга улар ўз ҳолича миллий омилсиз – миллий ўз-ўзини англаш омилсиз ривожлана олмайди.

Миллий ўз-ўзини англаш омилнинг иқтисодий ривожланишига ва миллатнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига қўшадиган ҳиссаси миллатнинг «ўз» иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишига интилиши рақамлар, жамият барқарорлиги шаклида, маънавий ўзига хос хусусиятлар ва руҳият ҳамда ҳис-ҳаяжон тарзида намоён бўлади.

Бундай шаклнинг таъсири (ривожланиш ёки қолоқлигининг акс этиши ва салбий ўзгаришлар) миллат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг соф миллийлигини белгилаб беради.

Шундай қилиб, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт тизимида миллий ўз-ўзини англашнинг туган ўрни унинг маънавий ўрни билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ҳар қандай ижобий ёки салбий ўзгаришлар миллатнинг унга бўлган муносабати шаклларида намоён бўлади.

Миллий ўз-ўзини англаш маънавий ҳаёт тизимига кирар экан, у билан ўзаро алоқада бўлади. Мазкур ҳолатда миллий ўз-ўзини англаш миллий тараққиётни бойитишга бевосита маънавий ҳисса қўшади, уни бойитади, ҳаяжон ва ҳис-туйғуларни рағбатлантириб туради.

Албатта, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Булар бир-бири билан ўзаро боғ-

лиқ бўлган ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи соҳалардир. Мазкур ҳолда гап фақат миллий ўз-ўзини англаш функциясининг конкрет «тор» вазифасини аниқлаб олиш тўғрисида бормоқда. Мазкур йўналишда унинг миллий ҳаракат натижаси сифатидаги функциясини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳаракат ва унинг натижаси эҳтиёжларни таъминлаш зарурлигини тушунишга салоҳият етмаган ҳолларда бир давлат доирасида бирга яшаётган миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатади.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ушбу жиҳатини ҳисобга олиб Б.А.Шувалов томонидан ажратилган (баҳолаш ва даъват этиш меъёрий мувофиқлаштириш) ҳамда К.Н. Хабибулин кўрсатиб ўтган (мослашув, ҳимоя, билиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва масъуллик таъсири)дан ташқари яна бунга унинг консолидация (миллатни бирлаштириш) этувчи, ҳаракатга келтирувчи, манфаатларни англатувчи ва тарбияловчи кабиларни ҳам киритиш мумкин. Миллий ўзликини англашда худди ана шу функциялар алоҳида ажратилган ҳолатда мустақил тарзда ўрганилмаган. Гарчи улар сирдан қараганда ўз вазифаларига кўра бир-бирига яқин кўринсаларда, реал ҳаракатда масалага яна ҳам чуқурроқ қараладиган бўлса, уларнинг ҳар бири миллий тараққиётга мустақил равишда муайян ҳисса қўшишини сезиш, англаб етиш мумкин бўлади.

Жумладан, миллий ўз-ўзини англашнинг консолидация (бирлаштирувчилик) функцияси аниқ вазифани бажаради. У ҳар хил одамларни (этник гуруҳларни) бир-бирига бирлаштириб, битта этник жамоа таркибида аҳил бўлиб яшашга даъват этади. Турли миллатлар мавжуд бўлган шароитда бажариладиган мазкур функция доимий ҳаракатда бўлади. Чунки миллат ички маънавий заминларида биологик боғлиқлик қанчалик мустаҳкам бўлмасин, у маънавий омиллар билан тўлдириб борилмас экан, баркамоллик даражасига кўтарила олмайди. Мазкур функция айниқса икки ҳолда муҳим рол ўйнаши кўзга ташланади: биринчидан, у миллат (шу жумладан, миллий ўз-ўзини англаш) шаклланиб келаётган дастлабки вақтларда муҳим роль ўйнайди. Ушбу жараёнда яъни этник ягона жамоа вужудга келаётган вақтда мазкур функциялар бирлаштирувчи ва мустаҳкамловчи аҳамият касб этади.

Табийки, миллат (миллий ўз-ўзини англаш) шаклланиш жараёнида одамлар ўзидан-ўзи «автоматик» тарзда бир-бирлари билан бирлашиб кетмайдилар. Улардаги тил бирлигининг анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар умумийлигини ва ҳудудий бирликни тушуниш туйғулари бирлаштиради. Айни мана шу яқинликни англашдан мил-

лий ўз-ўзини англаш туйғусининг чинақам дастлабки «ҳаракати» бошланади. Иккинчидан, миллий тараққиётда «экстремал» кескин салбий ўзгаришлар, ҳолатлар вужудга келганда, адолатнинг бузилиши натижасида (моддий, маънавий бойликларнинг нотекис тақсимланиши натижасида, мустақилликка путур етказилиши, миллатнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаши назар-писанд қилмаган ҳолларда) миллат ёки элат (ривожланиб келаётган ёки «ўз кучи билан» ёки маҳкам туриб олган гуруҳ) йўқ бўлиб кетиш хавфи юзага келган ҳолларда ёхуд миллатнинг шаклланиши учун (узоқ вақт давомида салбий таъсир этиб келган) шароитлар вужудга келган ҳолларда ушбу функциялар жадал ҳаракатга келади. Аммо, экстремал шароитларда конкрет вазиятга, кучлар нисбатига боғлиқ бўлган бирлаштирувчи (консолидация) функция ижобий натижа бериши ёки шунингдек, салбий оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

Носоғлом кучлар пайдо бўлган ҳолларда ёки миллий ўзига хослик ҳисобга олинмаганда бирлаштирувчиликка даъват этиш функцияси салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Бу кўп миллатли мамлакатларда миллий муносабатлар қарама-қаршиликларнинг келиб чиқишда асосий омил бўлиши мумкин. Миллий тараққиётда вужудга келган вазиятни тушунишдаги ҳушёрлик, қулай шароит ва соғлом кучлар мавжуд бўлган вазиятда консолидация (бирлаштирувчи) этувчи миллий ўзини-ўзи англаш туйғуси миллий ривожланиш йўлида олижаноб вазифани бажаришининг омили даражасига кўтарилади. Кўриниб турибдики, миллий ўз-ўзини англашнинг консолидация этувчи функцияси миллий ўзликни бевосита англаш соҳасига ҳам шунингдек, миллатлараро муносабатларга ҳам таъсир кўрсатишда етакчи омил ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш соҳасида зиддиятларнинг пайдо бўлишига, илгари борларининг юзага чиқиши ва кучайишига олиб келган сабаблардан бири миллий ўзини-ўзи англашнинг консолидация этувчи кучини англаб етмаслик, унинг механизмларини тушуниш салоҳияти бўлмаганлиги ёки миллий ўзликни англашни ўткинчи деб тушунишнинг аксиомага айлангани ёхуд мавжуд тузум ҳамда унинг сиёсати миллатлар устидан тўлақонли ҳукмронликнинг ўрната билиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аслини олганда, миллий ҳаётдаги жараёнларни тушунмаслик миллатлар устидан ҳукмронликни ўрнатишга интилиш ва миллий ўзликни англаш омилнинг ўткинчи эканлигига ишониш каби қарашларнинг сақланиб қолишига боғлиқдир. Миллатлараро муносабатларда салбий ҳолатларнинг юзага келиши худди мана шу омилларнинг куч-қудратини тушуниб етмаслик ёхуд назар-писанд қилмаслик оқибатида содир бўлади. Аммо нима бўлганда ҳам таъсир этувчи

«механизмлар»нинг биронтасини ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Консолидация этувчи функциялардан миллий ривожланиш ҳамда миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро маърифий муносабатларни ривожлантириш, мустаҳкамлаш йўлида фойдаланиш учун миллий хусусиятлар сирини, уларнинг характерини ҳақиқий (мафкурадан холи) таҳлил қилиши ҳамда миллатлараро жараёнлардаги ўзаро алоқага киритувчи омилларни аниқлашни талаб қилади. Албатта, бирлаштирувчи функциялар ўзининг миллий тараққиётни рағбатлантирувчи муҳим элементи сифатидаги вазифасини бошқа функциялардан ажратиб изоляция қилинган ҳолда амалга ошириши ва мавжуд бўлиши мумкин эмас. Улар айниқса тарбияловчи функциялар билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Миллий ўз-ўзини англашнинг мазкур функцияси миллатнинг интеллектуал имкониятларини шакллантириш билан ўзаро боғлиқдир. Бундай имконият ўз-ўзидан шаклланмайди ва ривожланмайди. Балки у миллий ўз-ўзини англашнинг тарбиявий функциялари бевосита таъсири остида янги-янги кучлар тўплайди ҳамда тегишли ҳис-ҳаяжон сифатларини ишлаб чиқаради. Миллий ўз-ўзини англашнинг тарбиявий функциясидан кутилган асосий мақсад умуммиллий вазифаларни тушуниш ва ҳал этиш кабиларини «ишлаб чиқишга» (шакллантириш ва ривожлантиришга) қаратишдан иборат бўлиб, улар моддий ва маданий бойликларни сақлашга ҳамда миллий обрў-эътиборни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, улар ўзга миллатлар ҳисобига намоён бўлиши мумкин эмас. Уларни фақат миллатнинг ўзи, амалий фаолиятидагина шакллантириши мумкин. Бир миллатга бошқа, ҳатто энг юксак инсонпарварликни мужассамлаштирган миллат ҳам миллий онгни, манфаатни тушунишни, ўз-ўзини англаш каби омилларни бера олмайди. Лекин у ўтказадиган салбий хатти-ҳаракатлар маълум маънода таъсир қилиши мумкин. Уларни ҳар бир миллатнинг ўзи шакллантиришга қодир бўлмоғи лозимдир. Тарбиявий функция бевосита моддий вазифалар билан боғлиқ бўлган муаммоларга нисбатан эмас, «соф» мафкуравий идеологик (дунёқарашга оид) масалаларни ҳам ҳал этади. Албатта, миллий тарбиянинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини инкор қилиш унга бир томонлама ёндошганимизни билдирган бўлур эди. Чунки тарбия орқали иқтисодий тафаккур ривожланади ва жамиятда барқарорлик вужудга келади, ижтимоий зиддиятларнинг олди олинади. Бу ерда гап тарбиянинг бош вазифаси ҳақида кетмоқда, холос. Тарбия маданият, анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар ва тилга оид миллий хусусиятларни сақлаб қолишда ҳамда уларни авлоддан-авлодга етказишда яққол

намоён бўлади. Тарбиявий функция ўз мақсадини миллий маданиятлардан, тилдан, анъаналар ва урф-одатлардан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Улар орқали миллатнинг онги ва қалбига таъсир кўрсатади, ҳис-ҳаяжон, туйғулар уйғотади, ўз миллий фазилатларидан иборат қадриятлар тўғрисидаги эътиқодни шакллантиради. Аммо миллат онгига таъсир кўрсатишнинг ушбу шакллари айрим ҳолларда салбий натижаларга олиб келиши ҳам мумкин. Зеро, ўз миллий афзалликларни мутассил кўкка кўтариб мақташлар миллий маҳдудликка, чекланганликка, ўзга миллатларга ҳурматсизликка ва шовинизм каби иллатларнинг пайдо бўлишига кўмак бериши ҳам мумкин.

Айниқса, моддий ва маънавий бойликлар билан таъминлаш имконияти етишмаётган минтақалардан турли миллатлар ва элат вакилларининг ўз она заминларидан ҳайдалиб, қочоқларга айланган, айрим миллат вакиллари ўзларининг номлари билан аталувчи ўз давлатларига, ўз миллат миллатдошларига қўшилиб яшашларига интилиши кучаётган, улардан айримлари эса ҳамон эски тузумни қўмсаётганлиги батамом тугамаган шароитларда ҳар бир давлатнинг ўзида яшовчи ўз миллатининг ютуқларини мақташ билан чекланиш ёки унга сиёсий тус бериш, ўзи билан ёнма-ён яшаётган миллат борлигини сезмаслик нафақат мустақилликни мустаҳкамлашдек умумий вазифани амалга оширишга шунингдек, ўз миллатининг бошқа миллатлар олдида нуфузининг тушиб кетишига салбий таъсир этиши мумкин.

Аммо бу зинҳор маҳаллий миллатнинг ўз атрофига ўзга миллатларни бирлаштириш, ўз миллати, ватани ва келажак авлод олдидаги масъулиятини инкор этиш даражасига ҳам кўтарилмаслиги лозим. Чунки у фақат ўз заминидагина ўз имкониятларини юзага чиқаришга қодир. Унинг дунёдаги ягоналиги ҳам ўз заминига, авлодига, меросига, хусусиятига эга эканлиги билан белгиланади. Титул миллатнинг «келгиндилардан» фарқи ҳам шундаки, у ўз миллатининг абадийлигини фақат ўз заминидагина таъминлай олади ва шунинг учун ҳам у ўз заминида миллатнинг истиқболи учун жавобгардир.

Шунинг учун миллий ўз-ўзини англашнинг тарбиявий функциясидан фойдаланиш жараёнида ҳар қандай йўللار билан унинг мазмунини чинакам миллий ва инсонпарварлик ғоялари билан тўлдириб боришга ҳаракат қилиш жуда муҳимдир. Миллий заминга таянмаган ҳолда тарбиявий фаолиятни олиб бориш кутилган натижаларни бериши мумкин эмас. Чунки миллий замин бу халқ ҳаётининг тажрибаси, миллий анъаналар, қадриятлар тасаввурлар муҳитидан

у аждодларни авлодлар билан боғлаб турадиган реал моддийлик ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитлар ўзгарган вақтда миллий заминнинг ўзида одамларнинг руҳияти, онгида ҳам тегишли тарзда ўзгаришлар содир бўлади. Аммо миллий ўзига хослик (индивидуаллик) сақланиб қолади, чунки миллий заминнинг ўзида миллат шаклланади, яшайди ва унда тарихий ўтмиши унинг тарихий йўли ўхшашлик бўлади. Худди ана шу концептуал ғояларимиз байналминалликнинг миллийлик бағрида ўсиб, улғайиб камолотга етишига асос эканлигини тасдиқлайди. Байналминаллик миллийлик бағридан ўсиб чиққан фақат битта эмас кўпчилик баҳраманд бўладиган қирралардир. Шунинг учун ҳам биз хоҳлаймизми ёки йўқми миллий тараққиёт ўз қонуниятлари бўйича ўз илдизидан ўсиб чиқадиган қонуниятлар асосида ҳаракатга келади. Тарбиявий функциянинг ўз илдизидан ўсиб чиқадиган мана шу ғоят катта куч унинг онгга таъсир кўрсатадиган қобилияти ўсиб боришига ёрдам беради. Мана шу нозик функцияни хушёрлик билан тушуниб олиш ва уни билиш орқалигина миллий тараққиётга ҳамда миллий муносабатларни мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мумкин.

Миллий ўзликни англашнинг ҳаракатга келтирувчанлик функцияси ҳам миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатлар тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг куч-қудрати бошқа функцияларга қараганда анча шиддатли ва миллатнинг руҳиятини моддий кучга айлантиришда устувор аҳамиятга эгадир. Миллат учун умум ҳисобланган муаммолар юзага келган шароитларда ҳаракатга келтирувчи функция ишга тушиб кетади. Лекин бу унинг маълум шароитларда тинч турганини билдирмайди. Агар миллат манфаатларига зид ҳаракатлар юзага келган ҳолатларда унинг реал натижалари миллатнинг ичида мавжуд бўладиган турли қарама-қаршилик ёки салбий ҳолатларга қарамасдан унинг бир ёқадан бош чиқаришга олиб келса, тинч шароитда бу функциянинг ҳаракати (гарчанд у доим ҳаракатда бўлишига қарамасдан ҳам) деярли сезилмайди. Чунки бу шароитда миллий ҳаётнинг ичидаги муаммолари устуворликка эга бўлади.

Шунинг учун ҳам миллий ўзликни англашнинг ҳаракатга келтирувчанлик функцияси фақат миллат олдида турган глобал муаммоларни ҳал қилишга қарата билиш миллий тараққиёт учун амалий аҳамият касб этиб туради. Аммо реал ҳаётда буни амалга ошириш мураккаб муаммодир. Чунки миллат ичида мавжуд бўладиган турли салбий ҳолатлар унинг юзага чиқишига тўсқинлик қилиб қолаверади. Хусусан, адолатнинг бузилиши, миллат ичидаги табақала-

ниш (бойлар ва қашшоқлар ўртасида тафовутларнинг кучайиши), маданий-маърифий соҳалардаги имкониятларнинг хилма-хиллиги ва бошқалар миллий ўзликни англашнинг ҳаракатга келтирувчилик функциясини ҳар доим ҳам миллий тараққиётга дахлдор бўлган муаммоларни ҳал қилиш ўзанига йўналтириш имкониятини беравермайди.

Шунинг учун миллий тараққиётга таъсир ўтказишнинг энг муҳим муаммолари қаторида адолатни тиклаш, кескин табақаланишнинг олдини олиш, турмуш, маданий-маърифий соҳаларда зарур бўлган чораларни амалга ошириш кабилар туради.

Миллий ўзликни англашнинг яна бир функцияси бу миллатга ўз манфаатларини ва уни ҳимоя қилишни англашдир. Ташқаридан қараганда бу ҳаракатга келтирувчанлик функциясининг айнан ўзи-дек кўринади. Аммо унинг таъсири ўзгачадир. Хусусан, бу функция миллатнинг онгини, маданиятини, маърифатини шакллантириш ва ривожлантиришдаги хусусияти билан ажралиб туради. Маънавияти ва маърифати қашшоқ миллат ўз манфаатларини англашга қодир эмас. Маданияти ва маърифати ривожланган миллат ўз манфаатларини англаши мумкин ҳамда уни ҳимоя қилиш учун ҳаракат қила олади.

Бу функция орқали миллатнинг ички имкониятлари ривожланади ва у ўзининг бирлигини мустаҳкамлаб бўлади. Бундан кўришиб турибдики, мазкур функция вақтинчалик энг қисқа муҳлатга хос бўлмасдан доимийлик ҳаракатига хосдир.

Мазкур функциянинг барқарор ҳаракати миллий ривожланишнинг аста-секинлигини таъминлаб бориши билан бирга миллатлараро муносабатларда «портлаш»ларнинг олдини олиш имкониятини ҳам вужудга келтиради.

Миллий ўз-ўзини англашнинг бошқа функцияларини таҳлил қилишга қайтиб баъзи муаллифлар билан мунозарага киришишга уриниб кўрамиз. Миллий ўз-ўзини англашнинг бошқа функциялари муаммоси К.Н. Хабибуллин томонидан ўрганиш ғояси илгари сурилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Принцип жиҳатдан олганда у кўрсатган мазкур функцияларнинг реал тарзда мавжуд бўлиши шак-шубҳа уйғотмайди. Бироқ бизнинг фикримизча улар моҳиятининг йўналишини ва мақомини яна ҳам чуқурроқ бериш учун мазкур функцияларни тағин ҳам кенгроқ ва конкретроқ шаклда қараб чиқиш талаб этилади. К.Н. Хабибуллин мослашув функцияси индивидининг миллий ўзига хослик ҳаётий хусусиятларга кўникишида сезилади, деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча, ҳар қандай ўзига хослик хусусиятларга кўникиш ҳам бошқа

ҳодисалар ёки «ҳаракатга келтирувчи» кучлар аралашувисиз содир бўлмайди. Яъни ўз-ўзидан сезилиб қолмайди. Шу нуқтаи назардан олганда миллий ўзига хослик хусусиятларига кўникиш жараёни конкрет шаклда «кучлар» тарбияси ва ёрдамида амалга оширилади. Муаллифнинг ўзи ҳам буни қуйдагича тарзда тўғри таъкидлаб ўтади: «Одам оилада, мактабда, дам олиш ёки меҳнатнинг жамоа шаклларида тарбияланиш жараёнида фақат тил кўникмаларига ўрганибгина қолмай, балки салмоқли қадриятлар, тарихан топган қадриятлар тўғрисида муайян ҳажмдаги ахборот билан таъминланади».¹¹

Модомики, биз одамнинг ўз миллий қадриятларига эга бўлишида «ташқи» таъсирлаш зарурлигини инкор этмаётган эканмиз, у ҳолда биз (умумий тарзда) мослашув функцияси тўғрисида гапирмасдан, балки миллий ўз-ўзини англашнинг тарбиявий функцияси тўғрисида сўз юритишимиз керак. Яъни мазкур ҳолда гап мослашув функциясининг кўламини қай даражада мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бормоқда. Ҳолбуки, мослашув функциясининг мақсади ўз миллий қадриятларига инсонни ўрганишга ва у билан таъминлашга қаратилган экан, сирдан қараганда унинг номи мазмунига асло мувофиқ келмайди. Шунинг учун шакл билан амалга оширилаётган вазифалар мазмунини конкретлаштириш ва уларни бир-бирига мувофиқлаштириш мақсадида бизнинг фикримизча ушбу (мослашув) функцияни тарбиявий функция деб номлаш тўғрироқ бўлур эди. Бу номланиш унинг олдингисига қараганда амалга оширилаётган ўз вазифалари кўлами ва мазмун-моҳиятини кенгроқ акс эттиради. К.Н. Хабибулин ҳимоя функцияси моҳиятини белгилаб берар экан, бизнинг фикримизча, унинг вазифаларини бир қадар юмшатади. Хусусан, у «миллий ўзликни англашнинг ҳимоя функцияси, уни миллий таъсирдан муҳофаза этиш мақсадида ўз миллий маданияти теварагида тўсиқлар тиклаш билан боғлиқ эмас», деб ёзади. У фақат миллий ривожланиш эҳтиёжлари таъсирида ғамхўрлик қилишга, уни миллатлар ва мамлакатимиздаги элатларнинг ҳаёти бир-бирига боғлиқ бўлган бир шароитда бошқалар томонидан назар-писанд қилмаслик эҳтимolini ёхуд ҳақиқатдан улар назар писанд қилмаслигининг олдини олиб, уни бундан огоҳ этишга қаратилгандир.¹² Гарчанд, мазкур фикр ҳали собиқ СССР мавжуд бўлган, аммо, парчаланиш арафасига келиб қолган пайтда айтилган бўлса ҳам, мамлакатларнинг кўп миллатлардан иборатлигини сақланган шароитлар учун у ҳақида мунозара юритиш ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Мазкур ғоят мураккаб, аини маҳалда манфаатларни англаш ва ҳимоя қилиш функцияга бундай ёндашув, бизнинг фикримизча, унчалик тўлиқ характер касб этмайди. Бу биринчидан, унинг номини

ҳам ўз вазифасидан билдириб туради. Яъни мазкур ҳолда гап огоҳлантириш устида эмас, балки бир нарсани бошқа бир нарсадан ҳимоя қилиш тўғрисида бормоқда. Башарти, огоҳлантириш тўғрисида фикр юритиладиган бўлса, у ҳолда «ҳимоя қилиш» деган сўзларни қўллашга зарурат қолмаган бўлур эди. Иккинчидан, агар бу ерда гап ўз маданияти анъаналарини ва урф-одатларига хос бўлган миллий хусусиятларни ўзга миллий маданиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида бораётган бўлса, у ҳолда бунинг моҳиятини яна ҳам конкретроқ тушунтириш зарур. Мазкур ҳолатда гап ҳар икки томон тўғрисида бориши уларнинг бири (тўла умумий тарзда) қабул қилиши тўғрисида эмас, балки ҳар қандай иккала томон бир-биридан фақат «қабул қилиб олиш» ва «идрок этиш» ҳисобига бир-бирига таъсир кўрсатиш ва ўзаро бир-бирини бойитиб бориш тўғрисида бўлиши лозим. Яъни жараённинг ташқи кучларнинг аралашувисиз табиий тараққий этиши ҳақида бориши лозим.

Салбий таъсирлар мавжуд бўлган ёки сиртдан аралашувлар бўлган шароитда ўз маданияти ҳисобига ўзга маданиятларни бойитишга сунъий таъсир кўрсатишга уриниш мавжуд бўлган ҳолларда ҳимоя функцияси ишга тушиб кетади (албатта, агар жамиятни бошқаришнинг демократик ва инсонпарварлик тамойиллари амал қилаётган бўлса) ва ўз маданияти, ахлоқий ва маънавий қадриятлари софлигини ўзга миллий маданиятлардан ҳимоя қилиб, уларнинг сунъий йўл билан кундалик ҳаётга кириб келишига йўл қўймайди. Зеро, ҳар бир халқда (миллатда), унинг миллий маданиятида, анъаналарида, урф-одатларида, қадриятларида, хулқ-атвори ва ахлоқида то бугунги кунларгача сақланиб келаётган шундай белгилар ва элементлар мавжудки, улар фақат мазкур миллатга ёки элатларгагина хос бўлиб фақат улар томонидан тан олинади, лекин бошқа миллатлар учун қабул қилиши ёки қабул қилиниши мумкин бўлмайди. Бу табиий ҳол. Чунки ҳар бир миллатдаги ҳамма хусусиятлар бошқалар томонидан бугунлай қабул қиланадиган бўлса миллатлар ва улар маданиятларидаги ўзига хосликлар барҳам топган бўлур эди. Худди ана шунинг учун ҳам «меники» ва «уники» ўртасида фарқ, керак бўлса қарама-қаршилик доимий сақланиб қолади. Ўз навбатида мазкур зиддиятли жараён мазкур миллат ва элатлар учун «ўз» маданиятларини бойитишларига интилишни кучайтиради. Қачонки, маданиятда «меники» ва «уники» мавжуд бўлмас экан, у албатта ўлимга маҳқумдир. Худди мана шу икки бир-бирига қарама-қарши айни пайтда бири иккинчисисиз бўла олмайдиган омилларгина миллий ўзига хосликнинг умри боқийлигини таъминлайди ва инсоният маънавий оламига гўзаллик бахш

этиб туради. Аммо уларни миллатлараро можароларни келтириб чиқарувчи омилга айланиб кетишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Уларни фақат миллий гўзалликларни намойиш қилиш, улардан гурурланиш, баҳра олиш ва маънавий юксакликка кўтарилиш мақсадидагина қўллаш лозимдир.

Шундай қилиб, миллатлар, элатлар мавжуд экан, миллий ўзликни англаш барқарор ривожланиб, такомиллашиб бораверади. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳимоя функциясининг моҳиятини талқин қилишда бир ёқламаликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бу миллий маданиятнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши ва бир-бирини бойитиш моҳиятига нотўғри муносабатни шакллантиради ҳамда ушбу жараёнда мавжуд зиддиятларни назар писанд қилмай, уларнинг инкор этилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга ҳимоя функцияси аҳамиятини абсолютлаштириб уни ўзга миллий маданиятларнинг ташқи таъсиридан ҳимояланиб ҳимоя функциясини ўзига қалқон қилиб олинишига йўл ҳам қўйиб бўлмайди. Чунки дунёда соф миллий маънавият мавжуд эмас, ҳар доим ҳар бир маънавиятда бегона (ўзга) миллий маданият ҳам бегоналарга ўзидан ниманидир бериб туради. Яъни маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини ўзаро бойитиш – бу ҳар бир маданият ривожи учун ва умуман бутун дунё цивилизацияси маданияти учун хос бўлган умумий қонуниятдир. Миллий ўзликни англаш функцияларининг вазифаларини таҳлил қилиш жараёни шуни кўрсатдики, миллий тараққиёт икки асосий қонуниятлар асосида содир бўлади: биринчидан, ҳар бир миллатнинг ўз заминлари, илдизлари асосий хомашё сифатида етакчи ўринни эгаллайди, **иккинчидан**, миллатлар ўзгалардан нималарни қабул қиладилар ва уларга нималарнидир бериб турадилар. Бу тараққиётнинг объектив қонунияти ҳисобланади. Аммо миллатлар маънавий оламига ташқаридан зўравонлик йўли билан аралашув, таъсир кўрсатиш фақат миллий низолар келтириб чиқармасдан, шунинг билан бирга мамлакатни ҳам ҳалокатга олиб келади. Худди ана шу маънода ҳам миллий ўзликни англашнинг табиий ривожланишига имконият яратиш зарур бўлади.

Албатта, миллий ўзликни англаш омили ички салоҳиятида мавжуд бўлган турли функцияларни ажратиб кўрсатиш билан улар ўз ўзидан амал қилавермайди. Балки амалиётда кўрсатилган функцияларнинг моҳиятини тўла тушуниш, улардан тегишли йўналишлардаги вазифаларни амалга оширишда санъаткорона фойдалана биришга ҳам кўп нарса боғлиқдир.

Юқорида таҳлил қилинган жараёнда кўрдикки, миллий ўзликни англаш омилига бефарқ қараб ёки уни эътибордан четда қолдириб

бўлмайди. Чунки миллатнинг обрў-эътибори, ор-номуси, ғурури, ўзга миллатлар олдидаги ўзига хослик каби бир қатор ўта мураккаб, ўз навбатида ҳар қандай ташқаридан бўладиган зўравонликларга тезкорлик билан жавоб қайтаришга қодир бўлган ҳар бир миллатнинг ички руҳий салоҳияти билан боғлиқдир. У миллатга қаратилган ҳар қадай ҳаракатларга ёки унинг манфаатларига зид бўлган муносабатларга ўзининг жавобини қайтаради.

Миллий ўзликни англашнинг миллатлараро муносабатларда турли можароларни келтириб чиқариш омилига айланиши аксарият кўпчилик ҳолларда маънавий эҳтиёжларни етарли даражада қондирмаслик, миллатнинг ўзига хослигига нисбатан ҳурматсизлик каби салбий ҳолатларнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлади. Бу табиий ҳол. Чунки маънавият миллатнинг ор-номуси, ғурури, ички руҳий салоҳияти, керак бўлса унинг бутун борлиғидир. У ўзининг миллат сифатидаги қиёфасини маънавият орқалигина намоён эта олади. Шунинг учун ҳам маънавиятга нисбатан бўладиган ҳар қандай салбий муносабатлар миллатга нисбатан билдирилган тажовуз сифатида қабул қилинади.

Маънавиятнинг миллий ўзликни англашнинг салбий омил даражасига кўтарилишини халқимизнинг «қорнимга эмас, қадримга йиғлайман», деган доно мақолига қиёслаш орқали тасаввур қилиш мумкин. Яъни миллат моддий қашшоқликка чидаши мумкин, аммо ўзининг маънавияти, ор-номуси, ғурурига нисбатан бўладиган ҳар қадай салбий ҳаракатларга бардош бера олмайди ва албатта, унга ўзининг кучи ва қудрати билан жавоб қайтаради. Унинг ўзлигини ҳимоя қилиши ҳар қандай моддий бойликдан минг чандон устундир.

Бу келтирилган фикрларимиз миллат тараққиётида бир неча мартабалаб ўз тасдиғини топиб келмоқда. Улар миллий ўзликни англаш ва миллий маданият омилларининг бир-бирлари билан узвий боғлиқлигини, ҳимоя қилишини ва умуммиллий тараққиётнинг мезонларини белгилашдаги етакчилик ўринлари мустаҳкам эканлигини тасдиқлайди.

Жаҳон тараққиётида содир бўладиган ўзгаришлар, шу муносабат билан миллий тараққиётга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ва муаммоларнинг юзага келиши ҳамда уларни бартараф этишга бўлган эҳтиёжнинг ошиб боришига қараб миллий ўзликни англашнинг функциялари ҳам кенгайиб боради. Жумладан, бугун глобаллашувнинг авж олиши унинг миллий маънавиятни ичдан емирилишига ўтказаетган таъсирининг кучайиши миллий тараққиётга хавф солаётган турли диний оқимлар ва сиёсий кучларнинг пайдо бўлиши давлатлар ўртасидаги бозор ва ерости захиралари учун кураш-

нинг авж олиши, мамлакатлар ўзларининг сиёсий мавқеини ва нуфузини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган фаолиятларининг янги босқичига кўтарилиши миллий ўзликни англашнинг «ҳимоялаш» функцияси қамровининг кенгайишини, миллий хавфсизликни таъминлаш, мамлакат мавқеи ва нуфузини мустаҳкамлаш ҳамда унинг истиқболи учун масъуллик туйғусини мустаҳкамлаш функциялари шаклланиб бормоқда. Миллий ўзликни англашнинг юқорида таъкидланган «ҳимоялаш» функцияси глобаллашувнинг авж олиши шароитида янгича тус олади ва унинг миллатнинг тараққий этиши шароитига қараганда ҳам қамрови кенгайиб бормоқда. Чунки миллат вакиллари бугун глобаллашувнинг кучли босими остида яшамоқдалар, улар бу таъсирни кундалик ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турадилар. Ҳеч бўлмаганда радио эшиттиришлар, телекўрсатувлар, уяли телефонлар, интернет каби воситалар орқали ер куррасининг энг кичик ҳудудида бўлган энг сўнгги янгиликлардан бир зумда хабар топаётганликлари билан бу жараённинг нақадар ўз ҳаётларидан мустаҳкам ўрин олаётганлигини билиб турибдилар. Аммо ана шу янгиликларнинг аксарият кўпчилигининг йўналиши ўзларида ана шу жараёнга мойилликни кучайтиришга, унга маҳлиё бўлишга қаратилганлигини ва шу йўл билан ўзларининг миллий маънавиятини заифлаштириш мақсад қилинганлигини ҳар доим ҳам тушуниб етмаганликларини сезмайдилар. Чунки ана шу янгиликлар шундай усталик билан ташвиқот қилинадик, улар олдида мамлакат оммавий ахборот воситалари томонидан берилаётган ва кўрсатилаётган янгиликлар одамни ўзига жалб қилишда ожизлик қилиб қолаверади. Бунинг натижасида бора-бора одамлар хориждан тарқалаётган ҳар қандай янгилик ва хабарлардан бошқаларини эшитиш ва томоша қилишни ўзларининг маънавий-маърифий бойликларининг асосий манбасига айланиб қолганликларини ҳам сезмай қоладилар. Боз устига одамзот табиатига хос бўлган ўзгаларникига бўлган қизиқиш ҳам бу жараёнда қатнашади. Агар бугун аксарият кўпчилик миллатдошларимизнинг миллий маънавият ва маърифатнинг ривожланиши йўналишини ҳамда манбалари диққат билан кузатилса худди ана шу жараён кечаётганлигини кузатиш мумкин. Бу миллий тараққиёт учун ўта хавfli жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам миллатни глобаллашув жараёнига тортаётган ана шу воситалардан уни ҳимоя қилишда фойдаланиш механизмларидан самарали фойдаланиш зарур бўлади. Бунинг учун эса миллатни маънавий-маърифий бойитиш борасида кетаётган рақобатда устунликни қўлга киритиш учун бу соҳа вакиллариининг фаоллигини кучайтириш лозим бўлади. Бу жараён-

да мамлакатда мавжуд бўлган барча оммавий ахборот воситалари – радио, телеведение ва интернетдан тарқаладиган янгиликлар, хабарлар, кўрсатувлар ўзининг мазмуни, маъноси, аҳамияти инсоннинг қалби ва дунёқарашини эгаллаши билан хориждан тарқалаётган ҳар қандай янгилик ва хабарлари устун бўлишига эришмоқ зарур бўлади. Бунинг муҳимлиги шундаки, бугун глобаллашув авж олаётган шароитда хориждан тарқалаётган янгиликлар ва энг сўнгги хабарларни тўхтатишнинг имконияти қолмади. Шундай экан уни фақат рақобатга бардош бера оладиган имкониятлар воситаси билангина тўхтатишга эришиш мумкин бўлади.

Ана шундай имкониятлардан бири миллий ўзликни англашнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган глобал вазифаларни ҳамда уларни ҳал қилишда умуммиллий ҳаракат руҳиятини шакллантиришга эътиборни кучайтириш ҳисобланади. Яъни, глобаллашув жараёнида пассив тингловчи, иштирокчи эмас, фаол иштирокчи ва ундан ўз манфаатларимиз йўлида фойдаланишни кўзлаб ҳаракат қилишга ўрганишимиз лозим бўлади. Унда қанчалик ўз манфаатимиз йўлида фаол ва самарали иштирок қилишга ўргана олсак, миллий маънавиятимизга четдан ўтказилаётган салбий таъсирларнинг имкониятлари ҳам чекланиб бораверади. Бу яна миллий ўзлигимизни англашни ривожлантириш жараёнларига бориб тақалаверади. Миллатнинг ўзлигини англашнинг ўсишигина глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказадиган таъсирини сезади ва унинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушуниб етади. Ўзлигини англамаган ёки унга бепарволик билан қарашга мойиллиги мавжуд бўлган миллатнинг истиқболида йирик миллатларга қарам бўлиб қолиши хавфи юзага келади. Шу маънода ҳам глобаллашув бир томондан миллий ўзликни англашнинг ривожланишига мажбур этувчи, таъсир ўтказувчи омил сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан ана шу омиллар миллий ўзликни англашнинг ривожланишида янги босқични бошлаб беради, дейиш мумкин. Мажбур этувчи ва таъсир ўтказувчанлик омиллари орқали миллат ўзининг истиқболи хавф остида эканлигини англаб етади. Унда ҳимояланишга мойиллик учун руҳият кучайиб боради. Бу ўз навбатида миллий ўзликни англашнинг ривожланишига ўзининг таъсирини ўтказидади. Шу тариқа миллий ўзликни англашнинг ривожланиши глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказадиган салбий таъсиридан ҳимояланиш функцияси амал қилади. Глобаллашувнинг авж олиши давом этар экан, миллий ўзликни англашнинг ана шу функциясининг роли ҳам кучайиб боради. Акс ҳолда глобаллашув кичик миллатларни катта миллатларга ассимиляция (қўшилиб) бўлиб кетишига ўзининг таъсирини ўтказиб бора-

ди.

XXI асрга келиб миллатларнинг ўзлигини англаш жараёнининг ўсиши янги поғонага кўтарилиб бориши билан бирга унга қарши бўлаётган янги диний оқимлар ва сиёсий кучларнинг вужудга келиши ва уларнинг миллий тараққиётига очиқдан-очиқ қарши кураш олиб боришнинг кучаяётганлигини кўриш мумкин. Бу оқимлар ва кучларнинг манбалари ҳамда ҳомийлари хорижий мамлакатларда бўлса ҳам, улар жуда усталик ва уддабуронлик билан мамлакатларнинг ичидан ўзларига ҳамтовоқлар излаб топмоқдалар ҳамда уларнинг иштирокида мамлакатлар ичида беқарорлик вазиятларини юзага келтирмоқдалар. Бунинг оқибатида бугуноқ инсонлар жафо чекмоқдалар ва миллий бирликнинг заифлашуви жараёнлари юзага келмоқда. Айниқса, уларнинг мустаҳкам ҳаётий тажриба ва кўникмага эга бўлмаган ёшларни бу жараёнга кенг жалб қилиб, улар онги ва қалбини эгаллашга қаратилган фаолиятларининг авж олаётганлиги миллий тараққиётга катта хавф солмоқда. Ана шундай шароитда бу хатарли жараённинг олдини олишда миллий ўзликни англашнинг янги миллий хавфсизликни таъминлаш функциясининг шаклланиши содир бўлади.

Бу функция миллий тараққиётнинг бугунги ўта мураккаб шароитида миллат вакилларида ягона Ватан, Миллий бирдамлик, уни ҳар қандай ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш руҳиятини шакллантириш вазифасининг амалга ошувига ижобий таъсир ўтказди. Миллий ўзликни англашнинг амалга ошувига ижобий таъсир ўтказди. Миллий ўзликни англашнинг миллий хавфсизликни таъминлаш функцияси ривожланган миллат вакилларининг бирлигини мустаҳкамлаш, ўзлари билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллат вакиллари ўз атрофига жипслаштириш, мамлакатда барқарорликни вужудга келтириш ва умуммақсадларни амалга оширишда бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилиш руҳиятининг шаклланишида амалий аҳамиятга эга бўлади. Ўзликни англашнинг муҳим мезонларидан бири ҳам миллий хавфсизликнинг мустаҳкам бўлишини таъминлашнинг реал амал қилиши ташкил қилади. Унинг ҳаётий зарурият эканлигини англамаган миллат ҳали чинакам, тўла маънодаги миллат даражасига етиб кела олмайди. Зеро, миллий хавфсизликнинг мустаҳкам бўлмаслиги заминиде миллий ўзликни англашнинг заиф эканлигини кўрсатиб турувчи белгилардан бири ҳисобланади. Боз устига бугун миллатга нисбатан тажовуларнинг қўлами кенгаймоқда, у турли хавф-хатарлар таъсирида яшашга мажбур бўлмоқда.

Миллий хавфсизликнинг таъминланганлиги миллат тараққиётига, унинг истиқболига ташқаридан ва улар ёрдамида ичкаридан

юзага келадиган турли оқимлар ҳамда кучларнинг ғоялари ва амалий фаолиятига қарши тура оладиган умумхалқ яқдиллик омилининг мавжудлигида ўз ифодасини топади. У ўз-ўзидан шакллана-вермайди, балки миллатнинг ўзлигини англашининг ўсиб бориши билан боғлиқ бўлади. Ўзлигини англаган миллатнигина миллий хавф-сизликнинг миллат тараққиёти ва истиқболи учун нақадар муҳим омил эканлигини тушуниб етади.

Бугун миллий хавфсизликка қарши қаратилган турли оқимлар ва сиёсий кучлар фаолият олиб борар экан, миллий ўзликни англашнинг миллий хавфсизликни таъминлаш функциясининг роли ошиб бораверади.

Маълумки, мамлакатлар асрлар давомида шаклланган «титул» миллатлар номи билан аталиб келинмоқда. Шу маънода ҳам мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи ошиб бориши ёки пасайиб кетиши ана шу «титул» номи билан боғлиқ ҳолда қаралиши одатга айланиб қолган. Бу ўз-ўзидан табиийки, миллатнинг руҳиятида нофаол ёки фаол кўринишда намоён бўлиб келган. Шу маънода миллий ўзликни англаш жараёнларининг даражалари мамлакат нуфузининг даражаларига боғлиқ бўлиб қолган. Агар миллат вакилларининг аксарият кўпчилик қисмида миллий ўзликни англашнинг ривожланиши жараёнлари кучайиб борса, уларнинг мамлакат тараққиёти ва унинг истиқболи учун масъуллиги ҳам ошиб боради. Тўғри, бу жараённи юзак қараганда англаш мураккаб кўринади, чунки бозор муносабатлари шаклланиши жараёни кўпчилик ҳолларда шахсий манфаатларга устуворлик билан қараш руҳиятини ҳам келтириб чиқаради. Лекин бир томондан қараганда миллатнинг ўзи мавҳум тушунча, у миллатни ташкил қилувчи шахсларнинг онгли равишда уюшувидан иборат бўлганида моддий куч сифатида намоён бўлади. Худди ана шу уюшув миллат манфаатлари ва унинг истиқболи учун масъулликни ҳам юзга келтиради. Айниқса, мамлакатнинг ички ҳаётини бузиб кўрсатишга уринишлар ёхуд унинг нуфузини халқаро миқёсда туширишга қаратилган ҳаракатлар юзага келадиган бўлса, шахслар уюшмаси уни ҳимоя қилувчи куч сифатида ўзларини намоён этадилар. Бу миллий ўзликни англаш ривожланишининг кўринишларидан бири ҳисобланади. Иккинчи томондан эса миллий бирлик мустаҳкам бўлишининг ўзи ҳам ўзликни англаш ривожининг белгиларидан биридир. «Титул» миллатнинг миллий бирлиги мамлакатда яшаётган бошқа миллатлар вакилларини ҳам ўз атрофида жипслаштириш, ҳамкорлик ва бирликда мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ва нуфузини мустаҳкамлаш имкониятини кенгайтиради. Яъни «титул» миллат вакиллари миллий ўзликни англашининг ривожланиб бориши мамлакатда яшовчи

бошқа миллатлар билан биргаликда ягона куч сифатида унинг жаҳон миқёсидаги нуфузининг ошиб боришининг омили сифатида намоён бўлади.

Миллий ўзликнинг ривожланиши ҳар доим ҳам мамлакат тараққиётининг барча босқичлари учун катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Бундан кейин ҳам унинг роли ошиб бораверади. Айниқса, глобаллашувнинг авж олиши шароитида унинг роли ортиб боради. Чунки глобаллашув жараёни миллатнинг ўзига тортиши ва унинг оқибатида миллий ўзига хосликнинг «сусайиши» ҳолати юзага келади ва унга қарши тура оладиган ички имкониятлар юзага чиқади. Худди ана шундай жараён ҳам мамлакат нуфузининг ошиб боришига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб боради.

Бугунги кунда миллий ўзликни англашнинг ривожланиш даражаларини Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази (ЎзЖФЎМ) ходимлари томонидан «Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги» (социологик тадқиқот) мавзусида ўтказилган сўровлар натижалари кўрсатиб турибди.¹³

Миллий ўзлик даражасини аниқлашда респондентларнинг халқнинг тарихи, маданияти, маънавий меросига муносабатини аниқлаш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Бундай муносабат ўлканинг тарихи ва маданияти, Ўзбекистон тарихини билиш даражаси, мамлакат тарихи ва маданиятини теранроқ билиш истаги каби позициялар ёрдамида аниқланади.

Бу борада берилган саволларга жавоблар қуйидагича тақсимланди: сўраб чиқилганларнинг 43,7 фоизи ўлканинг тарихи ва маданиятини етарли даражада биламан деб жавоб берган бўлса, 44,1 фоизи биламан, бироқ етарли даражада эмас ва 12,2 фоизи мутлақо билмайман деб эътироф этган.

Фарғона (49,4%) ва Самарқанд вилоятларидаги (47,9%) респондентлар ўлка тарихини энг кўп билувчилар бўлиб чиқди. Тошкент шаҳридан респондентларнинг ярмидан ортиғи (51,4%) ўлка тарихини етарли даражада билмайди; Бухоро вилоятидаги респондентларнинг 19,0 фоизи ўлка тарихини билмаслигини эътироф этади.

Шаҳарликларга қараганда (43,0%) қишлоқда яшовчилар ўз ўлкаси тарихини етарли даража билиши характерлидир. Бу «биламан, бироқ етарли эмас» позицияси учун характерли бўлиб, қишлоқда яшовчиларнинг 43,5 фоизи буни эътироф этадилар.

Миллати бўйича қорақалпоқларнинг кўпчилиги, яъни 60 фоизи ўлка тарихини етарлича биламан деб ҳисоблайди, славянларнинг деярли ярми ўлка тарихини умуман билишларини, бироқ етарли

даражада билмасликларини қайд этишди (49,5%). «Билмайман» деган позицияни қайд этганлар орасида энг кўпчиликни қозоқлар (30,2%) ва энг озчиликни қирғизлар (8,3%) ташкил этди. Қўйилган саволга тўғридан-тўғри берилган жавоблар респондентлар ўлка тарихини қисман билади, деб хулоса чиқариш учун асос бўлади.

Респондентлар Ўзбекистон тарихини етарли даражада яна ҳам кам билишади. Уларнинг фақат 34,8 фоизи, яъни сўраб чиқилганларнинг ҳар учтасидан биттаси тарихни етарли даражада билади, респондентларнинг ярмидан кўпи эса етарли даражада билмайди ва 9,8 фоизи умуман билмайди.

Ҳудудлар бўйича Ўзбекистон тарихи ва маданиятини яхши билиш қорақалпоқлар учун (39,2%) характерлидир. Сўраб чиқилганлар орасида Тошкент шаҳрида яшовчилар (28,2%) бундай билимга ҳаммадан кўра кам эга. Тошкентликларнинг кўпчилиги мамлакат тарихи ҳақидаги ўз билимлари етарли эмаслигини эътироф этади, яъни бу кўрсаткич 51,4 фоизни ташкил этди.

Олдинги саволларга олинган жавобларда бўлганидек миллати бўйича қорақалпоқлар (49,3%) ва тожиклар (45,5%) мамлакат тарихини яхши билишларини намоён қилишди. Қирғизларнинг 66,7 фоизи, славянларнинг 61,6 фоизи, бошқа миллат вакилларининг 60,9 фоизи ва социологик факт сифатида энг қизиғи ўзбекларнинг ярмидан кўпи (57,9 фоизи) Ўзбекистон тарихини етарлича билмайди. Ҳар уч қозоқдан бири (3,7%), қирғизларнинг 16,7 фоизи, славянлар ва тожикларнинг 15,2 фоизи ўз мамлакати тарихини билмайди.

Ёш жиҳатдан 16–19 ёшдагилар Ўзбекистон тарихини ҳаммадан кўра кўпроқ билади (40,3%), бироқ айни вақтда бошқа ҳолат – ушбу ижтимоий гуруҳнинг 51,4 фоизи тарихни етарли даражада билиши ташвишлантиради.

Жинсига кўра мамлакат тарихини билмайдиганлар орасида эркакларга қараганда (6,8%) аёллар (12,6%) кўпчиликни ташкил этади.

Респондентларнинг кўпчилиги (70,4%) Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва маънавий меросини чуқурроқ ўрганишни истади. 3,8 фоизи бу ишни бошлаб юборди, 12,4 фоизи буни мақбул, бироқ мажбурий эмас деб ҳисоблайди, 6,5 фоизи бунга ҳеч ҳам қизиқмайди, деярли шунчаси (6, 9%) қўйилган саволга жавоб беришга қийналди.

Ўзбек халқининг тарихи ва маданиятини ўрганишни хоҳловчилар Бухоро (88,2%) ва Фарғона (81,6%) вилоятларида энг кўпчиликни ташкил этади. Аҳолининг мамлакат тарихи ва маданиятини билиш кўрсаткичи Фарғона вилоятида етарлича юқори эканлигини таъкидлаш зарур.

Тошкент шаҳрида сўраб чиқилганларнинг деярли чорак қисми (24,4%) мамлакат тарихини билиш мақбул, бироқ мажбурий эмас деб ҳисоблайди, тошкентликларнинг 11,4 фоизи бу масалага умуман қизиқмайди. Қорақалпоғистон Республикаси респондентларининг тўртдан бир қисми ушбу саволга жавоб беришга қийналди.

Миллатига кўра ҳаммадан кўпроқ тожиклар (83,3%) ва ўзбеклар (80,4%) ўзбек халқининг тарихи ва маданиятини чуқурроқ ўрганиш хоҳишини билдиришди. Славянларнинг 30,3 фоизи ва қирўғизларнинг 30,0 фоизи билиш мақбул, бироқ албатта шарт деб билмайди-лар. Ўлка тарихини ўрганишни хоҳламайдиганлар орасида қозоқларни (17,2%) кўрсатиш мумкин. Ушбу саволга жавоб беришга қийналганларнинг ҳам кўпчилигини қозоқлар ташкил этади. Славянларнинг ярмига яқини (43,4%), бошқа миллат вакилларининг ярмидан ортиғи (52,2%) тарихни ўрганишни хоҳлайди, славянларнинг 3,9 фоизи ва бошқа миллатлар вакилларининг 6,5 фоизи ҳозирнинг ўзидаёқ уни ўрганмоқда. Славянларнинг 13,2 фоизи ва бошқа миллатлар вакилларининг 13,0 фоизи тарихни ўрганиш мажбурий эмас деб ҳисоблайдиган социологик фактга эътиборни қаратмай бўлмайди. Тарихини билиш мақбул, бироқ мажбурий эмас, деб ҳисобловчи 30,3 фоиз славянларни ҳисобга олган ҳолда ушбу масала бўйича муносабат билдиришда мазкур миллат вакиллари орасида тарихни ўрганишни хоҳловчилар (43,4%) ва буни мажбурий эмас деб ҳисобловчилар ва умуман ушбу масалага қизиқмайдиганлар (43,5%) ўртасидаги нисбат деярли тенг эканлигини таъкидлаш лозим.

Жинс ва ёш бўйича 16–19 ёшдаги респондентлар ўлка тарихини ўрганишга кўпроқ қизиқишини намоён қилишди. Ушбу нисбат 20–29 ёшдагилар орасида 70,6 фоизни, 30–39 ёшдагилар орасида 77,5 фоизни ташкил этади. Бундан эркаклар (71,8%) аёлларга қараганда (69,2%) кўпроқ манфаатдордирлар.

Тадқиқот натижалари давлат ва фуқаролар бирдамлиги одамларни бирлаштирувчи асосий омил эканлигини кўрсатди. Буни респондентларнинг 59,1 фоизи қайд этди. Миллат, миллат ичидаги бирдамлик иккинчи ўринда туради. Ушбу позицияни респондентларнинг 30,1 фоизи таъкидлади. Бирлаштирувчи сабаб сифатида сўраб чиқилганларнинг атиги 10,8 фоизи динни қайд этди.

Шаҳарликлар (66,5%) қишлоқда яшайдиганларга қараганда (52,3%) давлат ва фуқароларнинг бирдамлиги аҳамиятини қайд этдилар. Бу шаҳарда яшовчиларнинг кенг демократик нуқтаи назардан далолат беради.

Юқоридаги нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайдиганлар Қорақалпоғистонда (64,8%), Фарғона (63,1%) ва Бухоро (63,1%) вилоятла-

рида ва Тошкент шаҳрида (60,4%) энг кўпдир. Ушбу фикрни Самарқанд вилоятидаги респондентларнинг ярмига яқини қўллаб-қувватлайди. Самарқанд вилоятидаги респондентлар бошқа ҳудудлардагига қараганда миллатнинг ички бирдамлигига кўпроқ устунлик берадилар (39,6%). Тошкент шаҳрида (12,7%) ва Фарғона вилоятида (12,2%) динни асосий бирлаштирувчи омил деб билувчилар сони энг кўп.¹⁴

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, гарчанд мазкур социологик сўровлар ўтказилганлигига уч йилдан кўпроқ вақт бўлган бўлса ҳам реал ҳаётда бугунги кунда миллий ўзликни англашнинг ўсиш жараёнида катта ўзгаришлар бўлганлиги кўзга ташланмайди. Аксинча, глобаллашув босими остида бу жараёнда сокинлик ҳолати кетаётгандай сезилмоқда. Бугун миллий ўзликни англаш даражалари ҳали миллат тараққиёт олдида турган вазифалар даражалари билан ҳамоҳанг бўлиб орқада қолмоқда. Бунинг сабабларини баъзи олимлар бугун бозор муносабатларининг шаклланиш шароитида юзага келган иқтисодий муаммолар билан боғлайдилар. Гўё бозор муносабатлари шароитида миллатимиз вакиллари аслида кундалик ташвишларни ҳал қилишни бошқа муаммоларга нисбатан устун қўйиш кучайган деб тасаввур қилинмоқда. Аслида, бундай ҳолатнинг бўлиши табиий ҳисобланади. Лекин бу миллатдошларимизнинг ўзлигини англашга бўлган интилишларининг сусаётганлигини англамайди, балки худди ана шу бозор муносабатлари шаклланишининг ўзи ҳам миллий ўзликни англаш жараёнининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда.

Бу моддий бойликларни яратишда қўлланилиб келинган, авлододлардан мерос бўлиб келган миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа бир қатор касбларнинг собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида йўқотиб юборилиши ва бугун мустақиллик шарофати билан улар қайта шаклланиши ҳам миллий ўзликни англашимизнинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказаётганлигини кўриш мумкин.

Фикримизча, миллий ўзликни англашнинг миллий тараққиёти бугунги эҳтиёжларга қараганда орқада қолаётганлигининг асосий сабаби ва омили:

Биринчидан, собиқ шўро ҳукмронлик шароитида миллий онгда мустаҳкам ўрнашиб олган ўзгаларникини ўзлаштиришга «мойилликнинг» устувор бўлиб турганлиги билан боғлиқ. Боз устига ўзимизнинг маънавий меросимиз, урф-одат, анъана ва қадриятларни оммалаштиришда замон талабидан, миллий-маънавий эҳтиёждан орқада қолаётганлиги ҳам, ўзгаларнинг маънавий бойликларига нисбатан

мойилликнинг ошиб боришига ўзининг таъсирини ҳам ўтказмоқда.

Иккинчидан, миллий онгнинг кучли информацион босим остида ривожланиш жараёни кетмоқда. Ана шу информацион тизимда ким ҳукмронлик қилса, унинг маҳсулоти бошқалар учун ҳам маънавий «ўсишнинг» манбаларига айланиб бормоқда. Бундай шароитда информацион тизимда биз ҳам ўзимизнинг миллий-маънавий салоҳиятимиз билан етарли даражада ўрнимизга эга бўлишимиз лозим. Афсуски, ҳали бунга эриша олганимиз йўқ. Бунинг ўта муҳимлиги шундаки, ана шу информацион тизим миллатнинг «мен»лигини омалаштиришда бошқа омилларга қараганда ҳам юксак даражага кўтарилган шароитда ундан самарали фойдаланишга эришиш кун тартибда турган вазифа ҳисобланади.

Учинчидан, миллатнинг ўзликни англашини ривожлантиришда, унинг юқорида кўрсатилган функцияларидан самарали фойдаланишда миллий-маънавий ҳаёт, турмуш-тарзимиз ва моддий шарт-шароитларни кўтариш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш жараёнларини миллий онгни ўстириш зарурияти қўяётган талабларга мос равишда ривожлантиришга эътиборни кучайтириш ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади. Миллий ўзликни англашни ривожлантиришда унинг юқорида келтирилган функцияларининг ишлашига эришиш амалий аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун эса уни янги ғоялар (миллий ривожланиш ғояси) билан бойитиш орқали жўшқинлик бағишлаш зарур бўлади.

Миллий ўзликни ривожлантириш йўли билан нафақат миллий-маънавий комилликка эришиш шунингдек, бозор муносабатлари миллат олдига қўяётган мураккаб муаммоларни ҳам ҳал этишга эришиш мумкин бўлади.

Глобаллашувнинг миллатчилик ва шовинизм руҳияти ривожига таъсири

Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир кўп миллатли мамлакатларда уни мустаҳкамлаш ва миллий тараққиётни таъминлаш кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатлар соҳасида содир бўлаётган турли жараёнларга реал баҳо бериш, уларда юзага келган ёки келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш қобилиятига, ҳозиржавоблигига, миллий ривожланишнинг прогрессив ва қарши тура оладиган кучларнинг белгилай олишига боғлиқ бўлади.

Миллий муносабатлар соҳасидаги аччиқ тажриба шунини кўрсатадики, ютуқларни ҳадеб мақташга берилиб кетиш, айниқса собиқ совет хокимияти йилларида миллий масалани ҳал этиш соҳасидаги

эришилган муваффақиятларни кўкка кўтариб мақтайвериш бу соҳадаги нафақат мавжуд муаммоларни, худди шунингдек, собиқ СССРда тоталитар социалистик жамиятни қуриш йилларида янги муаммоларнинг ҳам юзага келишига сабаб бўлган эди. Бу муаммолар тузум зўравонлиги, миллатни «ривожлантириш» борасида олиб борилган маккорона сиёсат оқибатида юзага чиқа олмаган эди. Аммо бу зимдан жамият ичидаги зиддиятларни кучайтириб боришига ўзининг салмоқли таъсирини ўтказиб, унинг ҳолатини тезлаштирган эди. Худди мана шунинг учун ҳам мустақиллик шароитида миллатларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлишига сабаб бўлувчи руҳиятнинг пайдо бўлиши ва унинг кучайиб боришига ёрдам берадиган илдизларни аниқлаб уларни чуқур таҳлил қилиш ҳар қандай кўпмиллатли мамлакат учун сув билан ҳаводек зарурдир. Шунинг учун ҳам мамлакатлараро муносабатларда ва кўп миллатли айрим олинган мамлакат доирасида ҳам у ёки бу миллатнинг манфаатларига зид келувчи хатти-ҳаракатлар ёхуд турли салбий омиллар юзага келишнинг олдини олишга хизмат қилувчи концепцияларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш долзарб вазифа сифатида ўзининг аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Бу масаланинг долзарблиги собиқ тоталитар совет тузумининг барбод бўлиши, унинг ўрнида собиқ иттифоқдош республикаларнинг мустақил давлат сифатида вужудга келган бугунги кунида айнақса, янада ошиб бормоқда. Чунки бугун ҳам собиқ иттифоқни қўмсаб, қандай бўлмасин уни тиклаш ниятидан қайтмаётган аламзадалар борлиги ҳеч ким учун янгилик эмас. Улар бугунги мустақил давлатларда яшаётган ўз миллатдошлари омилини ишга солиш муттаҳамлик йўлидан боришдек ниятларидан қайтмаётирлар.

Ана шу йўлда уларнинг айримлари шўролар давлатининг миллатларни ўзига итоат қилдиришнинг эски услубларини янги вужудга келган вазиятда ҳам қўллашга шай бўлиб турибдилар. Агар улар шўролар даврида собиқ иттифоқдош республикалардаги миллатларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишларини миллатчилик деб, уларни назарий ва жисмонан йўқ қилишган бўлсалар, бугун улар мустақил давлатларда русийзабон халқларнинг ҳуқуқлари поймол этилмоқда, шовинизм кучаймоқда, деган бўҳтонларни уюштириш йўли билан мустақил давлатлардаги мавжуд барқарорликни бузиб, яна уларни бир давлатга бирлаштиришлари учун ёрдам сўраб боришларини хоҳламоқдалар. Бундай ниятларнинг заминида эса яна собиқ иттифоқни тиклаш ва улардаги миллатларни ўзларига қарам қилиш каби қабиҳ мақсадлар турибди.

Шу маънода ҳам «миллатчилик» ва «шовинизм» каби тушунча-

ларнинг моҳияти нима, унинг илдишлари қаерда ва улардан фойдаланиш миллатлар ҳаётида қандай рол ўйнайди каби масалаларнинг моҳият-мазмунини тушуниб етишимиз зарур бўлади. Бу ўз навбатида миллатлараро муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган нохуш жараёнларнинг олдини олиш имконини беради.

«Миллатчилик» тушунчаси ва унинг пайдо бўлиш сабаблари собиқ совет даврида жуда мукамал ўрганилиб ва таҳлил этиб келинган эди. Бу масала ҳам миллий ривожланиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларга ўхшаб собиқ марказ олимларининг монополиясига айланиб, фақат уларнинг ғоялари охирги ҳақиқат сифатида миллий республикалар томонидан қабул қилиниб келинган эди. Шу маънода ҳам «миллатчилик» тушунчаси ва унинг шаклланиш ўрганиш бўйича ўз даврининг йирик мутахассислари фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир. Россиялик олим Э.А. Баграмов миллатчилик тушунчасига таъриф бериб, шундай ёзади: «Миллатчилик бу бир миллат бошқа миллатдан афзал кўриладиган психология ва идеология, дунёқараш ва сиёсат бўлиб, ўз миллатини улуғлаш, миллий низоларни авж олдириш, эксплуататорлар синфи манфаатларини акс эттирувчи иллатдир».¹⁵

М.С. Жунусов: «Миллатчилик бу – фақат миллий муносабатлар соҳасидаги буржуазия идеологияси ва сиёсатигина бўлиб қолмай, балки унинг миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасини белгилаб берадиган социал-психологик кўрсатмаси ҳамдир»¹⁶, деб ёзган бўлса, С.Т. Калтахчян «Миллатчилик – бир миллатни бошқасидан афзал кўриш руҳияти (психологияси) ва мафкураси, дунёқараш ва сиёсатидир, ўз миллатини улуғлаш, миллий низони ва ирқий адоватни авж олдириш»¹⁷ деб кўрсатади. М.В. Иордан буржуа миллатчилигига қуйидагича таъриф беради: «Буржуа миллатчилиги бу – ижтимоий кучларни синфий белгилар бўйича ажратадиган шундай бир миллий маҳдудлик сиёсатики, у ушбу кучларни миллий белгиларга қараб ажратиш сиёсати билан маҳкам боғлиқ бўлади».¹⁸

А. Турсунов: «Миллатчилик – кўп қиррали ва кўп қиёфали ҳодисадир. Бироқ конкрет тарзда ҳар қанча ранг-баранг кўринишда намоён бўлишига қарамасдан, барибир у муайян бир мантиқий белгига эгадир. Бу белги миллий алоҳидалик даъво қилиш ва шундан келиб чиққан ҳолда мазкур бошқа миллатлардан устун қилиб, уларга қарши қўйишдир»¹⁹ деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, турли муаллифларнинг юқорида келтирилган фикрларини жамлаб уларни қуйидаги йўналишлар бўйича шартли равишда гуруҳларга ажратиб чиқиш мумкин: биринчидан, миллатчилик мафкура, психология, дунёқараш, сиёсат сифатида қараб чи-

қилади (Э.А. Баграмов, С.Т. Калтахчян ва А.И. Хмара); иккинчидан, миллатчиликнинг юқорида кўрсатиб ўтилган таърифига яна ижтимоий-психологик кўрсаткичи ҳам қўшилади (М.С. Жунусов), учинчидан, кучларни синфий белгиларга қараб ажратиб миллий маҳдудлик белгиси кўрсатиб ўтилади (М.В. Иордан), тўртинчидан, миллий алоҳидалик устунлик даъво қилинади (А. Турсунов).

«Миллатчилик»нинг шаклланиш жараёни, унинг манбалари ҳамда уларнинг пайдо бўлиш шакллари Э.А. Баграмов, Г.Е. Глезерман, М.С. Жунусов, М.В. Иордан, С.Т. Калтахчян, А.И. Хмара, Н.З. Ярошук ва бошқа собиқ марказдаги олимлар томонидан ўрганилган эди.

Бу муаллифларнинг фикрича, миллатчиликнинг сиёсат, идеология, психология ва дунёқараш сифатида юзага келиши эксплуататорлар синфининг хусусий мулкчилик манфаатларининг пайдо бўлиши билан боғлангандир. Хусусан, Г.Е. Глезерман «Миллатчилик хусусий мулкчиликнинг ижтимоий асосида юзага келади ва ўз миллатининг бошқа миллатлардан ўта сезиларли равишда ажратиб қўйилганлиги билангина характерланмайди. Хукмрон синфларнинг ўз миллатини барча ижобий сифатларнинг бирлашмаси деб қарашга интилиш, унинг бошқа миллатлардан устун эканлигини ифода этиши «бегона»ларга душманлик муносабатида бўлиши, миллий эгоизм – булар миллатчилик руҳининг айрим характерли белгиларини намоён бўлишидир»,²⁰ деб ёзади. М.С. Жунусов «миллатчилик хусусий мулк бор жойда бир миллатнинг иккинчиси устидан зўравонлик қилиши мавжуд жойда шак-шубҳасиз юзага келади»²¹, деб ёзади. С.Т. Калтахчяннинг фикрича, «капиталнинг ягона миллий бозорнинг яратилишига, мамлакатнинг ўз ички иш кучларини монопол эксплуатация қилинишига, кейинчалик эса бошқа халқларни мазлум қилишга, уларнинг бойликларини талон-тарож қилинишига интилиши буржуа миллатчилиги ва космополитизмни юзага келтиради».²² Н.И. Хмара миллатчиликнинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилган ҳолда «миллатчиликнинг пайдо бўлиши у ёки бу мамлакат буржуазиясининг ягона миллий бозорини яратишга, ўзга ерлик буржуазияни ундан йўқотишга, шунингдек, хом-ашё манбаларидан монопол фойдаланиш учун курашга интилиши туфайлидир. Миллий буржуазия, ўзга ерлик бўлган чет эл тижоратчилари ва савдогарларини сиқиб чиқара бориб, хорижий барча нарсаларга, шу жумладан, бошқа мамлакатдаги халқларга ўз миллий туйғусини сингдириб боради»²³, деб ёзади. М.В. Иордан, миллатчиликнинг реакция моҳиятини очиб берар экан, шу билан бирга таъкидлаб ўтади: «... миллатчилик миллий-озодлик курашининг шу курашнинг иқтисодий жиҳатини киритган ҳолда ифодаланиши бўлиб қолар экан,

шунгача у ўзининг нисбатан прогрессив аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Лекин у социал-синфий табақаланишнинг чуқурлашиб боришига қарши норозиликни ифодалаган идеологияга айланган заҳоти, ўзининг ҳужумкор тараққиётини муттассил равишда, албатта ошириб бориб, у реакцион идеологияга айланади».²⁴

М.С. Жунусов миллатчиликнинг моҳиятини таърифлар экан, унинг синфий табиатини ва тарихий шаклларини очиб беришга асосий эътиборни қаратади. У «Миллатчиликнинг таъсири мезони бўлиб миллат қиладиган нарса унинг синфий табиати ва тарихан намоён бўлиш шакллари дир. Башарти миллатчиликнинг ташувчиси ҳисобланган синфлар назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда миллатчиликнинг қуйидаги уч гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1. Қулдорлар ва феодаллар миллатчилигини. 2. Майда буржуа миллатчилиги. 3. Буржуа миллатчилиги».²⁵

Москвада чиқарилган ва ўзбек тилига таржима қилинган қисқача сиёсий луғатда «миллатчилик – миллатлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги масала бўйича буржуа идеологияси, сиёсати ва психологияси миллатчилик учун бир «олий» табиатнинг ўзи «танлаб олган» миллатнинг бошқа «паст, тўлақонли бўлмаган» миллатдан устунлик ғояси билан характерланади. Миллатчилик пайдо бўлиши капитализмнинг туғилиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик миллатчиликнинг иқтисодий асосидир, миллий антагонизмларнинг бир миллатнинг иккинчи миллат устидан ҳукмронлигига ва зулмининг манбаи бўлиб хизмат қилади»²⁶ деб кўрсатилган.

Бундан кўриниб турибдики, адабиётларда бир томондан, капитализм шароитида миллатчиликнинг пайдо бўлиш сабаблари таҳлил этилса, иккинчи томондан, унинг синфий табиати ҳамда ҳар бир тарихий шаклининг хусусиятлари (М.С. Жунусов) таҳлил қилиб берилади.

«Миллатчилик» тушунчаси унинг капитализм шароитида пайдо бўлиш сабабларига ўзимизнинг муносабатимизни билдиришдан олдин, собиқ СССР шароитида унинг шаклланиши тўғрисида бир қатор олимлар томонидан билдирилган фикрларни келтирамиз. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, капиталистик жамиятда фақат миллатчиликнинг пайдо бўлишини таҳлил қилиш муҳим бўлибгина қолмай, шу билан бирга собиқ социализм тузуми шароитидаги «миллатчилик»нинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиш ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз. Маълумки, Сталинча қатағон йилларида ва турғунлик даврида миллатчилик фақат капитализм сарқити си-

фатида мавжуд бўлади, деб кўрсатиб келинди.

Бироқ жамиятимиз тараққиёт тарихи шуни кўрсатдики, барча миллатлар ва элатлар бир текис ривожлана олмайди, ҳар доим уларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммолари мавжуд бўлади, чунки миллатнинг ривожланиши унинг эҳтиёжларининг ҳам ўсиб боришига олиб келаверади. У ҳолда шундай савол туғилади: бинобарин, фақат иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг мавжудлигини миллатчилик келтириб чиқарар эканда? Бу хусусда А.Ф. Дашдамиров шундай ёзади: «Миллатчилик ўз ечимини топа олмаган зиддиятлар бор жойда миллий худбинлик ҳеч қандай тўсиқларсиз ривожланиб зарба берилмаган, зиддиятга – ўзига қарши кучларга дуч келмаган жойда пайдо бўлади»²⁷. А. Турсунов «социализм шароитида миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида йўл қўйилган хатолар бузилган шаклда жонланиб, эски миллий гиналарга айланиб кетиши ва кейинчалик «мудофаа» тарзидаги (баъзи жойларда эса ҳужумкор шаклдаги) миллатчиликка айланиб кетиши учун тегишли замин ҳозирлайди»²⁸ деб ҳисоблайди. Э.А. Баграмов, Ж.Г. Голотвин, Э.А. Тадевосянлар миллатчилик намоён бўлиши сабабларини икки – объектив ва субъектив гуруҳларга ажратадилар. Улар иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ривожланиш етарли, бир текис эмаслигини ҳамда айрим минтақалардаги халқларнинг социализмга ўтишининг ўзига хос шарт-шароитлари ва бошқаларни объектив сабаблар гуруҳига киритадилар. Улар айрим ходимлар фаолиятида йўл қўйилган турли хил хатоларни, миллий сиёсатда ленинча принциплардан чекиниш ҳолларини субъектив сабаблар гуруҳига киритадилар.²⁹

Бундай нуқтаи назар объектив ва субъектив қарашлар диалектикасини рад этади. Юқорида айтилган фикрларнинг маъноси шундан иборатки, бунда бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик тизими томонидан йўл қўйилган барча «гуноҳлар» (жиноятлар ва хатолар) айрим шахсларга тўнгалди ва объектив сабабларни субъектив сабабларга, умумий айбларни хусусий айбларга айлантиришга ҳаракат қилинади. Масалан, нима учун иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги нотекис ривожланиш объектив омил (сабаб) бўлиши керак? Албатта, бу ҳол фактга айланганидан кейин биз яшаб турган реалликка айлангандан сўнг, уни шундай деб атаймиз? Лекин уни бу объектив сабаб деб айтиш демак, ушбу масалани ҳал қилмаслик деган сўз бўлади. Уни аксинча, фақат шундай йўл билан ҳал қилиш мумкинки, бунинг учун биринчидан, собиқ совет ҳокимияти йилларида бизга ўтмишдан мерос бўлиб келаётган ана шу нотекисликни енгиб ўтиш мумкин эдими? Бунга имконият бормиди, деган масалани ўрганиб чиқиш лозим. Иккинчидан, бунинг учун барча зарур

ишлар қилинган эдими ва ниҳоят, учинчидан, бир қатор субъектив сабаблар (хусусан, бизнинг минтақада пахта яккаҳоқимлигини ривожлантиришга мўлжалланган ва минтақада саноат ривожланиши зарурияти ҳисобга олинмаган сиёсат ўтказилиши ва ҳоказолар ўша илгари нотекисликни энди ялпи «ривожланган» социализм шароитида қайтадан тикланишига хизмат қилмадимикан, деган масалаларни ўрганиб чиқиш керак. Шундай таҳлилнинг кўрсатишича, мана шу объектив сабабнинг ўзи ўша субъектив сабаб таъсирининг оқибати, маъмурий буйруқбозлик тизимининг, идоравий зўронликнинг натижасидир, деган фикр келиб чиқади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, россиялик Ю.В. Бромлей, тожикистонлик файласуф А. Турсуновнинг социализм шароитида «Мудофаа» миллатчилиги мавжуд бўлиши хусусидаги фикрига танқидий муносабатда бўлади.³⁰

Хўш, муаллифларнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиқадиган бўлсак, собиқ совет тузуми шароитидаги миллатчилик капитализм даврида мавжуд бўлган миллатчиликнинг бевосита давоми ҳисобланадими ёхуд у янги бир шаклда туғилиб келаётган миллатчиликми?

Аслини олганда, «миллатчилик» тушунчасига муаллифлар томонидан берилган таърифларни ёки унинг келиб чиқиши тўғрисидаги таҳлил қилинадиган бўлса, собиқ совет тузумини сақлаб қолиш мақсадида тўлақонли бўлмаган миллатларни итоатда ушлаб туриш ва уларни бирлаштириш ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида чиқарилган назариялардан бошқа нарса эмас.

Агар бир мамлакат доирасида яшаб туриб, ўзи билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожланиши учун катта имкониятга эга бўлиб турган шароитда худди ана шундай имкониятни ўз миллати учун яратилишини талаб қилган ёки унинг учун курашган миллат ёки унинг вакилини миллатчи дейишимиз керакми? Бу назариянинг ғайри илмийлиги яна шундаки, «миллатчилик» собиқ СССРда руслардан бошқа барча миллатларга нисбатан қўлланилиб келинган. Ёки миллатчиликни халқларнинг феодализмдан охиригача «ўтмаганлиги», «капитализм» босқичини босиб «ўтмаганлиги» ва буржуа жамиятининг «иллати» сифатида талқин қилиниб келинганлигини юқорида келтирилган фикрлардан кўриб ўтдик.

«Миллатчилик»нинг бир формаси собиқ совет олимлари томонидан собиқ империалистик давлатларнинг олиб борган сиёсатига нисбатан қўлланилиб келинган. Хўш, собиқ шўролар тузуми даврида «шовинизм»нинг моҳияти қандай талқин қилинган эди? Юқори-

да айтилган сиёсий луғатда, «Шовинизм – буржуа миллатчилигининг ўта реакцион формаси. Шовинизм сиёсати бошқа миллат ва халқларга нафрат ва душманликни авж олдиришга қаратилган.

Шовинизм гўё тўлақонли бўлмаган бошқа миллатлар ва ирқлар устидан ҳукмронлик қилишга даъват этилган бир миллатнинг алоҳидалигини («мумтозлигини») тарғиб этишда (шунингдек миллатчилик, ирқчилик) тараннум этилган.

Давлатда етакчи (давлат мавқеига эга бўлган ўз миллатини) «олий» миллат деб эълон қилган миллат ҳукмрон эксплуататор синфларнинг идеологияси ва сиёсати бўлган буюк давлатчилик шовинизми, шовинизм ва миллатчиликнинг бир туридир. Буюк давлатчилик шовинизми буржуа миллатлари, миллий ва кўп миллатли давлатлар ҳамда мустамлака империялари ташкил топаётган даврда вужудга келди. Буржуа ҳукмрон «буюк» миллатлар сиёсати бошқа миллат ва элатларни асоратга солишга ва эксплуатация қилишга, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда уларни камситишга қаратилган».³¹

Бу таърифга биноан шовинизм миллатлараро муносабатлар ёки ривожланиш даражалари турлича бўлган мамлакатлар фаолиятида «буюк» миллат ёки «буюк» давлатлар кўринишида намоён бўлаган сиёсий ва мафкуравий куч ҳисобланади. Юқорида келтирилган муаллифларнинг асарларида «миллатчилик» ва «шовинизм» мазмунан бир-бирига яқин бўлган тушунча сифатида талқин этилади.

Собиқ совет тузуми даврида бу иккала тушунча кам ривожланган мамлакатларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларига нисбатан қўлланиб келинган эди. Ўша пайтдаги адабиётларда собиқ КПСС ва совет ҳукумати ҳужжатларида собиқ иттифоқдош республикаларда яшаган ўз миллати томонидан миллий манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш борасида олиб борилган ҳаракатлари у ерда яшаётган «келгинди» миллатларга нисбатан «шовинизм» ҳамда «Марказга нисбатан» эса «миллатчилик» деб баҳоланиб келинган. Агар ўша пайтда эълон қилинган адабиётлар ва турли ҳужжатлар синчикланиб ўрганилаган бўлса, «миллатчилик» ва «шовинизм» фақат иттифоқдош республикаларнинг туб миллати (ўз миллати) томонидан содир этилади ва шунинг учун ҳам байналминал тарбияни республикаларнинг ана шу туб миллатига қаратиш лозим бўлади, деган концепциялар илгари сурилган ва амалга оширилган.

Собиқ иттифоқдош республикаларнинг ўз миллатини (туб миллатни) «шовинизм» ва «миллатчилик»да айблаш давлат сиёсати даражасигача кўтарилиб, уларни марказга итоатда бўлишни таъминланишнинг ўз миллий маданиятларидан маҳрум этилишининг ва рус

маданиятини «ўзлаштиришга» мажбур этишнинг қудратли воситаси сифатида фойдаланиб келинган эди. Аслини олганда собиқ ягона мамлакат доирасида миллий республикаларнинг туб миллатларнинг (ўз миллатининг) «шовинизм» ёки «миллатчилик» ғояларини кўтариб чиқишлари учун имконият йўқ эди. Чунки республикаларга турли баҳоналар билан марказдан русийзабон халқларни кўчириб келиш йўли билан байналминаллаштиришнинг амалга оширилиши, колхозлар ёки совхозларнинг биринчи ёки иккинчи раҳбарларидан тортиб то республиканинг биринчи ёки иккинчи раҳбарларининг русийзабон халқлар (аксарият ҳолларда рус бўлиш) вакиллари бўлиши шарт қилиб қўйилганлиги, маҳаллий миллат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйилишига мажбур этилганлиги ва ниҳоят республикаларнинг маҳаллий миллати ичида чиққан «фидоий байналминалчи»лар (аслида ўз манфаати учун миллати ва ватанини сотувчи марказнинг айғоқчилари) республикаларда чиқиб турадиган «шовинистлар» ва «миллатчилар» ҳақида тегишли идораларга хабарлар бериб турар эдилар.

Ана шу маълумотларга биноан маҳаллий миллатпарварлар эгаллаб турган мансаблардан бўшатиш ва кўпчилик ҳолларда улар бўйнига турли айблар қўйилиб қамаб юборилган ёки жисмонан йўқ қилиб юборилган. Шу тариқа «миллатчилик» русийзабон миллат вакиллариининг игтифоқдош республикалар халқларини (миллатини) ўзларига итоатда ушлаб туриш воситасига айлантирилган эди.

«Миллатчилик» тушунчасига мустақиллик йилларида республикамизда эълон қилинган бир қатор луғатлар ва илмий мақолаларда ҳам таърифлар берилиб келинмоқда ҳамда унинг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Аммо ҳали бу тушунча тўғрисида охириги тўхтамга келинганича йўқ. Жумладан, бу сўзга «Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат»ида қуйидагича таъриф берилган: «Миллатчилик – капитализм даврида жаҳоннинг мустамлакалар ва метрополиялар, қолоқ ўлкалар ва илғор давлатлар, озод халқлар ва мустабидлик исканжасидаги халқларга бўлиниб кетишига қарши курашувчи демократик, маърифатпарвар ҳамда инсонпарвар кучлардан фарқли ўлароқ бу зиддиятларни ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим».³² Фалсафа қомусий луғатида «Миллатчилик – маҳдудлик ва мумтозликни тарғиб ва ташвиқ қилишга асосланган, ўз миллатига чуқур ишонч ва ўзга миллатларга ишончсизлик руҳи билан йўғрилган назария ва амалиёт»³³ деб таъриф берилган бўлса, яна бир луғатда «Миллатчилик бошқа миллат кишилари манфаатлари, эҳтиёжларига беписандлик билан қараш, худ-

бинларча муносабатларни ифодаловчи ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти. **Миллатчилик – ўз миллати манфаатларини, эҳтиёжларини камситиш ёрдамида қондиришдир»³⁴**, деган фикрлар олға сурилади.

Келтирилган юқоридаги таърифлар ҳақида фикр юритганда шуни айтиш мумкинки, улардан бири иккинчисидан фарқ қилади ва айрим жиҳатлари билан улар ўртасида қарама-қаршилик ҳам мавжуд. Жумладан, бирида «сиёсий оқим», иккинчисида «назария ва амалиёт», учинчисида «tizim ва амалиёт» деган ғоялар илгари сурилган. Бу таърифларнинг миллатлар шаклланишининг индустриал жамияти даврига (иккинчисини) мос келишини эътироф этиш мумкин. Аммо уларнинг ҳар учаласи ҳам XX аср охири ва XXI асрнинг бугунги кунига жавоб бермайди. Чунки бугун «миллатчилик» сўзига берилган таърифларда кўрсатилаётган белгиларнинг аксарият кўпчилиги амалиётдан чиқиб кетган. Чунки собиқ шўро ҳукмронлиги «миллатчилик» марказнинг иттифоқдош республикалардаги маҳаллий миллатларни хоҳлаганча бошқаришнинг назарий ва амалий қуроли бўлган эди. Бугун «миллатчилик» янгича қиёфа ва мазмунга эга бўлиб, ўз миллатининг манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг «мен»лигини сақлаб қолиш омили сифатида намоён бўлмоқда. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, бугун «миллат»чиликнинг «миллатпарварликка» айланганлигини кўриш мумкин. Чунки глобаллашувнинг миллий маънавиятларни ичидан ва ташқарисидан емирилишига ўтказётган салбий таъсири кучаяётган шароитда миллатни ундан ҳимоя қилиш миллий тараққиёт олдида турган долзарб вазифага айланди. Бу ҳақда юқорида батафсил тўхталганимиз учун яна уни такрорлашга зарурат йўқ, деб ўйлаймиз. Агар жамият тараққиётининг индустриал босқичи миллатлараро муносабатларда юзага келган муаммоларни аксарият кўпчилик ҳолларда «миллат»чиликнинг намоён бўлиши сифатида юзага келтирган бўлса (унда ҳам бу тушунчани абсолют тўғри деб бўлмайди), глобаллашув бугун миллатчиликни миллатпарварликка олиб келди, дейиш мумкин. Шунинг билан бирга миллатчиликни фақат индустриал жамият даври билан боғлаб қўйиш ҳам тўғри бўлмаслигини таъкидлаш лозим бўлади. Масалан, собиқ шўроларнинг олиб борган миллат сиёсати «миллат»чиликнинг «шаклланишига» олиб келганлигини кўриб ўтган эдик.

Собиқ иттифоқдош республикаларнинг ўз миллатини ўзлигидан маҳрум қилиш ва улардан ягона дунёқарашни шакллаштиришга қаратилган «байналминал» тарбия ҳам русийзабон миллат ёки уларнинг республикаларда яшаётган вакилларига эмас, балки республикаларнинг ўз миллатига (туб аҳолига) мўлжалланган эди.

Марказ олиб борган миллий сиёсатнинг энг жирканч ва хатарли томони шунда бўлган эдики, гўё русийзабон халқлар қаерда яшашларидан қатъий назар уларнинг ҳаммаси байналминалчилар, иттифоқдош республикаларда яшовчи маҳаллий миллатлар «миллатчилар», шунинг учун ҳам қолган бошқа миллатлар шу тарбияга «муҳтож» бўлганларни ташкил қилувчилар деб ҳисобланар эди. Собиқ Марказнинг олиб борган бу сиёсати республикаларда маҳаллий миллатларнинг бирлигига путур етказиш, уларнинг миллий руҳиятининг қашшоқлашиб боришига олиб келган эди.

Бир томондан жамиятнинг нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жиҳатдан мавжуд бўлган барча ички имкониятлари тугаб бўлганлиги, иккинчи томондан эса собиқ иттифоқдош республикаларнинг миллий маънавиятларнинг қашшоқлашиб бориши собиқ тузум ва марказга нисбатан пинҳона қудратли куч тўплашига имконият яратган эди. Бу уларда «шовинизм» ва «миллатчилик» руҳиятидаги (ички руҳиятдан яшириниб ётган) кучнинг юзага чиқишига олиб келган эди.

Аслида шовинизм ва миллатчиликнинг илдизлари тўлақонли бўлмаган кам ривожланган мамлакатлар руҳиятининг маҳсули эмас, балки ривожланган миллатлар вакилларининг ўз миллати манфаатларини мамлакатда яшаётган ўзга миллатлардан устун қўйишга қаратилган давлатни идора қилиш сиёсатидир. Гарчанд бундай сиёсат қанча давр яшашидан қатъий назар охир оқибатда ҳалокатга учраши муқаррар бўлган бўлса ҳам у кўп миллатли давлатларда ҳар доим ҳам «буюк» миллатчилик руҳияти шаклланишига ва бу ўз навбатида давлатни ҳалокатга олиб келган.

Собиқ совет давлатида олиб борилган миллий сиёсатнинг асосий моҳиятини худди ана шу буюк миллатчиликни улуғлаш, республикаларнинг туб миллатини уларга итоаткор қилишни ташкил қилганлиги ҳам унинг ҳалокатини тезлаштирган эди. Совет давлатининг вужудга келиши жараёндан тортиб то унинг ҳалокатга учраганига қадар фақат миллий республикалардан чиққан миллатпарварларни қириш, улар онгига байналминалликни сингдириш давом эттирилди. Миллатпарварлар «миллатчилик»да, шовинистлар эса «байналминалчи» деб айбланганди.

Миллат ичидан чиққан миллатпарвар зиёлиларга турли тухматларни қўйиб, уларни қириб юбориш миллатнинг салоҳиятини заифлаштириш собиқ совет давлати сиёсатининг асосий йўналиши бўлганлигини қуйидаги аниқ маълумотлардан ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихини аниқ ҳужжатлар асосида ўрганган Ҳайдарали Узоқовнинг келтирган маълумот-

ларига қараганда, 1936 йил охири ва 1937 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан 5758 нафар зиёли – журналист, ёзувчи, педагог, давлат ва жамоат арбоблари, аслзодалар «аксилинқилобчи», «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, уларнинг 4811 таси отиб ташланди.

Биргина 1937 йилнинг ўзида қамоққа олинган 291 нафар зиёлидан 161 таси журналист ва ёзувчи, 40 таси савдо ва маданият ходимлари, қолганлари ўқитувчилар ва санъат ходимлари эди.

Шоир Боту 1929 йилда «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 7-сонида босилган «Тил луғати бойисун» деб аталувчи лингвистик мақоласида шундай ёзган эди: «Мактаблардаги таълим олаётган ўқувчиларимизга ажнабий сўзлар ўрнига кўра кўпроқ ўзимизнинг сўзларимизни ўргатайлик, янги сўзларни ўзимиздан қолдирайлик, зарур бўлса арабча, форсча сўзлардан чўчимайлик» деган фикрлари учун катағонлик гирдобига учраган эди.³⁵

Биргина 1937–1939 йилларнинг орасида ички ишлар ходимлари томонидан 6920 та зиёли қамоққа олинган ва отиб ташланган.³⁶

Собиқ марказ корчалонлари маҳаллий зиёлиларни жисмонан йўқ қилди, шунинг билан бирга унинг фарзандлари онгида ва қалбида миллий-маънавий, руҳий салоҳият шакланмаслигининг ўта жирканч воситаларидан фойдаланиб келди. Бу сиёсатнинг бошида турган КПСС ўзининг пинҳоний кўрсатмаларида миллий онг ривожланиши, миллатнинг ўзлигини англашга йўл қўймаслик учун ўта маккорлик билан иш олиб борганлиги собиқ КПССнинг қўйидаги ўта махфий ҳужжатида ўз ифодасини топган. Ундан парчалар келтирамиз:

Банд 27: Маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий бўёқ берилишига йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак.

Банд 35: Бошланғич ва ўрта мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томондан белгиланган кишиларни қўйиш керак.

Тарих дарсларида ўтмишдаги сиёсатдонлардан кимлар Ватан равнақи учун хизмат қилган ёки хизмат қилишга урунгани хақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшолар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади. Махсус мактабларда мутахассислик жуда чекланган ҳолда ўтилиши керак.

Банд 44: Иш жойларида етук мутахассислар ишдан олинишига ҳамда улар ўрнига чаламулла ва мулоҳазасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ даркор.

Банд 45: Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилиш-

га эришиш керакки, улар халқнинг оми қатлампидан бўлишсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин.³⁷

Бу келтирилган аниқ маълумотларни изоҳлашга ҳожат йўқ. Кўрииб турибдики, собиқ шўро давлати, унинг раҳбар ва етакчи кучи КПССнинг қайси даражада миллатимизга нисбатан ўтказиб келган зўравонлик сиёсатининг моҳияти, йўналиши ва олиб борган амалиётининг натижалари ҳеч қандай миллатчи бўлмаган халқларни ўз она юртидан ўзга юртларга зўравонлик билан кўчириб юбориш ва миллий манфаатларни қўрқитиш, ваҳима солиш йўли билан уларни итоатда ушлаб туриш собиқ шўролар олиб борган миллий сиёсатнинг бош мақсади бўлган. Буни зўравон Сталиннинг буйруғига биноан ўз она юртидан сургун қилиниб, Ўзбекистонда яшаб, унинг фарзандларига айланган ва собиқ шўро тузуми барбод бўлиши натижасида ўзининг она заминида яшаш бахтига муяссар бўлган Қрим татар ўғлони Февзи Ёқубов шундай ёзади: «Сургуннинг дастлабки йилларида 46 фоиз қрим татар ўлиб кетди. Ҳаммаси касалланди. Мен комендантлик режимини бузиб, рухсатсиз ўзимиз яшаётган Бувайда туманидан 14 километр узоқликдаги Қўқон шаҳрига ўқишга борганим учун 16 ёшли ўспирин чоғимда қамоқ азобини тортганман. 1966 йили номзодлик диссертациямни ёқлаш арафасида Қрим татар миллатчилигида айбланиб, Москвадан ҳайдаб чиқарилганман. Комсомолда ва партиядо ишлашимга қарамай, чет эл саёҳатида чиқишим учун менга ишонч билдирилмаган. Шундай оғир дамларда ҳамдард бўлган, қўллаб қувватлаган ўзбек дўстларим, мураббийларим туфайли тушкунликка тушмаганман. Бу фирром тўсиқларни енгиш учун ўзимда куч топганман».³⁸

Собиқ совет давлати сиёсатида миллий ривожланишга қарши олиб борилган тадбирлардан яна бири ислом динига қарши кураш эди. Унга қарши кураш зарурияти ислом динининг халқ дунёқарши ва маънавиятининг ажралмас қисми сифатида қабул қилинганлиги ҳамда унинг миллатни уюштирувчи омил даражасига кўтарилганлиги эди.

Ҳатто собиқ шўро давлатининг миллатларни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам марказ итоатида ушлаб туришга қаратилган сиёсати умрининг энг сўнгги пайтларида ҳам миллатларнинг ислом динига эътиқоди сусайган эмас эди. Ўша пайтда ҳам зўравонлик авж олишига қарамасдан дин билан боғлиқ бўлган турли расм-русмларни ўтказиш давом этиб келган.

Масалан, «туғилган кунидан бошлаб то ўлимига қадар ҳатто ундан кейин ҳам ўзбеклар, тожиклар, уларнинг яқин кишилари ва

қариндош-уруғлари тарихан таркиб топган, аниқ ишлаб чиқилган анъаналар, одатлар, расм-русмлар ҳамда байрамлар тизимига риюа қилиб яшайдилар. Башарти, бир маҳалла, гузарда яшайдиган оилани мисолга оладиган бўлсак, у ҳар йили 14 та исломий русмларни ва 22 та миллий-аралаш этник характердаги одатлар ва расм-русмларни, умуман олганда у ёки бу даражада исломдан холи бўлган удумларни амалга оширганлар».³⁹

Бу келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, миллий ва исломий туйғулар ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг маълум даражадаги барқарорлигини сақлаб келган. Зўравонлик авжига олган пайтларда пинҳоний равишда зимдан миллат бирлигининг ҳимоячиси, унинг манфаатлари ифодачиси сифатида ривожланиб келган.

Миллий ривожланиш жараёнлари собиқ марказни ҳар доим ҳам ваҳима ва хавотирланишига сабаб бўлиб келган. Чунки ўзлигини англаган миллатнинг ўзгаларга қарам бўлиб қолмаслигини ва ўз мустақиллиги учун кураши муқаррарлигини улар билар эди. Шунинг учун ҳам миллатларни итоаткорликда ушлаб туришнинг турли йўллари излаш, «илмий» асослаш ва воситаларини топиш марказ олимлари зиммасига юклатилган асосий вазифа эди.

Бу вазифа аввал назарий жиҳатдан ишлаб чиқилар, кейинчалик эса амалиётчилар уни реал ҳаётга тадбиқ қилар эдилар. Собиқ совет тузуми шароитида у Сталинчилик ва турғунлик йилларида миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор ва бошқа миллий ҳис-туйғуларнинг ҳар қандай шаклда ифода этилиши, бу масалаларни ўртага қўйиб муҳокама қилиб ва миллий манфаатларни ҳимоя этишнинг ҳар қандай кўринишига миллатчилик тамғаси босилар ва қаттиқ таъқиб остига олинар эди. Бунинг устига мана шу тамғадан фойдаланиб, одамлардан шахсан ўч олинар, яъни бу тамғани важ қилиб ҳар бир миллий маданиятга қарши террор воситаси билан курашиб уни йўқ қилишга ҳаракат қилинар эди. Бу бир томондан миллатчилик тушунчаси нима эканлигини одамларга кенгроқ тушунтиришга уриниш бўлса ва бу билан кўп жиҳатдан миллатчиликнинг туғилишига сабаб бўлса, бошқа бир томондан миллий манфаатларни англаш ва миллий маданиятни ривожлантиришга интилиш ҳис-туйғуларининг миллатчиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу миллатчилик эмас, балки миллатнинг «мен»лигини кўрсатувчи тушунча бўлиб, миллатнинг мавжудлигини ва унинг маданиятига хос бўлган миллий характернинг, миллат турмуш шаклининг табиий равишда намоён бўлишидир. Мана шу икки хил тушунчани атайлаб аралаштириб юбориб, сунъий равишда миллатчиликни келтириб чиқаришнинг ва миллатчилик туйғуларини авж олдиришда фойдаланилган.

Шу йўл билан бундай миллатчиликка қарши кураш, яъни миллий маданиятга ва унинг тараққиётига қарши кураш авж олиб бораверади. Қолаверса, миллатлар ўзаро муносабатлар, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиши асосида энг аввало уларнинг объектив равишда юзага келтирган (иқтисодиёт, ижтимоий тараққиёт, сиёсат ва ҳоказо соҳаларидаги) зиддиятларни кўриш керак.

Бу ерда принципаал масалалар ҳам айна ана шундан иборат бўлиб, улар ҳозирги замон шароитида миллий ҳаракатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий сабаблари нималардан иборат эканлигини ҳамда нима сабабдан улар миллатчилик кайфиятлари ва ҳаракатларини туғдириб, миллатлараро низоларга, тўқнашувларга, зиддиятларга айланиб миллатчиликнинг пайдо бўлиши ва кучайиб кетиши билан боғлиқ бўлишини ифода этади.

Тоталитар давлат амалиётида ҳар бир халққа, унинг ривожланишига эътибор берилмаганлиги ҳар бир миллатда норозилик туғилишига, ҳар бир миллат бошқа миллат ҳаётини ва унинг муаммоларини яхши билмаган ҳолда ундан кўра ўзини камситилган ҳолда сезиш сингари ҳис-туйғуларга айланиб кетди. Айниқса, бу шўро ҳукмронлигининг охириги даврида яққол кўзга ташланиб келган эди. Бунга конкрет мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаги аҳвол мураккаблашиб кетган эди. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, аҳолисининг сони жиҳатдан собиқ СССРда учинчи ўринда турадиган республика чакана товар айланмаси ҳажми бўйича ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича 13-ўринда турган. Ўзбекистонда тоза ичимлик суви билан марказий усулда шаҳар аҳолисининг 73 фоизи ва қишлоқ аҳолисининг 51 фоизи таъминланган. Қишлоқ жойларда яшовчи 3,5 миллион аҳоли ариқдан сув ичиб келган эди. Ҳолбуки, сувдан пестицид заҳарли модда миқдори 2,17 фоизни ташкил этган, бу эса сурункали заҳарланиш ҳолларига олиб келган. Натижада ҳар йили 30 мингдан кўпроқ бола бир ёшга тўлмай ўлиб кетган. Мана шу аянчли кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунё статистикасида Парагвай ва Таиландан кейинги ўринда турган. Мана шу хавфли омилларни тадқиқ этиш натижасида олинган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, қишлоқ жойларда яшайдиган оилалардаги болалар озиб-тўзиб касалманд бўлиб қолишига худди ана шу заҳарланган ариқ сувлардан ичишлари сабаб бўлган. Худди ана шу пайтда республика мактабгача таълим муассасаларининг 37 фоизга яқини водопровод ва канализацияга эга эмас эди. Ҳатто 1987 йилда Ўзбекистонда ҳар бир 10 минг аҳолига шифоналарда 118,7 ўрин тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич собиқ умумиттифоқ кўрсаткичидан 130,1 фоиз паст эди. Хоразм вилоятидаги

тери-таносил касалликлари диспансери Хива хонлигидаги собиқ бойлардан бирининг қайта жиҳозланган отхонасида фаолият кўрсатиб келди. 1989 йилда Ўзбекистон ҳудудида 3,6 миллиард сўмлик (ўша даврдаги пул бирлиги ҳисобида) озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинган, бу кўрсаткич бундан аввалги йилдан 1,6 фоиз камроқдир, республика колхоз бозорларида нарх-навонинг кўтарилиши давом этиб келди. 1988 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари бозор баҳоси ўрта ҳисобда 8 фоиз, гўштнинг нархи 5,5 фоиз, картошка 22 фоиз, ҳўл мева баҳоси 14 фоизга ортди. Республиканинг бошқа вилоятларида бўлгани сингари Фарғона водийсида ҳам иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик соҳаларда ғоят мураккаб вазият вужудга келди. Мана шуларнинг натижаси ўлароқ, улар Фарғона вилоятида содир бўлган (1989) фожиаларида ўз аксини топди. Фарғона воқеалари фақат экстремистларнинг иши бўлмай, балки унинг илдизлари анча чуқурроқ бўлган эди. Шу муносабат билан «Ферганская правда» газетаси саҳифаларида айтилган қўйидаги фикрларга қўшилмасдан бўлмайди: «Бу ерда фақат айрим безори элементларгина ҳаракат қилган эмас. Бу воқеалар аллақандай кучлар томонидан аллақачон тузиб қўйилган кенг миқёсдаги яхшигина режа асосида мўлжалланган ҳамда моҳирлик билан амалга оширилган сиёсий тадбир учун фойдаланган. Бундан мақсад асосан, фақат Фарғона вилоятидаги вазиятни эмас, балки бутун республикадаги аҳволни беқарор қилишга қаратилган эди»⁴⁰. Бундан ташқари, бўлиб ўтган воқеалар албатта ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида собиқ марказ томонидан йўл қўйилган қўпол хатолар билан ҳам боғлиқ эди.

Фарғона фожиасининг миллий характерини Ш. Абдуллаев ижтимоий ҳаётнинг мажмуини ташкил қилувчи, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, мафкуравий муносабатлар ва жараёнлар характери билан боғлайди.⁴¹

Тўғри, ҳали илмий адабиётларимизда Фарғона, Наманган, Ўш, Паркент ва бошқа жойларда собиқ СССР парчаланиш арафасида содир бўлган миллатлараро муносабатлардаги юзага келган фожеаларнинг сиёсий жиҳатлари етарли даражада ўрганилганича йўқ. 90-йилларда бу воқеаларга билдирилган турли фикрларда ҳам воқеанинг моҳиятини адолат юзасидан очишдан кўра уни юмшоқроқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилиш устувор бўлиб қолган эди.

Аслини олганда, Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида ва бошқа ҳудудларида бўлиб ўтган фожиалар Россиянинг Марказий Осиёни босиб олишдан бошланиб, собиқ совет тузуми шароитида марказ томонидан Ўзбекистонни чинакам байналминал республикага ай-

лантиришга қаратган сиёсатининг инъикоси эди. Тўғри, бу фожианинг содир бўлишида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа сабаблар ҳам катта роль ўйнайди. Уларни ҳам собиқ марказ юзага келтиришини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Лекин бу фожа юзага келишининг бир томони эди. Унинг иккинчи томони эса Ўзбекистонга зўравонлик билан кўчирилиб келтирилган турли миллат ва элат вакилларининг тузумнинг инқирозга учраши оқибатида янги вазият шароитида ўз аجدодлари яшаган она Ватанларига қайтиб боришларига бўлган зимдан тўпланиб келган интилишларининг, хоҳишларининг юзага чиқиши ҳам катта роль ўйнаган эди.

Хусусан, Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон Россия империяси шароитида унинг жиноятчилари учун қamoқхоналар ва лагерларига айлантирилган бўлса, совет тузуми шароитида ўз она юрларидан зўравонлик билан кўчириб юборилган халқларнинг заминига айлантирилган эди. Бу ерга корейслар, озарбайжонлар, болгарлар, Қрим татарлар, месхетиялик турклар, Волга бўйи немислари, курдлар, чеченлар ва бошқа бир қатор халқлар кўчириб юборилган эди. Бундан ташқари, Иккинчи Жаҳон уруши даврида Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа республикалардан кўплаб одамлар кўчириб келтирилган эди.

Ана шу халқларнинг кўпчилиги вужудга келган шароитда ўз она заминларига интилиши кучайиб кетди. Буни месхетиялик турк Ибрагим Сафаровнинг қуйидаги фикрларидан яққол билиш мумкин. У шундай ёзади: «Фарғона фожиаси содир бўлмагунича туркларнинг ҳаёти билан ҳеч ким қизиқмади. Ҳатто кўпчилик совет иттифоқида шундай халқ яшашини ҳам билишмас эди. Сталин ва унинг издошлари 1944 йил ноябрининг бир кечасида 115 минг кишини ўз она еридан кўчириб юбордилар. Поезд эшелони шарққа томон йўл олди, йўлда турли касаллик ва эпидемиядан 17 минг киши ҳалок бўлди. Бизни маҳаллий аҳоли – ўзбеклар, қozoқлар, қирғизлар кутиб олдилар. Халқимиз маҳаллий аҳоли билан қисқа вақт ичида алоқа боғлаб кетишди. Орадан 45 йил ўтди. Лекин биз она Ватанимизни эсдан чиқармадик, биз у ерга қайтишни орзу қилиб яшадик ва ҳукуматдан тарихий ватанимизга қайтишни талаб қилдик».⁴² Бу келтирилган фикрни изоҳлашга ҳожат йўқ. Миллат қайси жойда қанча йил яшашидан қатъи назар унинг ўз ватанига интилиши табиий ҳолат. Боз устига у зўравонлик билан кўчириб юборилган бўлса, унинг заминларига интилиши ўз хоҳиши билан кўчиб яшаганга қараганда минг чандон устун бўлади. Чунки миллат зўравонликка ҳеч қачон бефарқ қарамаган, унга қарши курашиб келган.

Фарғона водийсида содир бўлган фожиада ҳам турк миллатининг

ўз она Ватанига бориб яшашига ҳаракатини Марказ томонидан ўз қардошларига қарама-қарши қўйиш борасида олиб борган машъум сиёсати муҳим роль ўйнаганлигини кўришимиз мумкин.

Умуман, Фарғона водийсидаги фожиаларда ва Ўзбекистоннинг бошқа жойларида содир бўлган воқеаларда ҳам Марказ бирданига иккита мақсадни кўзлаган эди: биринчидан, бу ерга кўчириб келтирилган халқларнинг ўз ватанларига қайтиш истаги билан кўтарилишидан фойдаланиб, қардош ва қондош халқларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳамда шу йўл билан республикадаги барқарорликка барҳам бериб, уни яна Марказга миллатлараро муносабатларда содир бўлган муаммони ҳал қилиб бериш учун мажбур этиш бўлса, иккинчидан, республикадаги миллатчилардан тезроқ қутилиш баҳонасида унинг интеллектуал салоҳиятини (кўзга кўринган зиёлиларини ёшларини) қириб юбориш ва шу амалиёт билан ўзбек халқини миллий-маънавий, руҳий жиҳатдан «заифлаштириш» эди.

Бу тадбирларни амалга ошириш эса марказга яна ич-ичидан чириб, парчаланиб кетган собиқ тоталитар совет давлатининг умрини ҳеч бўлмаса бир неча йилга узайтириш имконини бериши мумкин эди. Боз устига бу вақтга келиб Болтиқ бўйи республикаларнинг мустақил бўлиб чиқиши аниқ бўлиб, яна бир қатор халқларнинг мустақиллик учун кураши очиқ юзага чиққан эди. Марказ ҳеч бўлмаса Марказий Осиёни қўлдан чиқармаслик учун жон жаҳди билан ҳаракат қилган эди.

Юқоридаги фикрларимизнинг хулосаси шуки, миллат ривожланишида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий омиллар «миллатчилик» нинг юзага келишида катта роль ўйнайди. Аммо улар ичида миллат ғурури ор-номуси, қадр-қиммати, ўзлигини ҳимоя қилишга интилиши «миллатчилик»нинг шаклланишида етакчи роль ўйнаб келади.

«Миллатчилик»нинг шаклланишига собиқ тоталитар тузумнинг миллатларнинг ўзига хос хусусиятларини йўқ қилиб юбориш, уларнинг тиллари ва маърифатлари ривожланишига қарши қаратилган сиёсати ҳам ўзининг таъсирини кўрсатиб борганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, таниқли этнограф С.И. Брукнинг ёзишича, 1926 йилги аҳоли рўйхатига кўра собиқ СССРда 194 та этник бирлик, 1954 йили 109, 1970 йилда 104, 1979 йилда 101 тага тушиб қолган. Кейинги маълумотлар бўйича, кичик этник гуруҳларнинг йirik миллатларга қўшилиб кетиши эвазига собиқ СССРда илмий нуқтаи назардан халқларнинг сони деярли икки бараварга камайиб кетган.

Агар 1940 йилда рус бўлмаган халқлар тилида собиқ иттифоқда чи-

қадиган китоблар ва брошюраларнинг 25,2 фоизини ташкил қилган бўлса, 1960 йилга келиб 18 фоиз, 1986 йилда 11 фоизни ташкил қилган.⁴³

Худди ана шундай аҳвол кундалик матбуот воситаларини чиқаришда ҳам амалга оширилган. Бундан ташқари, маҳаллий аҳолининг рус тилини билмаганлиги уларнинг саноат ишлаб чиқаришда қатнашишига салбий таъсир ўтказиб келган деб Марказнинг миллий республикаларига нисбатан камситиш сиёсати қўллаб келинган. Жумладан, рус олими В.Н. Кириченконинг фикрича Ўрта Осиё, Закавказье ва Молдавия шаҳарларида қурилган йирик ва мураккаб саноат корхоналари саноат меҳнати соҳасида малакали кишиларнинг етишмаслиги, ҳудудда аҳолининг силжиши унчалик кўп эмаслиги, туб аҳолининг рус тилини билмаслиги, ишчи кадрлар тайёрлаш тармоқлари ривожланмаслиги сабабли маҳаллий меҳнат ресурслари билан таъминлана олмайди.

Аслида саноатда миллий кадрларнинг етишмаслиги маҳаллий аҳолининг етишмаслиги, уларнинг силжишига (яъни бир жойдан иккинчи жойга юриши) ноқобиллигидан ёки истамаганлигидан ёки рус тилини билмаганлигидан эмас, балки бу бу сиёсат заминида ҳам собиқ иттифоқдош республикаларга Марказнинг русийзабон халқни кўчириб келтириш турар эди. Айниқса Марказ бир томондан Марказий Осиёга русийзабон халқни кўчирган бўлса, иккинчи томондан бу минтақа халқларини Россиянинг ноқоратурпоқ ерларини ўзлаштириш ва БАМ ни қуришга, яъни энг оғир ерларга юбориш тадбирларини ҳам удабуронлик билан амалга оширган эди. Албатта, бу сиёсатнинг тўла амалга ошуви Марказий Осиё, шу жумладан ўзбекларнинг ҳам келажак истиқболида тарқалиб кетишига бу заминда ўзгаларнинг ҳукмронлигини абадийлаштиришга олиб келиши мумкин эди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, миллатчиликнинг шаклланиши тасодифий ҳодиса эмас, балки собиқ Марказнинг иттифоқдош Республикаларининг туб аҳолисига ўтказган зўравонлик ва маккорона сиёсатнинг натижаси эди.

Шу пайтгача адабиётларда қўлланиб келинаётган «миллатчилик»нинг моҳиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, у ғайриилмий тушунчадир. Чунки ҳар қандай миллат у хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин агар у ўзининг ғурури, ор-номуси, обрў-эътиборини сақлаб қолиш, ўзлигини англашга интиладиган бўлса ёки миллий маданияти, кадриятлари, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириш учун ҳаракат қиладиган бўлса-ю унга ривожланган миллат ўзининг зўравонлигини ўтказиш учун турли йўллар билан қарши кураш олиб борадиган бўлса, ана шу курашга ўзининг норозили-

гини билдирадиган миллатни қандай қилиб «миллатчи» дейиш мумкин?

Собиқ иттифоқдош республикалардаги туб миллатларнинг ўз гурурларини топталишига, моддий ва маънавий бойликларининг талон-тарож қилинишига, тиллар қадриятлари, маданиятларининг камситилишига қарши кўтарилиши СССР парчаланишини тезлаштирди ва уларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритишга олиб келувчи қудратли куч бўлиб хизмат қилди.

Ана шу маънода ҳам республикамиздаги турли луғатларда ва илмий адабиётларда миллатчилик атамасига берилган таърифларни қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Айниқса, «миллатчилик» билан «миллатпарварлик»нинг мезонларини аниқлаш ва глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказаётган таҳдидидан келиб чиққан ҳолда уларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжининг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларга баҳо бериш тўғри бўлади.

Устоз олимларимиздан бири профессор Қ.Х. Хоназаровнинг «Биз ҳозирги тарғибот ва ташвиқот ишларимизда «миллатчи» сўзи инсонни улуғловчи, «миллатпараст» эса инсонни камситувчи сўз эканлигининг аниқ чегараларини белгилаб олишимиз керак», деб ёзади ва миллат тўғрисида фикр юритганда қуйидаги тўрт тушунчадан фойдаланиш ўринли бўлади, деб ҳисоблайди: «биринчидан, МИЛЛАТЧИ – миллатнинг оддий аъзоси, ўз меҳнати ва кундалик фаолияти билан ўз миллатининг ўсишига, ривожланишига ҳолисона хизмат қилувчи; иккинчидан, МИЛЛАТПАРВАР – ўз миллати манфаатлари, назарий ва амалий муаммолари билан шуғулланувчи, тенг ҳуқуқли миллатлар оиласида ўз миллати манфаатларини ҳолисона ва фаол ҳимоя қилувчи; учинчидан, МИЛЛАТПАРАСТ – миллат манфаатларини кўзлаб иш олиб боришда бир томонламаликка йўл қўйиб, ўз миллатини бошқа миллатлардан баланд тутувчи, ўз миллати фақат бошқа миллатлар билан бирга, бирдамликда ҳаёт кечириб, ривожлана олишини инobatга олмайдиган тор фикрловчи; тўртинчидан, фақат доирамиздан четда қолмаслиги керак бўлган гуруҳ – ўз миллатига менсимай, ҳаттоки манқуртлик билан муносабатда бўлувчи. Улар озчиликни ташкил қилади, шу сабабли ижтимоий қатлам сифатида шаклланмаганлиги учун умумлаштирадиган номга ҳам эга эмас.

Мустақиллик йилларида ўзбек миллати тўла тикланди, ўсди, улғайди, халқаро миқёсда танилди. Бир сўз билан айтганда, миллатчи ва миллатпарвар тушунчалари унинг дилига, қалбига жо бўлди».⁴⁴

Муаллиф томонидан миллатга нисбатан қўлланишга таклиф этилаётган фикрларга қўшилиш мумкин. Таклиф қилинаётган тушун-

чалар ҳақиқатан ҳам бугун миллий тараққиётда ўз ифодасини топмоқда. Шунинг билан бирга миллат ҳақида фикр юритганда шўролар ҳукмронлиги шароитида шакллантирилган шовинизмнинг у барбод бўлган бугунги кундаги янги кўринишда намоён бўлаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. «Шовинизм» тушунчаси ва унинг моҳияти тўғрисида юқорида батафсил фикр юритганлигимизни ҳисобга олиб, унинг бугунги кундаги хусусиятлари ҳақида тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, шовинизм бугун ниҳоятда агрессив тус олиб бормоқда. Бир қатор мамлакатларда турли миллатлар яшаётган шароитда титул миллатнинг ўзини бошқа миллатлардан устун қўйиши кучайиб бормоқда.

Иккинчидан, агар шўро ҳукмронлиги шароитида шовинизм ниқобланган ҳолатда намоён бўлган бўлса, бугун у очикдан-очик демократия байроғи остида намоён бўлмоқда.

Учинчидан, бугун бир қадар шовинизм ғояларини оммалаштиришда халқ орасида катта обрў ва эътиборга эга бўлган зиёлиларнинг бир қисми иштирок қилаётганлиги ҳам унинг бугун намоён бўлишининг янги хусусияти ҳисобланади.

Бундан ташқари, бундай ҳаракатларни гоҳида зимдан, гоҳида эса очикдан-очик айрим давлат арбоблари ва сиёсатчилари томонидан билса ҳам билмасликка олиниши ёки қўллаб-қувватланиши каби ҳолатларнинг юзага келаётганлиги ҳам бугунги шовинизмнинг намоён бўлиш хусусияти ҳисобланади.

Аслида, шовинизм кўп миллатлар яшайдиган мамлакатларда қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар мамлакатда парокандаликни вужудга келтирувчи, «титул» миллатнинг обрў-эътибори ва нуфузини туширувчи ғоя ва амалиёт ҳисобланади.

Турли луғатларда, шунингдек, кўпгина илмий адабиётларда шовинизмни миллатчилик билан ёнма-ён қўйиш анъанага айланган. Улар мазмунига баҳо беришда ҳам шундай муносабат давом этиб келмоқда. Агар юқорида илгари сураётган фикримиздан келиб чиқадиган бўлсак, бугун уларни ёнма-ён қўйиш ёки мазмунини баҳолашда ўзаро тенглаштириш ғайриилмий қараш ва амалиётда шовинизмнинг миллатлараро муносабатларда зиддиятларни келтириб чиқаришдаги кучи етарли баҳоланмаган бўлур эди.

Агар бугун миллатчилик ўз миллатининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўзлигини сақлаб қолиш каби илғор ғоялари шаклида намоён бўлаётган бўлса, шовинизм бир қатор кўп миллатлар яшаётган мамлакатларда титул миллатнинг ўзларини бошқа миллатлардан устунлигини таъминлаш, уларни ўз таъсир даражасида ушлаб

туриш ва ҳукмронлигини таъминлашга интилишининг кучайишидир. Бугун у худди ана шу шаклда намоён бўлмоқда.

Шовинизмни бугун тор доирада, айрим шахс ва гуруҳлар бўлса ҳам унинг истиқболда кўпгина мамлакатларда юзага келиш хавфи кучаймоқда. Бу жараён албатта миллатчиликнинг кучайишига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам «миллат» тўғрисида фикр юритганда «шовинизм» тушунчаси ва унинг бугун намоён бўлиш хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда унинг «миллатчилик» доирасида ўсиб кетмаслигининг олдини олиш зарурлигини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Миллат мустақил субъект сифатида мавжуд бўлар экан, унинг ўз озодлиги учун кураши ҳам объектив қонуният ҳисобланади. Чунки миллат қарамлик ва зўравонликнинг ҳар қандай шакллари мавжуд бўлган шароитда ривожлана олмайди, ўзлигини йўқотади. Шунинг учун ҳам миллий мустақиллик миллат тақдиридаги ҳаёт ва мамот масаласи ҳисобланади. Бугунгача миллий тараққиётлар тарихида ўз мустақиллигини қўлга киритиш учун курашмаган биронта ҳам миллат учрамаганлиги миллатнинг қудратли куч эканлигини тасдиқлайди ва миллатлар томонидан ўз мутақиллиги учун олиб бориладиган кураш миллат мавжудлигининг объектив зарурияти ҳисобланади. Боз устига миллатчилик тушунчасининг келиб чиқиш жараёнини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, у эзилган маҳаллий миллатлар олимлари томонидан ишлаб чиқилган ёки илгари сурилган концепция эмас балки, ягона тузум манфаатларига хизмат қилувчи, ягона мафкура ҳукмронлигини таъминлаш, миллатларни ягона катта миллат атрофида бирлаштириб битта миллатни шакллантириш ғоялари учун кураш олиб борган, назариётчилар томонидан ишлаб чиқилган давлат сиёсати ҳисобланади.

Моҳиятан миллатларнинг ўз она заминида ўзларини сақлаб қолишга, ўз ҳақ-ҳуқуқларининг топталишига қарши, манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатларини салбий баҳолаш, бу жараёни миллатчилик тушунчаси сифатида талқин этиш миллий ҳаракатларини хаспўслаш, унинг моҳиятини бузиб кўрсатишга қаратилган ғайриилмий ғоя ҳисобланади.

Амалда миллатчиликка қарши кураш «келгинди» миллатлар вакиллариининг маҳаллий миллатлар ўзлигини англаш жараёнлари оқибатида ўз қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқларини, мерос ва қадриятларини тиклаш учун қилаётган ҳаракатлари олдида, улар устидан ҳукмронлигининг кетиб қолишидан ҳадиксирашнинг ифодаси ҳамда уларга имконият юзага келиши вақти-вақти билан зарба бериб туриш воситасидир.

Миллатчилик аслида ўз она заминида топталган ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклашга, она тилини, меросларини, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини ривожлантириш йўлида маҳаллий миллатлар томонидан олиб бориладиган миллатпарварлик ҳаракатидир. Миллатпарварлик ҳар бир миллатнинг миллий ўзлигини англашнинг муҳим белгиси ҳисобланади. У миллатнинг қадр-қиммати, ғурури, ифтихори ва қадриятлари топталган шароитларда миллат бирлигини таъминлашга хизмат қилувчи ҳаракат сифатида вужудга келади.

Миллатпарварлик ташқаридан, ўзгаларнинг миллат манфаатларига зид бўлган ҳаракатларининг инъикоси сифатида шаклланади. Гарчанд у миллий тараққиётда узлуксиз ўсиб борса ҳам, унинг салоҳиятини ҳар доим ҳам сезиб бўлмайди. Аммо, миллат манфаатлари ҳисобга олинмаган ёки унинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этиладиган вазият юзага келадиган бўлса, миллатпарварлик туйғулари миллатни бирлаштирувчи омил сифатида маълум муҳлат ичида юзага чиқади ва миллий тараққиётга зид бўлган ҳар қандай ҳаракатга қарши акс куч ролини бажаради. Аммо маҳаллий миллатларнинг анъанавий итоаткорлигига ўрганиб қолган, ўз ҳукмронлигининг абадийлигига шубҳа қилмаган ўзга миллатлар вакиллари бу янги кучга нисбатан норозилигининг ифодаси сифатида турли ғоявий ва ҳарбий формаларини қўллайдилар. Яъни миллатпарварлик маҳаллий миллатларнинг ўзлигини тиклаш ва ҳимоя қилишнинг ғоявий-амалий ифодаси бўлса, миллатчилик ўзга миллат вакилларининг маҳаллий миллатлар устидан ҳукмронлигини таъминлашга қаратилган ғоявий ва ҳарбий инъикоси сифатида сунъий равишда тўқиб чиқарилган ғайриилмий тушунчадир.

Миллатлараро муносабатларда, хусусан, кам тараққий этган миллатлар устидан, ривожланган ёхуд зўравон мамлакатларнинг ўз ҳукмронлигини таъминлашга, уни абадийлаштиришга хизмат қилувчи мафкура сифатида шовинизм тушунчаси қўлланиб келинган. Аммо собиқ совет тузуми шароитида олимлар ва собиқ марказда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган ҳужжатларда ҳам шовинизм тушунчаси ва унинг амалда намоён бўлиши деярли ўз ифодасини топмаган эди. Чунки у юқорида таъкидлаганидек, тўлақонли бўлмаган собиқ иттифоқдош республикалардаги миллатларни ягона рус миллати атрофига бирлаштириш, бу миллатнинг бошқа миллатларга нисбатан устуворлигини абадийлаштиришга қаратилган давлат сиёсати эди.

Моҳияти ва мақсади жиҳатидан шовинизм миллатпарварликка бутунлай қарама-қаршидир. Агар миллатпарварлик айрим олинган у ёки бу миллатнинг бошқа миллатлар манфаатларига зид мақсад-

ларни қўймасдан ўз миллатининг қадр-қиммати, мерос, урф-одатлари, анъаналари, тили ва қадриятларини ривожлантириш ҳамда ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутса шовинизм у ёки бу миллатнинг ўзга миллатлар устидан ҳукмронлигини таъминлашга қаратилади.

Шунинг учун ҳам собиқ совет тузуми шароитида мавжуд рус шовинизм сиёсатини бироз юмшатиш мақсадида ҳар қандай миллий ҳаракатларга миллатчиликнинг кўриниши сифатида қараб келинган. Амалда эса собиқ совет тузуми шароитида миллатчилик эмас, балки унга қарама-қарши бўлган шовинизм ҳукмронлик қилиб келган эди.

Миллат мавжуд бўлар экан миллатчилик (миллатпарварлик) ҳам мавжуд бўлади. У миллатни бирлаштирувчи унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи омил бўлиб хизмат қилиб келаверади. Шовинизм ҳар қандай миллат учун, ҳатто у энг юксак даражада ривожланган бўлса ҳам ўта хатарли иллат ҳисобланади. Чунки бу ғоя ва амалиёт миллатнинг ўзга миллатлардан ажралиб яққаланиб қолишига олиб келади.

Инсониятнинг янги цивилизацияга кириб бориши, унинг олдида жуда катта умумбашарий аҳамиятга молик бўлган муаммоларнинг қўйилаётганлиги жаҳон халқларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилишини тақозо этаётган бугунги кунда миллатпарварлик ҳаракатлари мавжуд муаммоларни ҳал қилишда кучларни уйғунлаштиришга хизмат қилса, шовинизм ғоялари ва ҳаракатлари дунёда янги-янги ҳалокатларнинг юзага келишига сабаб бўлишига олиб келади.

Шундай қилиб, миллатчиликнинг моҳияти ва мақсади миллат манфаатларини ўзида ифода эттирганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, миллатпарварликни ўзида тўла мужассамлаштирган тушунча ҳисобланади. Уни илмий адабиётларда ва реал ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг билан бирга унинг ҳали ўрганилмаган қирраларини чуқур таҳлил қилиш зарур бўлади.

Миллатпарварликка қарама-қарши, миллатлараро муносабатларни чигаллаштиришга, миллатлар ўртасида ўзаро норозилик, ишончсизлик, раҳна солувчи, оқибатда офир талофатларга ва ҳалокатларга олиб келувчи тушунча сифатида шовинизм ғояларини қўллаш ва уни кенг ўрганиш лозимдир. Бугунги мураккаб иқтисодий қийинчиликларга бардош бериб, ўзининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ўзлигини англашга интилиши, ўз ғурури, обрў-этиборини тиклаш, тили, мероси, урф-одатларини, анъана, меросларини ўзлаштириш, ўзининг қаддини кўтариш йўлида олдинга қараб дадил интилаётган миллатларнинг ҳаракатлари мил-

латпарварликнинг ёрқин ифодаси бўлса, жаҳонда ёхуд минтақаларда миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва миллий ғалаёнларни вужудга келтириш йўли билан ўзининг ўзга миллатлар устидан ҳукмронлигини таъминлашга қаратилган мақсадлари билан ҳаракат қилаётган миллатлар, уларнинг айрим вакилларининг интилишлари ёки айрим мамлакатлардаги «титул» миллат вакилларининг эмигрантларни ўз мамлакатларидан ҳайдаб чиқаришга қаратилган фаолиятлари, ҳатто уларга нисбатан куч ишлатиш борасидаги ёвузликлари шовинизмнинг реал кўринишидир.

Тўғри, бугунги кунда шовинизм ўзининг анъанавий классик (очиқдан-очиқ зўравонлик қилиш) шаклида камдан-кам учрамоқда. У бугунги кун тараққиёти, имкониятлари ва муаммоларининг моҳияти ҳамда салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўта маккорона, айрим ҳолатларда илғаб олиш мураккаб бўлган жараён шаклида намоён бўлмоқда. Хусусан, у кам тараққий этган миллатларга (мамлакатларга) «беғараз» ёрдам кўрсатиш, улар билан «яқинлашиш», уларни бошқалардан «ҳимоя» қилиш каби кўринишларда намоён бўлмоқда. Бу ҳар бир миллатнинг ана шу мудҳиш ва маккор кучлар интилишларидан огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Глобаллашувнинг авж олиш шароитида шовинизм яна ҳам ҳаттарлироқ тус олмоқда. У бугун тараққий қилган миллатларнинг кам тараққий қилган миллатлар иқтисодиётини ривожлантиришга «ёрдам» байроғи остида уларнинг онги ва қалбини ҳам эгаллаб олишга интилишларининг кучайишида ҳам намоён бўлмоқда. Глобаллашув шовинизмнинг зимдан ривожланиши учун кенг имкониятларни юзага келтираётган ҳатарли жараёндир. Бу жараённинг ўтказаетган таъсирини сезмаётган ёки ундан ғафлатда қолган миллат истиқболда шовинистлар домига тушиб қолиши ва уларга бўлиниб кетиши муқаррардир. Унинг олдини олиш эса миллатнинг туйғуларини ривожлантириш ҳисобланади. Бугун шовинизмнинг янги кўриниши сифатида бўлаётган яна бир янги «назария» ва амалиёт ҳақида баралла гапириш, керак бўлса бонг уриш зарур бўлади. У ҳам бўлса, бугун айрим мамлакатларнинг ёшлари ичидан етишиб чиқаётган шовинист ва фашистик ҳаракатлардир. Улар ўзларини «титул» миллатнинг вакили сифатида ўз миллатларининг фидойиси қилиб кўрсатишнинг энг жирканч амалиётини қўлламоқдалар. Улар ўзларининг миллатини олий ирқ даражасига кўтариб бошқа миллат вакилларини «қолоқ» ҳамда уларнинг моддий маънавий бойликларини тортиб олаётган эмигрантлар деб ҳисоблайдилар. Бугун улар ана шу эмигрантларни ўз мамлакатларидан чиқариб юборишда инсонга хос бўлмаган жисмонан йўқ қилиш, зўрлик ўтказиш, ўлдириш ва

бошқаларни ишга солишдан ҳам қайтмаётирлар. Бу миллатлар тараққиёти жараёнида ХХІ асрда юзага келган шовинизмнинг энг фожеали кўринишидир. Бу салбий ҳолатлар инсоният олдида пайдо бўлаётган глобал муаммога айланмоқда. Унга қарши курашда ер курашидаги бутун прогрессив кучлар бирлашиши лозим бўлади.

Жаҳонда инсонпарварлик, миллатпарварлик туйғуларининг ривожланиб бориши, башарият олдида турган ўта мураккаб муаммоларнинг одамлар томонидан англашга интилишнинг кучайиши шовинизм имкониятларини чегаралаб бораверади. Шовинизм миллат тақдири, унинг келажаги учун қанчалик хатарли бўлса, миллатпарварлик миллий тараққиётни таъминлашда етакчи омил бўлиб хизмат қилаверади.

Миллий-маънавий иммунитет миллатни глобаллашувдан асраш омили

Миллий тараққиёт ҳеч бир замонда силлиқ, тўсиқларсиз амалга ошмаган. Унинг шаклланиш жараёнидан бошлаб то ҳозиргача ўтган даврида доимо қийинчиликлар, муаммоларга рўбарў бўлиб келган. Бу жараённинг характерли томони шундан иборатки, унинг ривожланиши учун имкониятлар кенгайиб борган сари муаммолар камайиш ўрнига, аксинча уларнинг кўлами ҳам кенгайиб келган. Жумладан, агар ХІХ асрда дунёда яшаётган миллатларнинг аксарияти тараққий қилган мамлакатлар томонидан босиб олинган ва улар мустамлака ҳолатида яшаган бўлсалар, ХХ асрда ундан батамом қутулдилар. Аммо ХХІ аср бошига келиб улар олдида бугун янги муаммолар пайдо бўлди. У ҳам бўлса, жаҳонда авж олаётган глобаллашув билан боғлиқ муаммолардир. Унинг таъсири остида мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг ўзаро яқинлашуви ҳам тезлашмоқда. У кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига киритилган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқлар ва миллатларни тараққий қилган мамлакатларга қарам бўлиб қолишида катта омил сифатида фаоллашиб бормоқда. Фан, техника, технология ва бошқа соҳаларда у ёки бу мамлакатларда қўлга киритилаётган ютуқлар умуминсоният мулкига айланмоқда. У қанчалик ижобий бўлмасин, бу жараёнда миллий маънавиятга ўтказилган салбий таъсири кенгайиб бормоқда. Уларни чеклашнинг ҳеч қандай имконияти ҳам қолмаяпти. Уларнинг умумлашиб боришида компьютер, интернет, уяли телефон, радио ва телевидение каби бир қатор воситалар бугунги кунга келиб инсон ва миллатнинг ҳаётини эҳтиёжига, кундалик турмуш кечиришининг эҳтиёжига айланиб кетди. Улар орқали тарқати-

лаётган маълумотлар, у ёки бу соҳадаги ютуқлар тезлик билан ом-мавийлашиб кетмоқда.

Глобаллашув бугун ривожланаётган мамлакатлар билан ривожланган мамлакатлар ўртасида иқтисодий тафовутларни кучайтирмоқда, айниқса тараққий қилган мамлакатларнинг ўзларида мавжуд воситалар орқали ўз маънавий қадриятларини умумлаштириш, ом-мавийлаштириш ўзга халқларнинг маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш ва шу йўл билан жаҳонда нафақат иқтисодий ҳукмронликни шунингдек, ўз миллий-маънавий ҳукмронлигини ўрнатишига ҳам имконият яратмоқда. Бу жараён XX асрда мавжуд бўлган имкониятларга қараганда ҳам қамрови кенгайган, таъсир ўтказиш даражаси юксалган. Кўпгина ривожланган мамлакатлар жаҳонда иқтисодий интеграцияни амалга ошириш, мамлакатларга фан, техника, технология соҳасида эришган ютуқлари билан ривожланаётган мамлакатларга «ёрдам» бериш баҳонасида ўзларининг миллий-маънавий таъсирларини ўтказиш мақсадларини ҳам амалга оширмоқдалар. Албатта, агар дунёдаги халқлар унга сергаклик ва огоҳлик билан қарамас эканлар, бу уларга бугун юксак тараққий қилган халқларга истиқболда дунёда ўзларининг маънавий ҳукмронлигини тўла ўрнатиш имконини беради.

Албатта, бугун унинг олдини олишнинг бир қатор имкониятлари ва омиллари мавжуд. Улардан миллий маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш муҳим омил ҳисобланади. Хўш, маънавий ҳукмронлик нима? Унинг хатарли жиҳатлари мавжудми, у бугун инсоният, миллат ва мамлакатлар учун қандай хавф солмоқда, уларнинг олдини олишда миллий-маънавий иммунитет қандай ўринга эга бўлади?

Маънавий ҳукмронлик зўравон мамлакатлар томонидан амалга ошириладиган фаолият натижасида юзага келади. Миллий-маънавий ҳукмронлик деганда, иқтисодий-сиёсий, фан, техника, технология ва ҳарбий салоҳиятга эга бўлган мамлакатларнинг ўзларидан кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатлар халқларининг турли йўллар билан маънавий – руҳий, ахлоқий ва маданий ҳаётларига таъсир ўтказиши, охир оқибатда уларни ўзларининг миллий-маънавий салоҳиятлари билан «бойитиши», «алмаштириш»га эриша олганлигини тушуниш мумкин. Бу тараққий қилган, айни пайтда зўравонликка мойиллиги кучли бўлган мамлакатлар олиб борадиган сиёсатнинг натижасида содир бўладиган жараёнدير. Бу мамлакатлар томонидан нафақат, иқтисодий, шунингдек сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилади. Ерости ва юзасида мавжуд бўлган ресурслар тақчиллиги кучайётган шароит-

да миллий-маънавий қарамликка тушган халқларнинг бойликларидан фойдаланишга интилиш зўравон мамлакатлар сиёсатида устувор ўринни эгаллаб боради. Бу уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтирмоқда.

Маънавий қарамлик миллатнинг ўзлигидан маҳрум бўлишига ва бунинг натижасида унинг ўзгаларга осонгина итоаткор бўлишига олиб келади. У нафақат миллий турли-туманлик учун хатарли бўлган, худди шунингдек моддий бойликларнинг тараққий қилган мамлакатлар қўлига ўтиб кетишига, уларнинг ўзга мамлакатлар устидан ҳукмронлиги таъминлашига ҳам олиб келади. Лекин бугун тараққий қилган мамлакатларнинг имкониятлари қанчалик кенгайиб бормасин, кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кириб бораётган халқларнинг иқтисодий, техника, технология ва бошқа соҳаларда ғаразли ниятлар билан бериладиган «ёрдамлари» эвазига ўзгаларга қарам бўлиб қолиш ёки уларнинг маънавий-руҳий ҳукмронлигига тушиб қолишни хоҳламаслиги, озод ва эркин яшашга бўлган интилишлари ҳам кучайиб бормоқда. Ана шу жараён жаҳоннинг турли манфаатлар асосида юзага келган кўп қутбли ҳаёти учун, унинг глобаллашувининг кучайиши истиқболли учун мураккаб муаммоларни келтириб чиқариш хавфини кучайтирмоқда.

Дунёда глобаллашув қанчалик жадал суръатлар билан ривожланмасин, у объектив бўладими ёки субъектив кучларнинг қудрати билан амалга ошириладими, улардан қатъий назар аввало инсоннинг ўзлигини сақлаб қолиши, демак унинг тимсолида миллатнинг ҳам мустақил субъект сифатида ҳаёт кечиришга интилиши ҳам кучайиб бораверади. Чунки миллийликка эътиқод инсон боласига аждодлардан меросдир. У инсонийлик белгиси, у образли қилиб айтганда аждодларнинг томирларида оқаётган қони орқали авлодларга ўтади. У руҳий салоҳият меваси сифатида авлодларни аждодлар билан боғлаб туради. Миллийлик (миллий ўзига хослик ва унга эътиқод) инсоннинг ўзлигини англашининг ифодаси ҳисобланади. Инсон юраксиз, қалбсиз яшай олмагани каби, миллатсиз ҳам яшай олмайди. Миллий эътиқод, уни асрашга мойиллик, тўлақонли одам боласининг инсонийлик белгисидир. Миллийликка эътиқод тугаган жойда маънавий қашшоқлик бошланади, оқибатда миллат барбод бўлади. Бу ўз навбатида инсон учун энг азиз, у доимо талпиниб яшайдиган, уни истиқболга етаклайдиган умуминсоний қадриятлардан биридан маҳрум бўлишига олиб келади. Бу инсоният учун юзага келиши мумкин бўлган фожиаларнинг энг даҳшатлиси бўлиши мумкин. Бундай фожага йўл қўйиш мумкин эмас. Шундай экан, унинг ўзли-

гини англашга қурби етган барча шароитда миллат ва миллий эътиқод сақланиб қолади. Айниқса, уларнинг интеллектуал салоҳияти ўсиб борган сари миллийликка интилиш, ўзига хосликни ривожлантириш кучаяди. Бу туйғу ва хатти-ҳаракатлар кичкина давлатларда катта давлатларга қараганда ҳам кучли бўлади. Чунки улар ўзларини миллатлар қўшиб олишлари хавотири билан яшашига мажбур этади. Бундан кўриниб турибдики, кўп миллатли мамлакатларда улар олиб борадиган миллий сиёсатга қараб, мамлакат тақдири, унинг истиқболи ҳал бўлади. Агар бугун жаҳондаги барча мамлакатларнинг кўпмиллатлар яшайдиган макон эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, содир бўлаётган глобаллашув таъсири остида миллий ўзига хосликнинг емирилиши истиқболда тузатиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келиши мумкин. Бу жараён ҳақида мулоҳаза юритганда албатта, бугун жаҳон миқёсида содир бўлаётган глобаллашув жараёнининг жадаллашуви натижасида юксак имкониятларга эга бўлган мамлакатларнинг кам тараққий қилган мамлакатлар халқларининг миллий-маънавий оламига энг замонавий техник ва технологик воситалар орқали ўзларининг таъсирини ўтказишини авж олдираётганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Бугун телевидение, компьютер ва интернет тизимининг жадал ривожланиши натижасида улар ўзларининг миллий-маънавий таъсирларини ўтказишнинг катта имкониятига эга бўлдилар. Бугунги ҳолатда ҳали уларнинг оммавий ахборот воситалари орқали тарқатаётган рекламалари, турли беҳаё (хусусан кўпгина миллатлар маънавиятига зид бўлган) кинофильмлар дунё маънавий ҳаётига дадил кириб келганлиги кўпчилик миллатларда хавотир уйғотмоқда. Чунки уларни ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшлар томоша қилмоқда, уларнинг бу кўрганларига тақлид қилишга мойиллиги кучайиб бормоқда.

Энг даҳшатли томони шундаки, миллий телевидение ёки бошқа оммавий ахборот воситалари уларга қарши курашишга қурби етмаяпти. Боз устига уларни гоҳида билиб, гоҳида «билмай» ташвиқот қилишга ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, оддийгина мисол тариқасида Ўзбекистон телевидениесидан (Россия телевидиниеси рекламаси) берилётган аёллар кийими рекламасини келтириш мумкин. Бу рекламада аёл энг замонавий кийимини кийиш жараёнида яланғоч оёқларини томоша қилдиради. Бу ҳолатни бир соат ичида камида ўн беш марта қайтаради. Буни телевизорни томоша қилаётган оила аъзолар – ота-она, қиз, ўғил, келин, неваралар биргаликда ўтириб томоша қиладилар. Агар бундан бир неча йиллар бу ҳолат ғайритабиий бўлиб кўринган бўлса, бугун у оддий томошага айланди. Кўринишидан бу томоша қилаётган оила аъзолари ўртасида,

хусусан ўғил ва қиз, қайнота ва келин ёки қайнона ва келин ёки оила аъзолари ўртасида амал қилиши керак бўлган уят, ор-номус, иффат ва бошқа муқаддас қадриятларимизнинг поймол бўлишига таъсир ўтказмаяпти деб ҳеч ким ҳеч қачон кафолат беролмайди. Ота-оналар ҳам унга кўникиб, мазкур ҳолатни оддий кийим кийиш ҳолати сифатида баҳолайдиган бўладилар. Бугун жаҳон мамлакатлари томонидан тарқатилаётган ана шундай рекламалар мамлакатимизнинг нафақат шаҳарларида, шунингдек қишлоқларида яшаётган аҳолиси ҳам томоша қилиш имкониятига эга бўлдилар. Агар келажакда телевидение, интернет ва бошқа техникалар ривожланишининг авж олишини ҳисобга оладиган бўлсак, миллатларга хос бўлган хусусиятлар барҳам топиб, бундай имкониятларга эга бўлган ривожланган мамлакатларнинг маънавий ҳукмронлиги ғалаба қилишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Яна бир жонли мисол. Кейинги пайтларда баъзи ёшларимизнинг хорижий мамлакатларнинг давлат байроқлари туширилган ёки уларнинг номлари (асосан англиз ёзувида) ёзилган кўйлақларни кийиб юришлари оммавийлашиб кетаётганлиги кўзга ташланмоқда. Айниқса, уларнинг кўпчилиги ўқув даргоҳларининг ўқувчиси ёки талабаларини ташкил қилаётганлиги кишини ажаблантиради. Чунки мамлакатимизнинг таълим тизимида асосий эътибор ёшларда миллий ғурур, ифтихор, Ватанпарварлик каби туйғуларни уйғотишга асосий эътибор қаратилаётган бир шароитда хориж мамлакатларининг кийими-ю, турмуш-тарзини оммавийлаштиришга ўзининг ҳиссасини қўшаётган ёшлар қаердан пайдо бўлаётир? Боз устига уларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари ёшларимизнинг бундай хатти-ҳаракатларига нега бепарво?

Касбимиз ва илмий тадқиқотимизнинг йўналишларидан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг хатти-ҳаракатларига доимо эътибор билан қараймиз, имкониятимиз доирасида уларга тўғри маслаҳат беришга ҳаракат қиламиз. Лекин юқорида айтганимиздай, талабалар орасида ҳам хорижий мамлакатлар ҳаётини ташвиқот қилаётганлар онда-сонда чиқиб туради. Баҳор пайти эди. Хизмат сафари билан вилоят марказларидан бирида жойлашган олий ўқув юртига борганимизда бу олий ўқув юртининг биносига кираверишда қўйилган ўриндиқларда талабалар суҳбатлашиб ўтирганлиги эътиборимизни тортди. Улар орасида ўтирган талабалардан иккитаси диққатимизни тортди. Уларнинг бири «СССР» деб ёзилган, иккинчиси «АҚШ» нинг байроғи туширилган енгсиз майка кўйлагини кийиб олишган экан. Уларни секин чеккага чақириб суҳбатлашдим. Уларга «нега бундай ёзувли кийим кийиб юрибсизлар, уларнинг сизларга нима алоқаси бор? СССР барбод бўлди, унинг тикланмаслиги ак-

сиома, у ўтмишнинг даҳшатли ҳаётини эслатади, АҚШ давлатининг мустақиллик рамзи, давлат байроғи эса уларнинг ғурури, ифтихори, нега сиз уларни кийиб бошқа талабалардан ажралиб турибсизлар?» деган саволларни бердим. Улар «СССР» деган ёзув чиройли, кўйлак ҳам сифатли, ундан кейин уни кийишнинг нимаси ёмон, қолаверса, АҚШнинг байроғи туширилган куйлак ҳам чиройли умуман уларнинг ҳамма маҳсулоти чиройли ва сифатли ишлаб чиқарилади, шунинг учун у одамда ҳавас уйғотади деб жавоб берди. Шунда ҳаёлимга келган биринчи фикр уларда ҳали миллий ғурур, ифтихор туйғуларининг шаклланмаганлигини сезган бўлсам, иккинчидан шу муносабат билан тарбиявий ишларнинг сифатини ошириш зарурияти кучаяётганлиги ҳамда Ўзбекистонда ҳам айниқса, ёшларимизга мўлжалланган кийимларни ишлаб чиққанда юқорида улар томонидан айтилаётган фикрлар ҳисобга олиниши лозимлиги зарурдек бўлиб кўринди. Худди хорижий мамлакатларда бўлгани каби ишлаб чиқариш саноати йўналишида ҳам харидорлар фикрларини ўрганадиган махсус хизмат – социологик тадқиқот марказларини ташкил қилиш вақти етганлиги ҳам долзарб вазифа, аслида. У нафақат ишлаб чиқаришда олий самарага эришишда ёрдам беради, шунингдек ёшларимизда Ватанпарварлик, миллий ифтихор ва ғурур туйғуларини оширишга ёрдам ҳам беради.

Бугун юқоридаги ёзувларни кияётган ёшлар билиб-билмасдан ўша мамлакатнинг турмуш-тарзини оммавийлаштирмоқдалар. Бу ёзувлар орқали онгги, қалбига, маънавий қиёфасига ўша мамлакатларнинг ҳаёти, кийиниш маданияти, керак бўлса ахлоқи, урф-одати, анъана ва қадриятлари сингиб боради. Бу кўринишидан оддий, содда бўлган ташвиқот услуби бўлса ҳам аслида, бу услуб энг осон ва қулай ҳисобланади. Амалда уларга бепарво қараш миллий ўзига хосликни емиришга ва истиқболда барбод бўлишига олиб келади. Юқорида келтирилган оддий ҳаётининг мисоллардан кўриниб турибдики, миллий хусусиятларни ардоқлаш ва мустаҳкамлаш умумда давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлмоғи зарурияти кучаймоқда. Акс ҳолда бу жараён миллатнинг мустақил ва барқарор субъект сифатидаги мақоми сақланиб қолишига қарши қаратилган маънавий таҳдидлар имкониятларини кенгайтиради. Жаҳонда глобаллашув жараёни кучаяётган бир шароитда маънавий таҳдидга қарши тура оладиган, керак бўлса уни қайтара оладиган, сингдиришга қурби етадиган, миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш миллатимизнинг бугуни ва истиқболини таъминлаш олдида турган долзарб вазифадир.

Миллий маънавий иммунитет тушунчаси хусусидаги фикрлари-

миз билан ўртоқлашсак. Аслида, бундай иммунитет ҳар доим ҳам мавжуд бўлиб келган, чунки у миллат шаклланиши жараёнида юзага келиб боради. У миллий хусусиятларнинг барқарор ривожланиши, миллий онг, миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллатнинг мустақиллигини намоён этиш шаклида ўз ифодасини топиб боради.

Аммо турли миллатлар турлича омиллар таъсирида шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Бири шаклланиб улгурмасдан қарамлик ҳолатига тушиб қолса, иккинчи бирларининг мамлакатига содир бўлаётган ички қарама-қаршиликларнинг авж олиши натижасида миллат бўлиб шаклланиши узоқ давом этган, яна учинчи бирлари барқарор шаклланиши учун шарт-шароитлардан самарали фойдалана ола билмасликлари мумкин. Хуллас, миллат шаклланишида ҳам турли-туманлик мавжуд. Шунинг учун миллий-маънавий иммунитетнинг салоҳияти ҳам юқоридаги ўзига хос жараёнлар билан боғлиқ бўлади. У нима бўлганда ҳам барқарор шакллана олгандагина унинг барҳаётлигини таъминлашнинг ўта муҳим омиларидан бирига айланади.

Иммунитет тушунчаси кейинги ўн йилликларда фалсафий, сиёсий, маънавий ва маърифатга бағишланган адабиётларда кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири ҳисобланади. Аслида иммунитет лотинча «Immunitatis» – бирор нарсадан озод бўлиш деган маънони англатади. Иммунитет тиббий тушунча бўлиб, у организмнинг доимий ички муайянлигини сақлашга, турли ташқи таъсирлардан, инфекциялардан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуини ифодалайди. Содда қилиб айтганда, иммунитет – киши организмининг турли касалликлардан ҳимоя қилади.⁴⁵ Иммунитет тушунчасининг ўзбек фалсафий адабиётида фақат бир – «мафкуравий иммунитет» шакли қўлланилиб, унга қуйидагича таъриф бериб берилиб келинмоқда: «Мафкуравий иммунитет – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар қадриятлар тизими»⁴⁶.

Фикримизча, мафкуравий иммунитетга берилган мазкур таъриф унинг моҳиятини асосан қамраб олган. Шунинг билан бирга унга бир қатор аниқликлар киритиш лозим. Юқоридаги «...ғоявий таъсирлардан...», «...ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизими»⁴⁷ каби тушунчалар қўлланилганда мафкуранинг мустақил тушунча сифатидаги мақоми назардан тушиб қолган. Агар «ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизими» мафкуравий иммунитетни ташкил қиладиган бўлса, ғоявий иммунитет нималарни ўзига қамраб олади деган савол келиб чиқади. Зеро, «иммунитет» тушунчасини нафақат мафкурага шунингдек, ғоя, маънавият, маданият, ахлоқ ва бошқа

бир қатор тушунчаларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ана шу фикрдан келиб чиққан ҳолда, мафкурага нисбатан уни қўллаганда унинг «восита», «ғояни амалиётга айлантирувчи омил» эканлигини ҳисобга олган ҳолда қараш тўғри бўлади. Яъни, иммунитетни турли тушунчаларга тадбиқ этишда уларнинг нисбий мустақиллигини, таъсир ўтказиш имкониятини ва мақомини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий-маънавий иммунитет тушунчасига қайтиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у ўзининг кўлами жиҳатдан ғоявий, мафкураравий, ахлоқий ва бошқа бир қатор иммунитетнинг шаклларида кенгроқ тушунча бўлиб, уларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Айни пайтда, у миллатга нисбатан қўлланилганда ҳам жиҳатдан торроқ ҳисобланади. Яъни у фақат миллатнинг кенг маънодаги маънавиятини ўзига қамраб олади. Шуни ҳисобга олганда уни илмий истеъмомда қўллаш йўли билан бир томондан унинг имкониятларини очиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш мумкин бўлса, иккинчи томондан, миллатнинг маънавий салоҳиятининг маҳсули сифатида қараш мумкин бўлади.

Фикримизча, миллий маънавий иммунитет деганда миллатнинг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжини қондирувчи кенг маънодаги маънавий бойликнинг мавжудлиги, унга эҳтиёжнинг ўсиб бориши ва миллат маънавий ҳаётига ташқаридан кўрсатиладиган таъсирларга қарши турадиган, улардан кучли ва устун бўлган миллий-маънавий руҳий ва юксак даражадаги ахлоқий салоҳиятларининг амал қилишини тушиниш мумкин. Бу ташқи таъсирга бериладиган «жавоб», унга қарши турадиган маънавий руҳий имконият, куч-қувватдир. Албатта, бу салоҳият бўлиши мумкин, аммо у ҳаракатга келтирилмас экан ташқи таъсирларнинг имконияти кенгайиб, миллий маънавий ҳаётда салбий жараёнлар авж олиб боради.

Миллий-маънавий иммунитет бақувватлиги миллат маънавий ҳаётига қарши қаратилган турли таҳдидлардан сақланишда яққол намоён бўлади. У миллатнинг юксак маънавий меросга эга бўлиши, уни ўзлаштиришга мойиллигининг кучлилиги, миллий тараққиётда унга эҳтиёжнинг ўсиб боришида яққол кўзга ташланади. Миллий-маънавий иммунитетнинг мавжудлиги миллат вакиллариининг ўз миллий-маънавий салоҳиятининг ўзгаларникига қараганда бой, устун, гўзал ва жозибали эканлигини қалби, юраги ҳамда руҳияти билан ҳис этишининг кучли бўлиши, уларга ҳар доим эҳтиёжининг мавжудлиги ва улардан баҳра олишга интилишларида намоён бўлади. Аммо иммунитет ўз-ўзидан ривожланмайди, уни шакллантириш,

мустаҳкамлаш борасида олиб бориладиган реал ҳаракатлар натижасида юзага келади. Масалан, миллий мерос кучли ва бой бўлса-ю уни тарғибот қилиш миллат онги ва қалбига сингдириш борасида амалий фаолият кўрсатилмаган шароитда, у етарли даражада оммавийлашмайди. Натижада унга бўлган эҳтиёжнинг юзага келиши муддати ҳам узоқлашиб боради. Айниқса, глобаллашув шароитида миллий маънавий салоҳиятларни ички маънавий мерос ҳисобига тўйинтириб боришнинг долзарблиги кучаяди. Миллий-маънавий иммунитет миллий онг, дунёқараш, тафаккур, ахлоқ, урф-одат, анъана, қадриятларга эътиқоднинг кучлилиги, ифтихор, ғурур туйғуларининг мустаҳкам ва кучлилиги, миллий манфаатларга устуворлик билан қараш, миллатнинг истиқболи учун масъуллик туйғуларининг мустаҳкамлиги кабилар орқали намоён бўлади. Хуллас, уни ҳар бир миллат вакилида бўладиган кенг маънодаги маънавий-руҳий салоҳият, унинг мустақиллиги ва амал қилиши шаклида тушуниш мумкин. Юқорида келтирилганлар аслида миллий маънавиятнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Бу ерда миллий-маънавий иммунитет ҳақида гап кетаётганда нафақат миллий маънавиятни ташкил қилувчи элементлар мажмуаси, шунинг билан бирга уларнинг ташқаридан бўладиган таҳдидларга бардош бера олиши, улардан устувор бўлиши, миллатни ҳимоя қила олиши ва керак бўлса уларга ўз таъсирини ўткази олишдаги салоҳияти назарда тутилиши лозим. Аммо бугун глобаллашув шароитида бир томондан ҳар бир миллатнинг ривожланиши учун имкониятлар кенгаётган бўлса, иккинчи томондан унинг таъсири остида миллатларга хос бўлган хусусиятлар барбод бўлмоқда ҳамда умумлашиб бормоқда. Ахлоқий бузилиш, кийиниш, юриш-туриш, оилавий муносабатлардаги ўзига хосликларнинг барҳам топаётганлиги глобаллашувнинг ўтказиётган таъсири остида содир бўлмоқда. Бундан кўриниб турибдики, глобаллашувнинг жадаллашуви шароитида миллий маънавият мавжудлигининг ўзи етарли эмас, унда ташқи таҳдидларга қарши қаратилган ички руҳий қудрат, унинг амал қилиши ва фаолият кўрсатиши ҳам зарур бўлади. Бу ўз-ўзидан амалга ошмайди, балки бунинг учун миллат вакиллари онги ва қалби билан ташқаридан бўладиган хуружларни сезиши, унинг оқибатларини тасаввур этиш ҳамда унга қарши умуммиллий ҳаракатни амалга оширишга интилишлари зарур бўлади. Ана шундай ҳолатдагина миллий-маънавий салоҳият мустаҳкамланади ва миллатнинг барқарор тараққиёти учун имкониятлар қамрови кенгайиб боради.

Албатта, миллий маънавий иммунитетни шакллантириш, тараққиётнинг барча босқичларида миллийликни сақлаб қолиш, уни ўзга

таъсирлардан ҳимоя қилувчи омилга айланишида фақат мавжуд моддий ва маънавий мерос етарли эмас. Улар тараққиётига қиёфа бағишлаб туриш билан бирга миллат эҳтиёжларининг ўсиш жараёнига мос равишда улардан фойдаланилган ҳолдагина миллий-маънавий салоҳиятни бойитиб, мустаҳкамлаб бориш мумкин. Бу жараёнда миллатнинг умумий миллий маънавий даражасини кўтариш, замон тараққиётига мос равишда янги маънавий бойликларни вужудга келтириш ҳам муҳим роль ўйнайди.

Замон тараққиётига мос равишда миллий-маънавий иммунитетни ривожлантириш ва такомиллаштириш узлуксиз жараён, шунинг учун ҳам у ўзлигини ҳимоя қилишга қодир бўлган ҳар миллат учун энг асосий вазифа бўлиб қолаверади.

Миллий маънавий иммунитетни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда қуйидаги омилларни вужудга келтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш амалий аҳамиятга эга бўлади. **Биринчидан,** Миллий интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланишдир. Бунинг учун таълим ва миллий тарбияни ривожлантириш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни ёшлар дунёқарашининг ажралмас қисмига айланттириш, қачонки ёшларнинг ўзгаларники қанчалик юксак бўлмасин ўз миллатининг қадриятлари бой, гўзал ва ҳар доим ҳам замонавий эканлигини ҳамда устун эканлигини ҳис этиши ва ўз маънавиятини бойитиб боришнинг асосий манбаси сифатида қарайдиган бўлишига эришиш лозим. Аммо бу осон иш эмас. Чунки бугун жаҳонда инсон онги ва қалбини эгаллаш, демак миллатни мажруҳ этиш, унинг маънавиятини ўзлариники билан алмаштириш ва охир-оқибатда маънавий ҳукмронликни қўлга киритиш учун бўлаётган курашда жуда катта маблағ, куч ва қудрат ишга солинмоқда. Ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёки моддий жиҳатдан қийналаётган бир гуруҳ ёшлар нажотни ўз имкониятини ишга солишда эмас, балки ташқаридан олишга ҳаракат қилдилар. Бундан ташқари уларга хос бўлган янгиликка интилиш, унинг оқибатини ўйламасдан қабул қилиш хусусиятлари ҳам миллий маънавий иммунитетнинг заифлашишига таъсир ўтказди. Буларни ҳисобга олиш ўз миллий «мен»ликни камол топтириш интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш умуммиллий вазифа даражасига кўтарилиши лозим. Юксак интеллектуал салоҳият миллий маънавий иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг асосий механизми ҳисобланади. Унинг юксаклигига эришиш орқали ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини миллий маънавий бойликларимиз ҳисобига қондиришимиз мумкин, уларни ташқаридан келадиган турли маънавий хуружлардан ҳимоя қилишимиз мумкин бўлади. Албатта, мил-

лий интеллектуални ривожлантириш деганда тор маънода яъни фақат зиёлилар назарда тутилаётгани йўқ. Бугун бу тушунча кенг камровли маънони англатади. Жумладан, мамлакатимизда аҳолисининг айниқса, ёшларимизнинг маънавияти, маърифатини ошириш, моддий бойликларни инсонларнинг умуммаънавий, маърифий савиясини кўтаришга сарфлаш, аҳолимизнинг аксарият кўпчилик қисми яшаётган қишлоқ жойларимизда қилиниши лозим бўлган кенг кўламли вазифалар ҳақида гап бормоқда. Бу вазифани амалга оширишда зиёли қатлам вакилларининг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланишимиз, уларни фаоллаштиришимиз, ўз навбатида бунинг учун зарур бўлган механизмларни ишга солишимиз лозим бўлади.

Миллий интеллектуал салоҳияти юксак бўлган миллатгина мамлакатни тараққиётга олиб боровчи миллий ғояларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ қилиши мумкин. Интеллектуал салоҳияти ривожланмаган миллат маърифатсизлик, жаҳолатпарасликка маҳкумлиқда яшайди. Ўзлигини англашга интилиш сусаяди ва ташқаридан келадиган таъсирларда мойиллиги кучайиб боради. Демак, умуммиллий интеллектуал салоҳиятни кўтариш, у ҳақда ғамхўрлик қилиш уни ривожлантириш, миллий маънавий иммунитетни изчиллик билан мустаҳкамлашнинг асосий имконияти ҳисобланади.

Иккинчидан, миллий маънавий иммунитетни шакллантиришнинг яна бир омили миллат манфаат ва мақсадларини ўзида ифода эттира оладиган миллий ривожланиш ғоясини ишлаб чиқиш ва уни реал ҳаётга тадбиқ қилишдир. Миллий ривожланиш ғояси қуруқ, реал ҳаётдан узоқ, миллатнинг реал имкониятини акс эттирмаса, унинг ривожланиш даражаларини хаспўшлашни ўзида ифода эттирадиган бўлса, мавжуд муаммоларни четлаб ўтса у қуруқ назария бўлиб қолади ва ҳеч қачон моддий кучга айланмайди. Миллий ривожланиш ғояси миллий ғоянинг айнан ўзи эмас, балки шу миллатни аниқ мақсад сари интилишга, юксак тараққиёт томон ҳаракат қилишга мажбур қиладиган, уларни ҳаётий эҳтиёжга айлантирадиган илмий назарий концепция ҳисобланади. Миллий ғоя кўпроқ миллий «мен»ликни тараннум этувчи, унга маънавий-руҳий қиёфа бағишлаб турувчи манба ҳисобланади. Миллий ғоя ўзгармас ва асосий манба бўлса, миллий ривожланиш ғояси миллат эҳтиёжи, уни ривожлантириш вазифаларининг кўламига қараб такомиллашиб тараққиёт юзага келтирадиган эҳтиёж ҳисобига кенгайиб, уларни ўзида акс эттириб боради.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, миллий ривожланиш ғояси миллат шаклланишидан бошлаб, унинг ривожланиши, юксалиши ва такомиллашиб боришининг барча босқичлари учун

умумий манба бўлиб қолаверади. Лекин миллат ҳаётида содир бўладиган кескин бурилиш паллаларида унинг таркибий қисми сифатида у ёки бу ғоя устувор даражага кўтарилиши мумкин. Бунга мисол сифатида миллатимизнинг мустахламага айланиш ва кейинчалик қарамлик ҳолатига тушиб қолиши ва ундан озод бўлиши миллий истиқлол ғоясининг шаклланишига ҳамда унинг етакчи ғояга айланишига олиб келган эди. Бугун халқимиз ана шу ғояни моддий кучга айлантирди, ўз мустақиллигини қўлга киритди ва мустақил тараққиёт йўлидан бормоқда. Шу маънода ҳам бугун миллий истиқлол ғоясини ёшларимизнинг онгига сингдиришимиз лозим бўлади.

Бугун миллатимиз манфаат ва мақсадларини ўзида ифодалаган миллий ривожланиш ғояси ўз ичига истиқлолимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий тараққиётга эришишимизнинг вазифалари, қўлами, муаммолари, уларни ҳал қилиш имкониятлари, миллий хавфсизликни таъминлаш механизмлари, миллий интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш, миллий мерос, урф-одат ва қадриятларни ривожлантириш, улар ташқаридан миллат маънавиятига йўналтириладиган таҳдидлардан устуворлигини ўзида акс эттириш, турли ёвуз ғояларга қарши курашнинг миллий маънавий заминлари, глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллий ўзига хосликни асраш, уларнинг таъсири остида юзага келиши мумкин бўлган оммавий маданиятга қарши тура оладиган миллий-маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш вазифалари миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш ва унинг бойишида иштирок қилиш, жаҳонда эришилаётган ютуқлардан самарали фойдаланиш, жаҳон мамлакатлари халқлари ва ҳамжамият билан тенглик ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида қурилган интеграциялашиш ва бошқа бир қатор мақсад ҳамда вазифаларни ўзида ифодалаши лозим. Миллий ривожланиш ғоясининг асосий мезони унинг реал ҳаётни нечоғлик акс эттиришида ўз ифодасини топади. Унда нафақат миллий тараққиётдаги ютуқларни кўрсатиш, аслида бу муҳим бўлса ҳам айни пайтда мавжуд муаммолар, мавжуд камчиликлар, ечилиши мураккаб бўлиб турган вазифалар, уларнинг қўлами ва уларни ҳал қилишда умуммиллий ҳаракатни вужудга келтириш механизмлари кабиларда ҳам ўз ифодасини топиш лозим. Унда реал ҳаётнинг ифода эттирилмаслиги охир-оқибатда ўз аҳамиятини йўқотишга олиб келади. Чунки бугун миллат вакилларининг аксарият кўпчилиги ютуқ, муаммо, ечимини кутаётган вазифаларни, мавжуд камчиликларни ҳам яхши билади, юзага келган муаммоларни аниқ тушунтириш, заминини ва имкониятини кўрсатиш йўли билан уларни ҳал қилишда фаол иш-

тирокини таъминлаш мумкин бўлади.

Учинчидан, миллий маънавий иммунитетни шакллантириш ва мустақамлашнинг муҳим механизмлари қаторида демократик қадриятларни ривожлантириш муҳим ўринга эгадир. Зеро, демократия нафақат жамият аъзоларининг ҳокимиятини бошқаришда кенг миқёсдаги иштирокини таъминланиши, шунингдек, инсон эрки, ҳуқуқи, унинг эркин фаолият кўрсатиш имконияти ҳамдир. Эркин фаолият кўрсатган инсонгина ўзининг иқтисодий ва бошқа эҳтиёжларини қондириши мумкин. Шунинг учун ҳам у миллатнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Аслида, демократик қадриятлар тизимининг асосини ҳам ҳар бир фуқаронинг эркин фаолият кўрсатиш учун вужудга келтирилган имкониятлари ташкил қилади. Чунки эркинлик нафақат сиёсий ҳуқуқларнинг тўлақонли мавжудлиги ва ундан фуқаронинг амалдаги фойдалана билиши билан чекланади, балки бунда ўзининг имконияти, хоҳиши ва салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ишлаш, яшаш ва ҳаёт кечириш имкониятининг амал қилиши ҳам тушунилади. Бу ўз навбатида ҳар бир инсон учун катта масъулият ҳамдир. Чунки жамиятда етарли барқарорлик бўлса, давлат турли хавф-хатарлардан холи бўлса, ҳар бир инсоннинг эркинлиги учун хатар ҳам бўлмайди. Унинг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар ҳам амал қилиб боради. Шунинг учун ҳам унга ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жамият ва давлат ҳаётидаги барқарорликни таъминлашни, эркинлик ва эркин фаолият кўрсатишнинг масъулияти сифатида қараш лозим бўлади. Бу албатта демократик қадриятларнинг юксак даражага кўтарилиши жараёнида амалга ошади. Аммо у бирдан осмондан тушадиган нарса эмас балки, бунинг учун энг аввало, демократик институтларни шакллантириш зарур бўлади. Агар улар ҳам жамият ривожланиши жараёнида фуқаролар эҳтиёжларидан орқада қоладиган бўлса, фуқаролар яна давлатдан нажот кутишга мажбур бўлади. Яна ҳам аниқроғи, демократик қадриятлар ривожланишининг секинлашуви ёки орқага кетишига, инсон эркинлигининг боқимандаликка айланишига олиб келади. Бу салбий ҳолат эса ўз навбатида миллатнинг вакили бўлган инсоннинг маънавий ҳолатига ҳам салбий таъсирини ўтказди. Хусусан, у жамият ҳаётида бўладиган жараёнларга бепарво қарайдиган, улар учун масъулиятини давлат зиммасига юклайдиган пассив вакилга айланади. Бундай ҳолатда ўз-ўзидан маънавий иммунитет заифлашади, инсонларнинг айниқса, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларнинг чинакам демократик қадриятга эга бўлган миллат манфаатига зид ҳаракат қиладиган кучлар томонидан илгари сури-

ладиган ғайриилмий ғоялари воситасида демократия шиорларига мойиллигининг кучайиб боришига олиб келади. Бу жамият ва фуқаро ўртасида демократик қадриятларга бўладиган муносабатларда мувозанат бузилиб боришига демократиянинг ривожланиши ёки фуқаро масъулиятсизлигининг кучайиши, уларнинг натижаси сифатида маънавий иммунитетнинг ҳам барбод бўлишига олиб келади. Албатта, у кўп жиҳатдан миллий хусусиятлар, ўзига хосликлар билан ҳам боғлиқ бўлади. Демократик қадриятлар жараён бўлганлиги сабабли ҳам у эволюцион тарзда ривожланиб боради. Босиқлик, вазминлик, жамоа фикрининг устуворлиги ёки аксинча бошқа бир қатор хусусиятларга эга бўлган миллатда миллий-маънавий иммунитетда консерватизм кучли бўлади. Бу демократик қадриятларнинг эволюцион тарзда ривожланиб боришига ўзининг таъсирини ўтказди. Аммо нима бўлганда ҳам уларни ўзгармас, деб қараш ғайриилмийликдир, улар ички, айниқса ташқи таъсирлар натижасида замонга мослашиб боради. Буни ҳисобга олиш миллат истиқболига қарши қаратилган хавфнинг олдини олишга ёрдам беради. Бундан кўриниб турибдики, миллий маънавий иммунитетни шакллантиришда умумэтироф этилган демократик қадриятларнинг инсоннинг эркин фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлиш устувор йўналишларини ривожлантириш амалий аҳамиятга эга бўлади.

Тўртинчидан, миллий маънавий иммунитетни шакллантиришда миллий тарбия катта аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳақда кейинроқ баътафсил тўхталамиз.

Бешинчидан, миллий маънавий иммунитетни шакллантиришнинг яна бир механизми энг замонавий информацион воситаларни вужудга келтириш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Албатта, информацион воситалар кенг тушунча, у фақат радио, телевидение, оммавий ахборот воситалари, компьютер, интернет билан чегараланмайди. У кутубхоналар, музейлар, бадий санъат асарларини намойиш этадиган кўргазма заллари, ҳужжатли ва бадий кино асарларини ҳам ўз ичига олади. Улар орқали аҳолига маълумот берилади ва улар халқнинг маънавий камолотга эришувини таъминлайди. Мустақиллик йилларида бу йўналишда республикамизда ниҳоятда катта ишлар амалга оширилди. Зўравон шўро замонида қаровсиз қолган музей бинолари қайтадан тикланди яна бир неча замон талаби даражасидаги янги музейлар, кўргазма бинолари қурилди. Аммо бугун улардан самарали фойдаланаяпмизми деган саволга ижобий жавоб беришимиз қийин. Улардан хориждан келатган меҳмонлар фойдаланишмоқда. Ёшларимизнинг бир қисми ўз хоҳишлари билан бормоқда деб айта олмаймиз, агар бораётган бўлсалар ҳам

бу иш таълим муассасалари томонидан ташкил қилинмоқда. Улар қанчалик самарали бўлмоқда, унинг мониторингини ким олиб бораёпти, тарбия жараёнида улардан қандай фойдаланаётимиз, бу борада камчилигимиз қаерда, келажакда нима ишлар қилишимиз лозимлигини қайси ташкилот ўргатмоқда, деган саволга аниқ жавоб бериш жуда қийин бўлиб қолмоқда. Бу масала миллий тарбиямиздаги асосий муаммо. Демак, уни ҳал қилиш миллий-маънавий иммунитетимизни мустаҳкамлаш борасидаги вазифаларимизнинг бош йўналиши бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида миллий маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш, ёт ғоялар ва мафкураларга қарши тура оладиган бадиий санъат асарлари яратиш ҳам орқада қолмоқда. Ҳатто, ўша кам бўлган, аммо аҳамияти катта бўлган асарларнинг оммавийлашуви ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Бу ҳам етмагандай шаҳарнинг аҳоли энг кўп тўпланадиган майдонлари, кўчалари ва хиёбонлари ҳам хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган уларнинг аксарияти миллий маънавиятимизга зид бўлган ғоялар ҳамда ахлоқсизликни оммавийлаштиришга қаратилган маҳсулотлар бемалол сотиладиган, мўмай даромад кўрадиган марказларга айлантирилган. Харидорларни (улар асосан ёшлар) китоб, журнал ва газеталарда эълон қилинаётган мақолаларнинг мазмуни эмас, балки, улардаги беҳаё расмлар кўпроқ қизиқтираётганлиги кўпчиликка аён. Айтиш мумкинки, бугун шаҳримизда хорижий мамлакатларнинг китоб, журнал ёки газеталарнинг сотилиши аҳолимиз маънавиятини бойитишга эмас, балки уларнинг турмуш тарзини тарғиб қилиш, уни ёшларимизга ўргатаётганлигини сезсак ёки билсак ҳам бепарво ёхуд кузатувчи бўлиб қолганмиз.

Албатта, гап бу ерда зинҳор уларни сотишни ман қилиш ҳақида кетаётгани йўқ, балки уларнинг маънавий ҳаётимизга ўтказётган таъсири ҳақида кетмоқда ва унинг олдини олишнинг маърифатли йўлларини топиш, уларга қарши тура оладиган аниқ ишларни амалга оширишимиз ҳақида кетмоқда. Жумладан, миллий ҳаётимизни, меросимизни кенг тарғиб қиладиган китоб дўконларини кўпайтириш кам бўлса ҳам, мустақиллик йилларида яратилган китобларни оммавийлаштиришни кучайтириш заруриятини англаш вақти етган. Бундан ташқари, адолат юзасидан айтганда мустақиллик йилларида мавжуд тараққиётимиз ва мавжуд муаммоларимизни ўзида ифода этирадиган асарлар ниҳоятда кам яратилди. Улар ҳам хориждан ўтказилаётган инфорацион хуружлар босими таъсирида халқимиз, айниқса ёшларимиз ўртасида бугунги талаб даражасида оммавийлашиб кетмаяпти.

Тўғри, ҳозир маблағ масаласи қийинчилик туғдираётган бўлиши

мумкин. Буни ҳисобга олиб, бу савобли ишга қўлаб фондларни хорижий мамлакатларнинг инвестицияларини, қолаверса саховатли тадбиркорларимизни жалб қилиш мумкин бўлган бўлур эди, бу масалани ҳал қилиш ҳақида ҳар бир қўлидан иш келадиган Ватандошимиз қайғурса тўғри бўлади. Хуллас, ана шундай муҳим масалаларни ҳал қилиш йўли билан миллий маънавий иммунитетни шакллантиришга ҳаракат қилишимиз лозим бўлади. Уларнинг фаолияти орқали миллий маънавиятимизга ташқаридан ўтказилаётган таъсирларга қарши туришнинг имконияти кенгайди ва турли маънавий, ғоявий таҳдидлар кириб келишининг олдини олишда ҳаётимизнинг мазмунига айланиши стратегик вазифамиз даражасига кўтарилишига ёрдам беради.

Миллатни глобаллашув тажовузидан ҳимоя қилишда миллий тарбиянинг имкониятлари

Инсоният дунёга келиб ақлини танибдики, яхши яшашга, фаровон ҳаёт кечирishга, ўзлигини англашга, ўз қадр-қимматини билишга, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишга, ўз ҳаёти давомида муносиб ўрнига эга бўлишга, хуллас чинакам инсон бўлиб яшашга интилиб келган. Аммо бу осон амалга ошадиган иш эмас. Чунки уларни ўзаро бирлаштирадиган умумий манфаатлар билан бир қаторда хусусий манфаатлари ҳам мавжуд, дунёга қарашлари турлича, қадриятларга муносабатлари ҳам турли-туман. Бу эса уларнинг мавжуд субъектлар билан ўзаро муносабатларга киришишини тақазо қилиб келган. Ана шу муносабатлар манфаатларни уйғунлаштиришга, мувозанатга келтиришга қаратилган.

Аммо инсонларнинг интеллектуал салоҳияти ўсиб борган сари манфаатларни уйғунлаштириш жараёни ҳам мураккаблашиб борган. Чунки интеллектуал салоҳиятнинг ошуви уларнинг эҳтиёжлар қамровининг кенгайиб боришига ҳам олиб келган. Айниқса, XX асрга келиб инсоният фан, техника ва технологиялар соҳасида катта кашфиётларни амалга ошириши натижасида улар ўртасида мавжуд бўлган муносабатларда ўзаро боғлиқлик кучайиб келди.

Бу жараёнда дастлаб мамлакатлар иқтисодий ва молиявий ҳаётларининг ўзаро боғлиқлигининг кучайиши етакчи аҳамиятга эга бўлган. Асрнинг охирига келиб нафақат иқтисодиёт, молия ва шунингдек, мамлакатлар ва уларда яшаётган халқлар ҳаётининг барча соҳаларидаги алоқаларнинг йириклашуви, оммавийлашуви жадаллашиб борган.

Глобаллашувнинг иқтисодиёт ва молиявий ҳаётдан бошлаб, бу-

гунги кунда инсонлар ва миллатларнинг кенг маънодаги маънавий ҳаётга ўтказаетган таъсирининг кучайиши жаҳон миқёсидаги мавжуд бўлган глобал муаммолар сонини яна биттага ошганини билдиради. Бунинг энг хатарли томони шундаки, унинг миллий маънавий ҳаётга ўтказаетган таъсиридан биронта миллат қутилиб қолиши мумкин бўлмапти. Боз устига, унинг таъсири остида ривожланган мамлакатлар билан энди тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатлар ўртасида иқтисодий-ижтимоий тараққиётдаги тафовутларнинг кучайиши таъсири миллий маънавий ҳаётда ўз ифодасини топиш жараёнлари ҳам содир бўлмоқда. Бундай шароитда истиқболда миллатлар ўзига хослигидан маҳрум бўлсалар нималар содир бўлиши мумкин? Ҳеч бўлмаганда унинг оммавий маданиятнинг шаклланишига ўтказаетган таъсирига қарши тура оладиган қудратли омилни вужудга келтириш мумкинми?

Қўйилаётган саволлардан кўриниб турибдики, китобнинг мазкур параграфида юқорида илгари сурилган ғояларни ривожлантирган ҳолда глобаллашув ниҳоятда мураккаб, қарама-қаршиликлардан иборат бўлган жиддий жараён сифатида намоён бўлаётганлигига алоҳида эътибор қаратилади. Саволларга жавоб излаганда шуни таъкидлаш мумкинки, глобаллашув жараёнига қарши курашиш керак. Курашганда ҳам тор маънодаги мақсадлар унинг иқтисодиёт, молияга ўтказаетган таъсиридан тортиб, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, ғоя, маънавият, мафкура, ахлоқ, тарбия ва бошқа соҳаларга ўтказаетган таъсиригача бўлган барча йўналишларига қарши курашиш лозим бўлади.

Биз унинг ҳозирги даврда фан, техника, технология соҳасидаги ютуқларини бутун дунё халқлари мулкига айлантиришдаги ижобий ролини қанчалик юқори баҳоламайлик, бу жараёнда тенгсизликнинг вужудга келаётганини ҳам эътибордан четда қолдира олмаймиз. Бу бир томондан тараққий қилган мамлакатлар билан кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳасидаги тафовутларни кучайтирмоқда. Юксак ривожланган мамлакатларнинг мавжуд иқтисодий ресурсларига эгалик қилиши, бугун интеллектуал мулкни қўлга киритиш ва шу йўл билан ўз ҳукмронлигини таъминлашга интилишнинг кучайишига олиб келаётган бўлса, иккинчи томондан бу ҳукмронликни таъминлаш воситаси орқали ўзларининг ғоялари, мафкуралари ва дунёқарашларини оммавийлаштиришни ҳам авж олдирмоқдалар.

Шу маънода ҳам у глобаллашувга қарши кураш истиқболини кўзлаган ҳар бир миллат учун ҳаётий заруриятдир.

Лекин унинг жадал суръатлари дунё мамлакатлари ва уларда

яшаётган халқлар, миллатларга ва инсонларининг ўзаро таъсири ва боғлиқлигининг кучайишига ўтказаетган таъсири оммавий тус олаётган бир шароитда уни бутунлай тўхтатиб қолишга инсониятнинг қурби етмаса керак. Чунки жараён нафақат бошланди, балки оммавий тус олди, у ўз домига бутун жаҳон мамлакатлари ва уларда яшаётган халқларни тортиб бормоқда. Ундан бутунлай қутулишнинг иложи ҳам, имконияти ҳам ниҳоятда камайиб бормоқда.

Хўш, унинг таъсири остида дунёда яшаётган барча инсонлар, миллатлар халқлар учун ягона оммавий маданият вужудга келса нима бўлади? Унинг номи ўзини ўзи кўрсатиб турибди. Аввал ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, оммавий маънавият умуминсоний маънавият эмас. Умуминсоний маънавият дунёда яшаётган турли миллат ва элатлар маънавиятларининг энг илғор, барча миллатлар учун хизмат қила оладиган қирралари ва жозибаларини ўзида ифода эттирадиган маънавиятдир. У табиий равишда миллат ва элатларнинг ўзаро яқинлашуви жараёнида шаклланади ҳамда уларнинг ўзаро маънавий бойишига хизмат қилади. Бу жараённинг табиий ривожланиши оқибатида инсоният ўз тарихи тараққиётининг ҳар бир босқичларида янги тамаддунни вужудга келтиради. Хуллас, умуминсоний маънавият заминидан битта ёки иккита миллатнинг ёки халқнинг ўзига хос маънавиятлари устуворлиги эмас, балки барча миллат (у сон жиҳатдан кичикми ёки каттами, иқтисодий сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан катта қудратга эга бўладими ёки йўқми бундан қатъий назар асосий мезон инсоният эҳтиёжига мос бўлган маънавиятни яратиш бўлади) ва элатлар маънавиятларининг энг илғор қирралари туради.

Оммавий маънавият умуминсоний маънавиятдан тубдан фарқ қилиб, унинг заминидан, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратга эга бўлган, ўз таъсирини жаҳонга ўтказишга қурби етадиган миллат ва халқларнинг маънавияти туради. Унинг таъсири ҳеч қачон табиий кечмайди, балки аниқ мақсад ва манфаатларни кўзлаб олиб бориладиган фаолият натижасида юзага келади. У катта имконият ва қудратга эга бўлган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг ҳам ўз имкониятини тўла юзага чиқаришга улгурмаган ёки унда тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларга нисбатан ўтказадиган таъсири, тазйиқи, керак бўлса маънавий зўравонлигининг натижасида юзага келади.

Умуминсоний маънавият турли-туман миллатларнинг ўзига хос бошқа миллатлар учун ҳам маънавий озуқа бера оладиган қирраларини ўзида мужассамлаштирганлиги боис табиий равишда кенг ёйилиб боради ҳамда жаҳонда яшаётган турли миллатларнинг маъна-

вияти ривожланишига ёрдам беради. Шунинг билан бирга умуминсоний маънавиятни шакллантириш жараёнининг ўзи ҳам миллий маънавиятлар ривожланишига ёрдам беради. Чунки бу жараёнда турли миллат ва элатлар тенг ҳуқуқ, имкониятга эга бўлиб уларнинг ҳар бири ўз маънавиятининг бошқалар учун ҳам завқ-шавқ ва илҳом бера оладиган жиҳатларини ривожлантиришга ҳаракат қилади ва уни оммавийлаштиришда ўзи фаол иштирок қилади. Унинг заминида зўравонлик йўли билан ўзга миллат ва элатлар онги ва қалбини эгаллаш мақсади турмайди, балки маънавий тенглик, самимийлик, ўзаро дўстлик, қардошлик ва бир-бирини улуғлаш каби умуминсоний қадриятлар туради. Шунинг учун ҳам у турли миллатларни ўзаро бойитиб боради, уларни яқинлаштиради ва маънавиятларнинг юксалишига ёрдам беради.

Оммавий маънавиятнинг заминида тенглик эмас, балки моддий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда катта қудратга эга бўлган мамлакатларнинг маънавий тазйиқ ва зўравонлик ўтказиш йўли билан ўз маънавиятларини турли миллат ва элатлар онги ва қалбига сингдириш йўли билан дунёда ўз ҳукмронлигини тиклашга қаратилган аниқ мақсад ётади. Бундан кўриниб турибдики, оммавий маънавият турли миллат ва элатлар маънавиятининг энг илғор қирраларидан ташкил топмайди, уларни маънавий баркамол бўлишга ёрдам ҳам бера олмайди, балки аксинча, у катта қудратга эга бўлмаган миллат ва элатларни маънавий томондан мажруҳ ва итоаткор қилишга хизмат қилади. Келтирилганлардан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёни миллатлар ва элатларининг тенг имконият асосида маънавий бойишига ижобий таъсир ўтказмасдан, балки катта имкониятларга эга бўлган тараққиётда илгарилаб кетган «буюкларга» кам тараққий қилган мамлакатлар ва уларда яшаётган турли миллат ҳамда элатлар устидан маънавий ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу урф-одат, анъана, қадриятлар ва ахлоқда миллийлик барҳам топа бошлайди, уларнинг ўрнини миллийликни емирадиган, миллатни маънавий манқуртликка олиб келадиган оммавий маънавият эгаллайди, дегани. Агар глобаллашувнинг миллатимиз маънавиятига ўтказаетган таъсирини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, онгимиз, қалбимиз, ахлоқимиз, қадриятимизда бутун жаҳонни забт этишга ҳаракат қилаётган оммавий маънавиятнинг таъсирларини кўришимиз мумкин бўлади. Масалан миллатимиз ҳаётида асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган қадриятларнинг аҳамияти йўқолиб бораётгани, оила муқаддаслиги ҳақидаги тушунча аввалги қадрига эга эмаслиги, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчини били-

ши, уларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш, ҳар бир қилинадиган катта ишларни улар билан бамаслаҳат амалга ошириш, ака-укалар, ака ва сингиллар, келин қайнота, келин ва қайноналар ўртасидаги ўзаро самимият, ҳурмат, меҳр-оқибат, иффат, ор-номус, ҳаё, устоз-шогирд анъаналарининг қадрланиши каби миллий қадриятларимизга путур етаётганлигини кўришимиз мумкин.

Бугун ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асарида тасвирланган оила, муҳаббат, бурч, ҳаё, иффат, масъулият, эътиқод, ҳурмат, меҳр-оқибат каби ҳар бир миллатдошимиз учун ибрат бўла оладиган қадриятларнинг ҳаётдаги аксини тўлақонли учратишимиз қийин эканлигига кўпчилигимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Буюк ёзувчимиз уларни миллатдошларимизнинг онги ва қалбига сингдириш, уни оммалаштириш учун ўз жонини қурбон қилган эди. Унинг миллатимиз маънавиятини сақлаб қолиш йўлидаги фидойилиги ҳаммани бир қолипга солиш, ягона совет кишиси, ягона маънавиятни шакллантиришни мақсад қилган, шу йўл билан собиқ СССРдаги барча миллат ва элатларнинг маънавияти ўрнига ўзга халқ маънавиятининг ҳукмронлигини таъминлаш йўлида камарбаста бўлган маънавий қашшоқ сиёсатчилар ва шовинистларни даҳшатга солди. Улар миллатларимизнинг ўзлигини англашда, ўз заминларига қайтишдан, шу йўл билан жаҳон тамаддунида муносиб ўрнини тиклашдан ваҳимага тушдилар ва миллатимизнинг Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир ва уларга ўхшаган фидойий инсонларини йўқ қилдилар. Чунки улар илгари сурган миллий ғоя миллатимизнинг улуғлигини таъминлашга қаратилган ва маънавиятимизнинг буюклигини тараннум этган эди. Бу эса кимнингдир маънавияти кириб келишига, аввал уни маънавий қарам қилишга, кейинчалик тўла ҳукмронлик қилишига имкон бермас эди. Улар илгари сурган ғоялар амалга ошган эди, кимларнингдир бизнинг менталитетимиз учун зид бўлган маънавиятлари ва ахлоқининг ҳаётимиздан ўрин олмаслиги учун қалқон бўлган бўлур эди. Афсуски, имконият ва вақт бой берилди. Узоққа бормасдан бир иккита аниқ мисолларни келтирайлик. Бугунги кунга келиб фарзанди бўла туриб, ота ёки онанинг кексалар уйида яшаётгани, ота-оналар вафотидан кейин мерос талашиб бир-бирларини ҳақоратлаб, мол-мулк учун бир-бирларини судга бераётган ака-укалар, қайин ота ва қайин оналарини «зулми» дан қутилиш учун минг хил макрларни ишга солаётган келинларни ҳар бир маҳаллада учратиш мумкин. Ёки аввал «сенсиз яшай олмайман» деб, вақт ўтиши билан характерларининг бир-бирига тўғри келмаганини баҳона қилиб фарзандларни етим қолдириб оилани барбод қилаётган ёшларнинг

бисёрлиги ҳам ҳеч ким учун янгилик эмас.

Бугун Ўзбекистонда жами уч ярим миллиондан ортиқ оила мавжуд бўлиб, 16–29 ёшлардаги эркакларнинг деярли ярми, аёлларнинг эса ҳар мингтадан 650 таси никоҳ ҳолатида, яъни оилалиларни ташкил қилмоқда.⁴⁸ Ваҳоланки, бу кўрсаткич 90 йиллар бошларида эркакларда 800–850, аёлларда 750–800 тани ташкил қилган. Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича Собиқ иттифоқдош республикаларда энг юқори кўрсаткични ташкил қилган эди. Юқоридаги ҳолатларнинг нақадар аянчли эканлигини аниқ тасаввур қилиш учун буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг юқорида келтирилган ўз асарида тасвирлаган муносабатларни солиштиришнинг ўзи етарли бўлади, деб ўйлаймиз. Оила жамиятнинг дастлабки ячейкаси, оила воситаси орқали жамият мустақкам бўлади. Шундай экан нега оила муқаддаслигига путур етмоқда, миллий қадриятларимизнинг энг олий намунаси ҳисобланган оила қуриш, у орқали миллий ўзлигимизга хос бўлган урф-одат, анъаналаримиз ҳаётимизда ўз ўрнини йўқотиб бормоқда. Эҳтимол, мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши жараёнида юзага келган иқтисодий қийинчиликлар ҳам унга ўз таъсирини ўтказётгандир. Агар уни асосий сабаб қилиб кўрсатадиган бўлсак, давлат ўз имконияти даражасида оилага ёрдам кўрсатаётганлигини ҳам таъкидлаш мумкин-ку! Аслида, у ҳам бугунги шароитда етарли эмасдир, аммо бир нарса аёнки, бу аянчли аҳволни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Глоблалашувнинг таъсири остида Европа қадриятларининг миллий қадриятларимиз ўрнини эгаллаётганлиги кучаймоқда. Шу ўринда ривожланган мамлакатларда магистратура босқичини тугатиб юртимизга қайтган ёшларимиз билан журналист ўртасидаги бўлган суҳбатдан бир парча келтиришни лозим топдик. Жумладан, Англиянинг Бормут университетиде магистратурани тугатиб юртимизга қайтган Аваз Бердиқулов миллий ўзимизга хосликларга ғарбнинг ўтказётган таъсири тўғрисида қуйидаги мисолни келтиради: «Албатта, тарбия масаласи жуда нозик масала, бу борада ўз хулосамни кичкина бир мисол билан баён қилмоқчиман. Бир акахонимиз Англияда яшаб ишлар эди. Яқинда у навбатдаги шартномани бекор қилиб юртимизга қайтиб келди. Сабаби эса айнан мана шу тарбия билан боғлиқ. Яъни, унинг катта фарзанди бу йил саккиз ёшга тўлади. Отасининг айтишича, борган сари унда миллий хусусият йўқолиб бораётган экан. Тасаввур қилаяпсизми, саккиз яшар боланинг ҳозирданоқ қиз ўртоғи бор. Отаси билан дўстига муомала қилгандек гаплашади. Хўш, бу ўринда соғлом фикрли ота-она қайси бирини танлаши керак: ғарибона тараққиётними ёки миллий қадриятларними? Албатта оғир савол. Лекин,

нима бўлганда ҳам ўша акахонимиз иккинчисини танлади ва ўз имкониятларини бой бериб бўлсада фарзандини миллатнинг ичига олиб келди. Шахсан мен унинг тутган йўлини қўллаб-қувватлайман». ⁴⁹

Ўз фарзандида миллий хусусиятларининг йўқолиб боришидан хавотирига тушган отада миллий ғурур, ифтихор бўлмаганида нима бўлган бўлур эди. Албатта, эртага бундай фарзанд, ота-она, миллат, урф-одат, анъаналар каби муқаддас қадриятларимизни англамайдиган инсон бўлиб етишиб чиқиши мумкин эди.

Бу ерда ҳар иккала миллатдошимизда миллий ғурур, ифтихор борлигини ўз миллатимизнинг истиқболи йўлидаги фидоийлигини кўриб қувонасан киши. Қанийди, уларнинг сони ошиб борса. Аммо бугун бир-икки йил хорижда бўлиб, пул ишлаб қайтаётганларнинг кўпчилиги у мамлакатларнинг турмуши, маданияти ҳатто ахлоқларини тарғиб қилаётган миллатдошларимиз ҳам бисёр эканлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Ёки уйларида ўнлаб каналларни кўрсатадиган махсус антеналарни ўрнатиб, Европа ва бошқа мамлакатларнинг миллий ахлоқимизга мутлақо зид бўлган беҳаё фильмларини фарзандлари билан томоша қилишни ўзича маънавиятнинг янгича кўриниши деб ҳисобланаётган миллатдошларимизнинг пайдо бўлаётганлигига ҳам бефарқ қарашимиз тўғри бўлмайди. Ахир бу фильмлардаги воқеаларни томоша қилган ёшлар ўз реал ҳаётида эртага унга тақлид қилмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмаслиги аниқ.

Ёки яна бир ачинарли ҳолат. Бугун мактаб ва лицейларнинг ўқувчиларидан тортиб, коллеж ва олий ўқув юрларида таълим олаётган қизларимизнинг айримларининг кийинишлари, юриш-туриши ва ўзаро муносабатларида пайдо бўлаётган оммавий маданият куртаклари ҳақида ҳам бош қотиришимиз зарурияти юзага келмоқда. Тарбия масканига ўз миллатимиз фарзандларининг ярим яланғоч ҳолатда кириб келаётганлигини афсус билан айтишга тўғри келади. Уларнинг қандай кийиниши ва нимани кийишни қандайдир қарор билан тўхтатиш тўғри бўлмас. Лекин унга бефарқ қараш ҳам миллий қадриятларимизга бефарқ бўлишимизга олиб келишини мумкинлигини эътибордан қолдириб ҳам бўлмайди. Улар бундай кийиниш андозаларини хориждан олмоқдалар. Улар телевидение, интернет ва бошқа воситалар орқали ташвиқот қилинмоқда, оммавийлаштирилмоқда.

Энг ачинарлиси шуки, бундай кийинишларга айрим ота-оналарнинг ўзлари ҳисса қўшаётган бўлсалар, уларнинг айримларининг бу ҳолатнинг олдини олишга «кучи» етмаётганлиги ҳам ҳақиқат. Агар бундай ҳолатга эътибор бермайдиган бўлсак, уларнинг миллий қад-

риятларга эътибори қандай бўлади. Ахир кийиниш ҳам инсоннинг ички оламини қандайдир маънода ўзида ифодалашини эса тутмоғимиз зарур.

Хуллас, глобаллашувнинг авж олиши турли йўл ва воситалар билан миллий ўзига хослик ва тарбиянинг таъсирчанлигига зарар келтирмоқда, унинг ичидан ва ташқарисидан емирилишини тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Лекин баъзан ёшларнинг юриш-туриши, кийиниши, ахлоқ-одоби, муомала ва бошқаларда содир бўлаётган бундай ўзгаришлар уларнинг ёши билан боғлиқ, улар улғайиб, ҳаётий тажрибага эга бўлганларидан кейин ана шундай ўзгаришлар ўтиб кетади. Улар ахлоқда бўлаётган ўзгаришларда глобаллашув жараёнини айблаш тўғри бўлмайди, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Агар бугунги кунда инсонларнинг айниқса ёшларнинг кучли информатсион босим остида яшаётганлигини, уларнинг кўпчилиги тарқалаётган маълумотлар, интернет ва телеведение орқали кўрсатилаётган оммавий маънавият маҳсулотларини қандай бўлса шундайлигича қабул қилаётганлиги, улар ўз навбатида ёшларнинг кундалик ҳаёти, хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, юқоридаги каби билдирилаётган фикрларга қўшилиб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Аслида, ёшларнинг ҳар қандай янгиликни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга мойиллиги кучлилиги тўғри. Аммо уларнинг глобаллашув жараёнига тортилишининг қамрови шу даражада кенги, у нафақат кийиниш, ахлоқ-одоб доирасини, шунингдек, бу онги, қалби, руҳияти ва юрагини ҳам ўзгартириб юбормоқда. Шу маънода улар улғайиб, ҳаётий тажрибага эга бўлганларда ҳам ана шу шаклланган маънавий салоҳият билан яшашга мажбур бўладилар. Чунки, ўзларининг миллий-маънавий бойликлари ана шу юксак тараққий қилган ўзгаришлар ҳисобига шаклланган оммавий маънавият таъсири остида бошқа турли салбий жараёнлар ҳам кетади.

Бундан ташқари авлодлар ўртасидаги ворислик ҳам оммавий маънавиятни ўзлаштиришга мойилликни кучайтириб бораверади.

Тўғри, вақт ўтиши билан оммавий маънавиятни ўзгартиришга бўлган мойиллик сусайиши ҳам мумкин, вақти келиб ўз миллий-маънавий бойликларини ўзлаштиришга эҳтиёжнинг юзага келиши ва оммавий маънавиятдан бешиш каби жараёнлар ҳам шаклланиши мумкин.

Аммо у ҳолатда вақт ва имкониятлар бой берилиши содир бўлади ва бунинг учун миллий-маънавий шаклланиш жараёнини яна бошидан бошлашга тўғри келади. Бу миллий тараққиёт учун янги глобал муаммони келтириб чиқаради.

Шу маънода ҳам миллий-маънавий глобаллашувнинг олдини олиш миллий тараққиёт олдида турган бугунги энг долзарб вазифа бўлмоғи зарур.

Чунки бугун глобаллашув ўзининг қамрови, таъсир кучи, тобора оммавий тус олиши билан кам тараққий қилган ва энди тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар халқларини миллий маънавиятига тажовуз қилмоқда, уларнинг заминларини емирмоқда ва истиқболда оммавий маънавият таъсирида уларнинг барбод бўлишига замин тайёрламоқда. Бу тажовуз нафақат оммавий ахборот воситалари – телевединие, интернет ёки уяли телефонлар воситасида, шунингдек, инсонларнинг ҳаёт кечириши ва турмуши учун зарур бўлган иқтисодиёт воситасида ҳам амалга оширилмоқда. Гоҳида глобаллашувнинг таъсирида содир бўлаётган интеграциялашув натижасида мамлакатлар иқтисодиётидаги ижобий силжишларнинг одамларнинг моддий шароитида ўз ифодасини топаётганлиги кўрсаткичи таъсирида миллий маънавиятнинг заифлашув жараёни сезилмаяпти (Бу жараён ҳақида биринчи бобда батафсил фикр юритган эдик). Аммо бугун тараққиёт йўлига кирган ва кам тараққий қилган мамлакатларнинг иқтисодиёти барқарорлашганидан кейин эса уларда яшаётган халқларнинг миллий маънавиятининг ривожланиш имконияти чекланиб қолади.

Глобаллашувнинг миллий маънавиятни емириш, урф-одат, анъана, қадриятларнинг хиралашувига ўтказаетган таъсирида айниқса, яққол намоён бўлаётганлигини юқорида кўриб ўтдик.

Улардан кўришиб турибдики, глобаллашувга қарши айниқса, унинг миллий урф-одат, анъана, қадрият ва ахлоқнинг ўзгаришига қаратилган таъсирга қарши курашмоқ, керак бўлса унга қалқон бўла оладиган омилни шакллантириш бугун миллий тарбиямиз олдида турган энг долзарб вазифалардан бирини ташкил қилади. Глобаллашувнинг миллий ўзига хосликнинг емирилишига ўтказаетган таъсирини қирқинининг асосий ва маърифий омили бу миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришдир. Нега маърифий омили деган тушунчага алоҳида урғу бераётганлигимизнинг сабаби шундаки, бу жараённи зўравонлик билан ёки куч ишлатиш билан тўхтатишнинг ҳеч ҳам имконияти йўқлигидир. Агар унга қарши тура оладиган миллий-маънавий омилни шакллантира олсак, миллий маънавий заминларни тараққиётимизнинг эҳтиёжи даражасига кўтара олсак, глобаллашувнинг миллий маънавий ҳаётга ўтказадиган таъсирининг пайи қирқилиши табиий жараён сифатида амалга ошиб боради.

Глобаллашув таъсири остида миллий ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган миллатимиз учун ёт бўлган юқорида кўрсатилган

ҳолатлардан ҳимояланишнинг муҳим имкониятларидан бири миллий тарбиядир. Миллий тарбия бўлганда ҳам, глобаллашувнинг ҳозирги авж олаётган шароитлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда янги мазмун ва шаклда олиб бориладиган тарбия бўлиши лозим бўлади. Хўш, миллий тарбиянинг ўзи нима, у охир-оқибатда миллатчилик ёки шовинизм руҳиятининг шаклланишига олиб келмайдими?

Миллий тарбия тушунчаси нафақат шўро ҳукмронлиги даврида эълон қилинган луғатларда ёки адабиётларда, шунингдек, мустақиллик даврида эълон қилинган луғатларда ҳам учрамайди. Бу албатта, шўро замонида миллатларни сунъий байналминаллаштиришга қаратилган давлат сиёсати билан боғлиқ эди. Аммо бугун мустақиллигимиз шароитида ҳали ҳам бу тушунчага ўта эҳтиёткорлик билан қараш руҳияти сақланиб қолмоқда. Ваҳоланки, уни ўрганиш тарбия жараёнида миллийликка урғу берувчи, уни мустаҳкамлашга ижобий таъсир ўтказувчи жиҳатларини очиб беришга эҳтиёж ошиб бормоқда. Айниқса, глобаллашувнинг миллий маънавиятнинг емирилишига ўтказаетган таъсирининг кучайиб бориши унга бўлган эҳтиёжнинг ошиб боришига олиб келмоқда.

Республикамызда тарбиянинг моҳияти ва миллий тарбиянинг ўзига хос жиҳатларини марҳум устозимиз академик Эркин Юсупов очиб берган эдилар. Улар бу соҳа бўйича ўзларидан салмоқли илмий асарлар қолдириб кетган бўлиб, унинг бир асарида шундай жумлалар келтирилган: «Тарбиянинг моҳияти, мақсадлари, усуллари инсониятнинг ўзига хос тарихий, маънавий қадриятларини сақлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Тарбияга мақсад ва йўналиш берадиган йўллар ҳам асосан муайян этник бирликнинг ўзига хослигини билдирувчи маънавий асослари ҳисобланади. Умуман тарбия шахсининг ахлоқи ва одоби, психологияси, турмуш-тарзи ва фаолияти, иймони ва эътиқоди шаклланишига асос бўлади»⁵⁰. Устознинг фикрларига тўла қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, тарбия аниқ мақсад манфаатларни амалга оширишга қаратилиб маълум ижтимоий сиёсий институтлар, гуруҳлар ва яқка шахслар томонидан олиб бориладиган фаолият мажмуасини ўзида ифода эттиради. Тарбиянинг бир қатор шакллари мавжуд бўлиб, улар сиёсий, иқтисодий ғоявий, мафкуравий, миллий, умуминсоний ва бошқалардан иборатдир. Уларнинг ҳар бири ўз мақсад ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро фарқланадилар. Гап бу ерда миллий тарбия ҳақида борар экан, унга устозларимиз томонидан берилган таърифни келтиришни лозим деб ҳисоблаймиз: «Миллий тарбия инсон шахсини шакллантиришда миллий маданий мерос ва қадриятлардан фойдаланиш,

ҳар бир халқ маънавиятида ўзига хос йўналиш беришга ҳаракат қилишдир»⁵¹. Албатта, бу таъриф миллий тарбия устида кенг қамровли мулоҳазалар юритиш, изланишлар олиб бориш учун методологик аҳамиятга эга бўлади. Юқорида айтилган фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, миллий тарбия мураккаб жараён ва фаолият йўналиши ҳисобланади. Ана шу жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уни қуйидагича таърифлаш мумкин:

Миллий тарбия миллат вакилларига айниқса унинг ёшларига миллий мерос, урф-одат, анъана ва ахлоқдаги энг илғор хусусиятларни қадриятларни сингдириш орқали миллий онг, дунёқараш, руҳиятни шакллантириш, ўзлигини англатиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий манфаат, миллат истиқболи учун масъулликни онги ва қалбига сингдириш, миллий заминлардаги бой мерос асосида маънавий бойитиш борасида олиб бориладиган амалий фаолият йўналишидир.

Миллий тарбия ўзга миллат ва элат вакилларини камситиш, ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслик каби ёки ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйишга қаратилган дунёқараш ва руҳиятни шакллантиришга қаратилган фаолият эмас, балки унинг муҳим хусусиятлари қаторида ўзга миллатлар билан иноқ яшаш, уларни ҳурмат қилиш, ёрдам кўрсатиш, ўзларининг урф-одат, анъана ва қадриятларини ривожлантиришлари учун шарт-шароитларни яратиш каби мақсадларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам у бир томондан миллий қадриятлардан бирини ташкил қилса, иккинчи томондан умуминсоний қадриятларнинг ҳам ажралмас қисми ҳисобланади.

Миллий тарбиянинг негизини ўз миллатини улуғлаш, унинг манфаатлари ва истиқболи йўлида фидоийлик кўрсатиш, ўзга миллатлар билан тотувликда яшаш ва диний бағрикенгликка амал қилиш кабилар ташкил қилади.

Ҳар қандай тарбияда бўлганидек миллий тарбияда ҳам аниқ мақсадлар кўзланади. Глобаллашув авж олаётган бугунги кунда миллий тарбиянинг стратегик йўналишини кенг маънодаги маънавиятимизни миллатимизга ёт бўлган турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, уни ёшларимиз онги, қалби, дунёқарашининг ажралмас қисмига айланттириш ташкил қилади.

Миллий тарбия оиладан бошланади, маҳалла ва таълим тизимида давом эттирилади. Миллий онги ривожланган, ўзлигини англаган, дунёқарашни шаклланган миллат вакили ўз миллатини улуғлайди, унинг манфаатини ҳимоя қилади, унинг олдида масъул эканлигини тушуниб етади, унинг манфаатини бошқалар манфаати билан

алмаштирмайди, унга садоқат кучли бўлади. Шу миллат вакили бўлганлигидан фахрланади ва ғурурланади. Бу инсон учун энг олий неъмат ҳамда улуғ маънавий бойлик эканлигини доимо ҳис этиб яшайди. Лекин бугунги глобаллашув жараёни миллий тарбияга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўткази бошлади. Бугун турмушимиз ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига ўзга мамлакатлар халқлари ҳаётидаги кўпгина урф-одат, анъана ва қадриятлар жадал кириб келмоқда. Албатта, уларнинг биз учун мақбул бўлганларини қабул қилишимиз мумкин. Аммо уларни кўр-кўрона, ўзимизники ҳисобига қабул қилишимиз мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, миллатимизда асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган ота-онамизни улуғлаш, оила муқаддаслигини ҳимоя қилиш, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, уларнинг гапларига қулоқ солиш, қилинадиган ҳар бир катта ишларни бамаслаҳат амалга ошириш, ака-укалар, ака ва сингиллар, келин қайнота, қайноналар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, меҳроқибат, устоз ва шогирд ҳурмати каби муқаддас қадриятларни қайта тиклаш миллий тарбиямиз олдида турган энг долзарб вазифадир. Аммо бугун Европага хос бўлган индивидуализм, ота-она ҳолидан хабар олмаслик, ҳатто улар вафот этганда охириги манзилгача кузатишга ярамаслик, ака-ука, ака-сингиллар ўртасидаги яқинликнинг бўлмаслиги ва уларнинг бир-бирини қўллаб-қувватламасликлари ва бошқа бир қатор ҳолатлар миллатимиз ҳаётига кириб бормоқда. Бундай салбий жараёнларнинг олдини олиш учун ҳам миллий тарбиямизнинг бош йўналиши глобаллашув жараёнида содир бўлаётган ана шу салбий ҳолатларни бартараф этиш тараққиётимиз талаби ҳисобланади. Биз бугунги мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал қилишимиз мумкин. У эртага бўлмаса, индинга албатта ҳал этилади. Чунки у жаҳон миқёсида оммавий тус олиб, бутун миллий чеғараларни йўқ қилиб бормоқда.

Миллий тарбия миллий манманлик, ўзгаларни назар қилмаслик эмас ёки миллий тарбиямиз билан кимлардан олиш қабул қилишни эмас, балки кимгадир ниманидир беришимиз тарбиявий ишларимизнинг стратегик йўналишини ташкил қилиши лозим.

Бизга бу борада жаҳонда энг юксак тараққиётга эришган, аммо ўзининг миллий қадриятларини авлоддан-авлодга етказиб, уни мустаҳкамлаб келаётган Япония давлати тажрибаси ўрнатқуч бўлиши мумкин. Улар миллий ғурур, ифтихорнинг кучлилиги ва миллат истиқболлиги учун курашдаги яқинлиги билан бугунги юксак тараққиётга эришди ҳамда мустаҳкам миллий маънавий иммунитет салоҳиятини шакллантирди. Улар маънавиятида ташқаридан кўрсатиладиган таъсирларни сезиш қийин. Улар энг илғор ишлаб чиқаришни

ташқил қилиш, техника ва технологияларни яратиш билан жаҳон бозорларини эгаллашларида миллий тарбия муҳим ўринни эгаллаганликлари кўпчилик учун янгилик эмас. Бу тажрибадан самарали фойдаланиш миллий ривожланиш ғоясида ҳам ўз ифодасини топиши фойдадан холи бўлмайди. Шу муносабат билан фикримизча, глобаллашувнинг бугунги миллий ҳаётимизга ўтказётган таъсирдан ҳимояланишимиз учун мустақил миллий маънавий иммунитетни шакллантиришни ўзида мужассамлаштирган илмий концепцияни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бугун у йўқ демоқчи эмасмиз. Албатта улар мавжуд, аммо улар тарқоқ, тизимга келтирилмаган. Айримлари реал ҳаёт билан уйғунлаштирилмаган. Шунинг учун ҳам уларнинг таъсирчанлиги деярли сезилмайди. Ташқаридан ўтказилаётган таъсирлар эса жадаллик билан оммавийлашиб кетмоқда. Бу таъсирлардан ҳимояланишимизга барча имкониятларимиз бор, фақат улардан самарали фойдаланишимиз учун миллатимиз олдидаги масъулиятимизни англашимиз ва унинг истиқболи ҳақида ҳозирдан қайғуриш руҳиятини оммалаштиришимиз лозим бўлади. Бунинг учун миллий тарбияни ривожлантиришга эътибор қаратишимиз лозим.

Бу борада қуйидаги йўналишларда амалий фаолият кўрсатиш зарур бўлади:

биринчидан, миллий онгни ривожлантириш, миллатдошларимиз айниқса, ёшларимизга миллий ўзлигини англаштириш, уларда миллий ифтихор, ғурур ва миллатимизга эътиқод туйғуларини шакллантириш;

иккинчидан, миллий мерос, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни миллатимиз вакилларининг маънавий ва ахлоқий юксалтиришнинг зарурий эҳтиёжига айланишига эришиш, дунёвий илмларни чуқур эгаллашга қаратилган руҳият ва илҳомини шакллантириш;

ўчинчидан, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдири, манфаати учун дахлдорлик ва масъулиятни англаш, унинг хавфсизлиги ҳамда барқарор тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатишда баҳамжиҳат фаолият олиб бориш ҳамда ҳар бир миллатдошимизнинг ҳаёти мазмунидаги энг муҳим маънавий эҳтиёжларига айланишига эришиш;

тўртинчидан, миллатдошларимизда миллий ахлоқий қадриятларга эътиқодни мустаҳкамлаш, уларни эъзозлаш, ривожлантириш ҳамда уларнинг бой, жозибали, гўзал ва устун эканлигини ҳис этишга эришиш, миллий обрўси, керак бўлганида ҳимоя қилиш каби ҳар қандай миллат учун умумий бўлган қадриятларни, садоқат туйғуларининг мустаҳкам бўлишига эришиш кабилардир.

Аслида, юқорида келтирилганларнинг барчасини амалга ошириш

ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган ва бу ҳақида кўплаб мақолалар ёзилган, улар барча миллат вакиллари олдида турган янги вазифалар эмас. Миллат бор экан уларнинг муҳим вазифа сифатидаги моҳияти йўналиши сақланиб қолаверади.

Улар ҳақида яна такрарлашимизнинг иккита сабаби бор. Биринчиси, глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллий маънавиятимизнинг ташқи таъсирларга мойиллиги кучаётганлиги, унинг оқибатлари реал ҳаётимизда акс этаётганлиги ва бу жараёнга нисбатан умуммиллий бепарволикнинг юзага келаётганлиги бўлса, иккинчи сабаби, билиб-билмасдан оммавий маданиятни тарғиб қилишнинг ривожланаётганлиги, ёшларимиз уни ўзлаштиришга интилишининг кучаётганлигидир.

Бундай жараён мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритганлиги натижасида ҳар бир инсон, шахс, индивид учун вужудга келган шарт-шароитлар таъсирида яна ҳам оммавий тус олаётганлиги муносабати билан маънавий хавотир уйғотиши табиийдир. Унинг олдини олишда миллий маънавий иммунитетни шакллантиришнинг асосий воситаси бўлган миллий тарбияни ҳар қачонгидан ҳам сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришни талаб этмоқда.

Аслида миллий тарбия олиб борилмоқда, уни амалга оширишнинг имкониятлари ва воситалари ҳам бисёр. Хўш, унда нега юқорида кўрсатилган муаммолар камайиши ўрнига нега ривожланмоқда, оммавийлашиб бутун маънавиятимизга таъсир этмоқда?

Фикримизча, биз олиб бораётган миллий тарбияга қараганда, ташқаридан ўтказилаётган таъсирлар кучлироқ, унинг моддий асоси ҳам кучлироқ, уни олиб бориш услуби кўринишидан оддий ва содда бўлса ҳам амалда таъсирчанлигининг сифат жиҳатидан диққатни тортадиган даражада ва ниҳоят ёшларнинг ҳис-туйғуларини осонгина эгаллашга қаратилган. Шу боис ҳаётий тажрибага эга бўлмаган кўпгина ёшлар тўқликка шўхликни алмаштираётган аксарият мустақиллик йилларида шаклланган янги «ўзбеклар»имизнинг айримлари ана шу таъсирларга ҳозирги замоннинг янги маънавияти сифатида қарамоқдалар ва уларни қабул қилмоқдалар ҳамда оммавийлашувида иштирок қилмоқдалар.

Тарбияни олиб боришда қатнашаётган оммавий ахборот воситаларимизнинг тарбиявий йўналишдаги фаолияти бугунги эҳтиёждан орқада қолмоқда. Улар дунёда содир бўлаётган воқеа, ҳодиса, жараён ёхуд маънавият, ахлоқ соҳасидаги янгиликларни республикамиздаги барча инсонлар, айниқса ёшлар хабар топиб, эскирган дан кейингина эфирга ёки кўрсатувга олиб чиқмоқдалар. Бу ўз навбатида оммавий ахборот воситаларимизнинг таъсирчанлигига пу-

тур етказмоқда. Шу билан бирга тарбиявий ишларимизнинг эҳтиёжimiz даражасида самара бериши ҳам орқада қолмоқда. Бундай муаммони ҳал қилиш учун эса:

биринчидан, оммавий ахборот воситаларимиз фаолиятини тубдан яхшилаш, уни етук, дадил, ўз фикрига эга бўлган, мустақил ижод қилишга қурби етадиган маънавиятимиз, миллий менталитетимизни яхши эгаллаган фидоий кадрлар ҳисобига бойитиш;

иккинчидан, оммавий ахборот воситалари реал ҳаётдан орқада қолмаслиги, унинг ҳар бир хабари, кўрсатаётган кўрсатувлари маънан бой, мазмунан миллий, ранг-баранг, хориждаги кўрсатувларга эҳтиёж қолдирмайдиган даражасида бўлишига эришиш;

учинчидан, дунёни забт этаётган интернетда миллий маънавиятимиз, ўзимизга хос бўлган урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларимиз давлат ва жамоат арбобларимиз, миллатимиз фидоийлари, олимлар, санъаткорлар оддий инсонларимизни миллий меросимизни ўзида акс эттирадиган сайтларни кўпайтиришга эътиборимизни қаратиш;

тўртинчидан, таълимнинг барча босқичлирида айниқса, олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишга, эътиборни яна ҳам оширишимизга эҳтиёж ошиб бормоқда. Нега, олий таълим тизимида уларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш керак? Чунки уни тамомлаб, у ёки бу соҳада мутахассис бўлган ҳар бир ёш эртага маълум бир жамоада меҳнат қилишга киришади, у жойда одамлар, ёшлар билан мулоқотда, муносабатда бўлади, ўзининг фикр-мулоҳазаси, дунёқараши, билими билан жамоага таъсир ўтказади. Агар у чиндан ҳам олий таълим тизимида, фалсафа, сиёсатшунослик, Ватан тарихи, миллий истиқлол ғояси, иқтисодиёт ёки бошқа фанлардан тегишли билимни олган бўлса, албатта у томонидан эгаллаган билим умумжамоанинг мулкига айланиб боради. Бунинг эса тарбиявий самараси ниҳоятда катта бўлади. Шунинг учун ҳам олий таълимда ижтимоий фанларни ўқитишга эътиборни ошириб боришга зарурият кучаймоқда.

Бешинчидан, бугунги информацион хуружнинг авж олиши шауроитида таълимнинг барча тизимларида тарбиявий жараёнларга ўқувчи ва талаба ёшларнинг ўзларини кенг жалб қилиш, ўқув даргоҳларида кийиниш, юриш-туриш ва ахлоқий қадриятларни оммавийлаштиришда уларга ёрдам беришни кучайтиришга эҳтиёж ошиб бормоқда. Шунинг билан бир қаторда ўзингни яхши билмоқчи бўлсанг ўзга билан солиштир тамойили асосида миллий урф-одат, анъана ва ахлоқий қадриятларимизни ўқувчи ва талаба ёшлар онги ҳамда қалбига сингдиришда бошқа халқларнинг ўз урф-одат, анъана

на ва қадриятларини қай даражада улуғлаётгани, дунё халқлари ўрта-сида оммавийлаштириш борасида ўз маблағлари, куч-қувватларини аямаётганликларига бағишланган давра суҳбатлари ўтказишда мутахассислар билан бир қаторда ўқувчи ва талабаларни ҳам кенг жалб қилиш олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг самарали бўлишга ёрдам беради.

Олтинчидан, жамоатчилик ташкилотларининг миллий тарбиядаги фаоллигини ошириш ҳам бугунги глобаллашув даврининг энг долзарб вазифасига айланиб бормоқда. Хусусан, республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ва маънавий тарғибот маркази, уларнинг жойлардаги ташкилотлари, маҳаллалар, ёшлар ташкилотлари ҳамда турли маънавий-маърифий марказлар фаолиятини фаоллаштиришга ҳам эҳтиёж ошиб бормоқда. Улар республикамызда шу даражада кўпки, баъзан улар томонидан амалга оширилаётган тадбир ҳақида хабар топасан, аммо самараси реал ҳаётда деярли сезилмайди. Уларни ихчамлаштириш, самарали фаолият олиб борадиган марказларга айлантириш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим бўлади.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, миллий-маънавий глобаллашув тажовузи кучайиб бормоқда. Бу эса миллий тарбияни олиб боришнинг барча имкониятларидан самарали фойдаланиш заруриятини кучайтирмоқда. Ҳамма муаммо унга қарши курашда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишимиз билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Имкониятлар эса катта. Бугун улардан фойдаланган ҳолда миллий тарбиянинг турли шакллари, услублари ва воситаларидан самарали фойдаланиш лозим бўлади. XXI асрда миллатимизнинг тараққий қилган миллатлар қаторидан муносиб ўрин олиши, унинг бугун жаҳон тамаддуни тизимига тенглар ичида тенг бўлиб кириб бориши ва унинг ривожланишига аждодларимиз каби ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишга эришимиз миллатимизни миллий-маънавий глобаллашув таъсиридан асраб қолишимизга боғлиқ бўлиб қолади.

СҮНГСҮЗ

Глобаллашув ва миллат муносабатлари ўта мураккаб жараён эканлигини юқорида келтирилган назарий ва эмперик материаллар таҳлилида кўриб ўтдик. Улардан маълум бўлдики, глобаллашув таъсиридан бирорта миллат ёки халқнинг қутулиши ниҳоятда чеклиниб бормоқда. Унинг бугун ер куррасида яшаётган барча миллат, элат, халқларни ўз домига тортиши авж олмоқда. Бу жараённинг миллат, элат ва халқлар учун хатарли томони шундаки, унда тенгсизлик тамойили устувор даражага кўтарилиб, моддий, техникавий ва технологик имкониятлари юксак ривожланган мамлакатлар халқларининг бундай имкониятларга эга бўлмаган миллат, элат ва халқларини ўзларига қарам қилиш жараёнларини кучайтириб бормоқда. Бу жараённинг авж олиши оқибатида бугуннинг ўзида ривожланган мамлакатларнинг жаҳон миқёсида амал қилаётган сиёсий, иқтисодий маънавий-маърифий соҳалардаги сиёсатни белгилаб бериш имкониятини қўлга киритишга муваффақ бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ана шундай шароитда гарчанд глобаллашув жараёнини «жиловлаш» имконияти бўлмасада, миллатни асраш унинг ўзига хос хусусиятлари ва тароватини ҳимоя қилиш ўзлигини англаган ёки англашга интилаётган ҳар бир миллат олдида турган энг долзарб вазифага айланиб бормоқда. Чунки сон жиҳатидан кичик бўлган бир миллатнинг ўзга миллатларга қўшилиб кетишининг ўзи бу ёруғ олам учун маънавий қашшоқлашувнинг белгиларидан бири ҳисобланади. Зеро, оламнинг турли-туманлиги, миллат ва элатларнинг ўзига хослигидан инсон завқланади, ундан баҳра олади, уни ўзлаштиришга бўлган қизиқишини уйғотади ва унга интилиб яшашга туртки бериб туради. Шу тариқа инсониятнинг истиқболга интилиши ва маънавий бойиш жараёнининг узлуксизлиги давом этаверади. Шу маънода глобаллашувнинг кам тараққий қилган мамлакатлар иқтисодийнинг ривожланишига ўтказётган таъсири қанчалик ижобий бўлмасин, вақт ўтиши унинг миллат маънавияти емирилишига ўтказган салбий таъсирининг ўрнини тўлдириш учун вақт ва имкониятнинг қўлдан кетиб қолишининг олдини олиш учун бугундан ҳаракат

қилиш зарур бўлади. Бунинг учун эса, энг аввало глобаллашув тушунчаси, унинг маъно-мазмунини, унинг табиати, таъсир ўтказиш имкониятлари, бунинг оқибатида жаҳон миқёсида юзага келиши мумкин бўлган геополитик ўзгаришлар, уни сиёсий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш, мамлакатлар ва уларда яшаётган миллатлар ҳамда халқлар ўртасидаги муносабатларнинг истиқболлари ҳақида чуқур изланишлар олиб бориш зарур бўлади. Глобаллашув жараёнининг авж олиши шароитида миллат тақдири ва унинг истиқболи масаласи алоҳида фундаментал изланишни талаб қиладиган йўналишни ташкил қилади. Мазкур китобда кўриб ўтдикки, бугун бир томондан баъзи тадқиқотчилар «миллатни сиёсатчилар ўйлаб чиқарган тушунча» деса, бошқалари «бу сиёсий шиор ва сафарбар қилувчи восита, аммо у илмий тушунча эмас» деган ғояни илгари сурса, яна бировлари ҳатто, «уни илмий истеъмолдан чиқариб ташлаш керак» деган фикрларни илгари сурмоқдалар. Бундай муносабатлар ўзи шундоқ ҳам миллатларнинг эркин ривожланиши мураккаблашиб бораётган шароитда назарияда иккиланишларга, амалиётда эса миллатлараро ҳадиксираш ва ишончсизлик руҳиятининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Аммо тадқиқотимиз давомида кўрдикки, инсоният бор экан, миллат ҳам мавжуд бўлади. Чунки, ҳар бир инсоннинг чинакам инсонийлигининг муҳим белгиларидан бири ва мавжуд бўлишининг шартларидан бири ҳам унинг қайсидир миллатнинг вакили эканлигини ҳис эта билишида намоён бўлиб қолаверади. Миллатнинг ўлиши муқаррар равишда инсоннинг ўлишига ҳеч бўлмаганда жисмонан ҳаёт бўлганда ҳам маънан ўлишига олиб келади. Бу боқий дунёда миллат ўлса нима қолади? Агар бу содир бўлгудек бўлса, ер кўрасидаги инсонлар ҳаётида моддий бойликлардан баҳра олиш, у билан яшаш, ҳаёт кечириш умумий мезонга айланади. Бунинг оқибатида истиқболда ўзлигидан маҳрум бўлган манқуртлашган одамлар бирлиги юзага келиши мумкин бўлади. Худди мана шу боисдан ҳам глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллатни асраб қолиш, унинг ўзига хослигининг бир қолипга солинишидан ҳимоя қилишнинг имкониятларини излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш амалий аҳамиятга молик бўлиб қолади.

Тадқиқотимиз давомида яна бир ўта мураккаб муаммонинг юзага келаётганлигини кўрдик. У ҳам бўлса бир томондан, жаҳон миқёсида айрим тараққий қилган мамлакатларда титул миллатнинг эмигрантларга нисбатан юмшоқ қилиб айтганда ҳурматсизлиги ошиб бормоқда. Уларни сиқиб чиқаришга қаратилган хатти-ҳаракатлар кучаймоқда, иккинчи томондан эса ўша эмигрантларнинг замини-

да мавжуд бўлган бойликларни турли баҳона, йўллар билан ўзлаштиришга бўлган интилишлар ҳам кучайиб бормоқда. Гўё эмигрантларнинг тараққий қилган мамлакатларда яшашлари титул миллат истиқболи учун хавфли эмиш-у, уларнинг ерости ва бошқа бойликлари хавфли эмас эмиш. Бундай тенденциянинг ривожланиш истиқболида миллатлараро муносабатларда зиддиятлар келиб чиқиши учун манбалардан бирига айланиши мумкин. Шу маънода ҳам бугун жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни доирасида миллатлараро тенг ҳамкорликнинг асоси бўлган толерантлик руҳиятини шакллантириш вазифаси ҳам тобора долзарблигини намоён қилмоқда.

Глобаллашувнинг миллатга ўтказаетган тажовуздан ҳимояланиш барча миллат ва элатлар учун муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳали ҳам кеч эмаски, миллатни ана шу тажовуздан ҳимоя қилиш имкониятлари мавжуд. Ана шундай имкониятлардан бири миллий ривожланиш ғояси концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш ҳисобланади. Бу концепциянинг зарурияти шундаки, ғоя ва мафкуралар турли-туманлиги ҳамда улар ўртасида зиддиятлар кучаяётган бир шароитда у миллатни нафақат бирлаштиради, шунингдек унга истиқболнинг хавф остида эканлигини англади, унда ўз келажаги учун фидойи бўлиш руҳиятини ҳам шакллантиради. Бу ғоянинг амалий томони шундаки, у миллатни ўтмиш ва бугун билан эмас, балки эртанги кун истиқболи учун масъул бўлишини англашига ғоявий асос бўлади.

Глобаллашув жараёнининг авж олиши миллат тараққиётига қанчалик хавф солмасин унга қарши тура оладиган миллий омиллардан самарали тарзда фойдаланиш имкониятларини ишга солишнинг аҳамияти ошиб боради ва бу ўз навбатида миллатнинг инсон гўзаллигининг гултожи сифатида сақланиб қолишига ёрдам бериб бораверади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

МУҚАДДИМА

1. **Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил). –Т.: «Ўзбекистон», 2007, 30-бет.

Биринчи боб.

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

«Глобаллашув» тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти

1. Қаранг: <http://www.wordwidewar>
2. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004, 92-бет.
3. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. –Т.: «Академия», 2005, 81-бет.
4. Ўша манба. 8-бет.
5. (worldwide.war.ru/2003-2004) <http://www.wordwidewar.ru>
6. Ўша манба.
7. Қаранг: **Л.Е. Гринин.** Глобализация и национальный суверенитет. История и современность. –М.: №1, 2005, с. 8–11.
8. Ўша манба.
9. Қаранг: <http://www.kisi/old/parts/glovaletz/12-29-01cosilhenko.htm>
10. Глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь. –Москва-Санкт-Петербург-Нью-Йорк. 2006, с. 163.
11. Қаранг: **Баҳодир Зокир.** Глобаллашув зиддиятлари. –Т.: «Тафаккур» журнали, 2004, 1-сон.
12. Қаранг: **Холбеков М.** Адабиётда глобаллашув жараёни. –Т.: «Тафаккур» журнали, 2006, 4-сон.
13. Қаранг: **Идиоров У, Тошхўжаев С.** Халқаро глобаллашувнинг чуқурлашуви. – Т.: «Жамият ва бошқарув» журнали, 2007, 2-сон.

14. Қаранг: Муҳаммаджон Холбеков. Адабиётда глобаллашув жараёни. –Т.: «Тафаккур» журнали, 2006, 4-сон.
15. Глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь. –Москва-Санкт-Петербург-Нью-Йорк: 2006, 163-бет.
16. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004, 169-бет.
17. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. –Т.: «Шарқ», 2004, 162-бет.
18. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004, 167-бет.
19. Ўша манба. 126-бет.

Глобаллашув жараёнида миллат

20. Қаранг: **П.М. Рогачев, М.А. Свердлин.** О понятии «нация», «Вопросы истории», 1966, №1; **М.С. Джунусов.** Нация как социально-этническая общность людей. Там же, №4; **С.Т. Калтахчян.** К вопросу о понятии «нация» государственность. Там же, №9; Т.б. **Т.Ю. Бурмистрова.** Некоторые вопросы теории нации. Там же, №12; **В.И. Козлов.** Некоторые проблемы теории нации. Там же – 1967; **И.П. Цамерян.** Актуальные вопросы марксистско-ленинской теории нации. Там же, №5 ва бошқалар.
21. **Маркс К.** ва **Энгельс Ф.** Уч томлик танланган асарлар. 1-том. –Т.: «Ўзбекистон», 1980, 111-бет.
22. Ўша асар. 125-бет.
23. **Ленин В.И.** Тўла асарлар тўплами. 26-том, 83-бет.
24. Ўша жойда. 30-том, 26-бет.
25. Қаранг: Социологические исследования. №12, 1992, с. 123.
26. **Сорокин П.А.** Проблема социального равенства., **Сорокин П.А.** Человек, цивилизация, общество. –М.: 1992, с. 248.
27. Тишков В.А. Постсоветский национализм и российский антропологии – Постсоветское пространство: этнополитические проблемы. /«Круглый стол»/. – Социологические исследования. №1, 1997, с. 52.
28. **Яковенко И.Г.** Описание категорий и явлений. – Политические исследования. №6, 1996, с. 118.
29. **Хоназаров Қ.** Миллат назариясига танқидий назар. –Т.: «Миллий тикланиш», 1998, 16-июн.
30. **Геллнер Э.** Нации и национализм. – Вопросы философии. №7, 1989, с. 124.
31. **Рогачев П.М., Свердлин М.А.** Нации – народ человечество. –М.: «Политиздат», 1967, с. 12.
32. **Джунусов М.С.** Введение в марксистско-ленинскую теорию нации. Ашхабад: Ёлым, 1988, с. 291.
33. **Калтахчян С.Т.** Ленинизм о сущности нации и пути образования интернациональной общности людей. –М.: Издательство МГУ, 1976, с. 74.
34. **Калтахчян С.Т.** Марксистско-ленинская теория нации в современности. –М.: «Политиздат», 1983, с. 189.
35. **Куличенко М.И.** Расцвет и сближение нации в СССР. Проблемы

теории и методологии. –М.: «Мысль», 1981, с. 71.

36. **Баграмов Э.А.** Национальный вопрос в борьбе идей. –М.: «Политиздат», 1982. **Цамерян И.П.** Национальные отношения в СССР. –М.: «Мысль», 1987, 15-бет.

37. **Глезерман Г.Е.** Классы и нации. –М.: «Политиздат», 1977, 19-бет.

38. Қаранг: **Р. Убайдуллаева, О. Отамирзаев, М. Ғаниева, Ў. Қаюмов.** Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги (социологик тадқиқот). –Т.: 2004.

39. **Римский – Корсоков Н.А.** Летопись моей музыкальной жизни. –М.: 1955, 217-бет.

40. **Каримов И.А.** Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: «Ўзбекистон», 1993, 78-бет.

Глобаллашувнинг миллий ривожланишга ўтказётган таъсири ва унинг оқибатлари

41. Қаранг: «Известия», 1998, 22-август.

42. Қаранг: [http://WWW.archipelag.ru/agehda/strateg/povestka – USA/amerigan-gtntry/globaersation](http://WWW.archipelag.ru/agehda/strateg/povestka-USA/amerigan-gtntry/globaersation)

43. Қаранг: «Труд», 2005, 27-декабр.

44. Қаранг: «Аргументы факты», 2007, 13-бет.

45. Қаранг: «Аргументы и факты», 2006.

46. Қаранг: «Аргументы факты», 2007, 13-бет.

47. Қаранг: «Халқ сўзи», 2007, 1-декабр.

48. Қаранг: Сўров ТошКТИ, «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедраси томонидан ўтказилди ва таҳлил қилинди.

49. Қаранг: –Т.: «Тафаккур» журналы, 2006, 18–23-бетлар.

50. Ўша жойда, 23-бет.

Глобаллашувнинг миллатлараро муносабатларга таъсири

51. Фалсафа қомусий луғат. 269–270-бет.

52. «Ўзбекистон овози» газетаси, 2007, 9-январ.

Иккинчи боб

МИЛЛАТНИ ГЛОБАЛЛАШУВ ТАЖОВУЗИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ

Миллий ривожланиш ғояси миллатни глобаллашув тажовузидан ҳимоя қилишнинг назарий асоси

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атама-лар. (қисқа изошчи тажрибавий луғат). –Т.: «Янги аср авлоди», 2002, 73-

бет.

Миллий ривожланиш ғоясининг асосий йўналишлари ва тенденциялари

2. Қаранг: Сўров ТошКТИ, «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедраси томонидан ўтказилди ва таҳлил қилинди.

3. Фалсафа қомусий луғат. 416-бет.

4. Ўша манба. 256-бет.

5. Қаранг: **Мусаев Ф.** Шарқона демократия – тажриба ва анъаналар тажассуми. –Т.: «Тафаккур» журнали, 4 сон, 2006, 12-бет.

6. Ўша жой. 17-бет.

Миллий ўзлиқни англаш ривожланиши заруриятининг кучайиши

7. **Садулла Отамуратов, Сарвар Отамуротов.** Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. –Т.: «Янги аср авлоди», 2003 йил.

8. **Аҳмедов Б.** Ўзбек улуси. –Т.: 1992; Исо Джабборов. Узбеки. –Т.: «Шарқ», 2007; Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлар аро муносабатлар. –Т.: «Ўзбекистон», 2004; Мама Назаров Н. Мустақиллик ва миллий этник жараёнлар. –Т.: 2004; Каримов И. Миллат шаъни. –Т.: «Янги аср авлоди», 2005; Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. –Т.: 2004; Қўчқоров В. Миллий ўзлиқни англаш ва ижтимоий сиёсий жараёнлар. –Т.: «Академия», 2007; Иброҳимов В. Биз ким ўзбеклар. –Т.: «Шарқ», 1999; Шониезов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. (Миллий давлатчилигимиз ҳақида мулоҳазалар) –Т.: «Шарқ», 2001 йил.

9. **Шувалов Б.А.** Человек в системе национальных отношений (философско – социологические аспекты проблемы). Автореф. Дисс. На соискан. Учен. Степени д.ф.н. –М.: 1980.

10. **Хабибуллин К.Н.** Национальное самосознание и интернационалистическое поведение. –Л.: «Знание», 1998.

11. Қаранг: Ўша манба. 6-бет.

12. Ўша жойда.

13. **Р.Убайдуллаева, О. Отамирзаев, М. Ғаниева, Ў. Қаюмов.** Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги. (социологик тадқиқот) Ўзбекистон республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази. (ЎзЖФЎМ.) –Т.: 2004.

14. Маълумотлар ўша манбалардан олинди. 38–42-бетлар.

Глобаллашувнинг миллатчилик ва шовинизм руҳияти ривожига таъсири

15. **Баграмов Э.А.** Национальный вопрос в борьбе идей. –М.: «Политиздат», 1982.

16. **Джунусов М.С.** Вопросы теории интернационального воспитания.

- Т.: «Ўзбекистон», 1980, 101-бет.
17. **Калтахчян С.Т.** Ленинизм о сущности нации и пути образования интернациональной общностей людей. –М.: МГУ, 1976.
18. **Иордан М.В.** Интернационализм против национализма. –М.: «Наука», 1980.
19. **Турсунов А.** Феномен национализма. «Правда», 1988, 5 май.
20. **Глезерман Г.Е.** Классы и нации (изд. 2-е). –М.: «Политиздат», 1977.
21. **Джунусов М.С.** Вопросы теории интернационального воспитания. –Т.: «Ўзбекистон», 1980, 97-бет.
22. **Калтахчян С.Т.** Ленинизм о сущности нации и пути образования интернациональной общности людей. –М.: МГУ, 1976.
23. **Хмара Н.И.** Буржуазный национализм и милитаризм. –М.: 1986.
24. **Иордан М.В.** Интернационализм и национализм. Анализ логика их противоборства в современную эпоху. Автореф. на соиск док филос наук. –М.: 1987.
25. **Джунусов М.С.** Вопросы теории интернационального воспитания. –Т.: «Ўзбекистон», 1980.
26. Қаранг: Қисқача сиёсий луғат (тузувчилар: Л.А. Оников ва Н.В.Шишлин). рус тилидаги нашрдан таржима. –Т.: «Ўзбекистон», 1983.
27. Вопросы философии. №9, 1988.
28. **Турсунов А.** Феномен национализма. «Правда», 1988, 5 май.
29. Қаранг: Актуальные проблемы развития национальных отношений, интернационального и патриотического воспитания. (Э. А. Баграмов, Ж.Г. Голатвин, Э. В. Тадевосян). –М.: «Политиздат», 1988.
30. Вопросы философии. №9, 1988.
31. Қаранг: Қисқача сиёсий луғат (тузувчилар: Л.А. Оников ва Н.В.Шишлин). рус тилидаги нашрдан таржима. –Т.: «Ўзбекистон», 1983, 390–391-бетлар.
32. Мустақиллик изоҳли илмий-оммобоп луғат. –Т.: «Шарқ», 1998, 123–124-бетлар.
33. Фалсафа қомусий луғат. 262-бет.
34. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (қисқача изоҳли тажрибавий луғат). –Т.: «Янги аср авлоди», 1996, 40–41-бетлар.
35. Қаранг: Узоқов Ҳ. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи. 1900–1940 йиллар. (журналистлар фаолияти мисолида). –Т.: 1996, 40–41-бетлар.
36. Ўша жойда.
37. Қаранг: Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. –Т.: 1993, 4-бет.
38. Қаранг: Ёқубов Февзи. Эзгуликка қўйилган ҳайкал. –Т.: «Тафаккур» журнали, 2005, 3-сон.
39. Қаранг: **Атамуратов С.** Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновления общества (социально-философский аспект) Дисс. на соиск. учен. степ. док. филос. наук. –М.: 1991.
40. Қаранг: «Звезда Востока», –Т.: №6, 1991, 132–136-бетлар.
41. Дружба народов. –М.: №11, 1989, 184-бет.

42. Ўша жойда.

43. Қаранг: **Атамуратов С.** Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновления общества (социально-философский аспект) Дисс. на соиск. учен. степ. док. филос. наук. –М.: 1991, 264–270-бетлар.

44. **Хоназаров Қ.Х.** Миллатчи тушунчаси ва унинг маъноси ҳақида. – «Фалсафа ва ҳуқуқ» журналы, 2007, 2-сон.

Миллий-маънавий иммунитет миллатни глобаллашувдан асраш омили

45. Қаранг: Фалсафа қомусий луғат. 247-бет.

46. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва атамалар. (қисқача изоҳли тажрибавий луғат). –Т.: «Янги аср авлоди», 2002, 79-бетлар.

47. Ўша жойда.

Миллатни глобаллашув тажовузидан ҳимоя қилишда миллий тарбиянинг имкониятлари

48. «Фалсафа ва ҳуқуқ» журналы, 2005, 2-сон.

49. Қаранг: «Жамият ва бошқарув» журналы, 2000, 4-сон.

50. **Юсупов Э.Ю.** Инсон камолотининг маънавий асослари. –Т.: «Университет», 1998, 119-бет.

51. Ўша жойда.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
-----------------	---

БИРИНЧИ БОБ

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА «МИЛЛАТ» МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ	6
Глобаллашув тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти	7
Глобаллашув жараёнида миллат	20
Глобаллашувнинг миллий ривожланишга ўтказаетган таъсири ва унинг оқибатлари	42
Глобаллашувнинг миллатлараро муносабатларга таъсири	60

ИККИНЧИ БОБ

МИЛЛАТНИ ГЛОБАЛЛАШУВ ТАЖОВУЗИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НАРЗАРИЙ-ҲОЯВИЙ АСОСЛАРИ	73
Миллий ривожланиш ғояси миллатни глобаллашув тажовуздан ҳимоя қилишнинг назарий асоси	74
Миллий ривожланиш ғоясининг асосий йўналишлари ва тенден- циялари	92
Миллий ўзликни англаш ривожланиши заруриятининг кучайиши	112
Глобаллашувнинг миллатчилик ва шовинизм руҳияти ривожига таъсири	137
Миллий-маънавий иммунитет миллатни глобаллашувдан асраш омили 162	
Миллатни глобаллашув тажовуздан ҳимоя қилишда миллий тар- биянинг имкониятлари	177
Сўнгсўз	193
Изоҳлар	196

САДУЛЛА ОТАМУРАТОВ

Илмий-услубий нашр

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛАТ

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Тех. муҳаррир
Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Насиба ЮСУПОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 25.02.2008 й.да рухсат этилди. Бичими 60х90 1\16.
Босма тобоғи 12,75. Шартли босма тобоғи 12,75.
Адади 1000 нусха. Буюртма № ____.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 368-36-89;
Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 173-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru